

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«УМУМИЙ ИҚТИСОДИЁТ » КАФЕДРАСИ**

**«ПУЛ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР » ФАНИДАН**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНЛАРИ**

Тузувчи: Бекмухамедова Б.Ў

**Гулистан**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	4
1. МАВЗУ. ПУЛНИНГ МОҲИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ .....	6
Пулнинг келиб чиқиши тарихи .....	6
Пулнинг моҳияти ва зарурлиги .....	9
Пул турлари .....	11
Бозор иқтисодиётида пулларнинг функциялари .....	15
2. МАВЗУ. ПУЛ НАЗАРИЯСИ ВА ПУЛ АЙЛАНИШИ .....	22
Пулнинг назариялари .....	22
Пул айланиши ва унинг моҳияти .....	28
Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш асослари .....	36
3. МАВЗУ. ПУЛ МАССАСИ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИ ҚОНУНИ .....	45
Пул муомаласи қонуни ва унинг моҳияти .....	45
Пул массаси ва пулнинг айланиш тезлиги .....	47
Пул муомаласини тартибга солиш усуллари .....	51
4. МАВЗУ. ПУЛ ТИЗИМЛАРИ .....	54
Пул тизими ва унинг турлари .....	54
Ривожланган мамлакатларда пул тизими .....	58
Ўзбекистон Республикаси пул тизими .....	60
5. МАВЗУ. КРЕДИТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ .....	65
Ссуда капитали ҳаракати, унинг хусусиятлари, ссуда капитал бозори .....	65
Кредит муносабатлари ривожланишининг асосий босқичлари .....	68
Кредитнининг моҳияти ва функциялари .....	70
Кредитнинг асосий шаклларига тавсифнома .....	77
6. МАВЗУ. КРЕДИТ ТИЗИМИ ВА КРЕДИТ БОЗОРИ .....	84
Кредит тизими, унинг таркибий қисмлари .....	84
Ихтисослашган нобанк кредит тизими .....	85
Кредит бозори хусусиятлари .....	86
7. МАВЗУ. МОЛИЯ ВА МОЛИЯ ТИЗИМИ .....	88
Молиянинг ижтимоий иқтисодий моҳияти .....	88
Молиянинг функциялари .....	94
Молия тизими ва унинг бўғинларига тасниф .....	100
8. МАВЗУ. КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ .....	105
Корхоналар молиясининг моҳияти .....	105
Корхоналар молиясининг ташкил этишнинг тамойиллари .....	109
Корхонанинг молия ресурслари .....	111
9. МАВЗУ. БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ВАЗИФАЛАР .....	115
Банкларнинг келиб чиқиши ва моҳияти .....	115
Банкларнинг функциялари ва тамоиллари .....	117
Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш босқичлари .....	119

<b>10. МАВЗУ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ВА ОПЕРАЦИЯЛАРИ.</b>	122
Тижорат банкларининг иқтисодий аҳамияти ва вазифалари.	122
Тижорат банкларининг пассив операциялари.	129
Тижорат банкларининг актив операциялари.	132
Банкнинг комиссион (воситачилик) ва траст операциялари.	139
Тижорат банкларнинг инвестицион фаолияти ва сиёсати.	141
Тижорат банкларининг молиявий хизматлари ва халқаро операциялари.	146
<b>11. МАВЗУ. ИНФЛЯЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА КЎРИНИШ ШАКЛЛАРИ.</b>	150
Инфляциянинг моҳияти ва унинг юзага чиқиш шакллари.	150
Инфляциянинг шакллари ва турлари.	151
Инфляциянинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари.	154
Инфляциянинг барқарорлаштириш усуслари.	156
<b>12. МАВЗУ. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.</b>	159
Қимматли қоғозларнинг моҳияти ва уларнинг асосий турларига тасниф.	160
Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва уларнинг турлари.	167
Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти ва унинг таркибий тузлмаси.	171
Листинг ва делистинг жараёнлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар.	177
<b>13. МАВЗУ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА ВАЛЮТА ТИЗИМИ.</b>	180
Халқаро валюта муносабатлари ва валюта тизими.	180
Жаҳон тизимининг ривожланиш босқичлари.	183
Европа валюта тизими.	188
<b>14. МАВЗУ. СУҒУРТАЛАШ ВА СУҒУРТА ИШИ.</b>	197
Суғуртанинг вужудга келиши.	197
Суғуртанинг иқтисодий табиати.	200
Суғурта шакллари тушунчаси.	203
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.</b>	209

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизация қилиш жараёнлари ва мамлакатимизни Евро Осиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда Умумжаҳон савдо ташкилотлари билан олиб бораётган алоқалари бевосита амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатига боғлиқ. Чунки пул-кредит тизими мамлакат иқтисодиётини маблағ билан таъминловчи ва иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини белгиловчи инфратузилма бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз пул-кредит тизими фаолиятига ўзининг доимий эътиборини қаратиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А.: “Учинчидан, молиявий-иктисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши қўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада — мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификатсия ва рақобатга бардошлиқ даражасига боғлиқ” деб алоҳида таъкидлаган<sup>1</sup>.

Шунинг учун «олдимизда турган вазифаларни бажариш, иқтисодиётимизда мавжуд бўлган кўпгина муаммоларни ечиш учун банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштишимиз ва кенгайтишимиз даркор»<sup>2</sup>. Ушбу муаммоларни ҳал этиш бевосита «Пул, кредит, банклар» фанини ўрганишга боғлиқ. “Пул, кредит, банклар» фани «Банк иши» йўналишидаги талабалар учун мўлжалланган. Бу фан орқали талабалар замонавий пул, банк назарияси ва молиявий бошқарув, қимматли қоғозлар билан операциялар, банклар томонидан пул муомласини бошқаришнинг назарий асосларини ва амалий услубларини ўрганадилар. Бундан ташқари замонавий молия-кредит назариясида Ўзбекистон республикасида иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш жараёнлари бўйича қабул қилинаётган қарорлар самарадорлигини баҳолшнинг йўллари ва методлари кўриб чиқилади.

<sup>1</sup> И.Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 6 б.

<sup>2</sup> И.Каримов. Янгиланиш ва баркарор тараккиёт йулидан изчил харакат килиш, халкимиз учун фаровон турмуш шаотини яратиш- асосий вазифамиздир. «Халк сузи» 13 февраль 2007 йил.

“Пул, кредит, банклар” фанини мақсади талабаларни пул-кредит соҳаси қонуниятлари, уни ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги тутган ўрнини ўргатишдан иборат. Шу билан бирга «Пул, кредит, банклар» фанининг вазифалари бўлиб талабаларга замонавий пул, кредит ва молия назариясини ўргатиш; пул-кредит муносабатларини ва ривожланиш йўналишларини ўргатиш; хозирги замон пул-кредит тизими қонуниятларини таҳлил этиш; инфляция ва уни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш ва уларни бошқаришни кўрсатиб бериш ҳисобланади.

## **1-МАВЗУ: ПУЛНИНГ МОҲИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

**Ажратилган соат - 4 соат**

**Асосий саволлар:**

- 1. Пулнинг келиб чиқиши тарихи**
- 2. Пулнинг мөҳияти ва зарурлиги**
- 3. Пул турлари**
- 4. Бозор иқтисодиётида пулларнинг функциялари**

### **1- савол баёни: Пулнинг келиб чиқиши тарихи**

Аввало, сотиб олинадиган неъматларнинг турлари ва миқдорини, битимни амалга ошириш вақти ва жойини, шунингдек, битим бўйича контрагентларни танлашдаги чиқимларни тежашга пуллар ёрдамида эришилади.

**Бартерли** (мавозали) иқтисодиётда бундай чиқимлар шунчалик кўп бўлиши мумкин эди, бу амалда ҳар қандай айирбошлиш ҳаракатларини амалга оширишни истисно қилиб, меҳнат тақсимоти энг кам миқёс касб этган бўларди ва фаолиятнинг кўпгина турлари аслида вужудга келмас эди. Акс ҳолда шундай бир иқтисодиёт ташкил топган бўлардики, унда, масалан, сочини олдирмоқчи бўлган иқтисодчи иқтисодиёт бўйича маъруза тингламоқчи бўлган сартарошни излашига тўғри келарди. Айтайлик, янги пальто тикдирмоқчи бўлган актер бунинг учун унинг фильмларда ўйнаган роллари билан қизиқувчи тикувчини топиши керак бўларди ва ҳоказо.

Пуллар потенциал шериклар хоҳиш-истакларининг шу тарзда жуфтлик ҳолдаги мос келиши заруратини бартараф этади ва битимларни амалга ошириш жойи ва вақтини, айирбошланадиган неъматлар сифати ва миқдорини, битим бўйича шерикларни қайишқоқлик билан танлашга имкон беради ва ҳоказо.

Неъматлар қимматини ўлчашдаги чиқимларнинг катта қисми пуллар ёрдамида тежалади. Умумий эквивалент хусусида келишувга эришилган иқтисодиётда индивидлар айирбошланадиган пропорцияларни осонлик билан тузиши мумкин. Агар иккита товарнинг нархи маълум бўлса, унда уларнинг нисбий қиммати ҳам аниқ бўлади.

Шуни таъкидлаш зарурки, товар айирбошлиш муносабатлари улар пайдо бўлган вақтдан бошлаб бозорда умумий эквивалент бўла оладиган, ҳамма учун мақбул қулай товарни излашни объектив равишда тақозо этган.

Маълумки, турли даврларда металлар – бронза, темир, мис, кумуш, олтин ана шундай эквивалент бўлган. Олдинига улар тақинчоқлар, қуроллар, меҳнат қуроллари ва кўпинча тасодифий шаклдаги ва миқдорлардаги кам ишлов берилган металл парчалари шаклида қўлланилган. Улар брусоқлар, новдалар, пластиналар ва ёмбилардан иборат бўлган. **Ёмбилар** билан ҳисоб-китоб қилиш учун уларни тарозида тортишга тўғри келган, лекин кўпинча ёмбиларни бирмунча кичикроқ бўлакларга бўлиш зарурати вужудга келган.

Универсал ҳисоб-китоб эквивалентига бўлган эҳтиёж эрамиздан олдинги **VIII асрдаёқ** кафолатланган вазни ва таркибли стандартлаштирилган ём билар пайдо бўлишига олиб келди. Бирмунча кейинги даврлардаги ём биларнинг айрим турлари уларни бўлакларга бўлишда қулай бўлиши учун белгили кертиклар билан ясалган. Бироқ, бундай такомиллаштиришлар барибир савдогарларни ҳисоб-китобларни амалга оширишда ём билар ва уларнинг бўлакларини тортиб кўриш заруратидан халос этмаган.

Товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва товар айирбошлишнинг кенгайиши, бундай жараёнларга кўп сонли ҳунармандлар ва бошқа қатнашчиларнинг жалб этилиши металл пулларнинг кейинги стандартлаштирилишига ва улар миқдорларининг чакана савдо эҳтиёжларига мослаштирилишига олиб келди.

Тахминан эрамиздан олдинги **XII асрда Хитойда**, VII асрда эса Ўрта ер денгизи давлатлари – Лидия ва Эгинада вазни, миқдори ва қотишмаларининг таркибиға кўра бир хилдаги металл пуллар пайдо бўлди. Улар секин-аста ишлаб чиқариш ва фойдаланиш учун қулай бўлган думалоқ шаклга эга бўлди. Улар анъанавий ём билардан бирмунча кичик ўлчамлари билан, шунингдек, уларнинг тўловга қобилиятлилиги ва асосий параметрлари (миқдори, қотишмалар таркиби, вазни) у ёки бу даражада давлат томонидан кафолатланиши ва муҳофаза қилиниши билан ажралиб турарди. Шундай қилиб, шу даврдан эътиборан **металл пуллар** хукмронлигининг узоқ даври бошланди.

Бундай пулларда **номиналлар** – металл пулнинг муайян вазни стандартини ифодаловчи ва пулларнинг номлари сифатида муҳим ўрин олган тушунчаларнинг пайдо бўлиши, ушбу пуллар эволюциясининг энг муҳим натижаларидан бири эди. Асрлар қаъридан бизгача етиб келган тангаларнинг номлари – **драхмалар**, франклар, маркалар, талерлар ва бошқа кўплаб тангалар номлари – металл пулларнинг муайян вазни моҳиятларини англатарди.

Пулларнинг ём биларда бўлмаган янги сифатлари ҳисоб-китобларни амалга оширишда уларни шунчаки оддий қайта ҳисоблашга ва вақти келиб уларни тортиб кўришдан воз кечишга имконият яратди. Белгилар ва ёзувлар шундай сифат белгилари бўлиб, улар олдинига пул бирликларининг бир томонига, кейинчалик – иккала томонига ҳам босилган.

Эрамиздан олдинги **V асрдан** бошлаб эса уларнинг мажбурий атрибулари тусини олган<sup>1</sup>.

Муомалага кирган пуллар «**монета**» («танга») деган номни Юнонанинг номларидан бири (Juno Moneta – Огоҳлантирувчи Юнона) шарафига қабул қилинган бўлиб, унинг Римдаги Капитолий тепалигидаги Юнона саройида ушбу антик давлатнинг янги зарбхонаси жойлашган бўлган. Тангаларнинг пайдо бўлиши товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ эди. Металл пулнинг энг муҳим хусусиятларидан бири - қиймат ана шу

<sup>1</sup> Каранг: Юрьев А.В., Герасимов В.М. Монета вчера и сегодня. // Деньги и кредит. 1999. №2.

воқеада ўз аксини топган. Улар муомала учун ёмбиларга қараганда анча кулай бўлиб, қисқа давр ичидаги бутун дунёда кенг оммалашиб кетди.

Танганинг кўп асрлик тарихида унинг турлари кўп марта ўзгарди, ҳар бир давр унда ўз «тамғаси»ни қолдирди.

Масалан, эрамиздан илгариги

**VII-V асрлардаги** энг қадимги тангаларда фақат бир неча оддийгина чуқурчаларни қўриш мумкин.

**V асрдан бошлаб** уларда шаҳарлар номларининг бошланғич ҳарфлари, кейинроқ - шаҳарлар номлари ва ҳукмдорлар исмларининг қисқача номлари пайдо бўлди. Қадимги Римдаги тангалардаги айрим рақамлар ва ҳарфлар тангаларнинг номиналларини билдирган. Масалан, 1 рақами бир асси (бир рим фунтига, яъни миснинг 12 унциясига тенг бўлган оғирлик ўлчамини), S ҳарфи 1F2 асосни англатган.

**Антик** Эгинанинг илк кумуш драхмалирида тошбақалар, форс шохи Дарийнинг (эрамиздан олдинги VI-V асрлар) олтин тангаларида эса - ёйдан ўқ узаётган шоҳ тасвиirlанган. Қадимги Рим тангаларида мажусийлар худолари, қаҳрамонлари ва императорлари акс эттирилган.

**Кейинги даврлар** уларнинг ўрнига қироллар, шоҳлар ва черков иерархлари суратлари тасвиirlанган. Буржуа республикалари тангаларида подшолар ва авлиёлар тасвиirlари ўрнига давлат герблари, турли белгилар ва янги тарихий ҳодисалар манзаралари акс эттирилган.

**Кўп асрлар давомида, деярли XIX асрнинг** бошига қадар кўпчилик мамлакатларнинг пул тизимларида бир хилдаги мақомга эга бўлган олтин ва кумуш тангалар параллел равишда амал қилиб келган. Бунда олтин билан кумуш ўртасидаги нархга оид ўзаро нисбат расман белгиланмаган, балки бозор механизмлари билан белгиланган. Айрим мамлакатларда эса тўлақонли олтин ва кумуш тангаларнинг амал қилиши олтин билан кумуш ўртасидаги давлат томонидан белгиланган нархга оид ўзаро нисбатга кўра юритилган.

**1816 йилдан 1900 йилгacha** мамлакатларнинг кўпчилиги олтин ёки олтин тангали стандартга ўтганлар: бу стандартда мамлакатнинг асосий пул бирлиги тўлақонли муомалада бўладиган олтин тангада зарб қилинган. Унинг номинали унинг таркибидаги олтин қийматига тенг эди. Бу даврда банкноталарнинг олтин тангаларга ҳеч қандай тўсиқсиз айирбошланиши таъминланган. Кумуш ва мис тангалар эса майда пул ролини ўйнарди. Бунда майда пулларнинг металл қиймати ҳам, одатда, у ёки бошқа даражада олтин тангага боғланар эди.

**XX аср** бошига келиб товар ишлаб чиқариш катта миқёсларга эришди ва товар массасининг ошиб бораётган ҳажмларига хизмат кўрсатиш учун тобора кўпроқ миқдордаги пуллар талаб қилинган.

**XIX асрнинг охири – XX асрнинг** бошида йирик машинали ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан товарларнинг кескин ортиб бораётган массаси билан олтин стандарт шартларига кўра амалда мавжуд бўлиши чекланган металл пулларнинг миқдори ўртасида жиддий диспропорциялар вужудга келди. Лекин олтин стандарт аксарият кўпчилик давлатларда биринчи жаҳон урушигача амал қилиб турди.

**Биринчи жаҳон** уруши бошланган вақтга келиб амалда барча мамлакатлар ҳарбий стратегик захираларни шакллантириш мақсадларида олтин ва кумуш тангаларни муомаладан олиб ташлашди. Пул муомаласида уларнинг ўрнини таъминланмаган банкноталар ва майда пуллар эгаллади. Шу муносабат билан принципиал жиҳатдан янги пул тизимлари пайдо бўлдики, улар ўзининг товар қийматига эга бўлган реал пуллардан шакллантирилмасдан, балки уларнинг суррогатларига асосланган эди.

Бундай пул суррогатлари олтин билан таъминланмаган пул белгилари – банкноталар, ғазна билетлари, арzon қотишмалардан ясалган тангалар номини олди. Тўлақонли олтин тангадан фарқли равишда бундай пул суррогатлари товар бозорида ўзининг қийматига эга эмас эди, чунки бундай қиймат жуда кам бўлиб, фақат уларни тутиб турувчининг бундай пулларни алмаштирганда муайян қийматни олиш хуқуқидан гувоҳлик берарди. Бундай ҳолда пул белгилари фақат қийматнинг воситачи вакиллари ролини бажаарди.

Биринчи жаҳон уруши ҳаддан ортиқ моддий заарлар келтириб, хўжалик фаолиятини издан чиқаргани сабабли, дунёдаги барча мамлакатларнинг хукуматлари реал қимматга эга бўлмаган жуда катта миқдордаги пул белгиларини чиқаришга киришди. Бунинг натижасида уруш тугаганидан кейин бу мамлакатларда қадри тушиб кетган пуллар миқдори кўпайиб қолди.

**Инфляция жараёнлари** 1930-йилларгача кўпгина давлатларни ўз гирдобига тортди. Бундай жараёнлар сабабли иқтисодий ва молиявий соҳаларда юз берган деформациялар шунчалик жиддий эдики, Европада урушдан кейин бир қатор мамлакатларда олтин стандартни яна қайтадан тиклашга бўлган уринишлар керакли натижа бермади.

**XX асрнинг 70-йилларида** олтиннинг деноминаллашуви юз бериб, бунинг натижасида олтин олдинига мамлакатнинг ички айланишида муомала ва тўлов воситаси функцияларини, сўнгра 1976 йилдан бошлаб жаҳон пуллари функциясини ҳам бажармай қўйди. Ички айланишда ва жаҳон бозорида ҳам қоғоз ва кредит пуллари олтинни сиқиб чиқариб ташлади.

## **2-савол баёни: Пулнинг зарурлиги ва моҳияти.**

Ҳар бир иқтисодий категория амал қилувчи мамлакат ривожланишининг асосий дастагларидан бири пул бўлиб, бозор иқтисодига ўтиш ва унда иш юритишида унинг роли ва аҳамияти яна ошиб боради. Дарҳақиқат, пул - “бозор тили” деб бекорга айтишмаган. Ҳар бир иқтисодий ахборот, товарлар ва-хизматлар баҳоси, тўловлар, даромаду ҳаражатлар, молиявий талаблар ва мажбуриятлар, иқтисодий алоқалар макро ва микро даражаларда фақат пулда ифода қилинади.

Пул ва унинг вазифалари тўғрисида мавжуд хорижий мамлакатлар иқтисодчиларнинг қўлланмаларини олиб карайдиган бўлсак, пулнинг келибчиқиши тўғрисида икки ҳил ғоя мавжудлигини кўришимиз мумкин. Булар рационалистик ва эволюцион ғоялардир.

**Рационалистик қарашнинг асосчиларидан бири Аристотель бўлиб, у пул келиб чиқишининг асосини ўзаро бир-бирига тенг қийматни ҳаракатга келтирувчи бирор бир маҳсус “қурол”, кишилар орасида ўзаро келишув натижасида қабул қилинган шартли бирликнинг топилиши айирбошлиш жараёнининг бўлишига олиб келган дейди. Ўзаро товарларни алмаштиришга пул қатнашганида товарни сотиш жараёни товарни сотиб олиш жараёни сифатида юзага келган. Товарлар ўртасидаги пропорция тасодифан, масалан, сотилиши керак бўлган маҳсулотга талаб қай даражада ва унинг миқдорининг кам кўплигига боғлиқ ҳолда ўрнатилган. Кейинчалик шу товарлар ичидан умумий эквивалент ролини ўйновчи баъзи товарлар ажralиб чиқди. Жамиятнинг ривожланиши муомалага металларнинг кириб келишига олиб келади.**

Пулнинг келиб чиқиши тарихи пулнинг **эволюцион** назарияси билан кўпроқ боғлиқ. Товар муомаласининг эволюцион ривожланиш жараёнида умумий эквивалент шаклини ҳар хил товарлар ўйнаган.

Ҳар бир жамоа ўз товарини эквивалент сифатида ўртага қўйган. Лекин жамият тарракиёти шу товарлар ичидан икки гурух товарларнинг ажralиб чиқишига олиб келди. Булар: биринчи эҳтиёж учун зарур бўлган товарлар ва зебу зийнат товарларидир.

**К.Маркс пулни** - бу товарларнинг товари деб ифодаланган ва унинг қуидаги хусусиятларини изоҳлаб берган.

**Биринчидан**, пулнинг истеъмол қийматида бошқа товарларнинг қиймати ўз ифодасини топади.

**Иккинчидан**, пулда ифодаланадиган аниқ меҳнатнинг асосини абстракт меҳнат ташкил қиласи.

**Учинчидан**, пулда ифодаланувчи хусусий меҳнат ижтимоий меҳнат сифатида намоён бўлади.

Умумий эквивалент ролини ўзоқ йиллар давомида олтин бажариб келган бўлсада, товар хўжалигининг ва пул муомаласининг ривожланиши қофоз пуллар, бошқа кредит воситалари, юзага келишига, кредит ва пул маблағларининг банкда бир счётдан иккинчи счётга ўтказилиши каби жараёнлар бўлишига олиб келган. Пул қандай шаклда бўлишидан катъий назар-у пул бўлиб қолади. Юқоридаларга асосланган ҳолда пулнинг моҳиятини қуидаги таърифлашимиз мумкин.

**Пул-бу маҳсус товар, умумий эквивалент бўлиб, абстракт меҳнат ҳаражатларини ўзида акс эттиради ва товар хўжалигидағи ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди.**

Бу таъриф пулнинг барча хусусиятларини ўзида тўлиқ ифодалайди деб айтишимиз мумкин. Булар, **биринчидан**; пулнинг бошқа товарлардан ажralиб турувчи **маҳсус товарлиги**; **иккинчидан** - пул бу **умумий эквивалент** - ягона товар бўлиб, қолган товарларнинг қийматини ўзида ифода қилиши, (бошқа хоҳлаган бир товар бу хусусиятга эга бўла олмайди); **учинчидан**, пулнинг эквивалент сифатида товарни яратишга кетган меҳнат ва бошқа **ҳаражатларни** ўзида ифода қилиши; **тўртинчидан**, пулнинг ҳар бир иқтисодий тизимда, товар ишлаб чиқаришда кишилар ўртасида юзага

келадиган иқтисодий муносабатларини ифода қилиши ва бошқалардир.

Пул – бу умумий эквивалент сифатида қўлланиладиган универсал товарнинг алоҳида тури бўлиб, бошқа барча товарларнинг қиймати у орқали ифодаланади.

Пул айирбошлаш, тўлов, қийматни ўлчаш, бойликни тўплаш воситаси функцияларини бажарадиган ноёб товардир. Ҳозирги иқтисодиётда пул муомаласи амалда товарларнинг ҳамма турлари муомаласининг ўзгармас шарти ҳисобланади. Пул туфайли товарларни қиёслаш, айирбошлашда зарур бўладиган қийматнинг ягона мезонига эга бўлиш мумкин.

Пул – бу бошқа неъматларнинг қимматини ўлчаш воситаси (умумий эквивалент) ёки айирбошлашда ҳисоб-китобларни амалга ошириш воситаси (айирбошлаш воситаси) функцияларини бажарувчи неъматдир. Пул – бу мутлоқ ликвидлиликка эга бўлган неъматдир. Пул – бу иқтисодий категория бўлиб, одамлар ўртасидаги муносабатлар унда намоён бўлади ва унинг ёрдамида қурилади. Пулнинг мақсади бозорга оид ўзаро ҳаракатларнинг трансакцион харажатларини тежашдан иборат.

### **3- савол баёни: Пул турлари**

Пул ўзининг эволюцияси жараёнида металл (олтин, кумуш, мис), қофоз, кредит пуллар шаклида ишлатилиб келинган, қийматни ўзида ифодалашига қараб пуллар икки турга бўлинади:

-ҳакикий пуллар;

-ҳакикий пул издошлиари - қиймат белгилари.

**Ҳакикий пуллар** номинал қийматини ўзида ифодаловчи, реал қийматга эга бўлган метал пуллар бўлиб, улар ҳар хил шаклларда чиқарилган ва кейинчалик амалиётда қулай бўлган айлана (шу шаклда металл емирилиши кам бўлади) шаклда чиқарилган. Тарихий маълумотларга кўра, биринчи тангалар бундан 26 аср олдин Лидия ва Хитойда, VII асрларда ҳозирги Марказий Осиё давлатларида, IX-X асрларда Киев русида зарб қилинган. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида тангалар асосан олтиндан зарб қилинган, кейинчалик олтин ва бошқа қимматбахо металларни қазиб чиқариш қийинлашуви, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва тўлов, муомала воситасига бўлган эҳтиёжнинг ошиши натижасида муомалага қиймат белгиларини киритиш зарур бўлиб қолди. Олтин ва кумиш муомаладан йўқола борди.

**Қофоз пуллар** - тўлақонли пулларни тақдим этувчи пул белгилари. Тарихий жиҳатдан олганда, қофоз пуллар металл пуллар муомаласи асосида келиб чиқсан. Улар бундан олдин муомалада бўлган кумуш ёки олтин тангаларининг ўрнига татбиқ этилган.

Пуллар товарларнинг айирбошланишида воситачи бўлиб ҳисобланадиган воқеликнинг ўзи, пулларнинг муомала воситаси сифатида фаолият юритиши объектив тарзда тўлақонли пуллар ўрнига чиқарилган пул белгиларининг муомаласи мумкин эканлигини тасдиқлади.

Кумуш ва олтин тангалар ишлатиб келинган кўп асрлик тарих мобайнида сийқаси чиқкан ва ўз шаклини йўқотган, яъни реал оғирлиги камроқ бўлган тангалар муомалада тўлақонли тангалар билан бир қаторда амал қилиши ва худди шундай қийматни ифодалashi қайд қилинди. Бу металл тангаларни амалда ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган қоғоз пуллар билан алмаштириш ҳақидаги фикрга олиб келди.

**Илк қоғоз пуллар** эрамизнинг XII асрида Хитойда, Европа ва Америкада эса – фақат XVII-XVIII асрларда пайдо бўлди. Россияда қоғоз пуллар (ассигнациялар) 1769 йилда жорий этилган.

Қоғоз пулларнинг моҳияти шундан иборатки, улар пул белгилари ҳисобланади ва одатда металлга айирбошланади. Шунинг учун қоғоз пуллар муомалада вакиллик қийматига эга бўлади ва харид қилиш ва тўлов воситаси ролини бажаради.

Қоғоз пулларни ким чиқариш ҳуқуқига эга? **Давлатнинг молия муассасаси ёки марказий банклар қоғоз пулларнинг эмитентлари** бўлишади.

**Давлатнинг молия муассасаси** қоғоз пулларни чиқаришдан бевосита ўз харажатларини қоплаш учун фойдаланади.

**Марказий банклар** эса бу ишни билвосита бажаради, яъни улар алмаштирилмайдиган банкноталарни чиқаришади ва уларни давлатга ссудага тақдим этади, давлат бундай банкноталарни ўзининг бюджет харажатлари учун йўналтиради.

Шуни қайд қилиш зарурки, қоғоз пулларнинг иқтисодий табиатига кўра уларга муомаланинг бекарорлиги ва қадрсизланиш хосдир.

Қоғоз пуллар эмиссияси миқдорлари, афсуски, товар ва тўлов айланишларининг пулларга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ эмас. Улар, одатда, давлат харажатларини молиялаштириш, бюджет тақчиллигини қоплаш учун чиқарилади. Бу шуни англатадики, пулларнинг айланишига доимий эҳтиёж бўлганида ёки ҳатто у камайганида ҳам давлатнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжлари у ёки бошқа сабабга кўра ўсиши мумкин.

Бундай ҳолда қоғоз пуллар массасининг кўпайиши қоғоз пулларнинг ҳаддан ортиқ чиқарилганлигини билдирадики, бу пулларнинг қадрсизланишига олиб келади. қоғоз пулларнинг ҳаддан ташқари кўп эмиссияси билан боғлиқ бўлган бундай пулларнинг инфляцион қадрсизланиши бунинг типик кўринишидир. қоғоз пулларнинг қадрсизланиши, тўлов балансининг яхши эмаслиги (мамлакат чет эллардан ўзи амалга оширган тўловларга нисбатан камроқ тўловларни олган), миллий валюта курсининг пасайиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Бунинг оқибатида қоғоз пулларга уларнинг табиатига кўра бекарорлик хос бўлади. Бундай шароитда қоғоз пуллар, шубҳасиз, ғазна функциясини бажаришга яроқсиз бўлади.

*Қоғоз пулларга хос бўлган камчиликлар* кредит пулларнинг қўлланилиши туфайли бирмунча бартараф этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида муомалага пул белгиларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкичиқаради. қоғоз пулларнинг табиати, уларнинг

инфляцияга мойиллигини кўрсатади. қоғоз пулларни муомалага чиқаришда пул муомаласи қонуни талабларини эътиборга олиш керак. Лекин, амалиётда ҳар доим ҳам шу талаблар эътиборга олинавермайди. Пул муомалага товарооборот эҳтиёжини қоплаш учунгина чиқарилиши керак. Ҳақиқатда пул юқоридагидан ташқари бюджет тахчилигини, давлатнинг бошқа ҳаражатларини қоплаш учун ҳам чиқарилади, яъни эмиссия миқдори товарооборот билан чекланмасдан давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган талабларига боғлиқ бўлади. Бу албатта, муомаладаги пул массасининг ўзгариб туришига, аксарият ҳолларда унинг муомалага керагидан ортиқча чиқиб кетишига олиб келади. Натижада пулнинг барқарорлигига путур етади, унинг қадри тушади, халқнинг давлатига бўлган ишончи пасаяди, тўлов балансининг барқарорлиги йўқолади, (пассив қолдиқ ҳажми ортади) миллий валютанинг курси тушади ва ҳ. к.

**Кредит пуллар.** Хўжалик юритиш амалиётида товар муносабатлари умумий тус олган шароитда тиҷорат ва банк кредити қўлланилишининг кенгайиши шунга олиб келдики, ўз функциялари, муомала соҳаси (чегаралари), кафолатлари ва шу кабиларга кўра оддий пуллардан фарқ қиласидиган ва мутлақо бошқача қоидалар билан бошқариладиган кредит пуллар умумий товар бўлиб қолади. Кредит пуллар ижтимоий-иктисодий жараённинг бирмунча ривожланган, олий соҳасига хосдир. Улар капитал ишлаб чиқаришни тўлиқ эгаллаган ва унга олдингисидан бошқача, ўзgartирилган ва ўзига хос шаклни берганида вужудга келади.

Товар-пул муомаласининг ривожланишига қараб тўловнинг пул шакли тобора ўткинчи бўлиб бораверади. Айни бир вақтда товарларнинг ҳаммаси тобора кўпроқ нафакат пуллар орқали, балки бевосита ишлаб чиқариш жараёнида ижтимоий эътирофга сазовор бўлади. Шу муносабат билан кредит пуллар капиталистик формациягача бўлган даврдаги каби товар-пул шаклида муомаладан эмас, балки ишлаб чиқаришдан, капиталнинг айланишидан ўсиб чиқади. Пул капитал, бинобарин, кредит пуллар шаклида иш юритади.

### **Кредит пуллари эволюцияси:**

вексель,  
банкнота,  
электрон пуллар,  
кредит карточкалари.

**Вексель** - қарздорнинг ёзма мажбурияти (оддий вексель) ёки кредиторнинг қарздорга векселда ёзилган суммани муайян муддатдан кейин тўлаш тўғрисидаги буйруғи (ўтказма вексель – тратта). Оддий ва ўтказма векселлар – булар тиҷорат вексели, яъни савдо битими асосида вужудга келадиган қарз мажбуриятининг турларидир. Шунингдек, *молиявий векселлар*, яъни муайян суммадаги пулларни қарзга беришда келиб чиқадиган қарз мажбуриятлари ҳам амал қиласиди. *газна векселлари* уларнинг бир туридир. Бундай вексель ҳукumatнинг қисқа муддатли қоғози бўлиб, унинг амал қилиш муддати бир йилдан ошмайди (одатда 3-6 ой бўлади). Бу ерда давлат қарздор ролини бажаради. *Дўстона векселлар* – пулсиз, реал тиҷорат битими билан боғлиқ бўлмаган, контрагентлар томонидан бундай

векселларни банкларда ҳисобга олиш йўли билан пулларни олиш мақсадида бир-бирига ёзib берадиган векселлардир.

Векселнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардир:

а) абстрактлик (векселда битимнинг аниқ тури қўрсатилмаган);

б) мунозарасизлик (нотариуснинг норозилик ҳақидаги далолатномани тузганидан кейин то мажбурловчи чораларни қўллашгача қарзнинг мажбурий равишида тўланиши);

в) айланишлик (векселнинг тўлов воситаси сифатида унинг орқа томонида бериш ҳақидаги ёзувни ёзив (жиро ёки индоссамент) бошқа шахсларга берилиши. Бу вексел мажбуриятларининг ўзаро ҳисобга олиниш имкониятини яратади).

**Банкнота** – бу банкнинг қарз мажбуриятидир. Ҳозирги вақтда банкнота марказий банк томонидан векселларни қайта ҳисоблаш, турли кредит ташкилотлари ва давлатни кредитлаш йўли билан чиқарилади.

Банкноталарнинг – кредит пулларнинг шундай турининг – муомалага чиқарилишини одатда банклар турли хўжалик жараёнлари муносабати билан амалга оширилаётган кредит операцияларини бажаришда ўтказишади. Уларнинг айланишдан олиб қўйилиши давлатнинг харажатларни амалга ошириши ва даромадларни олишида эмас, балки хўжалик жараёнлари муносабати билан амалга оширилаётган кредит операциялари асосида амалга оширилади.

Кредит пулларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларнинг муомалага чиқарилиши муомаланинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлади. Бу шуни англатадики, кредит операциялари ишлаб чиқаришнинг реал жараёнлари ва маҳсулотларнинг сотилиши муносабати билан бажарилади. Суда, одатда, захираларнинг муайян турлари таъминот бўлиб хизмат қиласиган таъминот асосида берилади. Бу қарздорларга бериладиган тўлов воситаларининг ҳажмини муомаланинг пулларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжи билан боғлашга имкон беради. Айни шу хусусият кредит пулларининг энг муҳим афзаллигидир.

Кредит пуллар (банкноталар) билан қоғоз пул белгилари ўртасидаги энг муҳим тафовут уларнинг муомалага чиқарилишидаги ўзига хос хусусиятларидадир. Агар банкноталар ишлаб чиқаришнинг реал жараёнлари ва маҳсулотларнинг сотилиши муносабати билан бажариладиган кредит операциялари муносабати билан муомалага чиқариладиган бўлса, қоғоз пуллар муомалага бундай боғланишсиз чиқарилади.

Тижорат банкларининг ташкил этилиши ва эркин пул маблағларининг жорий ҳисобварақларда тўпланиши билан **чек** сифатидаги муомаланинг кредит воситаси пайдо бўлди.

**Чек** – бу омонатчининг тижорат ёки марказий банкка ёзив берадиган ўтказма векселининг бир туридир. Чек жорий ҳисобварақ эгасининг банкка чекни тутиб турувчига муайян суммадаги пулларни тўлаш ёки бундай суммани бошқа жорий ҳисобварақка ўтказиш ҳақидаги ёзма буйруғидир. Чеклар биринчи марта 1683 йилда Англияда пайдо бўлган.

Чекда ёзиб қўйилган буйруқ хуқуки ва унинг бажарилиши мажбурияти банк билан мижоз ўртасидаги чек шартномасига асосланади. Ушбу шартномага мувофиқ мижозга ўзининг ва қарзга олинган маблағларидан фойдаланиш рухсат этилади. Банк тақдим қилинган чекларга нақд пуллар билан ёки маблағларни чекни берувчининг ушбу ёки бошқа банк муассасасидаги ҳисобварағидан ўтказиш йўли билан ҳақ тўлайди. Чек қисқа муддатда амал киладиган восита сифатида тўлов воситаси мақомига эга бўлмайди ва пуллар эмиссиясидан фарқли равишда муомаладаги чеклар сони қонунлар билан тартибга солинмайди, балки бутунлай тижорат муомаласининг эҳтиёжлари билан белгиланади. Шунинг учун чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш шартли тусга эга бўлади: қарздорнинг чекни тақдим этиши унинг кредитор олдидаги мажбуриятини узди дегани эмас – бундай мажбурият фақат банкнинг чекнинг ҳақини тўлаган пайтида узилади.

Шундай қилиб, чекнинг иқтисодий моҳияти шундаки, у банкдан нақд пулларни олиш воситаси бўлиб хизмат қиласи, муомала ва тўлов воситаси бўлади ва, ниҳоят, нақд пулларсиз ҳисоб-китоблар воситаси ҳисобланади. Айнан шу чеклар асосида ўзаро эътиrozларнинг асосий қисми нақд пул иштирокисиз узиладиган нақд пулларсиз ҳисоб-китоблар тизими вужудга келди.

Чеклар муомаласининг жадал ривожланиши, чеклар инкассациясига доир операцияларнинг кўпайиши улар билан ишлаш харажатларининг анча ошиб кетишига олиб келди. Кейинроқ, банк соҳасига фан-техника тараққиёти ютуқларининг татбиқ этилиши туфайли чеклар билан ишлаш ва жорий ҳисобварақларнинг юритилиши ЭҲМлардан фойдаланиш асосида бажариладиган бўлди. Нақд пулларсиз ҳисоб-китоблар амалиётининг кенгайиши, банк операцияларининг механизацияшуви ва автоматлашуви, ЭҲМларнинг анча мукаммал турларидан кенг фойдаланишга ўтиш қарзни **электрон пулларни** қўллаган ҳолда узиш ёки беришга доир янги услубларнинг вужудга келишига асос бўлди.

**Электрон пуллар** – бу банкларнинг компьютери хотирасидаги ҳисоб вараклардаги пуллар бўлиб, уларнинг тасаррuf қилиниши маҳсус электрон қурилма ёрдамида амалга оширилади. Электрон асосдаги тўловлар тизимининг оммалашуви пул муомаласи эволюциясининг сифат жиҳатдан янги босқичига ўтишни тасдиқлади.

Банк ишида ЭҲМларнинг оммалашуви асосида чекларни **пластик карточкалар** билан алмаштириш имконияти пайдо бўлди. **Пластик карточкалар** ҳисоб-китобларнинг нақд пуллар ва чекларнинг ўрнини босадиган, шунингдек, унинг эгасига банкдан қисқа муддатли ссудани олишига имкон берадиган воситасидир. Пластик карточкалари чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида энг кўп қўлланилмоқда.

#### **4-савол баёни: Бозор иқтисодиётида пулларнинг функциялари**

Пулларнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти уларнинг ички мазмунини ифодалайдиган функцияларида намоён бўлади. Пуллар қўйидаги

бешта функцияни бажаради: қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси, тўлаш ва жамғариш воситаси, жаҳон пуллари.

**Пулнинг қиймати ўлчови сифатидаги функцияси.** Пуллар умумий эквивалент сифатида ҳамма товарларнинг қийматини ўлчайди. Товарларни ишлаб чиқариш учун сарфланган ижтимоий зарур меҳнат уларни тенглаштириш учун шароит яратади. Ҳамма товарлар ижтимоий зарурий меҳнат маҳсали ҳисобланади, шунинг учун ўзи қийматга эга бўлган ҳақиқий пуллар (кумуш, олтин) бошқа барча товарлар қийматининг ўлчови бўлиши мумкин. Бунда товарлар қийматининг пуллар воситасида ўлчаниши идеал тарзда юз беради, яъни товар эгасида накд пулларнинг бўлиши шарт эмас.

Шундай қилиб, пуллар қиймат ўлчовидан иборат бўлади. Жамият пул бирлигидан турли хил неъматлар ва ресурсларнинг нисбий қийматларини солиштириш учун масштаб сифатида фойдаланишни қулай деб ҳисоблайди. Масофани метрлар ва километрларда ёки вазнни граммлар ва килограммларда ўлчаганига ўхшатиб неъматлар ва хизматларнинг қиймати ҳам пул ифодасида солиштирилади. Бу шубҳасиз афзалликларга эга. Пул тизими туфайли ҳар бир маҳсулотнинг нархини уни алмаштириш мумкин бўладиган бошқа ҳамма маҳсулотлар орқали ифодалашга зарурат қолмайди. Пулларнинг умумий эквивалент сифатида фойдаланилиши шуни англатадики, ҳар қандай товарнинг нархини фақат пул бирлиги орқали ифодалаш етарли бўлади. Пулларнинг шу тарзда ишлатилиши битим қатнашчиларига ҳар хил товарлар ва ресурсларнинг нисбий қимматини осонлик билан солиштириш имконини беради.

Хозирги дунёда турли неъматларнинг қиммати бир хилдаги пул бирликларида – бир-бирига енгиллик билан ўтказиладиган (конвертация қилинадиган) долларлар ва шу кабиларда ифодаланади. Товарнинг пулларда ифодаланган қиймати **нарх** дейилади.

Нарх товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур ижтимоий меҳнат харажатлари билан белгиланади. Товарларнинг нархи ва уларнинг ҳаракати негизида **қиймат қонуни** ётади. Товарнинг нархи бозорда шаклланади ва товарларга талаб ва таклифнинг teng бўлганида бундай нарх товарнинг қиймати ва пулларнинг қийматига боғлиқ бўлади. Бозордаги талаб ва таклиф бир-бирига мувофиқ келмаганида товарнинг нархи муқаррар равишда унинг қийматидан четга тебраниб ўзгаради. Нархларнинг товарни ишлаб чиқарувчининг қийматидан юкорига ва пастга ўзгаришлари қандай товарларнинг ортиқча ишлаб чиқарилгани, қайсиларининг - кам ишлаб чиқарилганидан далолат беради.

Қийматига кўра турлича бўлган товарларнинг нархларини солиштириш учун уларни бир масштабга келтириш, яъни уларни бир хилдаги пул бирликларида ифодалаш зарур. Металл пуллар муомаласида **нархлар масштаби** деб ушбу мамлакатда пул бирлиги қилиб қабул этилган ва бошқа барча товарларнинг нархларини ўлчаш учун хизмат қиласидан пуллик металлнинг вазни миқдорига айтилади.

Олтиннинг муомалада бўлган шароитида нархларнинг масштаби олтиннинг муайян миқдорига тенглаштирилган пул бирлигининг

белгиланишини назарда тутарди. XX асрда пулларнинг харидчилик қобилиятининг пасайиши кузатилдики, бу пул бирлигидаги олтиннинг камайганлигига ўз ифодасини топди. Масалан, 1900 йилда АҚШ доллари 1,50463 граммга, 1934 йилда – 0,888671 граммга, 1973 йилда – 0,736 граммга тенг бўлди. Россияда молия вазири С.Ю.Виттенинг (1895-1897 йиллар) ислоҳоти бўйича рублнинг таркибидаги олтин 0,774234 грамм қилиб белгиланди. 1950 йилда бундай таркиб 0,222169 граммни, 1961 йилда эса (нархлар масштаби ўзгариши билан) – 0,987412 грамм бўлди.

1976-1978-йилларда жорий қилинган Ямайка валюта тизими олтиннинг расмий нархини ва Халқаро валюта фондига (ХВФга) аъзо бўлган мамлакатлар пул бирликларининг олтин таркибини бекор қилди. Ҳозирги вақтда бу мамлакатлардаги нархларнинг расмий масштаби товарлар қийматини нарх воситасида солиштириш йўли билан бозорда айирбошлиш жараёнида стихияли тарзда шакллантирилади. Россияда ҳам 1992 йилдан бошлаб рубль билан олтиннинг расмий ўзаро нисбати назарда тутилмаган.

**Пулларнинг муомала воситаси сифатидаги функцияси.** Пуллардан товарлар ва хизматларни харид қилиш ва сотишда фойдаланиш мумкин. Пуллар муомала (ёки айирбошлиш) воситаси сифатида жамиятни бартерли (мавозали) айирбошлишнинг ноқулайликларидан ҳалос қиласи. Пуллар ҳамма жойда ва осонлик билан тўлов воситаси сифатида қабул қилинади. Ушбу ижтимоий ихтиро ресурсларнинг эгаларига ва ишлаб чиқарувчиларга алоҳида «товар» (пуллар) билан ҳақ тўлашга имкон берадики, бундай алоҳида товар кейинчалик бозорда мавжуд бўлган ҳар қандай товарни сотиб олиш учун ишлатилиши мумкин. Пуллар товарлар билан айирбошлишнинг қулай усули бўлиш билан жамиятга минтақавий ихтисослашув ва одамлар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг маҳсулларидан фойдаланиш имконини беради. Товарлар муомалага киришишигача пулларда идеал баҳоланадиган биринчи функциядан фарқли равишда пуллар товарлар муомаласида реал иштирок этиши керак. Пулларнинг муомалада реал иштирок этиши ва уларнинг айирбошлишдаги иштирокининг ўткинчилиги муомала воситаси сифатидаги пулларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади, Шу сабабли тўлақонли бўлмаган пуллар - қоғоз ва кредит пуллар ҳам муомала воситаси функциясини бажариши мумкин. Ҳозирги вақтда кредит пуллар деб аталаидиган пуллар: векселлар, банкноталар, чеклар, банкларнинг кредит карточкалари пул муомаласида ҳукмрон вазиятни эгаллаб турибди.

**Пулларнинг тўлов воситаси сифатидаги функцияси.** Пулларнинг бу функцияси капиталистик хўжаликда кредит муносабатларининг ривожланиши туфайли вужудга келди. Пуллар товарларнинг кредитга сотилишида тўлов воситаси сифатида фойдаланилади, бунинг зарурлиги товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг шарт-шароитлари бир хилда эмаслиги, уларни ишлаб чиқариш ва муомаласи муддатининг турли хиллиги, ишлаб чиқаришнинг мавсумий тусдалиги, шунингдек, ишчилар ва хизматчиларга иш хақининг тўланишида фойдаланилади.

Тўлов айланишида электрон пулларнинг жорий қилиниши тўловларнинг тезлашиши, муомала харажатларининг камайиши ва корхоналар

рентабеллигининг ошишига ёрдам беради. Бундай тизим АҚШда 70-йиллардан бошлаб тўлов муносабатлари механизмига айниқса тез суръатлар билан жорий қилинди. Автоматлаштирилган ҳисоб-китоб палаталари, автоматлаштирилган кассир тизими ва харид қилиш пунктида ўрнатилган терминаллар тизими уларнинг асосий элементлари ҳисобланади.

Электрон пуллар негизида *кредит карточкалари* пайдо бўлди. Улар тўловларнинг нақд пуллар билан бажарилишини қисқартиришга ёрдам бериб, нақд пуллар ва чекларнинг ўрнини босадиган ҳисоб-китоблар воситаси бўлиб хизмат қиласди. Кредит карточкаларининг аҳамияти шундаки, улардан фойдаланиш нақд пуллар ишлатиладиган соҳани торайтиради, товарлар ва хизматларни сотишда ва иқтисодиётдаги таназзул ҳолатларини бартараф этишда кучли стимул бўлиб ҳисобланади.

**Пулларнинг тўплаш ва жамғариш воситаси** сифатидаги функцияси. Пуллар уларнинг эгасига ҳар қандай товарни олиш ҳукукини таъминлаш билан ижтимоий бойликнинг умумий тимсоли ҳисобланади. Шунинг учун одамларда уларни тўплаш ва жамғаришга интилиш пайдо бўлади. Иқтисодий субъект ўз маҳсулотига ҳақ тўланиши эвазига пулларни олиш билан муайян «соф бойлик захираси»ни яратади. Бундай захира қисқа муддатли (агар индивид бошқа товарни сотиб олиш билан пулларини шу ернинг ўзидаёқ сарфласа) ёки узоқ муддатли (агар индивид пулларини келгусида харид қилиш ёки қарзини тўлаш учун сақлаб қўйса) бўлиши мумкин.

Пуллар жамғарма воситаси функциясини бажаради, шунинг учун улар буни энг қулай шаклда жамғаришга имкон беради. Пуллар энг ликвидли, яъни сарфлаш учун энг осон товар бўлганлиги сабабли улар бойликни сақлашнинг энг қулай шакли ҳисобланади. Бунда шуни қайд қиламизки, инфляция шароитида бундай афзаллик муайян тарзда йўқолади ва пулларни қадрсизланишини ҳисобга олиш зарурати вужудга келади. Пулларга эгалик қилиш, уларни сақлаш, қимматли қофозларни (акциялар, облигациялар ва шу кабиларни) сақлашдаги каби микдорда пул даромадини олиб келмайди. Бироқ пуллар шундай афзалликка эгаки, улар корхона томонидан ёки уй хўжалигида ҳар қандай молиявий мажбуриятни қондириш учун ҳеч қандай тўсиқсиз ишлатилиши мумкин.

Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан пулларнинг тўплаш ва жамғариш воситаси сифатидаги функцияси ҳам ошиб боради. Тўплаш ва жамғаришсиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириб бўлмайди. Кўпроқ фойда олишга бўлган интилиш тадбиркорларни пулларни ғазна сифатида сақламаслик, балки уларни айланишга сарфлашга мажбур қиласди.

Металл пуллар муомаласи шароитида марказий эмиссия банклари ички пул муомаласининг захиралари шаклида олтин захираларига, банкноталарни олtinga алмаштириш ва халқаро тўловлар учун захираларга эга бўлиши шарт эди.

Хозирги вақтда олтиннинг муомаладан чиқарилганлиги, банкноталарнинг олtinga алмаштирилиши тўхтатилганлиги ва олтин паритетларнинг бекор қилинганлиги, яъни асл металлнинг халқаро айланишдан чиқарилганлиги сабабли марказий банк олтин захирасининг

барча бундай функциялари бекор бўлди. Шу билан бирга, олтин стратегик захири сифатида марказий банкларда сақланишда давом этмоқда.

**Жаҳон пуллари функциялари.** Ташқи савдо алоқалари, халқаро қарзлар, ташқи шерикка хизматлар кўрсатилиши жаҳон пулларининг пайдо бўлишини тақозо этди. Улар умумий тўлов воситаси, умумий харид қилиш воситаси ва ижтимоий бойликнинг умумий моддийлаштирилиши сифатида фаолият юритишади.

Пулларнинг барча бешта функцияси пулларнинг товарлар ва хизматларнинг умумий эквиваленти сифатидаги ягона моҳиятини намоён қиласди. Улар чамбарчас боғлиқликда ва бирликда бўлади. Мантиқан ва тарихий жиҳатдан ҳар бир навбатдаги функция бундан олдинги функцияларнинг муайян ривожлантирилишини назарда тутади.

Пулларнинг санаб ўтилган функцияларни бажариши туфайли улар, айниқса, бозор иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг ривожланишида асосий ролни ўйнайди. Пулларнинг иқтисодий тизимдаги ижтимоий роли шундан иборатки, улар мустақил товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги боғлаб турувчи бўғин, шунингдек, товар хўжалигидаги ижтимоий меҳнатни ҳисобга олиш воситаси ҳисобланади. Пуллар товарларга нархларни белгилашда қатнашади.

Пуллар ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқарилишига хизмат кўрсатади, уларнинг ёрдамида миллий даромаднинг давлат бюджети, соликлар ва қарзлар орқали ҳосил қилиниши, тақсимланиши, қайта тақсимланиши ва ишлатилиши амалга ошади. Пуллар корхоналарнинг хўжалик фаолиятида, давлат органларининг фаолият кўрсатишида, одамларнинг ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва самарадорлигининг ошишидан, ресурсларнинг тежаб ишлатилишидан манфаатдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Пулларнинг саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётини пул-кредит орқали тартибга солиш пулларнинг монетаристик назариясига асосланган шароитдаги роли ғоят катта. Бундай мамлакатларда ҳар йили пул массасини ўзгартириш учун пул йўналиши белгиланади ва унга мувофиқ марказий банкнинг кредит воситалари ёрдамида ушбу массанинг тартибга солиниши амалга оширилади. Россияда иқтисодиётнинг бекарор ривожланиши оқибатида пул массасини ўзгартиришнинг йўналишли кўрсаткичи бир ойга белгиланади. Бундай пул-кредит орқали тартибга солишнинг мақсади – пул массасининг ўсишини тутиб туриш, агар инфляцияга йўл қўйилган бўлса, уни бартараф қилиш ёки пайдо бўлаётган инфляция жараёнларини тутиб туриш, мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантириш.

Пуллар умумий эквивалент сифатида барча товарларнинг қийматини ўлчайди. Ҳамма товарлар ижтимоий зарурий меҳнат маҳсули эканлиги сабабли ўзи қийматга эга бўлган реал пуллар бошқа барча товарлар қийматининг ўлчови (эталони) бўлиши мумкин. Бунда товарлар қийматининг пуллар воситасида ўчаниши идеал тарзда, яъни нақд пуллар иштирокисиз юз беради.

Шундай қилиб, пуллар қиймат ўлчовидан иборат бўлади. Шубҳасиз, пул бирлигидан турли хил неъматлар ва хизматларнинг нисбий қийматларини солиштириш учун масштаб сифатида фойдаланиш қулай ҳисобланади. Неъматлар ва хизматларнинг қиймати масофани километрларда ёки вазни килограммларда ўлчаганига ўхшатиб солиштирилади.

Пулларнинг умумий эквивалент сифатида фойдаланилиши шуни англатадики, ҳар қандай товарнинг нархини фақат пул бирлиги орқали ифодалаш етарли бўлади. Бунда товарнинг пулларда ифодаланган қиймати товарнинг нархи дейилади.

Товарларнинг нархи ва уларни ўлчаш негизида қиймат қонуни ётади. Товарнинг нархи бозорда шаклланади ва товарларга талаб ва таклифнинг teng бўлганида бундай нарх товарнинг қиймати ва пулларнинг қийматига боғлиқ бўлади. Бозордаги талаб ва таклиф бир-бирига мувофиқ келмаганида товарнинг нархи муқаррар равишда унинг қийматидан четга тебраниб ўзгарадики, бу муайян товарларнинг ортиқча ишлаб чиқарилгани ёки кам ишлаб чиқарилганидан далолат беради.

Пуллар муомала (ёки айирбошлиш) воситаси сифатида жамиятни бартерли (мавозали) айирбошлишнинг нокулайликларидан халос қиласи. Пуллар ҳамма жойда ва осонлик билан тўлов воситаси сифатида қабул қилинади. Ушбу ижтимоий ихтиро ишлаб чиқарувчиларга алоҳида товар (пуллар) билан ҳақ тўлашга имкон берадики, бундай алоҳида товар кейинчалик бозорда мавжуд бўлган ҳар қандай товарни сотиб олиш учун ишлатилиши мумкин.

Пуллар товарлар билан айирбошлишнинг қулай усули бўлиш билан жамиятга минтақавий ихтисослашув ва жамиятдаги меҳнат тақсимотининг маҳсулларидан фойдаланиш имконини беради. Товарлар муомалага киришишигача пулларда идеал баҳоланадиган биринчи функциядан фарқли равишда пуллар товарлар муомаласида реал иштирок этиши керак. Пулларнинг муомалада реал иштирок этиши ва уларнинг айирбошлишдаги иштирокининг ўткинчилиги муомала воситаси сифатидаги пулларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади, шу сабабли тўлақонли бўлмаган пуллар - қоғоз ва кредит пуллар ҳам муомала воситаси функциясини бажараверишади. Ҳозирги вақтда кредит пуллар: векселлар, банкноталар, чеклар, банкларнинг кредит карточкалари пул муомаласида хукмрон вазиятни эгаллаб турибди.

Пулларнинг ушбу функцияси кредит муносабатларининг ривожланиши туфайли вужудга келди.

Пуллар икки ҳолатда тўлов воситаси сифатида фойдаланилади:

1) товарларнинг кредитга сотилишида; бундай ҳолатнинг зарурлиги товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг шарт-шароитлари бир хилда эмаслиги, уларни ишлаб чиқариш ва муомаласи муддатининг турли хиллиги, ишлаб чиқаришнинг мавсумий тусдалиги ва шу кабилар билан боғлиқдир.

2) ишчилар ва хизматчиларга иш ҳақининг тўланишида.

Шубҳасиз, тўлов воситаси функциясини бажаришда пуллар уларнинг муомала воситаси тарзидаги ҳаракатидан фарқ қиласидиган ўзига хос ҳаракат шаклига эга бўлади.

Агар пулларнинг муомала воситаси сифатида амал қилишида пуллар ва товарларнинг муқобил ҳаракати мавжуд бўладиган бўлса, унда улардан тўлов воситаси сифатида фойдаланишда бундай ҳаракатда узилиш юз беради, яъни товарни кредитга сотиб олишда қарздор сотувчига фақат муайян (келишилган) муддатдан кейин ҳаки тўланадиган қарз мажбуриятини беради.

Тўлов айланишида электрон пулларнинг жорий қилиниши тўловларнинг тезлашиши, муомала харажатларининг камайиши ва корхоналар рентабеллигининг ошишига ёрдам беради. Автоматлаштирилган ҳисоб-китоб палаталари, автоматлаштирилган кассир тизими ва харид қилиш пунктида ўрнатилган терминаллар тизими уларнинг асосий элементларидир.

Электрон пуллар негизида кредит карточкалари пайдо бўлди. Улар тўловларнинг нақд пуллар билан бажарилишини қисқартиришга ёрдам бериб, нақд пуллар ва чекларнинг ўринини босадиган ҳисоб-китоблар воситаси бўлиб хизмат қиласи. Кредит карточкаларининг аҳамияти шундаки, улардан фойдаланиш нақд пуллар ишлатиладиган соҳани торайтиради, товарлар ва хизматларни сотишда стимул бўлиб ҳисобланади.

Пуллар уларнинг эгасига ҳар қандай товарни (хизматларни) олиш хуқуқини таъминлаш билан ижтимоий бойлик тимсоли бўлади. Шунинг учун одамларда уларни тўплаш ва жамғаришга интилиш пайдо бўлиши муқаррар. Одамлар ўз маҳсулотига ҳақ тўланиши эвазига пулларни олиш билан улар муайян захирани яратишади. Бундай захира қисқа муддатли ёки узок муддатли бўлиши мумкин.

Пуллар жамғарма воситаси функциясини бажаради, чунки улар энг ликвидли товар бўлганлиги сабабли энг қулай шаклда жамғаришга имкон беради. Шуни қайд қилиш зарурки, инфляция шароитида бундай афзаллик муайян тарзда йўқолади ва пулларни қадрсизлантириш зарурати вужудга келади.

Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан пулларнинг тўплаш ва жамғариш воситаси сифатидаги функцияси ҳам ошиб боради. Тўплаш ва жамғаришсиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириб бўлмайди, чунки кўпроқ фойда олишга бўлган интилиш тадбиркорларни пулларни ғазна сифатида сақламаслик, балки уларни айланишга сарфлашга ундайди.

Металл пуллар муомаласи шароитида марказий эмиссия банклари ички пул муомаласининг захиралари шаклида олтин захираларига, банкноталарни олtinga алмаштириш ва халқаро тўловлар учун захираларга эга бўлиши шарт эди. Ҳозирги вақтда олтиннинг муомаладан чиқарилганлиги сабабли Марказий банк олтин захирасининг барча бундай функциялари бекор бўлди. Шу билан бирга, олтин стратегик захира сифатида марказий банкларда сақланишда давом этмоқда.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 56 б.
2. Дон Патинкин. Денги, процент и ценў. –М.: Экономика, 2004. – 375 стр.

3. Миляков Н.В. Финансү. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 стр.
4. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансовых предприятий. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2001. – 300 стр.
5. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва бошқалар.-Т.: «Maxptint”. 2008. 454 б.
6. Свиридов О.Ю. Финансү, денежное обраХение, кредит. Экспресс справочник для студ. вузов. –М.: ИКЦ Март, Ростов нFД. изд. Сентр Март, 2004. – 179 стр.

## **2 МАВЗУ . ПУЛ НАЗАРИЯСИ. ПУЛ АЙЛАНИШИ**

**Ажратилган соат - 4 соат**

**Асосий саволлар:**

- 1. Пулнинг назариялари**
- 2. Пул айланиши ва унинг моҳияти**
- 3. Накд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш асослари.**

### **1-савол баёни: Пулнинг назариялари**

**Пул назарияси**-пул табиати ва пулнинг ишлаб чиқаришни шакллантиришга таъсири ҳақидаги назариялариdir. Бу назария капиталистик ишлаб чиқариш усулигача бўлган даврда вужудга келди. Капиталистик ишлаб чиқариш усули даврида, пул-товар муносабатлари хўжалик соҳасининг ҳамма тармоқларини қамраб олган даврдагина пул назарияси кенг тарқалди.

Пул ва униг сотиб олиш орасидаги муносабат пул назариясининг марказий масалаларидан бири бўлиб келган. Хуллас, иқтисодчиларнинг пулнинг моҳияти, унинг функциялари ва пул муомаласига бўлган қарашлари пул назарияларини келтириб чиқаради.

Илк тарихий пул назариялари сифатида номиналли ва металли назарияларни келтириш мумкин. Капитализм тараққиёти билан бирга бу назариялар ҳам ўзгариб, янги, миқдорий назариянинг пайдо бўлишига асос бўлди.

Хозирги кунда монетаризм ва иқтисодни пул-кредит муносабатлари орқали тартиблаштириш назариялари ҳам мавжуд. Аммо энг асосий пул назариялари сифатида металл, номинал ва миқдорий пул назариялари тадқиқот қилиб келинмоқда.

Пул назарияларининг келиб чиқишига асосий сабаб ишлаб чиқаришнинг тараққий этиши ва пул муомаласининг тараққиётдан маълум даражада оқсашини олдини олиш ва уни ривожлантириш масаласи ҳисобланади.

Кўл меҳнатидан саноат ишлаб чиқаришига ўтилиши билан иқтисодиётда меҳнатнинг интеграциялашуви ҳам кучая боради. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги пулли муносабатлар ҳам мураккаблаша боради. Феодализмгача бўлган нақд пулли муносабатлар ҳам мурккаблашиб боради. Феодализмгача бўлган нақд пулли муносабатлар бу давр талабларига жавоб бера олмай қолди. буни биз Европадаги XV асрдаги «пул очарчилигидан» дан кўришимиз мумкин. Худди шу даврдан бошлаб пул назариялари. Бу металлик ва номиналлик пул назариялари ҳисобланади, куйида биз пул назарияларининг баъзи бирларига қисқача таъриф бериб ўтамиз.

XX аср бошигача пулларнинг иқтисодий назариясида куйидагича икки масала:

- 1) пулларнинг келиб чиқиши ва моҳияти ҳақидаги ва
- 2) пулларнинг қиймати ва харид қилиш кучи ҳақидаги масалалар марказий ўрин эгаллаб келган.

Биринчи масала бўйича сиёсий иқтисодда иккита йўналиш – пулларнинг металлистик ва номиналистик назариялари амал қилган.

### ***Пулнинг металлистик назарияси***

гарбий Европада бошлангич капитал жамғариш даврида савдо буржуазиясининг манфаатларини объектив акс эттирадиган пулларнинг металлистик назарияси вужудга келди. Металлистик назария тарафдорлари – У.Страффорд (1554-1612), Т.Мен (1571-1641), Д.Норс (1641-1691) ва бошқалар – тангаларнинг ишдан чиқишига қарши бўлиб, металларнинг барқарор муомалада бўлишини ёқлаб чиқишиди. Уларнинг назарияси учун давлатнинг бойлигини пуллар билан, пулларнинг ўзини эса – асл metallар билан бир хил деб тушуниш характерли эди. Улар пулларнинг моҳиятини асл metallарнинг ижтимоий хусусиятлари эмас, балки табиий хусусиятлари билан боғлашган, пулларга ижтимоий, ишлаб чиқариш муносабати сифатида қарашмаган, балки уларни буюм деб билишган. Шунинг учун улар пулларнинг тўлақонли тангаларни талаб қиласидан функцияларини, айниқса, жаҳон пуллари ва ғазналар функцияларини мутлоқлаштиришган.

### ***Пулнинг номиналистик назарияси***

Римлик ва ўрта асрлик юристлар классик номинализмнинг яратувчилари эди. Номинализмнинг «иккинчи бор ўзини ўнглаб олиши» меркантилистларнинг металлистик назарияси танқиди билан боғлиқдир. Номиналистлар шунга асосланадики, уларнинг фикрича, пуллар – бу фақат товарлар айирбошлишига хизмат қиласидан идеал ҳисоб бирликлари, маҳсулот, давлат ҳокимиятининг натижаси ҳисобланади. XVII-XVIII асрларда амал қиласидан ўлчовнинг идеал пул бирлиги назариялари ўз моҳиятига кўра номиналистик тусда бўлган. Бу назария тарафдорлари – Ж.Локк (1632-1704), Ж.Беркли (1685-1753), Ж.Стюарт (1712-1780) – пул бирликларининг номлари (фунт стерлинг, талер, франк) «қийматнинг идеал атомлари»ни ифодалайди, деб фараз қилишган.

Товарларнинг қиймати ижтимоий зарур иш вақтининг муайян сонли соатларини ўзида мужассам этади. Шунинг учун айрим иқтисодчилар, жумладан, Д.Грей (1798-1850), товарлар қийматини бевосита иш вақти соатларида, ўзига хос «ишчи пулларда» ифодалаш зурурлигини асослашга уринишган. Д.Грейнинг фикрича, товар ишлаб чиқарувчилар банкка ўз меҳнати маҳсулотларини топшириши ва улар учун «ишчи пуллар»нинг муайян миқдорини олишлари керак бўлган, улар ана шу «ишчи пуллари» ёрдамида ушбу банкда ўзларига зарур товарларни сотиб олиши мумкин эди. XIX асрнинг 20-йиллари охири – 40-йилларида «ишчи пуллари» гоясини амалга оширишга уринишлар бўлган. 1829 йилда Марселда адвокат Мацель «айирбошлар банки»ни ташкил қиласидан; 1832-1834 йилларда социалист-утопист Р.Оуэннинг ташаббусига кўра Англияда «адолатли айирбошлар бозорлари» очилган; 1849 йилда майда буржуа иқтисодчиси П.Ж.Прудон шунга ўхшаган «халқ банки»ни таъсис этган. Бироқ бу муассасаларнинг ҳаммаси бир хилда якун топиб, инқирозга учраган. Бунинг сабаби шунда эдик, «адолатли айирбошлар» банклари на ижтимоий зарур вақтнинг миқдорини, на ижтимоий эҳтиёжнинг миқдорини тўғри белгилай олишмасди.

Уларнинг ташкилотчилари товарни яратувчи меҳнат табиатини тушунишмаган. Улар товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнати фақат хусусий тусга эгалигини ва фақат айирбошлиш жараёнида бундай меҳнат ўзининг ижтимоий табиатини намоён қилишини унутишган. Бундай банклар негизини алоҳида хусусий ишлаб чиқарувчилар ташкил этадиган ишлаб чиқариш соҳасига дахл қилмасдан муомала соҳасини умумлаштиришга ҳаракат қилишган.

### *Пулнинг миқдорий назарияси ва унинг эволюцияси*

Иккисодий адабиётларда ҳали ҳам пулларнинг миқдорий назарияси оммавий ҳисобланади. Агар металлистик ва номиналистик назариялар пулларнинг моҳияти ҳақидаги масалани талқин қилишган бўлса, пулларнинг миқдорий назарияси товарларнинг нисбий қиймати, пулларнинг харидчилик қобилияти ва унинг ўзгариши сабаблари ҳақидаги саволга жавоб беришга ҳаракат қиласди. Ушбу концепция асосларини Ж.Локк асарларида, лекин янада тугалланган шаклда – Ж.Вандерлинт (1740 йилда вафот этган), Ш.Монтеске (1689-1755) ва Д.Юм (1711-1776) асарларида топиш мумкин. Д.Рикардо (1772-1823) ҳам пулларнинг миқдорий назарияси тарафдори бўлган.

Агар меркантилислар мамлакатда пуллар қанча қўп бўлса, бу шунча яхши, чунки бундай ҳол савдо ва саноатнинг равнақини тақозо этади, деб ҳисоблашган бўлишса, унда Дэвид Юм муомаладаги пуллар сонининг кўпайиши мамлакат бойлигини ифодаламайди, балки фақат товарлар нархларининг ўсишига олиб келишини исботлашга уринган. Шунинг учун у пулларнинг қиймати муомалада юрган пулларнинг сони билан белгиланади ва мутлақо фиктив миқдордан иборат бўлади, деб ҳисоблаган<sup>1</sup>.

Европада XVI-XVII асрларда юз берган «нархлар революцияси» пулларнинг миқдорий назарияси вужудга келишининг бевосита сабаби эди. Европага Американинг арzon олтини ва кумушининг олиб келиниши ва уларни қазиб олиш қийматининг пасайиши товарлар нархларининг жадал ўсишига олиб келди. Д.Юм бундай фавқулодда шарт-шароитларни типик деб ҳисоблаган, лекин илмий таҳлил бутунлай тескари ёндашувни талаб қилган. Д.Юм ҳам пулларнинг миқдорий назариясининг шундан кейинги тарафдорлари (Д.Рикардо, Ж.Милль ва бошқалар) сингари олтин тангали стандарт шароитида муомалада юрган пулларнинг миқдори аввало сотиладиган товарларнинг қийматига ва, янада аниқроқ қилиб айтганда, улар нархларининг суммасига боғлиқ бўлишини тушунишмаган.

Шундай қилиб, классик миқдорий назария учун учта қоида:

- 1) сабаблилик (нархлар пулларнинг массасига боғлиқ бўлади);
- 2) мутаносиблик (нархлар пуллар миқдорига мутаносиб равища ўзгаради)
- 3) универсаллик (пуллар миқдорининг ўзгариши ҳамма товарларнинг нархларига бир хилда таъсир қиласди) хос бўлган.

<sup>1</sup> Қаранг: Юм Д. Опыты. М., 1896. С.37.

Пуллар шаклларининг ривожланишига қараб пуллар массаси турли хилдаги миқдордан иборат бўлади ва нафақат накд пулларни, шу билан бирга турли шакллардаги банк омонатларини ҳам ўз ичига олади. Нархлари турли тусда ошиб борадиган товарларнинг ҳар хил гурӯҳлари ҳам пул массасининг кўпайишига турлича муносабатда бўлади. Шунинг учун пулларнинг миқдорий назариясининг шундан кейинги ривожланиши унга эконометрик таҳлил аппарати ва нархлар бўйича микроиктисодий назария элементларининг қўшилиши билан боғлик.

Сиёсий иқтисод математик мактабининг йирик вакили, Халқаро иқтисодий жамият асосчиларидан бири ва унинг биринчи президенти (1931-1933) **Ирвинг Фишер** (1867-1947) пулларнинг миқдорий назариясини замонавийлаштиришга катта ҳисса қўшди. У «Пулларнинг харид қилиш кучи. Унинг белгиланиши ва кредит, фоизлар ва таназзулларга муносабати» асарида (1911) пуллар массаси билан товарлар нархлари даражаси ўртасидаги боғлиқликни формаллаштиришга ҳаракат қилган. Товарлар учун тўланган пуллар сони ва сотилган товарлар нархлари суммаси teng бўлгани учун буни И.Фишер тарози билан ўхшатмоқчи бўлади.

Математик шаклда айирбошлиш тенгламасини қўйидаги формула шаклида тасаввур этиш мумкин:

$$M V = \sum PQ,$$

бунда:  $\Sigma$  – (*Expenditure*) – пул муомаласининг умумий ҳажми, яъни мазкур жамиятда шу йил давомида товарларни сотиб олиш учун сарфланадиган пуллар суммаси;

$M$  (*Money*) – ушибу жамиятда йил давомида муомалада юрган пулларнинг ўртача миқдори;

$$V = \frac{\sum PQ}{M}$$

(*Velocity*) – неъматларга айирбошилашдаги пуллар айланышларининг ўртача сони;

$P$  – (*Price*) – ушибу жамиятда сотиб олинадиган ҳар қандай алоҳида товарнинг ўртача сотии нархи;

$Q$  – (*Quantity*) – товарларнинг жами харид қилинган сони.

Фишер формуласи олтин тангали стандарт шароитида тўғри бўлмайди, чунки у пулларнинг ички қийматини ҳисобга олмайди. Бироқ олтинга алмаштирилмайдиган қоғоз пуллар муомала қиласидиган шароитда у муайян мазмун касб этади. Бундай шароитда пул массасининг ўзгариши, гарчи И.Фишер товарлар нархларининг мутлок эластиклигини назарда тутиб, нарх механизмини маълум маънода идеаллаштираса-да, лекин товарлар нархлари даражасига таъсир кўрсатади. Бошқа неоклассиклар каби Фишер ҳам мукаммал рақобатчиликка асосланади ва ўз хулосаларини монополиялар ҳукмронлик қиласидиган ва нархлар олдинги эластиклигини жиддий йўқотган жамиятга тегишли деб билади.

Кўпгина ҳозирги иқтисодчилар айирбошлиш тенгламасини бир хиллик, яъни  $MV=PQ$  сифатида тавсифлашади. Гап шундаки, бу тенглама  $D = T$

айирбошлаш ҳаракатини товарларнинг жами массасига дахлдор деб ифодалашга уринади, яъни товарлар сотиб олинган пуллар суммаси сотиб олинган товарлар нархлари суммасига teng (бир хил). Бу тавтологиядир ва шунинг учун айирбошлаш формуласи нархларнинг умумий (мутлоқ) даражасини изоҳлаш учун хизмат қила олмайди.

Микдорий назария тарафдорларининг фараз қилишича, айирбошлаш формуласи мутлоқ катталикни EQ<sub>o</sub> ни изоҳлайди (айни бир вақтда талаб ва таклиф механизми ундан нисбий тебранишларни изоҳлайди).

И.Фишер ва унинг издошлари шундай нуқтаи назарга амал қилишган. Улар *пулларнинг айланиши тезлиги (V)*

*ва ишлаб чиқарии даражаси (Q)*

*муомалада юрган пуллар миқдорига (M)*

*ва нархлар даражасига (P) боғлиқ бўлмаслигини асослашга уринишган.*

Улар пулларнинг айланиши тезлиги аввало демографик (аҳолининг зичлиги ва ҳоказо) ва техник (транспорт воситаларининг сони ва сифати ва ҳоказо) параметрларга боғлиқ бўлади, деб фараз қилишган. Ишлаб чиқариш даражаси эса асосан меҳнат бозорида юзага келаётган шарт-шароитлар билан белгиланиб, нархлар даражаси ва муомалада юрган пуллар сонига боғлиқ бўлмайди. Шубҳасиз, бозор хўжалиги хукмронлик қиласидан шароитда бундай қоидалар яққол нореал тус касб этади.

### *Пулнинг Джон Мейнэр Кейнс назарияси*

Иқтисодиётни давлат томонидан таназзулга қарши кредит-пул воситалари ёрдамида тартибга солиш хусусида иккита бир-бирига зид келадиган ёндашув мавжуд. Уларнинг бири неоклассик доктрина билан боғлиқ. Анъанавий неоклассик йўналиш стихияли бозор механизмини идеаллаштирган. У тўлиқ бандликка асосланади ва пул массасининг ўсиши нархларнинг ўсишида ифодаланади, деб фараз қиласи. Натижада пул бирлигининг харид қилиш кучи пасайди ва пулларнинг ўсиши айланиш гирдобида қолиб кетди. Шундай қилиб, нархларнинг янги, бирмунча юқори даражасида пуллар захирасининг олдинги қиймати яна қайта тикланди. Бундай ривожланиш модели амалда капитализмда таназзуллар ва ишсизликни истисно қилди.

Неоклассикларнинг ёндашуви капиталистик воқеликка зид келди ва бу ҳол 1929-1933 йиллардаги «буюк депрессия» жараёнида алоҳида намоён бўлди. Аҳволни тузатиш иши Ж.М.Кейнснинг зиммасига тушди. У «Бандлик, фоиз ва пулларнинг умумий назарияси» асарида (1936) пулларнинг айланишдан чиқиб кетиши сабабларини аниқлашга уринади, чунки, унинг фикрича, бунинг натижасида ялпи тўловга қобилиятли талаб ҳажми қисқарадики, бу ишлаб чиқариш ривожланишига тўскинлик қиласи. Ж.М.Кейнснинг фикрича, пулларнинг чиқиб кетишининг бош сабаблари «учта фундаментал психологик омиллар»: истеъмолга мойиллик, ликвидлиликни афзал кўриш ва капитал активлардан келадиган бўлғуси даромад тахмини билан боғлиқ.

Пулларга ялпи талаб қуйидаги формула билан белгиланади:

$$M = M_1 + M_2 = L_1 (Y) + L_2 @,$$

бунда:  $M_1$  – трансакцион талаб;  
 $M_2$  – спекулятив талаб;  
 $Y$  – миллий даромад;  
 $r$  – фоиз нормаси;  
 $L_1, L_2$  – ликвидлилик функциялари.

Неоклассиклар ва Кейнс пуллар такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қиласди, деб ҳисоблашади. Бироқ неоклассиклар бундай таъсирни нархлар орқали, Кейнс эса – фоиз нормаси орқали кўрсатади. Кейнснинг фикрича, фоиз нормаси инвестицияларга таъсир кўрсатади, инвестициялар эса миллий даромад ўсишининг муҳим омили ҳисобланади.

Кейнснинг капитализмнинг ўзини ўзи тартибга соладиган тизим сифатидаги танқиди қайишқоқ пулларни – неоклассик назариянинг асосий барқарорлаштирувчи омилини тўхтатиб қўйиш йўли билан эришилади. Кейнс шу мақсадда барча иқтисодий кўрсаткичларни иш ҳақининг ўзгармас катталикларида ифодалайди. Лекин нарх омилидан абстракциялаштириш, ўз моҳиятига кўра, айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин кескинлашган инфляция муаммосини истисно этди. Бу кейнсчиликнинг кескин танқидга учрашини олдиндан белгилаб берди ва пулларнинг неоклассик назарияси вужудга келишининг муҳим шарти бўлди.

### **Ҳозирги монетаризм назарияси**

Кейнснинг бевосита давлат инвестицияларининг ролига ва конъюнктурани тартибга солишнинг бюджет услубларига ортиқча баҳо бериб юборган тавсияларининг қўлланиб бўлинмаслиги инфляция феноменини «соғ пуллик асосда» изоҳлашга уринишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай ёндашув Милтон Фридмен (1912 йилда туғилган) бошчилигидаги ҳозирги монетаристлар асарларида амалга оширилди. 60-70-йилларда унинг «Капитализм ва эркинлик», «қўшма Штатларнинг монетар тарихи. 1867-1970» (А.Шварц билан биргаликда), «Позитив иқтисодий фан очерклари», «Доллар ва дефицит», «Пул назариясидаги контрреволюция» ва бошқа асарлари чоп этилади. 1976 йилда М.Фридменга Нобель мукофоти берилди.

Монетаристлар пулларнинг миқдорий назариясининг янгича талқинини таклиф этишди. М.Фридмен статистик таҳлил асосида қуйидагича формулани таклиф қилди:

$$MV = Py,$$

бунда:  $M$  – пул массаси;  
 $V$  – даромаднинг айланиши тезлиги;  
 $P$  – нархлар даражаси;  
 $y$  – реал даромад нормаси (оқими).

Пулларни монетаристлар такрор ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи омилли сифатида кўриб чиқишиади, шунинг учун давлатнинг пул-кредит соҳасини нотўғри тартибга солиши, уларнинг фикрича, иқтисодий таназзулни келтириб чиқариши мумкин.

Сўнгги йилларда пайдо бўлган ва 2008 йилда юза чиққан жаҳон молиявий –иқтисодий инқирозининг сабабларига ўз эътиборини қаратган

Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А.<sup>3</sup> Биринчидан, молия-банк тизимидағи инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, ретсессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвеститсияйи фооллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдини топмоқда..

Бундай таназзулнинг олдини олиш учун, биринчидан, пул массасининг ўсиши суръатларини йилига 3-4% гача пасайтириш зарур (бу АҚШ миллий даромадининг ўртacha ўсиш суръатларига тўғри келади). Шуниси характерлики, бундай суръатлар иқтисодий конъюнктуранинг жорий ҳолатидан қатъи назар тавсия этилади, чунки, монетаристларнинг фикрича, қабул қилинган қарорларнинг таъсири жиддий кечикади ва уларнинг бошланғич мақсадига путур етказади. Иккинчидан, давлатнинг иқтисодий функцияларини чеклаш: давлат сектори микдорларини камайтириш, давлат харажатларини, шу жумладан, ижтимоий эҳтиёжларга харажатларни қисқартириш керак (бу йирик бизнеснинг манфаатларига объектив хизмат қилади).

1969-1970-йилларда ва 70-йилларнинг иккинчи ярмида АҚШ, Англия, ГФР, Японияда ва бошқа айрим мамлакатларда монетаристик тавсияларни амалда қўлланишга уринишлар бўлди. Ҳисобга олиш ставкаси жиддий оширилди (17-20%гача), илгари национализация қилинган корхоналарнинг қисман қайтадан хусусийлаштирилиши ва шу каби тадбирлар амалга оширилди. Бироқ инфляция билан курашда эришилган шубҳасиз ютуқларга қарамасдан капитализмнинг ривожланишидаги таназзулли пасайишларнинг тўлиқ олдини олиб бўлмади – 1980-1982-йиллардаги таназзул шундан яққол далолат берди. Бир қатор мамлакатларда ушбу таназзул урушдан кейинги даврдаги нафақат энг узоқ давом этган, шу билан бирга энг теран таназзул бўлди. Монетаристик чора-тадбирлар, шубҳасиз, меҳнаткашлар реал даромадларининг ҳаракатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, ҳозирги монетаризм қўйилган вазифани тўлиқ ҳал қила олмади. Бу шунинг учун юз бердики, монетаризм капиталистик ишлаб чиқаришнинг туб муаммоларидан, аввало ва асосан кредит-пул муомаласи соҳасидан ажратиб абстраклаштирилди.

## 2-савол баёни: Пул айланиши ва унинг моҳияти

**Пул муомаласи** – бу пулларнинг мамлакатнинг ички иқтисодий айланиши, ташқи иқтисодий алоқалар тизимидағи, товарлар ва хизматларнинг сотилишига, шунингдек, уй хўжалигидаги товарсиз тўловларга хизмат кўрсатадиган нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги ҳаракатидир. Товар ишлаб чиқариш пул муомаласининг объектив негизи

<sup>3</sup> И.Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 5 б.

бўлиб, ундаги товар олами товарларнинг икки турига: товарларнинг ўзига ва товар-пулларга бўлинади. Нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги пуллар ёрдамида товарлар, шунингдек, ссуда ва фиктив капиталларнинг муомаласи жараёни амалга оширилади.

Шундай қилиб, пул муомаласи жараёнларидан пул айланиши тушунчасини ажратиб олиш мумкин.

**Пул айланиши** - нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги пул белгиларининг узлуксиз ҳаракат жараёнидир. қийматнинг ўзидан ажралганлик ҳозирги пул айланишининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳозирги пул айланиши металл пуллар муомаласи шароитидаги каби қийматли эмас, чунки пул белгисининг қиймати номиналдан анча кам ва унинг аҳамияти бўлмаслиги мумкин.

Нақд пулсиз ва нақд пул ўтказиш йули билан амалга ошириладиган тўловларнинг йифиндиси пул оборотини ташкил қиласи. Халқ хўжалиги тармоқларида яратилган товарларнинг бариси пул ёрдамида айирбош қилинади. Пул оборотига товар айланишининг пул шаклидаги кўриниши деб қараб бўлмайди. Чунки пул обороти товар оборотидан кенгроқ бўлиб, у товарнинг сотилиши ва сотиб олинишидан ташқари, ҳар хил соҳаларда меҳнатга ҳақ тўлаш жараёнини ҳам ўз ичига олади.

Пул оборотининг содда схемасини қуйидагича ифода қилиш мумкин, яъни пул ҳаракати фақат аҳоли ва корхона, ташкилотлар ўртасида бўлади деб караймиз. Бу схемада пул оборотининг асосий икки омили: бир томондан товар ва ресурслар ҳаракати билан; - иккинчи томондан пул ҳаракати кўрсатилган. Бу схемада давлат ташкилотлари, молиявий бозор, пул бозорлари, экспорт ва импорт ва бошқа иқтисодий муносабатлар йўқ деб қаралган. Аҳоли ва корхоналар ҳечқандай воситачиларсиз, тўғридан тўғри иқтисодий муносабатда бўладилар.

Пул обороти молиявий ресурслардан фойдаланиш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Капитал маблағлардан фойдаланиш ва баъзи соҳаларда ҳаражатларни молиялаштириш, банклар томонидан кредитлаш жараёнларининг амалга оширилиши ҳам пул оборотининг юзага келиши учун зарур шароитdir. Кредитлаш учун зарур бўлган кредит ресурслари пулнинг ўзлуксиз айланиши натижасида вужудга келади. Корхона, ташкилотлар томонидан моддий қийматликлар, материаллар, ёқилғи ва бошқаларни сотиб олиш учун мўлжалланган пул маблағлари олдиндан аванслаштирилади. қиймат пул шаклидан товар шаклига ўтади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилади ва мол етказиб берувчининг ҳисоб варағига пул маблағлари келиб тушади. Шу тариқа корхоналарнинг пули ўзлуксиз айланиб туради. Товарлар учун тўловлар нақд пулсиз амалга оширилгани учун корхона ҳисоб варағига келиб тушган пул, уни ишлатишга зарурат тутулгунча банкларда сакланади.

Корхона, ташкилотларнинг вақтинча бўш турган пуллари уларнинг розилигига асосан банк томонидан кредит ресурс сифатида ишлатилиши мумкин. Корхона ташкилотларнинг бўш пул маблағларидан ташқари, банклар жамоат ташкилотларнинг, бюджет, суғурта ташкилотларнинг,

аҳолининг банклардаги пул маблағларидан ўз ресурслари сифатида фойдаланиб, халқ хўжалиги тармоқларига кредитлар бериши мумкин. Шундай қилиб, банклар томонидан пул маблағларининг йигилиш жараёни пул оборотида намоён бўлади.

Корхона ташкилотларни кредитлашда пул маблағлари вақтинча фойдаланишга берилади. Кредит бериш ва кредит ҳисобидан товар моддий бойликларни сотиб олиш ва уни бошқа ишлаб чиқариш ҳаражатлари учун сарфлаш ва кейинчалик кредитни тўлаш ссуда счётига маблағ ўтказиш жараёни пул оборотининг элементларидан бири ҳисобланади.

Пул обороти инвестиция билан боғлик ҳаражатларни, сугурта жараёнларини амалга оширилишини, мулкни, ҳаётни, транспорт воситаларини, экин боғларини, бошқа буюмларни сугурта қилиш ва уни тўлашни ўз ичига олади.

Пул обороти аҳоли томонидан уй-жой, коммунал хизматлар, газ, электр энергияси, алоқа ҳизматлар учун тўловлар, маданий майший хизмат кўрсатиш корхоналарига тўловлар, транспорт учун ва бошқа тўловларни, аъзолик бадалларни ва пайларни тўлашни ўз ичига олади. Шундай қилиб, пулнинг айрим каналларида ҳаракатини кўриб чиқа туриб, пул оборотининг моҳиятини қўйидагича таърифлаш мумкин. Пул обороти - бу нақд пуллик ва пул ўтказиш йўли билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг ийғиндисидир.

Пул оборотини икки асосий белгига қараб - биринчидан, жами ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш, ва иккинчидан, пулнинг функцияларига қараб таркибий қисмларга бўлиш мумкин. Жами ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни билан боғлик ҳолда пул обороти: товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш, капитал қурилиш билан боғлик оборотга, ҳамда товар ва уларнинг ҳаракати билан боғлик бўлмаган оборотга бўлинади.

Пул функцияларига ва тўлов турига қараб пул обороти **нақд** пуллик ва **нақд пулсиз** оборотга бўлинади.

Пул оборотининг асосий қисмини **нақд пулсиз оборот**, яъни корхона, ташкилотлар ўртасидаги, уларнинг давлат бюджети, кредит ташкилотлари билан нақд пулсиз бир счётидан иккинчи счётга маблағлар ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган оборот ташкил қиласди.

Пул обороти таркибида нақд пулсиз оборот салмоининг юқори бўлишининг сабаби, аввалом бор корхона, ташкилотлар ўртасида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни юксалтириш зарурлиги, баъзи бир тармоқларнинг ихтисослашуви, кредит системасининг такомиллашуви ва бошқалардир.

Товарларни сотиш жараёнидаги ҳисоблар моддий бойликлар айланиши билан боғлик бўлиб, улар асосан корхона, ташкилотлар ўртасида олиб борилади.

Нотовар характердаги ҳисоб-китобларга миллий даромадни тақсимлаш, қайта тақсимлаш билан боғлик бўлган тўловлар, даромаддан тўловлар, ҳар хил бадаллари солиқлар, кредитларни тўлаш, уй жой, ҳар хил хизматлар учун тўловлар ва бошқалар киради.

Товарлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз ўтказилиши, моддий бойликларни етказиш ва қўрсатилган хизматлар учун тўлов муддатини яқинлаштиришга ёрдам беради. Товар моддий бойликлар ва хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги корхоналар маблағларининг хўжалик оборотидан чиқиб кетишига, кўзланган режаларни бажаришга маблағларнинг етишмаслигига олиб келади. Тўловнинг товарларни олишдан олдин амалга оширилиши мол сотиб олувчи корхона маблағларининг хўжалик оборотидан чиқиб кетишига олиб келади. Шунинг учун товарлар ҳаракати ва тўловлр бир-бирига мос келиши катта аҳамиятга эга.

**Нақд пуллик оборот** - бу нақд пул ёрдамида амалга ошириладиган тўловлар йифиндисидир. Бу оборот пул ўзининг тўлов ва муомала воситаси функцияларини бажаришида юзага келади.

Иқтисодиётда амал қиласидиган умумий тўлов айланишининг таркибий қисмларидан бири нақд пуллик айланиш ҳисобланади. Кўпинча пул маблағлари айланишининг бу қисмини пул муомаласи дейилади.

Пул муомаласи пул айланишининг нақд пул маблағларининг муомаласи, пул белгиларининг бир юридик ва жисмоний шахслардан бошқа шахсларга доимий тарзда ўтиб юриши билан боғлиқ қисмидир. Бошқача айтганда, бу иқтисодий субъектлар ўртасидаги пуллар муомаласи жараёнининг фақат нақд шаклда бўладиган қисмидир. Нақд пул айланиши, одатда, товарлар ва хизматларга ҳақ тўланиши эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, бошқа тижоратчилик битимларининг тузилиши ва уларга ҳақ тўланиши жараёнлари билан боғлиқ эмас. Бошқача айтганда, нақд пул айланиши жараённида ҳар сафар маблағларнинг нисбатан кичик суммаси қатнашади. Бу қўшимча кафолатларнинг таъминланиши, пул маблағларининг йирик суммаларини бир хўжалик юритувчи субъектдан бошқа субъектга ўтказишдаги ташишнинг мураккаблиги ва трансакцион харажатларни тежашнинг зарурлиги билан боғлиқдир. Шундай қилиб, нақд пуллар муомаласи иқтисодиёт субъектларининг майший эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган товар алмашиниши жараёнини пул маблағларининг нисбатан кичик суммасини ишлатган ҳолда таъминлайди. Одатда, пул айланишининг ушбу типи хизматлар учун ҳақни бевосита у ёки бошқа ташкилотнинг кассасига тўлайдиган уй хўжаликлари ва кичик корхоналарда асосий ўрин тутади. Ҳар бир киши нақд пул айланиши билан боғлиқ, чунки ҳамма ҳар куни нақд пул белгилари ёрдамида товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаб туради. Иқтисодиётнинг бошқа субъектлари пул айланишининг ушбу типидан жуда кам фойдаланишади ва, одатда, бундай тип фақат фаол қўлланиладиган нақд пулсиз айланишга қўшимча шаклида амал қиласиди.

Шуни қайд қилиш керакки, нақд пуллик айланиш бир қатор афзалликларга эга:

- 1) маблағларнинг тез етказиб берилиши;
- 2) ҳисоб-китобларнинг ўтказилиши тўғрилигини зудлик билан текшириш мумкинлиги;
- 3) мавжуд ресурслар миқдори юзасидан аниқ ахборотнинг мавжудлиги;

4) қарзларнинг пайдо бўлиши имкониятининг истисно қилиниши.

Бундан ташқари, ушбу ҳисоб-китоб воситасининг тўлов айланишининг умумий таркибидаги улуши иқтисодий тизим ривожланганлигининг ёрқин кўрсаткичи ҳисобланади. Масалан, натура хўжалиги ҳукмонлик қилганида нақд пуллик ҳисоб-китоблар кичик улушни эгаллайди ва ҳисоб-китобни амалга оширишнинг ушбу турининг ўсиб бориши бозор иқтисодиётига ўтиш ва товар иқтисодиётидан узоқлашишдан далолат беради. Бозор иқтисодиёти ҳукмонлик қилганида ҳисоб-китобни амалга оширишнинг бу тури энг устун ўринни эгалламаса-да, лекин тўлов воситаларидан фойдаланишнинг умумий ҳажмининг катта қисмини ташкил этади. Ва, ниҳоят, постиндустрисал иқтисодиётга ўтишда нақд пул маблағлари аслида иқтисодиётда амал қилмай қўяди, уларнинг ўрнини ҳисоб-китоблар ҳамма жойда электрон пул воситаларидан фойдаланиш орқали бажариладиган нақд пулсиз шакл эгаллайди. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда мамлакатларнинг кўпчилиги иқтисодий контрагентлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг бу шаклидан секин-аста воз кечиш жараёнини бошдан кечиришмоқда.

**Нақд пул айланишини** ташкил қилиш аслида молия тизимининг қурилиши билан чамбарчас боғлик. Масалан, ҳисоб-китоб воситалари ушбу шаклининг тўлиқ фаолият юритиши учун нафақат бу тўлов воситаларидан фойдаланишга тайёр бўлган субъектлар мавжудлиги, шу билан бирга буни амалга оширишга имкон берадиган муайян тузилма ҳам зарур бўлади. Хусусан, нақд пул маблағлари эмиссия қилиниши (босилиши) керак. Одатда, эмиссия жараёнида ҳар бир пул белгисига нафақат муайян ташки кўриниш, шу билан бирга сохта белгилар ясалишидан ҳимоялаш учун ўзининг ҳимоя воситалари қўйилади. Бундай ҳимоя воситалари икки хилдаги аҳамиятга эга. Бир томондан, улар банк учун ортиқча, унга мансуб бўлмаган пул белгиларининг пайдо бўлмаслигига кафолат бўлади, бошқа томондан – иқтисодий субъектга ҳақиқий пул белгиларини сохта белгилардан ажратиб фақат ҳақиқий пул белгиларидан фойдаланиш имконини беради.

Шундан кейин нақд пул айланишини ташкил этиш учун эмиссия тизимининг барча бўғинлари: марказий банк ва ҳисоб-китоб-касса марказларининг (ёки нақд пул маблағларини айланишга чиқаришга имкон берадиган бошқа тузилмаларнинг) амал қилиши зарур.

Нақд пуллар айланишининг амал қилишига доир қўйидагича асосий тамойиллар ажратиб кўрсатилади:

- 1) молия муассасалари-эмитентларнинг мавжудлиги;
- 2) бозор қатнашчиларининг маблағларни сарфлаш юзасидан иқтисодий эркинлиги;
- 3) таъсис этилган миллий пул бирлигининг амал қилиши;
- 4) назорат қилувчи органлар олдида тушумлар ва харажатлар ҳажмлари учун ҳисботчиликни амалга ошириш мумкинлиги;
- 5) пул маблағларига эгалик қилишнинг легитимлиги.

Нақд пул маблағларининг тўлақонли айланиши имкониятига эга бўлиш учун иқтисодий тизим ривожланишнинг муайян даражасига эришган бўлиши

керак. Хўжаликда нақд пуллар оқимлари ҳаракатининг муайян каналларини ажратиш мумкин:

1) пул маблағларининг марказий банкдан минтақалардаги ҳисоб-китоб-касса марказларига ва у ердан яна марказий банкка қўчирилиши. Бундай қўчириш пул маблағларини эмиссия қилиш, уларни муомаладан олиб қўйиш ёки яроқсиз ҳолга келган купюраларни янгилари билан алмаштириш жараёнларини амалга ошириш зарурлиги билан боғлик;

2) пул маблағларининг ҳисоб-китоб-касса марказлари кассаларидан банкларга ёки корхоналар кассаларига қўчирилиши. Бу иш ҳақини нақд пуллар билан бериш ёки бошқа операцияларнинг бажарилиши билан боғлик. Одатда, бундай қўчиришдан олдин ушбу ташкилотларнинг ҳисобвараклари бўйича пул маблағларининг нақд пулсиз ўтказилиши амалга оширилади;

3) пул маблағларининг корхоналар кассалари, банклар ва бошқа муассасалардан иқтисодиётнинг бошқа субъектларига: уй хўжаликларига иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, нафақалар ёки корхоналарга хизматлар, товарлар учун ҳақ тўлаш сифатида қўчирилиши;

4) нақд пул маблағларининг товарлар сотиб олинганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги, шунингдек, муайян молиявий операцияларнинг (биржадаги ўйин, суғуртанинг харид қилиниши, хусусий пенсия фондларига ажратмалар ва ҳоказо) ўтказилганлиги муносабати билан уй хўжаликларидан корхоналар ва муассасаларга қўчирилиши;

5) нақд пул маблағларининг ресурсларнинг қайта тақсимланиши, уларнинг оиласанинг турли аъзолари ўртасида янада самарали фойдаланилиши учун бир хўжалик ичida қўчирилиши.

**Нақд пуллар** муомала воситаси сифатида аҳоли билан корхона, ташкилотлар ўртасида, аҳоли билан аҳоли ўртасидаги товарлар сотиб олишда ва сотища қўлланилади. Пул тўлов воситаси сифатида иш ҳақи, нафақалар, мукофотлар, якка тартибдаги қурилиш учун бериладиган кредитлар, суғурта тўловларни тўлашда намоён бўлади. Ундан ташқари нақд пуллик оборотга:

- коммунал хизматлар учун тўловлар;
- маиший хизматлар учун тўловлар;
- суғурта ташкилотларига пайларни тўлаш;
- соликнинг баъзи турларини тўлаш;
- банк кредитини тўлаш;
- матбуот ижтимоий пайлар тўлаш;
- акционерлик жамиятлари билан аъзолари ўртасидаги тўловлар ва бошқа тўловлар киради.

Корхона, ташкилотларнинг банкдаги ҳисоб рақамидаги пул маблағлари қўйидаги йўллар билан нақд пулга айланади:

- ишчи, хизматчиларга иш ҳақи бериш;
- кўрсатилган хизматлар, меҳнат учун тўловлар;
- нафақалар тўлаш;
- ҳар хил мукофотлар;
- аҳолидан қишлоқ, хўжалик маҳсулотлари, товарлар сотиб олишда;
- давлат заёmlари ва лоторея билетлари бўйича тўловлар;

-аҳоли банклардан жамғармаларини олганда;  
-аҳолига сұртта түловларини түлаганда ва ҳакозо.

**Накд пуллар чекланган миқдорда муомалага чиқарилади. Накд пулларнинг муоммалага чиқарилиши устидан банк назорат олиб боради. Накд пуллар құйидаги йўллар билан нақд пулсиз оборотга тушади.**

-үй-жой ва коммунал ҳизматлар учун түлаганда;  
-алоқа ташкилүтларига түлаганда;  
-хар ҳил солиқлар ва пайлар түлаганда;  
-давлат заёмлари ва лоторея билетлари сотиб олингандаги тушумлар орқали;  
-якка тартибдаги қурилиш учун олинган кредитларни түлаганда;  
-хар ҳил божлар ва жарималарни түлаганда;  
-болалар боғчалари ва бошқа муассасалар учун түлаганда;  
-дам олиш уйлари ва бошқа соғломлаштириш муассасаларни йўлланмалари учун түлаганда ва бошқа ҳолларда.

**Пулнинг нақд пулсиз оборотга** ўтганидан нақд пуллик оборотга кўпроқ ўтиши пул муомаласи учун хатарлироқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам пулнинг нақд пуллик оборотга ўтиш жараёни давлатнинг Марказий банки томонидан назорат қилиб борилиши керак.

Пул обороти бўлимлари ўртасида юзага келадиган номутаносиблик иқтисодий чоралар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан йўқотилиши керак.

Бунинг учун муомалага халқ эҳтиёжига учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиши, аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасалар сонини ва хизмат турларини яхшилаш нақд пулларнинг нақд пулсиз оборотга ўтиш жараёнини тезлаштиради. Бу ўз навбатида бу маблағлар ҳисобидан ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтиришга имкон беради.

Баъзи адабиётларда нақд пул обороти ва пул муомаласи тушунчалари бир ҳил моҳиятга эга деган хато фикрларни ҳам учратиш мумкин. Пул муомаласининг ўзига хос хусусияти шундаки, бир пул белгиси бир неча марта түловларни амалга оширишда ишлатилиши мумкин. Муомалада бўлган нақд пул массаси маълум бир давр (ой, квартал, йил)да ўзгармас бўлиб турган ҳолда, нақд пул обороти пул бирлигининг айланиш тезлигига қараб муомаладаги нақд пул миқдоридан бир неча марта кўп бўлиши мумкин ва аксинча.

Ўзбекистонда муомалага пул Марказий банк томонидан чиқарилади. Аҳоли томонидан иш хақи ва бошқа түловлар шаклида олинган пулларнинг бир қисми колхоз бозоридан товарлар сотиб олишга сарфланади. Колхозчи бу пулларга савдо ташкилотларидан товарлар сотиб олади. Савдога тушган пуллар савдо тушуми сифатида банкларга топширилади. Кўриниб турибдики, банкдан чиқкан пуллар бир неча түловларга ишлатилади, нақд пул оборотининг ҳажми түловларни амалга ошириши учун муомалага чиқарилган пуллар миқдоридан бир неча марта кўпдир. Накд пул обороти

нақд пуллар билан амалга ошириладиган тўловлар йиғиндиси бўлиб, у сонларда ифодаланади.

Пул муомаласи муомаладаги пул массасини, банк томонидан муомалага чиқарилган пулларнинг банкга қайтиб келиши тезлигини ифодалайди.

Пул оборотини кўриб чиқища биз тўлов обороти билан нақд пулсиз оборотлар ўртасида фарқ мавжудлигини таъкидламоқчимиз. **Тўлов обороти** деб пулнинг тўлов воситаси сифатида ҳаракати туфайли вужудга келган пул оборотига айтилади. Тўлов оборотининг таркибийқисми бўлиб тўлиқ нақд пулсиз оборот ва нақд пул оборотининг пулнинг тўлов воситаси функцияси туфайли юзага келувчи қисми ҳисобланади.

Шундай қилиб, муомала учун зарур бўлган пул миқдорига ишлаб чиқариш ривожи ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлган турли хил омиллар таъсир қўрсатади. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорига таъсир қўрсатувчи асосий омил - бу товарлар ва хизматлар баҳоси ҳисобланади. Пул миқдори товарлар ва хизматлар баҳосига тўғри пропорционал, яъни товарлар ва хизматлар баҳосининг ошиши муомалага кўп пул чиқаришни талаб қиласди. Пул миқдорига таъсир қилувчи иккинчи омил - бу пулнинг айланиш тезлиги ҳисобланади. Еу омил пул миқдорига тескари таъсир қўрсатади. Одатда пул қанчалик тез айланса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунча кам талаб қилинади ва аксинча.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини бошқаришда шу муҳим омилларга алоҳида эътибор берилиши зарур.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини камайтириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш муҳимдир. Булар: истеъмол кредитни ривожлантириш; кредитга қанчалик кўп товар сотилса, шунча кам миқдорда пул муомалада керак бўлади;

- нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг ривожланиши;
- пулларнинг муомала тезлигини оширишга эришиш ва бошқалар.

Ҳар бир жамият пул муомаласи қонуни талабларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши зарур. Чунки пул муомаласи қонунининг бузилиши пул барқарорлигига путур етказади. Бу ҳолда муомалага чиқарилган пул миқдори муомаладаги товарлар баҳосидан ошиб кетиши, яъни инфляция бўлишига, ёки пул очарчилигига (етишмовчилигига) олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, пул муомаласини ушлаб туриш шарт-шароитлари ва қонуниятлари икки омилнинг ўзаро таъсири билан, яъни: хўжаликнинг пулга бўлган эҳтиёжи ва амадда пулларнинг муомалага бориб тушиши билан белгиланади. Амалиётда кўпроқ учрайдиган ҳол бу оборотда хўжаликка керак бўлганидан кўпроқ пулнинг бўлишидир. Бу албатта, пулнинг қадрсизланишига - пул бирилигининг ҳарид қобилиятининг тушушига олиб келади.

**Нақд пуллар** марказий эмиссия банки фаолияти натижасида яратилади. Пулларни яратиш жараёни икки босқичдан иборат бўлади.

Пулларни яратиш жараёнининг **биринчи босқичида** марказий эмиссия банки асосий йўналишлар бўйича, шу жумладан, хукуматга, тижорат

банклари, чет мамлакатлар, алоҳида корхоналарга бевосита кредитларни бериш йўли билан (агар амалдаги қонунларда шундай тартиб назарда тутилган бўлса), шунингдек, расмий олтин ва валюта захираларини кўпайтириш орқали ўз активларини кўпайтиради.

Марказий эмиссия банки активларининг кўпайтирилиши айни бир вақтда унинг пассивларининг ҳам тегишлича ўсишини англатади, яъни пул базасининг ташкил этилишига олиб келади.

Пул базаси муомаладаги нақд пуллардан, шунингдек, тижорат банкларининг мамлакат Марказий банкдаги мажбурий ва мажбурий бўлмаган (ихтиёрий ва ортиқча) захираларидан иборат бўлади.

Умуман олганда, тижорат банкларининг захиралари деганда, мабодо банк омонатчилари тўсатдан катта миқдордаги тўлов талабларини қўйгани ҳолда, унинг тезкорлик билан муомалага киритадиган активлари тушунилади. Тижорат банкларининг Марказий банкдаги захиралари мажбурий ва мажбурий бўлмаган (ихтиёрий ва ортиқча) захиралардан таркиб топади.

**Мажбурий захиралар** деганда тижорат банкларининг Марказий банкдаги омонатлари (депозитлари)нинг қонуний тартибда белгилаб қўйиладиган энг кам нормаси тушунилади.

Мажбурий бўлмаган (ихтиёрий, ортиқча) захиралар деганда тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобваракларида мажбурий захираларнинг белгиланган нормасидан ортиқ миқдорда сақланаётган маблағлари тушунилади. Тижорат банклари мажбурий бўлмаган захиралар миқдорларини ўз хоҳишига кўра ўзгартириши мумкин. Шу муносабат билан эълон қилинадиган статистикада пул базасини белгилашда бундай захираларни муомаладаги нақд пуллар таркибида юрибди деб ҳисоблаб, улар ажратиб кўрсатилмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул базасининг қуидагича таърифини беради:

**Пул базаси** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муомалага чиқарган нақд пуллар ва тижорат банкларининг мажбурий захираларини ўз ичига олади.

Пулларни яратиш жараёнининг **иккинчи босқичида** тижорат банклари ўз мижозлари – корхоналар, ташкилотлар, аҳолини кредитлаш учун марказий эмиссия банкidan олган кредитлардан фойдаланадики, бу пул массасининг яратилишига олиб келади.

**Пул массаси тижорат банклари тизимидағи пул базасининг ошиши натижасида вужудга келади ва муомаладаги нақд пуллардан ва мижозлар ҳисобваракларидағи пуллар қолдиқларидан иборат бўлади.**

### **З-савол баёни: Накд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш асослари.**

Маблағларини бир ҳисоб рақамидан иккинчи ҳисоб рақамига накд пул иштирокисиз, ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган ҳисоблар накд-пулсиз ҳисоб-китоблар дейилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида накд пулсиз ҳисоб-китоблар 1995 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб бориш тўғрисида"ги 60-қоидага асосан олиб борилади.

Бу қоида Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги, "Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида"ги қонунлар ва Ўзбекистон республикаси Марказий банкининг бошқа меъёрий хужжатларига асосан ишлаб чиқилган ҳисоб-китобларни 60-қоидага асосан, олиб боришда олдин мавжуд бўлган баъзи бир чекланишлар олиб ташланди ва корхоналарга улар қайси мулк шаклига асосланишидан қатъий назар ҳисоб-китоб шаклларини танлаш ва олиб боришда эркинликлар берилган.

Накд пулсиз ҳисоб-китоблар қуидаги унсурлардан ташкил топган. Булар: накд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб бориш ва амалга оширишнинг асосий тамойиллари; ҳисоб-китоб шакллари; тўлов тури; навбати; манбалари; ҳисоб-китоб қатнашчилари; банкнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари ва бошқалар.

Накд пулсиз ҳисоб-китоблар қуидаги асосий тамойилларга асосланади:

- корхона, ташкилотлар ўз пул маблағларини (ўз маблағларини ва қарз маблағлар) банкда саклашлари зарур;
- барча накд пулсиз ҳисоб-китоблар банк орқали ўтиши керак;
- хўжалик органлари ҳисоб-китоблар шаклларини эркин танлашлари ва уни шартнома орқали мустаҳкамлаб қўйишлари мумкин;
- хўжалик органларининг ҳисоб-китоблар бўйича шартномавий муносабатларига аралашмасликлари керак;
- товарлар ва хизматлар учун тўловлар тўловчининг розилиги билан амалга оширилади;
- тўловлар хўжалик органларининг ҳисоб варақасидаги маблағлари ҳисобидан, баъзхида (агар корхона кредит олиши мумкин бўлса) банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши мумкин;
- тўлов қоидаси мол етказиб берувчи ва мол сотиб олувчи томонидан мол етказиб бериш тўғрисидаги шартнома асосида келишиб олинади;
- мол етказиб берувчининг ҳисоб варағига пул маблағларини ўтказиш мазкур маълағларнинг мол сотиб олувчининг ҳисоб варағидан ўчирилганидан кейин амалга оширилади (чеклар билан ҳисоб-китобла ёки жорий варакалар очилади)

Ҳисоб-китоб (жорий) варакаларини очиш учун корхона қуидаги хужжатларни банкка тақдим этиши зарур:

- a) ҳисоб-вараги очиш тўғрисида ариза;

б) хўжалик, ташкилот тузилиб, рўйхатга олинганини тасдиқловчи ҳужжат;

в) нотариал тарзда тасдиқланган, ҳуқуқий шахс томонидан имзоланган ҳуқуқий шахс Устави нусхаси;

г) имзолар намуналари, муҳр босилган ва нотариал тарзда тасдиқланган варақа;

д) ҳисоб-китоб варақасини очиш учун юқоридаги асосий ҳужжатлардан ташқари зарур бўлганда бошқа қўшимча ҳужжатлар ҳам банкка тақдим этилиши мумкин.

### ***Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари.***

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари банклар томонидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган ва халқаро амалиётда қабул қилинган шаклларда олиб борилади.

Ҳисоб-китоб шакллари дейилганда одатда ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган, маблағларни мол етказиб берувчининг ҳисоб варақасига ёзиш усули, ҳисоб-китоб ҳужжатининг тури, ҳамда ҳужжатларнинг айланиш тартиби билан фарқ қилувчи ҳисоб-китоб турлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг 4 сентябр 1995 йил 60-сонли "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қоидаси"га асосан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қуидаги шаклларда амалга оширилади:

- тўлов топшириқномаси билан;
- чеклар билан;
- аккредитивлар билан;
- тижорат банкларининг векселлари билан;
- тўлов талабнома-топшириқномалари билан;
- тўлов талабномалари билан; инкасса топшириқлари билан.

**Тўлов топшириқномаси бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар.** Тўлов топшириқномаси корхонанинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисоб варағидан бошқа субъектнинг ҳисоб варағига маблағ ўтказиб кўйиш тўғрисидаги топшириғидир.

Тўлов топшириқномаси белгиланган шаклдаги бланкада ёзма равища тақдим қилинади.

Тўлов топшириқномаси билан қуидаги операциялар бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

- а) товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар;
- б) нотовар операциялар юзасидан ҳисоб-китоблар;
- в) кредит бериш қоидаларида кўзда тутилган ҳолларда банк ссудаларини ўзиш учун пул ўтказиш;
- г) хукumat қарорлари ва банк қоидаларида назарда тутилган ҳолларда бўнаклар (аванс) тўлашда ва бошқа ҳолларда.

Тўлов топшириқномаси ёзилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида (ёзилган кун ҳисобга олинмайди) кучга эга бўлади.

Муддатли тўлов топшириқномалари қуидаги ҳолларда қўлланилади:

бўнак (аванс) тўловида, яъни товар жўнатмасдан ёки хизматлар кўрсатилмасдан олдин; товар жўнатилгандан кейин, яъни товарни бевосита акцепт қилиш йўли билан; йирик суммага тузилган битимларда суммани бўлиб-бўлиб тўлашда.

Муддатдан олдин ва муддати кечиктирилган тўловлар томонларнинг молиявий аҳволига зарар етказмаган ҳолда шартномавий муносабатлар доирасида бўлиши мумкин.

Тўлов топшириқномалари маҳсус бланкаларда тузилади. Агар бир банк муассаси томонидан хизмат кўрсатиладиган уч ва ундан ортиқ олувчиларга маблағ ўтказадиган бўлса, банкларда қўшимча тўлов топшириқномалари тузилади.

Нотовар ҳисоб-китобларни олиб боришда тўлов топшириқномасининг банк томонидан акцептланган тури қўлланилади.

Банк томонидан акцептланган тўлов топшириқномаси олинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича бюджет ташкилотлари билан ҳисоб-китобларда, молия ташкилотлари томонидан давлат бюджети даромадларини ўтказишида, алоқа Вазирлиги корхоналари орқали товар ва хизматлар учун тўловларни ўтказишида, почта орқали пул ўтказганда ва бошқа тўловларда қўлланилади.

Банк томонидан акцептланган тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китобларнинг ижобий томони - тўловнинг кафолатланганлигидир. Шу билан бирга ҳисоб-китобларнинг бу тури маълум камчиликларга эга. Ҳисоб-китобнинг бу шакли қўлланилиши учун тўловчининг счётида бўш маълағлари бўлиши керак; депонентсўмма аоҳида счётга олиниши муносабати билан корхона маблағлари унинг хўжалик айланиши тўловсўммасига teng келиши керак, қолаверса, ҳисоб-китоб жараёнининг ўзи ҳам бошқа шаклларга нисбатан техник жиҳатдан мураккаброқ. Тўловчи ҳар бир топшириқномасини акцептлаш учун банкка мурожаат қилиши керак.

Акцептланган топшириқнома бўйича тўловларни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин эмас, чунки топшириқнома тўлов учун тўлиқсўммада қабул қилинади.

Акцептланган топшириқномасўммасини нақд плга айлантириб олиш мумкин эмас.

Тўлов топшириқномаси билан корхоналар муайян топшириқларни бажариш мақсадида бошқа жойга хизмат сафарига юборилган ўз ходимлари учун банкларга пул ўтказиши мумкин.

Доимий режали тўловлар таъминотчи билан харидор келишувига асосан ҳар 3-5 кунда амалга ошириши мумкин. Йирик тўловлар мухлатини ҳисоб-китоб даврининг ўртача иш кунига белгилаш тавсия этилад.

Кундалик доимий тўловларда уларнинг микдорини бир ойда етказиб бериладиган товарлар суммасини шу ойдаги иш кунлари сонига бўлиш билан аниқланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ўзлуксиз бўлганда доимий тўловлар микдори ойдаги тақвимий кунлар сонидан келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

Масалан, 1 ойда етказиб бериладиган товарлар суммаси 60 минг сўм, тақвимий кунлар сони 30 кун бўлса, кунлик доимий тўлов миқдори 2 минг сўмга (60:30) teng. Агар томонлар тўлов миқдорини ҳар 2 кунда ўтказишни белгилаган бўлса ҳар 2 кунда 4 минг сўм (2 минг x 2) ўтказиш керак бўлади.

**Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш.** Чек- бу ҳисобварақа эгаси (чек берувчи)нинг ҳисобварағидан олувчи (чек эгаси)нинг ҳисобварағига маълум миқдорда пул ўтказиш учун банкка берилган топшириқнома бўлиб, у банкнинг махсус бланкасида тузилади.

Чекларнинг қўйдаги турлари мавжуд:  
акцептланмаган чеклар;  
номланган (олувчининг номи ёзилган)-бир марта ишлатиладиган чеклар;  
лимитланган чек дафтарчалари.

Чеклар махсус бланкалар асосида тайёрланади ва қатъий ҳисобда турадиган хужжатлар ҳисобланади.

**Лимитланган чек дафтарчалари чеклари бўйича ҳисоб-китоблар.**

Лимитланган чек дафтарчаси билан ҳисоб-китоблар мол сотиб олувчи томонидан товарлар олинганда, хизматлар кўрсатилганда, алоқа корхоналарининг, «Ўзбекистон темир йўллари»нинг кўрсатадиган доимимй хизматлари учун тўлашда қўлланилади.

Лимитланган чек дафтарчасини олиш учун корхона банкка шу ҳақда ариза беради. Ариза ва корхона тўлов топшириқномага асосан банк корхонага «Чек дафтарчалари ва маълумотлар» деган счёт очади ва кўрсатилгансўммани депонентлаштиради. Корхонанинг ҳоҳишига қараб, бир ариза бўйича бир неча чек дафтарчаси очиш ҳам мумкин. У вақтда аризанинг олд ёки орқа тарафида дафтарчалари сони ва уларда кўрсатилгансўмма лимити ёзиб қўйил.

Лимитланган чек дафтарчаси корхонанинг ҳисоб-китоб, ёки жорий счётида пул маблағи етарли бўлган ҳолдагина очилади.

Лимитланган чек дафтарчалари 5,10 ва 25 варакдан иборат бўлиши мумкин. Уларнинг муддати – беш, ўн вараклик чек дафтарчасиники – уч ой, йигирма беш вараглигининг муддати олти ойдан иборат.

Муддати ўтгандан кейин ёзилган чек хақиқий ҳисобланмайди ва қабул қилинмайди.

Лимитланган чек дафтарчаси чекларининг муддати 10 кун бўлиб, чек ёзилган кун ҳисобга кирмайди. Мол сотиб олувчи товарни олгандан ёки унга хизмат кўрсатилгандан кейин мол етказиб берувчига чек ёзиб беради. Уни охирги 10 кун ичida банкка бериш керак. Банк мол етказиб берувчи корхона счётига депонент қилинган счётдан пул ўтказиб беради. Депонент қилинган суммадан кўп суммага ёзилган чек хақиқий деб ҳисобланмайди.

Лимитланган чек дафтарчаси бўйича ҳисоб-китоб қилинишининг афзаллиги шундаки, бу ерда тўлов кафолатланган ва тўловчи ҳар бир чекни акцептлаш учун банкка мурожат қилмайди. Шу билан бир қаторда бу турда ҳисоблашиш корхонанинг пул маблағларини унинг хўжалик айланишидан лимитланган чек дафтарчаси муддатига четлаштиради.

**Акцептланган ва акцептланмаган чеклар билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар.** Акцептланмаган чеклар солиқ ташкилотлари томонидан бюджет даромадларини қайтаришда қўлланилади. Банк томонидан акцептланган чеклар маҳаллий ҳисобларда бюджет ташкилотларига олинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларда, солиқ ташкилотлари бюджет даромадларини алоқа ташкилотлари орқали қайтарганда қўлланилади.

Акцептланган чекда маблағлар «Акцептланган тўлов топшириқномаси ва банкларнинг ҳисоб чеклари» счётида депонентлаштирилади.

**Банкларнинг ҳисоб-китоб (олувчининг номи ёзилган) чеклари билан ҳисоб-китоб қилиш.** Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари аҳоли билан корхоналар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширади. Товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни бажариш учун аҳолига чек бериши мумкин.

Аҳолига чакана ва кооператив савдо ташкилотлари билан савдо қилиш учун ҳисоб-китоб чеклари берилади. Ҳисоб-китоб чеки аҳолининг банкда турган омонати ёки нақд ўтказилган пуллар ҳисобидан берилиши мумкин. Чеккасўмма ва омонатчининг номи ёзилади.

Ҳисоб-китоб чекининг бир қисми банкда омонатда сақланаётган маблағлар ҳисобидан, яна бир қисми нақд пул билан тўланадиган маблағлар ҳисобидан хам берилиши мумкин. Бу вақтда омонатчи чиқим ордерини фақат омонат ҳисобварафидан ўчириладигансўммага тўлғазади.

Агар сотиб олинаётган товар баҳоси чек суммасидан кам бўлса, савдо ташкилоти бундан чексўммасининг 25 % гача аммо кўпи билан 10% миқдорда нақд пул қайтим бериши мумкин. Савдо ташкилотлари орқали банкка тушган ҳисоб-китобсўммалари савдо ташкилотининг ҳисобварафининг кредит томони ва омонатчининг банк бўлимида юритиладиган ҳисобварафининг дебити бўйича ўтказилади. сўммаси савдо ташкилотининг ҳисобварағига ўтказилган чекларнинг орқа томонида «ўтказилди» ёзувли штамп босилади.

**Аkkредитивлар билан ҳисоб-китоб қилиш.** Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли кам қўлланилсада, охирги йилларда унинг салмоғи ошиб бормоқда. Аkkредитив бу мижознинг (сотиб олевчининг) топшириғига асосан шартноманинг тўлаш тўғрисидаги шартини мол етказиб берувчининг фойдасига ҳал қилиш ҳақидаги шартли пул мажбурияти ҳисобланади. Аkkредитив очган банк (банк –эммитент) мол етказиб берувчи томонидан аккредитивда кўзда тутилган хужжатлар банкка тақдим қилиниб, аккредитивнинг бошқа шартлари бажарилгандагина мол эгаси счётига пул ўтказиш ёки ана шу тўловларни тўлаш ваколатини бошқа банкка ўтказиши мумкин. Аkkредитив бўйича ҳисоб-китобларни олиб борища аккредитивнинг қуидаги турларидан фойдаланиш мумкин:

- қопланадиган (депонентга ўтказилган) ёки қопланмаган (кафолатланган) аккредитивлар;
- қайтариб олинадиган ёки қайтариб олинмайдиган аккредитивлар;

Аkkредитив фақат таъминотчи билан ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган

бўлиши мумкин. Аккредитивнинг муддати ва ҳисоб-китоб қилиш томонлар ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Шартномада;

- банк эммитентининг номи;
- аккредитив тури ва уни бажариш муддати;
- мол етказиб берувчи аккредитив бўйича маблағ олиш учун тақдим қилинадиган хужжатлар рўйхати ва аниқ тавсифи;
- товарларни жўнатгандан кейин хужжатларни тақдим қилиш муддати ва бошқа шартлар кўрсатилади.

Аккредитив очиш учун харидор ўз банкига электрон ариза беради. Аризада аккредитив очишга асос бўлган шартнома рақами, аккредитивнинг муддати, аккредитив бажарадиган банкнинг номи, аккредитив ижро этиладиган жой, аккредитив тури, аккредитив бўйича ҳақ тўланадиган хужжатларнинг тўлиқ ва аниқ номи, расмийлаштириш тартиби, аккредитив бўйича тўлаш усули ва бошқалар кўрсатилади. Тўлов хужжатини тўғри расмийлаштириш учун тўловчи мол етказиб берувчидан унинг номига аккредитив очиладиган варакнинг рақамини олиши зарур. Тўловчининг банқдаги аккредитивларни ҳисобга олиш учун балансдан ташқари «Тўланадиган аккредитивлар» счёти очилади.

**Аккредитив шакли бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш.** Тўловчининг банки мол етказиб берувчининг банкидан акррэдитивдан фойдаланганлик ҳақида хабарнома олганидан кейин аккредитив суммасининг ҳаммасини балансдан ташқари счёт ўчиради. Агар аккредитивдан тўлиқ фойдаланилмасидан, тўловчининг банқдаги ҳисоб-китоб варагига қайтарилса ҳам балансдан ташқари счёт ёпилади.

Агар аккредитивни очган банк (банк эмитент) тўловчининг топшириғи билан аккредитив учун мўлжалланган маблағларни мол етказиб берувчининг банкига ўтказса, аккредитивда назарда тутилган барча шартларни бажарган ҳолда тўловни амалга ошириш учун таъминотчи банкида алоҳида баланс вараги «Аккредитивлар» очилади.

Мол етказиб берувчининг банкига электрон аккредитив келиб тушганда таъминотчига «Аккредитив» ҳисоб вараги бўйича алоҳида шахсий ҳисоб вараги берилади. Бу ҳисоб варагида таъминотчига келиб тушган аккредитивлар белгиланган (тилхат ёзиб) борилади.

Аккредитив шаклида маълум камчиликлар ҳам мавжуд:

- тўловчининг маблағи унинг хўжалик айланишидан қисман четлашиш мумкин;
- аккредитив бўйича одатда фақат бир мол етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилинади.
- Техник жиҳатдан қийинрок;
- Транспортга қулай эмас, аккредитив очилган вақтда юкни жўнатиш учун тайёр транспорт бўлмаслиги мумкин ва бошқалар.

**Тижорат банкларнинг векселлари билан ҳисоб-китоб.** Вексель бу белгиланган шаклида тузилган, албатта бажарилиши керак бўлган қарз мажбурияти бўлиб, қарздор қарз берувчига белгиланган муддатда,

белгиланган жойда, векселда кўрсатилгансўммани тўлаш мажбуриятини олади.

Векселнинг асосий икки тури кўпроқ қўлланади-оддий ва ўтказма вексель. Оддий вексель қарздорнинг векселда кўрсатилган сумманинг белгиланган жойда, муайян муддатда унинг буйруғига асосан қарз берувчи тўлаш тўғрисидаги ёзма мажбурият ҳисобланади.

Оддий векселда кўйидагилар кўрсатилиши керак.

- матинга киритилган ва хужжат қайси тилда ёзилган бўлса, ўша тилда ифодаланган "вексель" сўзи;
- маълумсўммани тўлаш юзасидан оддий ҳамда хеч нима билан шартланмаган мажбурият;
- тўлаш муддати;
- тўловни амлга ошириш жойи;
- тўлов кимга ёки кимнинг буйруғи билан амалга оширилса ўшанинг номи;
- вексель ёзилган сана ва жой;
- вексель берувчининг имзоси;

Ўтказма вексель (тратта) ёзма хужжат бўлиб, унда вексель берувчининг вексель олувчига унинг буйруғи бўйича муайян миқдоридаги пулни маълум жойда тўлаш тўғрисидаги тўловчига берган шартсиз буйруғи акс эттирилади.

**Тўлов талабнома-топшириқномалари билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар.** Тўлов талабнома-топшириқномаси билан ҳисоб-китоб қилганда, мол етказиб берувчи шартномага асосан товарларни жўнатгандан кейин товарнинг хужжатлари ва бошқа хужжатларни ўз банкининг четлаб мол сотиб олувчига юборади. Юборилган товарлар, кўрсатилган хизматлар учун ундан тўловни талаб қиласди.

Тўловчи олинган тўлов талабнома топшириқнома топшириқномаси пулини тўлаш имкони борлигини аниқлагач, тўлов талабнома-топшириқномасини акцептлайди ва хужжатда кўрсатилгансўммасини тўловчининг ҳисоб варагасида товар етказиб берувчининг ҳисоб варагига ўтказиш учун ўзига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига топширди.

Тўлов талабнома-топшириқномаси З нусхада тўлдирилади. Бу нусхаларнинг биринчиси тўловчининг ҳисоб варагидан маблағни олиш учун асос бўлиб хизмат қиласди ва операция ўтказилгандан кейин, банкинг кундалик хужжатларига қўшиб қўйилади.

Иккинчиси товар етказиб берувчига хизмат қилувчи банк муассасасига жўнатилади.

Учинчиси жўнатилган хужжатлар билан бирга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги тилхат сифатида тўловчига қайтарилади.

**Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоб қилиш.** Тўлов талабномаси-товар етказиб борувчи ва бошқа маблағ олувчилар муайянсўммани банк орқали тўлашни талаб қилиб тўловчига юборган ҳисоб-китоб хужжатидир. Товар етказиб берувчи битта опрерациянинг ўзи бўйича икки ва иккidan кўп талабномаси инкасса учун тақдим этишга ҳақли эмас. Фақат қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: дастлабки талабнома тўловчининг

банкига етиб бормагани тўғрисида билдиришнома олинган ҳоллар; талабнома юкни билвосита олган корхона номига ёзилган ҳолларда.

Талабнома олдиндан акцептланиши мумкин. Олдиндан акцептлаш тартибини банк бўлими тўловчи билан келишган ҳолда белгилайди.

**Аҳолининг пул даромади ва ҳаражатлари баланси. Банкларнинг касса обороти прогнози.** 1991 йилгача сабиқ иттифоқ худудида пул муомаласини ташкил қилиш ва режалаштириш аҳоли даромад ва ҳаражатлари баланси ҳамда касса ва кредит режалари асосида амалга оширилган.

Бутун мамлакат ва республикалар микиёсида баланс икки бўлим бўйича кенг жараёнларни ўз ичига олган ҳолда ишлаб чиқарилган. Балансда аҳоли даромад ва ҳаражатларининг тақсимоти ижтимоий гурухлар: ишчи ва хизматчилар, колхолзчилар бўйича кўрсатилган.

1-жадвал

### **Аҳолининг даромади ва ҳаражатлари баланси**

Даромадлар		Ҳаражатлар	
1	Иш ҳақи	1	Товарлар учун тўловлар
2	Иш ҳақи даромадлари, шу жумладан, жамоа ва шахсий томорқа хўжаликлиридан даромадлар	2	Хизматларга ҳақ тўлаш
3	Пенсия, стпендия ва нафақалар.	3	Мажбурий тўловлар ва ихтиёрий бадаллар
4	Молия-кредит тизимларидан тушумлар	4	қўйилмаларга ўтказиш
5	Дивидендларни олиш ва бошқа даромадлар	5	Акция, облигацияларни харид қилиш ва кечиктирилган тўловларни қоплаш.
Жами		Жами	

1991 йилдан бошлаб мамлакатда кредитни режалаштириш ва касса режаларини тузишдан касса айланишларини тузишга ўтилди. Касса айланишларини тузишдан асосий мақсад нақд пулга бўлган эҳтиёжни бутун республика худудлар ва банк муассасалари бўйича аниқлаш, ҳамда пул муомаласини барқарорлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиши амалга оширишдан иборат. Касса айланишлари прогнози барча нақд пулларнинг банк кассаларига келиб тушиш манбалари ва ҳажмини, корхоналар, ташкилотлар, муассаса ва алоҳида шахсларга бериладиган барча нақд пулларнинг миқдори ва уларнинг мақсадга йўналтирилганлигини, ҳамда эммисия натижаси, яъни пулни муомалага чиқариш ёки муомаладан олишсўммасини акс эттиради.

Касса айланиши прогнози натижасида ҳаражатларнинг тушумдан ошиб кетиши муомалага қўшимча пул чиқариш зарурлигини, акс ҳолда муомаладан пулларни олиш кераклигини кўрсатади. Аҳолининг пул

даромадлари ва ҳаражатлари баланси ва касса айланиши прогнози пул мумомаласини олиб борувчи асосий режалардан ҳисобланади. Бу иккала режа асосий пул айланишини акс эттириш билан умумий бўлсада, улар ўртасида маълум фарқлар мавжуд.

1. Касса айланишида фақат нақд пул айланиши кўрсатилса, аҳолининг пул даромадлари ва ҳаражатлари балансида аҳоли амалга оширадиган нақд пуллик ва нақд пулсиз айланиш тўла-тўқис кўрсатилади.
2. Аҳолининг пул даромадлари ва ҳаражатлари балансида касса айланиши прогнозидан фарқлироқ аҳолининг шахсий томорқа-хўжалиги, хунармандчиликдан ва бошқа кўрсатадиган хизматлари бўйича оладиган даромадлари ва қиласиган ҳаражатлари кўрсатилади.
3. Аҳолининг пул даромадлари касса айланишининг ҳаражатлари қисмида, аҳолининг ҳаражатлари касса айланишининг даромадлар қисмида ўз ифодасини топади ва ҳ.к.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 56 б.
2. Дон Патинкин. Денги, процент и цены. –М.: Экономика, 2004. – 375 стр.
3. Миляков Н.В. Финансы. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 стр.
4. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансов предприятий. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2001. – 300 стр.
5. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва бошқалар.-Т.: «Мехнат”. 2008. 454 б.
6. Свиридов О.Ю. Финансы, денежное обращение, кредит. Экспресс справочник для студ. вузов. –М.: ИКЦ Март, Ростов н\Д. изд. Сентр Март, 2004. – 179 стр.

### **3 МАВЗУ. ПУЛ МАССАСИ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИ ҚОНУНИ**

**Ажратилган соат - 2 соат**

**Асосий саволлар:**

- 1.Пул муомаласи қонуни ва унинг моҳияти**
- 2.Пул массаси ва пулнинг айланиш тезлиги**
- 3.Пул муомаласини тартибга солиш усуллари**

#### **1-савол баёни: Пул муомаласи қонуни ва унинг моҳияти.**

Қиймат қонуни ва унинг муомала доирасида юзага чиқиши шакли бўлиши пул муомаласи қонуни товар-пул муносабати мавжуд бўлган барча ижтимоий формацияларга хосдир. Қиймат шакллари ва пул муомаласи тараққиёт йўлини таҳлил қилаётib, К.Маркс пул муомаласининг қонуни очди. Бу қонунга асосан муомала воситаси функциясини амалга ошириш учун керак бўлган пул миқдори аниқланади.

**Пул муомаласи қонуни** муомала учун зарур бўлган пул миқдорини белгиловчи ва товар пул муносабатларини ўзида акс эттирадиган қонун.

Металл пул муомаласида муомаладаги пул миқдори стихияли тарзда, пулларнинг хазина функцияси ёрдамида тартибга солиб турилган: агар пулга эҳтиёж камайса, ортиқча пуллар (олтин танга) муомаладан хазинага оқиб ўтиши кузатилган ва аксинча. Шундай қилиб, муомаладаги пул миқдори керакли даражада ушлаб турилган. Кейинчалик муомалага банкнотлар чиқарилиши ва уларнинг металлар (олтин ёки кумуш)га эркин алмашиниши Ҳам муомалада пулнинг ортиқча миқдори бўлишини инкор этган.

Агар муомалада олтинга алмашинмайдиган банкнотлар ёки қоғоз пуллар (хазина билетлари) амал қилса, у ҳолда нақд пул муомаласи пул муомаласи қонунига асосан амалга ошади.

Қоғоз пуллар миқдори учун керакли бўлган олтин пулларнинг назарий миқдорига teng бўлганда пул муомаласида Ҳеч қандай салбий жараёнлар юз бермайди. Юқорида кўрсатилган талаб пулнинг барқарорлигини таъминлайди, шунингдек, пул муомаласи мавжуд бўлган барча ижтимоий формацияларда ўз кучига эга.

Пул муомаласи қонуни муомаладаги товарлар массаси, уларнинг нарх даражаси ва пул тезлиги орасидаги иқтисодий боқлиқлигини акс эттиради. Бу қонунга асосан муомала учун зарур бўлган пул миқдори қўйдаги формула билан ифодалаш мүмкин:

Шундай қилиб, муомала учун зарур бўлган пул миқдорига ишлаб чиқариш ривожи ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлган турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорига таъсир кўрсатувчи асосий омил товарлар ва хизматлар баҲоси Ҳисобланади. Пул миқдори товарлар ва хизматлар баҲосининг ошиши муомалага кўп пул чиқаришни талаб қиласди. Пул миқдорига таъсир қилувчи иккинчи омил пулнинг айланиш тезлигидир. Бу омил пул миқдорига тескари таъсир кўрсатади. Одатда пул қанчалик тез айланса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунча кам талаб қилинади ва аксинча.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини бошқаришда шу муҲим омилларга алоҲида эътибор берилиши зарур.

Муомала учун зарур бўлган бўлган пул миқдорини камайтириш учун куйдаги чораларни амалга ошириш муҲимдир. Булар: истеъмол кредитни ривожлантириш; кредитга қанчалик қўп товар сотилса, шунча кам миқдорда пул муомалада керак бўлади; нақд пулсиз Ҳисоб-китобларнинг ривожлантириш; пулларнинг айланиш тезлигини оширишга эришиш ва бошқалар.

Ҳар бир жамият пул муомаласи қонуни талабларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиш зарур . Чунки пул муомаласи қонунинг бузилиши пул барқарорлигига путур етказади. Бу ҳолда муомалага чиқарилган пул миқдори пул етишмовчилигига олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, пул муомаласи ушлаб туриш шарт-шароитлари ва қонуниятлари икки омилнинг ўзаро таъсири билан, яъни: хўжаликнинг пулга бўлган эҳтиёжи ва амлда пулларнинг муомалага бориб тушиши билан белгиланади. Амалиётда қўпроқ учрайдиган ҳол бу айланишида хўжаликка керак бўлганидан қўпроқ пулнинг бўлишидир. Бу албатта, пулнинг қадрсизланишига (пул бирлигининг харид Қобилиятининг тушишига) олиб келади.

## **2 – савол баёни: Пул массаси ва пулнинг айланиш тезлиги**

Пул муомаласининг муҳим кўрсаткичи бўлиб пул массаси ҳисобланади. **Пул массаси** хўжалик оборотидаги нақд пуллик ҳисоб-китобларни аҳоли, корхоналар, давлат ташкилот, муассасаларига тегишли ҳарид ва тўлов воситаларининг ялпи ҳажмини ўзида ифодалайди.

Пул муомаласининг белгиланган муддат ва белгиланган давр учун миқдорий ўзгаришларини билиш учун, шунингдек пул массаси ҳажми ва ўсиш суъратларини тартибга солиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқариш учун турли хил кўрсаткичлар (пул агрегатлари) дан фойдаланилади.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг молия статистикасида пул массасини аниқлашда қуйидаги асосий пул агрегатлари тўпламидан (гурухидан) фойдаланилади.

**Пул агрегатлари** пул массасини ўлчовчилардан (кўрсаткичларидан) иборат. Пул агрегатлари статистикада пуллар ҳаракатининг муайян санага бўлган ёки муайян вақт давридаги ўзгаришини таҳлил этиш учун қўлланилади.

Пул агрегатларини қуриш учун моддий неъматларнинг ликвидлилиги даражасига қараб уларнинг босқичма-босқич жойлаштирилиши асос қилиб олинган. Моддий неъматларнинг ликвидлилиги деганда ушбу неъматларнинг тез ва унчалик қўп заарларсиз пулга айланиши қобилияти тушунилади. Моддий неъматларнинг ликвидлилиги вақт билан ўлчанади. Моддий неъматни пулга айлантириш учун қанчалик кам вақт талаб қилинса, унинг ликвидлилиги шунчалик юқори бўлади. Накд пуллар мутлоқ ликвидлиликка

эга, чунки уларни пулга айлантириш учун зарур бўладиган вақт нулга тенгдир.

Муомаладаги нақд пуллар  $M^0$  агрегатини ташкил этади. Нақд пуллар банкноталар, ғазна патталари (билетлари) (агар мамлакатда иккита эмиссия маркази мавжуд бўлса) ва металл тангалардан иборат бўлади. Металл тангалар нақд пулларнинг жуда кам қисмини (ривожланган мамлакатларда 2%-3% ни) ташкил қиласди. Уларни кейинчалик ёмбига айлантириб сотишга йўл қўймаслик учун одатда арzon металлардан зарб қилинади. Шунинг учун танганинг реал қиймати номинал қийматидан бирмунча пастроқ бўлади.

$M^0$  агрегатини пул базасидан фарқлаш зарур. Пул базаси таркибига тижорат банкларининг марказий банқдаги мажбурий захиралари киради.  $M^0$  агрегатининг таркибига тижорат банкларининг марказий банқдаги мажбурий захиралари расман кирмайди.

$M^0$  агрегатига камроқ ликвидли маблағларни изчилик билан қўша бориши билан  $M^1, M^2, M^3 \dots MN$  гача бўлган агрегатлар олинади.

Пул агрегатларининг сони ва таркиби мамлакат кредит тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва тузилишига ҳамда унинг молия бозорларининг ривожланиш даражасига боғлиқдир.

Пул массаси алоҳида элементлардан иборат бўлиб, бундай элементлар пул массасининг ҳолатини баҳолаш жараёнида қўлланилади ва уни тартибга солиши услублари ва ҳажмларини бирмунча аникроқ танлашга имкон беради.

Ушбу пул агрегатлари асосан тўловнинг турли шаклларда ифодаланган у ёки бошқа воситаларини ҳисобга олиш асосида ажратилади. Одатда, ҳар бир агрегат номинал рақамга эга бўлади. Рақамнинг ўсиб бориши билан ушбу агрегат ёрдамида ҳисобга олинадиган воситалар сони ҳам ошади. Шундай қилиб, катта сонли коэффициентли агрегат кичик индексли (рақамли) агрегатларда ҳисобга олинган барча пул маблағларини ўз ичига олади. Фақат муомалада бўлган нақд пул маблағларини ҳисобга оладиган  $M^0$  пул агрегати ўз маъноси ва моҳиятига кўра биринчи бўлиб ҳисобланади.

**$M 1$  – муомаладаги нақд пул маблағлари** (яъни,  $M^0$  агрегати), корхоналарнинг ҳисоб-китоб, жорий ва маҳсус ҳисобваракларидағи маблағлари, суғурта компаниялари маблағлари, аҳолининг тижорат банкларидағи «талаб қилиб олингунгача» ҳисобваракларидағи депозитлари.

**$M 2$  –  $M 1$  агрегати + аҳолининг банклардаги муддатли омонатлари.**

**$M 3$  –  $M 2$  агрегати + давлат заёмларининг сертификатлари ва облигациялари.**

**$M 4$  –  $M 3$  агрегати + хорижий валютадаги депозитлар.**

Шуни ҳисобга олиш керакки, бундай агрегатларнинг белгиланиши турли мамлакатларда турлича амалга оширилади. Ушбу агрегатлар ўз ҳолича мамлакат тўлов обороти соҳасида юз берадиган жараёнлар, жамғармалар ҳажмлари, шунингдек, ушбу жамғармани амалга оширишда қўлланилган воситаларнинг сонли ифодаси воситалари ҳисобланади. Улар иқтисодиётнинг жорий ҳолатини белгилашга имкон беради ва кейинги вазиятни прогноз қилишда кўмаклашади.

Пул массаси агрегатлари, иқтисодиёт монетизацияси коэффициентини ҳисобга олиш ёрдамидаги ҳисоб-китоб энг намунали ҳисоб-китобидир. Монетизация коэффициенти иқтисодиётнинг пуллар билан таъминланиши даражаси ёки товар айланишининг тўлов воситалари билан таъминланиши даражасини акс эттиради. Бундай коэффициент M2 пул агрегати суммаси ва ушбу иқтисодиётда мавжуд бўлган хорижий валютадаги депозитларнинг ЯМИ ҳажмига ўзаро нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилади. Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоб қилишда суратга бирданига M2 агрегатини ва хорижий валютадаги депозитларни ўз ичига оладиган M4 пул агрегатини кўйиш кулайроқ бўлади. Ушбу коэффициент моҳияти идеалда бирга тенг бўлади. Шунга қарамасдан, 0,7 ёки 0,8 даражасидаги натижалар йўл қўйилиши мумкин моҳиятлар деб ҳисобланади.

**M-1 агрегати** - муомаладаги нақд пуллар (банкнотлар, тангалар) ва жорий банк счёtlарида маблағларни ўз ичига олади;

**M-2 агрегати** - M-1 агрегати ва тижорат банкларида муддатли ва жамғарма қўйилмаларидан (тўрт йилгача) таркиб топган;

**M-3 агрегати** - ўз ичига M-2 агрегати ва ихтисослашган кредит муассасаларида жамғарма қўйилмаларини киритган;

**M-4 агрегати** - M-3 агрегати ҳамда йиллик тижорат банкларининг депозитли сертификатларидан иборат.

АҚШ да пул массасини аниқлаш учун 4 та пул агрегати, Япония 3-та, Германияда - 3та, Англия ва Францияда - 2 та пул агрегатидан фойдаланилади. Пул массаси таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш Марказий Банк томонидан турли пул-кредит сиёсати олиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Россия Федерацияда муомаладаги жами пул массаси ҳисоб-китоби учун қўйидаги пул агрегатлари қўлланилади.

**M-0 агрегати** - нақд пуллар;

**M-1 агрегати** - M-0 агрегати ва ҳисоб-китоб, жорий ва бошқа счёtlар (махсус счёtlар, капитал қўйилмалар счёtlари, аккредитив ва чек счёtlари, махаллий бюджет счёtlари, бюджет, касаба, уюшмалари жамоат ва бошқа ташкилотларнинг счёtlари, давлат сугурта маблағлари, ўзок муддатга кредитлаш фонди) даги маблағлар тижорат банкларига қўйилмалар ва жамғарма банкларидағи талаб қилиб олинадиган депозитларнинг йиғиндисига тенг.

**M-2 агрегати** - M-1 агрегати ва жамғарма банкларида муддатли қўйилмалардан иборат;

**M-3 агрегати** - M-2 агрегати ҳамда депозитли сертификатлар ва давлат заём облигациялари йиғиндисидан иборат.

Пул массаси таркибини унинг ҳаракатига қараб иккига бўлиш мумкин, яъни пул массасининг актив қисми - бу пул маблағларини хўжалик фаолиятидаги турли хил шаклдаги ҳисоб-китобларни олиб бориш билан боғлик қисми, ва иккинчиси пассив қисм - жамғармадаги пуллар ва счёtlардаги қолдиқлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда охирги йилларда пул агрегатлари ҳисоб қилинадиган бўлди. 1995 йилда номинал пул массаси M2 пул массасининг 1994 йилдаги

ўсиш даражасидан 1,5 марта кам бўлган. Марказий банк томонидан инфляцияга қарши олиб борилаётган чора - тадбирлар натижасида пул массасини ўсиш суръратлари қисқариб бормоқда. 1996 йилнинг биринчи яримида пул массасининг ўсиши 1995 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 7,6% ҳисобида ва 1994 йил даражасидан 2 барабарга кам бўлган.<sup>5</sup>

1996 йил бошида муомалага нақд пул чиқариш ҳажми 1995 йилдаги 20,7% ўрнига 15,8% ни ташкил қилган.

Пул массасининг турли хил кўрсаткичларини ишлатиш пул муомаласи ҳолатини таҳлил қилишга турли томонлардан ёндашишга имкон беради.

Мамлакат миқёсида пул массаси ҳажмининг ўзгариши муомаладаги пул массасининг ўзгариши натижаси, ва пулнинг айланиш тезлашганлиги натижаси бўлиши мумкин.

**Пулнинг айланиш тезлиги** - пул муомала воситаси ва тўлов воситаси сифатида амал қилгандаги унинг ҳаракат кўрсаткичидир. Уни миқдорини ҳисоблаш қийин, шунинг учун уни ҳисоб-китоб қилишда билвосита маълумотлардан фойдаланилади.

Саноати ривожланган мамлакатларда асосан пул айланиш тезлиги ўсишининг икки кўрсаткичи ҳисобланади:

- даромадлар айланма оборотида пулнинг муомалада бўлиш тезлиги кўрсаткичи. Бу кўрсаткич ялпи миллий маҳсулот (ямм) ёки миллий даромаднинг пул массасига, аниқроғи M-1 ёки M-2 пул агрегатига нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткич пул муомаласи ва иқтисодий ривожланиш жараёни орасидаги ўзаро алоказорликни кўрсатади;
- тўлов оборотида пулнинг айланувчанлик кўрсаткичи. Бу кўрсаткич жорий банк счёtlари бўйича ўtkазилган маблағлар йиғиндинсининг пул массаси ўртача қийматига нисбати сифатида аниқланади.

Пулнинг айланиш тезлигининг ўзгариши умумиқтисодий (иқтисодиётнинг циклик ривожланиши, иқтисодий ўсиш, нархлар суъратлари), ҳам тўла монетар (тўлов обороти таркиби, кредит операциялари ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг ривожланиши, пул бозорида фоиз ставкаларнинг даражаси ва х. к. лар) омилларига боғлиқ.

Пул айланишининг тезлашувига металл пулларнинг кредит пуллар билан алмаштиришиши, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланиши, банклар ишига ЭҲМ нинг киритилиши, пуллик ҳисоб-китобларда электрон воситаларининг ишлатилиши ёрдам беради.

Пул қадрсизланган ҳолларда истеъмолчилар пулларнинг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш учун товарлар кўпроқ харид қиласидилар. Бу эса пул айланишини тезлаштиради. Бошқа кўрсаткичлар ўзгармас бўлганида пул айланишининг тезлашиши пул массаси ошишини билдиради ва инфляцияга олиб келувчи бир омил сифатида майдонга чиқади.

**Банк мультипликатори** пулларнинг бир тижорат банкидан бошқа тижорат банкига ҳаракати даврида тижорат банкларининг депозит ҳисобвақларидағи пулларнинг кўпайиши жараёнидан иборат. Пул массасини кўпайтиришнинг ушбу механизми факат икки даражали банк тизими (марказий ва тижорат банклари) амал қиласидиган ва тўлиқ фаолият

юритадиган шароитда ишлаши мумкин. Банк мультиликатори механизмининг амал қилиши жараёнида банклар мижозларининг ҳисобварагларида пул маблағларининг тўпланиши юз беради. Ушбу механизмнинг амал қилиши интенсивлигини ҳисоб-китоб қилиш учун банк мультиликатори коэффициентини ҳисоб-китоб қилиш формуласи кўлланилади:

**1-R x 100%** ёки пул массаси - R, бунда: R – марказий банк белгилаб қўйган мажбурий захиралаш нормаси.

**Банк мультиликатори механизми** қўйидаги усулда фаолият юритади: Марказий банк қандайдир тижорат банкига кредит беради ва ўз навбатида ушбу тижорат банки ўзининг мижозига кредит беради. Мижоз ушбу тахминан 10 та бирликдан иборат кредитдан ўз мажбуриятларини тўлаш учун фойдаланади. Пул маблағлари бошқа иқтисодий субъектга бориб тушади ва у бу маблағларни ўзининг тижорат банкидаги депозитли ҳисобварагида жойлаштиради. Банкнинг иккинчи мижозининг ҳисобварагида 10 та бирлик мавжуд. Банк ушбу суммадан мажбурий захиралаш фондига муайян фоизни ажратади. Банкда, масалан, эркин маблағларнинг 8 та бирлиги қолади ва у ушбу маблағларни яна кредитга беради. Бу операция факат шундай фарқ билан такрорланадики, тўртинчи мижознинг ҳисобварагида энди 8 та бирлик мавжуд бўлади. Бундай операция муайян муддат давомида такрорланади ва натижада мижозларнинг банклардаги ҳисобварагларида Марказий банк биринчи марта берган берган 10 та бирликдан ошадиган сумма ( $10K_8K$  ва ҳоказо) пайдо бўлади. Шундай қилиб, мазкур механизм иқтисодиётга тақдим этилган пул массасини муайян суммагача нақд пулсиз шаклда кўпайтиришга имкон беради, ушбу ҳолатда белгилаб қўйилган мажбурий захиралаш нормаси қанчалик юқори бўлса, кредитнинг айланиши шунчалик тез тугайди ва бу механизмнинг амал қилиши натижасида қўшимча равишда иқтисодиётда шунчалик кам миқдордаги пуллар пайдо бўлади.

Пул массаси билан пул базаси ўртасидаги нисбат **пул мультиликатори** деб аталади.

$$\text{Пул мультиликатори} = \frac{\text{Пул массаси}}{\text{Пул базаси}}$$

Тижорат банкларининг ўз мижозларига (иқтисодиётга) кредитлари билан Марказий банкнинг тижорат банкларига кредитлари ўртасидаги нисбат кредит мультиликатори деб аталади.

$$\text{Кредит мультиликатори} = \frac{\begin{matrix} \text{Тижорат банклари томонидан} \\ \hline \text{берилган кредитлар} \end{matrix}}{\begin{matrix} \text{Марказий банк томонидан} \\ \hline \text{тижорат банкларига берилган кредитлар} \end{matrix}}$$

Муомаладаги пуллар миқдорининг ўсиши тўлалигича Марказий банкнинг кредит эмиссияси билан олдиндан белгиланади ва ҳар қандай

йўналиш бўйича муқаррар тарзда пул базасининг ўсишига ва мультиликаторнинг таъсирида пул массасининг кўпайишига олиб келади. Пул массасининг кўпайиши инфляция суръатларига таъсир кўрсатади.

Нақд пул маблағларининг эмиссияси эмиссиянинг нақд пулсиз шаклдаги пуллар эмиссиясидан келиб чиқадиган иккиламчи туридир. Эмиссиянинг бу тури Марказий банк томонидан ўтказилади. Эмиссиянинг ушбу шакли марказлаштирилмаган шаклда бўлади ва минтақавий МТМлари орқали амалга оширилади. Ушбу кассалар қабул қилган маблағларнинг ортиқча ҳажми, яъни МТМ берган пуллар миқдори ташкилотлар ва банкларнинг МТМга қайтарган маблағлар суммасидан ортиқ бўлиши керак. Нақд пуллар депозит ҳисобварагларида турган нақд пулсиз шаклдаги пул маблағларидан ҳосил бўлади ва тижорат банкининг банк мультиликатори механизмининг амал қилиши натижасида яратган пул массасининг таркибий қисмидан иборат бўлади.

### **3- савол баёни : Пул муомаласини тартибга солиш усуллари**

Ҳар давлатда пул муомаласи маълум қонун қоидалар асосида тартибга солиб турилади. Олдинги марказлашган, режали бошқарувга асосланган иқтисодий тизимда пул муомаласи режалаштириш асосида бошқариб келинган. Аҳолининг даромади ва ҳаражатларини давлат томонидан мувофиқлаштириб турилган. Товар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолига кредитга товар бериш, баҳолар тизимини ўзгартириб туриш ва ҳаказолар. Барча жараёнлар давлат томонидан бошқарилгани учун пул муомаласи қонуни бузилганда давлат ўз ваколати доирасида нархларни ўзгартириш йўли билан, пул реформаси билан пул муомаласини тартибга солиб келган.

Бозор иқтисоди шароитида пул муомаласи маълум усуллар ёрдамида тартибга солиб турилади.

Бизнинг давлатимизда пул муомаласини тартибга солища Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуидаги усуллардан фойдаланади:

- мажбурий резерв ставкаси нормасини балгилаш
- тижорат банкларини очик бозорда қатнашиши
- марказлашган кредитлар учун қайта молиялаштириш ставкасини белгилаш.

"Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида"ти қонунга кўра Марказий банк тижорат банкларига минимал мажбурий резерв бўйича маблағларни маҳсус счётда сақлаб туриш мажбуриятини юклаш ҳукуқига эга. Бундай резервлар нормалари банкининг мажбуриятлари турига, омонат ва муддатига қараб белгиланади. Бу механизмдан асосан тижорат банкларининг ликвид маблағлари ҳажмини мувофиқлаштириш учун фойдаланилади.

Бу билан Марказий банк тижорат банкларининг кредит бериш қобилиятига таъсир кўрсатади. Кредит, маълумки ўз навбатида пул массасининг кўпайишига, баҳоларнинг ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун мажбурий норма тез-тез ўзгартирилмайди, чунки у муомалада пул

массасини тебратиб туришига ва оқибатда иқтисодий бекарорликка олиб келиши мумкин.

Марказий банк тижорат банкларга кредит бўйича қайта молиялаштириш ставкасини белгилаб беради. Бу ставка тижорат банклари берадиган кредитнинг баҳосини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи. қайта молиялаштириш сиёсати тижорат банкларининг бошқа манбаларидан маблағлар жалб қилишга таъсир этмайди. Марказий банк оқилона қайта молиялаштириш ставкаларини ўрнатиб тижорат банкларини ликвидлик даражасини мувофиқлаштириб туради. Марказий Банкнинг кредит сиёсати ҳалқ хўжалигини ҳал қилувчи бўғинларини кредитлаш ва ундан рационал фойдаланишга қаратилган.

Ҳозир кўпгина давлатларда пул муомаласини тартиба солишда очиқ бозорда операциялар ўтказиш усулидан фойдаланилмоқда.

Бу ҳозирги кўп қўлланадиган монетар сиёсатнинг бир усули ҳисобланади. Бу усул тижорат банкларининг ликвидлик даражасига тезда таъсир ўтказа оладиган эшилувчан (мосланувчан), амалий ва оператив усул ҳисобланади. Бу усулни бошқаларидан фарқи шундаки, уни заруриятга қараб ва ҳоҳлаган миқдорда ўтказиш мумкин. Бу механизм бозорни ривожланиш тенденциясига қараб пул муомаласини баракарорлаштира олиши мумкин. Марказий Банкнинг очиқ бозорда операциялар ўтказиш хуқуқи қонунда белгиланган. Бунда олди - сотди обьекти бўлиб давлат қийматбаҳо қофозлари ва Марказий Банк ўзи чиқарган қарз мажбуриятлари бўлиши мумкин. Ҳозиргача муомалада Марказий Банкнинг уч ой муддатда сўндирилладиган депозит сертификатлари юрган бўлса, 1996 йил март ойи охирида ГКО (киска муддатли давлат облигациялари (**ҚМДО**) чиқарилади. Бу тижорат банклари ва корхоналарининг маблағларини хавф-хатардан сақлаш ва даромад олиш имконини беради.

Давлат қимматли қофозлар бозори Ўзбекистон учун янги ҳодиса ҳисобланади. ҚМДО ни киритиш биринчидан, Молия вазирлигига ўз жорий ҳаражатларининг бир қисмини инфляциядан ҳоли манба ҳисобидан қоплашга, иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг бўш маблағларини фойда олиш эвазига инвестиция қилиш мумкинлигига имконият яратди.

ҚМДОларнинг бирламчи бозори Марказий Банк валюта биржасида тижорат банклари иштирокида амалга оширилади.

Зарур бўлса облигация эгаси иккиламчи бозорда уни сотиши мумкин.

Шундай қилиб, Марказий банк пул муомаласини барқарорлаштириш уни тарига солиш борасида барча ваколат ва хуқуқий нормаларга эга.

Юқорида кўрсатиб ўтилган усуллар кўпгина давлатларда қўлланилади. Давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб бошқа селектив усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу усулларни мақсадли кредитлаш ҳажмига ва умумий пул массасига таъсир ўтказиб боришидир. Бу усулларни ҳар бир давлат ўзини ривожланиши даражасига қараб қўллаши мумкин.

Масалан ривожланган давлатларда асосан очиқ бозорда операциялар ўтказиш усулидан фойдаланилади. Юқоридагиларни таҳлил қилсак, ҳар усул

у ёки бу йўл билан муомаладаги пул массасини камайишига ёки кўпайишига таъсир қиласи.

Иқтисодиётдаги аҳволга қараб Марказий Банк ўзининг пул-кредит соҳасидаги стратегиясини аниқлайди. Бундан ташқари мамлакатдаги пул муомаласи ҳукумат томонидан чиқарилган қарор ва фармойиш билан ҳам бошқарилади. Бунга мисол қилиб корхона ва ташкилотларнинг касса тушуми режасининг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, барча савдо шаҳобчаларини инкассацияга тортиш, аҳолини ўз даромадини давлат банкларида сақлашга тарғиб қилиш ва ишонтириш, қийматли қоғозлар бозорини кенгайтириш, ҳисоб чекларидан кенг фойдаланиш, банк тизимини такомиллаштириш, яъни электрон карточкаларини жорий қилиш ва бошқалар буларнинг ҳаммаси муомаладаги пул массасининг камайишига, эмиссия миқдорининг қисқаришига олиб келиши мумкин.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 56 б.
2. Дон Патинкин. Денги, процент и ценў. –М.: Экономика, 2004. – 375 стр.
3. Миляков Н.В. Финансў. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 стр.
4. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансов предприятий. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2001. – 300 стр.
5. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва бошқалар.-Т.: «Maxptint». 2008. 454 б.
6. Свиридов О.Ю. Финансў, денежное обраҲение, кредит. Экспресс справочник для студ. вузов. –М.: ИКЦ Март, Ростов нFД. изд. Сентр Март, 2004. – 179 стр.

## **4 МАВЗУ. ПУЛ ТИЗИМЛАРИ**

**Ажратилган соат - 2 соат**

**Асосий саволлар:**

- 1. Пул тизими ва унинг турлари**
- 2. Ривожланган мамлакатларда пул тизими**
- 3. Ўзбекистон Республикаси пул тизими**

### **1- савол баёни: Пул тизими ва унинг турлари**

**Пул тизими** пул муомаласини ташкил этишнинг тарихий жиҳатдан қарор топган ва қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган шаклидир. Бошқача айтганда, бу пул муомаласининг аниқ бир мамлакатда муайян вақт ичida қўлланиладиган қоидалари ва нормалари мажмуидир.

**Миллий валюта тизими** пул тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Пул маблағлари иқтисодиётда амал қиласидиган шаклга қараб пул маблағларининг икки типи: металл пуллар муомаласи тизими ва пул белгилари муомаласи тизими фарқланади.

Металл пуллар муомаласи тизимлари пуллик товар (олтин ва кумуш) бевосита муомалада бўлган шароитда амал қилган. Бунда мазкур металл пулларнинг барча функцияларини бажарган, мавжуд кредит пуллар эса металлга эркин алмаштирилган.

**Пул тизими** бу мамлакатда тарихан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан тасдиқланган пул муомаласини ташкил қилиш шаклидир.

Пул тизимлари XVI-XVII асрларда ишлаб чиқаришнинг капиталистик усулининг юзага келиши ва қарор топиши муносабати билан шаклланган, бироқ шундай бўлса ҳам, унинг айрим элементлари бундан олдинроқ пайдо бўлган. Товар-пул муносабатлари ва ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули ривожланиши билан пул тизимида сезиларли ўзгаришлар юз беради.

Пул тизими турлари пул қандай шаклда амал қилишига боғлиқ, яъни пул: у мумий эквивалент - товар сифатида, ёки қиймат белгиси сифатида бўлишига қараб қуидагича пул тизимлар мавжуд бўлган.

- Металл пул муомаласи тизимлари
- Қофоз ва кредит пуллар муомаласи тизимлари.

Биринчи тизимда метал пул бевосита муомалада бўлади ва пулнинг функцияларни бажаради, кредит пуллар эса металга алманиши мумкин;

Кредит ва қофоз пуллар муомалага чиқиб кетиши билан қофоз пуллар муомаласи тизими юзага келган.

Мамлакатда умумий эквивалент сифатида қабул қилинган металлга ва пул муомаласи базасига қараб пул тизими биметализм ва монометализм пул тизимларига бўлинади.

**Биметализм** - пул тизимида умумий эквивалент ролини металл (кўпинча олтин ва кумуш) бажарган, бу тизимда иккала металдан ҳам тангаларнинг эркин муомалага чиқарилиши ва уларнинг чексиз алманишига амал қилинган.

Металл пул белгиларининг муомаласи тизимида биметаллизм даври ва монометаллизм даври фарқланади. Бундай ҳолда биметаллизм иқтисодий жараёнларда иккита асл металларнинг бир вақтда фойдаланиши билан тавсифланади, монометаллизм эса умумий эквивалент сифатида бир металлга ўтишни англатади. Бунда биметаллизм ҳолатида қўйидагича хиллар ажратиб кўрсатилади:

1) *параллел валюта тизими* – олтин билан кумуш ўртасидаги ўзаро нисбат бозорда стихияли равишда белгиланади; Параллел валюта тизимида икки метал қиймати стихияли, металлнинг бозор баҳосига муносаб тарзда белгиланган. Бу пул тизимида давлат металлар орасидаги мутаносибликни ўрнатиб қўйган. Олтин ва кумуш тангаларнинг чиқарилиши ва уларнинг аҳоли томонидан қабул қилиниши ана шу мутаносибликка мувофиқ амалга оширилган.

2) *қўшалоқ валюта тизими* – икки металл ўртасидаги ўзаро нисбат давлат томонидан ушбу металларга бўлган талабга, шунингдек, ушбу давлатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятга қараб белгиланади;

3) *нуқсонли валюта тизими* – металлар иқтисодий тизимда мавжуд бўлади, лекин тенг хукуқларга эга бўлмайди. Одатда, давлат кумуш валютанинг зарб қилиниши ва фойдаланишига чеклашлар киритади.

Биметализм XVI-XVII асрларда кенг тарқалган бўлиб, Ўарбий Европанинг қатор мамлакатларига эса XIX асргача етиб келган.

1865 йили Франция, Бельгия, Швейцария ва Италия мамлакатлари биметализмни халкаро сулҳ - Лотин танга Иттифоқи ёрдамида сақлаб қолишаётинишишган. Тузилган конвенцияда иккала металдан ҳам 5 франк ва ундан юқори қийматли тангаларни чиқариш, олтин ва кумуш ўртасида 1:15,5 қиймат мутаносиблигини ўрнатиш шартлари кўзда тутилган.

Бироқ биметаллик пул тизимининг қўлланилиши ривожланган капиталистик хўжалик эҳтиёжларига мос келмасди, чунки қиймат ўлчови сифатида бир вақтнинг ўзида икки металл - олтин ва кумушнинг қўлланилиши пулнинг ушбу функцияси табиатига тўғри келмаган. Умумий қиймат ўлчови бўлиб фақат биргина товар хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари икки металл орасидаги давлат томонидан уўнатиладиган нисбат уларнинг бозор нархига тўғри келмас эди. XIX аср охирида кумуш ишлаб чиқаришнинг арzonлашиши ва унинг қадрини йўқотиши натижасида олтин тангалар муомаладан хазинага кета бошлади. Бунда Коперник-Грешемнинг қонуни юзага чиққан, яъни ёмон пуллар муомаладан яхшиларини чиқариб ташлаган.

Капитализм тараққиёти мустаҳкам пул, ягона умумий эквивалент бўлишни талаб қилди, шунинг учун биметализм ўз ўрнини монометалл пул тизимига бўшатиб берди.

**Монометализм** - бу пул тизимида ягона металл (олтин ёки кумуш умумий эквивалент ва пул муомаласининг асоси бўлиб хизмат қилади. Амал қилаётган танга ва бошқа қиймат белгилари қимматбаҳо металлага алмашинилади.

Кумуш монометализми Россияда 1843-1852 йилларда, Голландияда 1847-1875 йй. да мавжуд бўлган.

Чор Россияда қумуш монометализми тизими 1839-1843 йиллард ўтказилган пул ислоҳати натижасида қабул қилинган. Пул бирлиги қумуш рубли бўлган. Кейинчалик муомалага кредит билетлари ҳам чиқарилган, улар қумуш танга билан тенг муомалада қатнашган ва эркин тарзда металлга алмаштирилган. Лекин бу ислоҳот сўнаётган крепостнойлик тизими давлат бюджети ва ташқи савдо баланси тақчиллиги шароитида пул муомаласини ўзокроқ муддатга тартибга сола олмаган. 1853-1856 йиллардаги қrim уруши кўп миқдорда қўшимча кредит пуллар эмиссиясини талаб қилди ва амалда улар қофоз пулга айланиб қолди.

Илк бор олтин монометализми (стандарт) пул тизими сифатида Буюк Британияда XVIII аср охирида қарор топган ва қонун билан 1816 йилда тасдиқланган. Кўпчилик бошқа давлатларда у XIX асрнинг охирларида жорий қилинган: Германияда - 1871-1873 йилда, Швеция, Норвегия, Данияда - 1873 йилда, Францияда - 1876-1878 йилда, Австрияда - 1892 йилда, Россия за Японияда - 1897 йилда, АқШ да - 1900 йилда.

Қиймат белгиларининг олtinga алмашинишига қараб олтин монометализми уч қўринишга ажратилади: олтин танга стандарти (золотомонетний стандарт), қўйма олтин (золотослитковий) стандарти, ва олтин валюта (золотовалютний или золотодевизний) стандарти.

**Олтин танга стандарти** капитализмнинг эркин рақобатига жуда мос келган, ишлаб чиқариш, кредит тизими, жаҳон савдо капитали келиб чиқишининг ривожланишига ёрдам берган. Бу стандарт қуидаги асосий хусусиятлари билан характерланади:

- Мамлакат ички муомаласида тўлақонли олтин танга мавжуд бўлади, олтин пулнинг барча функцияларни бажаради;
- хусусий шахсларга тангаларни эркин зарб қилишга рухсат этилади (кўпинча мамлакат зарбхонасида);
- муомаладаги тўла қийматли бўлмаган пуллар (банкнота, кредит пуллар) эркин ва чексиз тарзда олтин пулларга алмашинилади;

Олтин ва чет эл валютасини эркин тарзда олиб чиқиш ва олиб киришга, ҳамда эркин олтин бозорларининг амал қилишига йўл қўйилади.

Олтин танга стандартининг амал қилиши Марказий эмиссия банкларида олтин заҳиралари бўлишини талаб қилган. Булар танга муомаласининг резерви бўлиб хизмат қилган, банкноталарнинг олtinga алмашиниши таъминланган ва жаҳон пуллари резерви бўлган.

Биринчи жаҳон уруши даврида бюджет тақчиллигининг ўсиши, унинг заёмлар чиқариш ва табора ўсиб бораётган пул эмиссияси билан қопланиши муомалада пул ҳажмининг ортиб кетишига олиб келган. Бу пул массаси эмиссия ҳажми ва банкларнинг олтин заҳираларидан анчагина устун эди. Бу ҳол эса қофоз пулларнинг олтин тангаларга эркин алмашинишини хавф остига қўйди. Бу даврда олтин танга стандарти урушда қатнашган давлатларда, кейинчалик эса кўпчилик бошқа мамлакатларда ҳам (АқШ дан ташқари, унда 1933 йилгача бу тизим амал қилган) ҳаёт даврини ўтаб

бўлади: банкнотларнинг олтинга алмаштириши тугатилди, уни чегарадан олиб чиқиш ман қилинди, ҳамма олтин тангалар хазинага қайтарилиди. Биринчи жаҳон уруши тугагандан сўнг капитализмнинг умумий инқизози шароитида ҳеч қандай капиталистик мамлакат ўз валютасини барқарорлаштиришни олтин танга стандартига қайтиш асосида амалга ошира олмади.

**Олтин қолип (қўйма) стандартида**, олтин танга стандартидан фарқли ўларок, муомалада олтин танга ва унинг эркин зарб этилиши кўзда тутилмайди. Банкнот ва бошқа тўла қийматга эга бўлмаган пуллар олтин қўйилмаларга алманинилади. Англияда стандарт 12,4 кг олтин қўйилмаси 1700 ф. ст., Францияда эса 12,7 кг олтин қўйилмаси 215 минг франкка тенглаштирилган.

Австрия, Германия, Дания, Норвегия ва бошқа мамлакатларда олтин девиз стандарти ўрнатилган, бунда ҳам олтин тангалар муомаласи ва эркин зарб этилиши кўзда тутилмайди. Тўла қиймати бўлмаган пулларни олtinga алмашиш олтин қўйма стандарти бўлган давлат валютасига алмашиш орқали амалга оширилган. Бу йўл билан олтин валюта стандарти ўрнатилган давлат пул бирлигини олтин билан билвосита алоқаси сақланиб турилган.

**Шундай қилиб, олтин девиз стандартида** бир мамлакат валютаси бошқа давлат валютасига боғлиқ бўлган.

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқизози натижасида олтин стандарт барча мамлакатларда бекор қилинди (масалан, Буюк Британияда 1933 йилда, АҚШ да - 1933 йилда, Францияда - 1936 йилда) ва банкнотлар муомаласи қарор топди.

1944 йилда ташкил қилинган Бреттон-вуд Жаҳон валюта тизими ўзи билан давлатлараро олтин-валюта стандарти тизимини, бошқача қилиб айтганда ўз моҳияти бўйича эркин конвертацияланадиган валюта асосида давлатлар учун олтин-доллар стандарти тизимини қарор топтирган. Олтин-доллар стандартининг моҳияти шундаки, у факат марказий банклар учун ўрнатилган ва бунда факат битта валюта - АҚШ доллари олтин билан алоқадор бўлган. Олтин захира салмоғининг сусайиб кетиши сабабли қўйилмаларини долларга сотиш тўхтатилди ва олтин-доллар стандартга ҳам яқун ясалди.

Ривожланган капитализм шароитида банкнотлар кредит табиатини сақлаб колган - улар иқтисодиёт, давлатни кредитлаш учун мўлжалланган бўлиб расмий чиқарилади, ва қоғоз-пул муомаласи қонуниятларига бўйсунади.

Пул тизимининг ҳолати мамлакат иқтисодига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ўзвий боғлиқ бўлади. Пул тизими ишлаб чиқаришини суръатларини ушлаб туриш ёки тезлаштиришга таъсир кўрсатади.

Факат бир металлнинг амал қилиши тизими сифатидаги монометаллизмда ҳам айрим ўзгаришлар юз берди:

1) олтин тангали стандарт – тўлақонли олтин валютанинг амал қилиши, унда товарларнинг қиймати ҳам ушбу валюта билан ҳисобланади;

2) олтин ёмбили стандарт – олтин муомалада булмайди, лекин унга катта миқдорлардаги (ёмби миқдорида) алмашиниш амалга оширилади;

3) олтин валютали (олтин девизли) стандарт – пулларнинг алмашиниши фақат олтин ёмбили стандартли мамлакатларнинг валюталарига амалга оширилади.

Ҳамма кўринишлардаги олтин стандартнинг бекор қилинганидан кейин кредит белгилари муомаласи тизими ўрнатилади ва **Бреттон-Вудс** ва **Ямайка тизимлари** изчиллик билан шакллантирилади. Асосий фарқ потенциал олтин таркибга эга валюталарнинг билвосита алоқасининг идрок этилишидадир.

**Бреттон-Вудс тизими** яна олтин захираларининг номинал ролини ҳам ҳисобга олади ва халқаро ҳисоб-китобларда олтинга эквивалент ролини бағишишади,

**Ямайка тизими** эса олтин металлга нисбатан ҳар қандай боғланишни мутлақо инкор қиласи.

Пуллар бўйича ўзаро муносабатларнинг янги тизими қўйидагилар билан тавсифланади:

1) ўзлаштириш бўйича маҳсус ҳуқуқларнинг (**ЎМХ**) жаҳон пуллари ва жаҳон ҳисобга олиш бирлиги сифатида эълон қилиниши;

2) **ЎМХ** курсини ҳисоб-китоб қилиш тизимида АқШ долларининг катта роль ўйнаши;

3) олтин ўзининг пуллик ролини бутунлай йўқотади, лекин давлатнинг захираси ва бошқа мамлакатларнинг валюта бирликларини сотиб олиш усули сифатида қолади.

## **2- савол баёни: Ривожланган мамлакатларда пул тизими**

Замонавий пул тизими қўйидаги элементларни ўз ичига олади: пул бирлиги; валюта курсини ўрнатиш қоидалари, баҳолар масштаби; пул кўринишлари; эмиссия тизими; давлат ёки кредит аппарати.

Пул тизимининг таркибий қисми миллий валюта тизимиdir, ҳатто нисбатан мустақил бўлса ҳам.

**Пул бирлиги** - қонуний тарзда ўрнатилган пул белгиси бўлиб, барча товарлар баҳосини ўзаро солиштириш ва ифодалаш учун хизмат қиласи. Кўпинча пул бирлиги майда бўлинувчи қисмларга ажralади. Кўпчилик мамлакатларда ўнлик бўлиниш тизими ўрнатилган. Масалан, 1:10:100 (АқШ доллари 100 центга 1 фунт стерлинг - 100 пенсга, 1 индонезия рупияси - 100 сенга тенг ва ҳ.к.)

Расман баҳолар масштаби ўзининг иқтисодий маъносини давлат-монополистик капитализми ривожланиши ва кредит пулларни олтинга алмашиниши тўхтатилгандан сўнг йўқотди. 1976-1978 йилда ўтказилаган Ямайка валюта ислоҳоти натижасида олтиннинг расмий нархи ва пул бирликларнинг олтин таркиби бекор қилинди.

қонуний тўлов воситаси бўлган пул кўринишлари - булар асосан банк кредит билетлари, қофоз пуллар (хазина билетлари) ва тангалардир. Масалан,

АқШ да муомалада қуйидаги пуллар мавжуд: 100, 50, 20, 10, 5 ва 1 долларлар, банк билетлари. Хазина билетларидан ташқари: кумуш-мис ва мис-никель тангалар (50,20, 10, 5, 1 центли) чиқарилади. Буюк Британияда муомалада 50, 20, 10, 5, 1 ф. ст. банкноталар: 1 ф. ст., 50, 10, 5, 2 пенсли, 1 ва 1:2 пенсли тангалар амал қиласы. Яна эски 2 ва 1 шиллинг тагалари юритилади, улар янги 10 ва 5 пенсга тенг. Агар ривожланган мамлакатларда асосан банк билетлари чиқарыла, қатор ривожланаётган мамлакатларда күпроқ хазина билетлари чиқарыш кенг тарқалған. Масалан, Индонезияда 50, 25, 10, 5, 1 сен қийматлы, Ҳиндистонда - 1 рупия қийматлы хазина билетлари чиқарилади.

Ривожланган мамлакатларда банк билетларининг эмиссияси Марказий банклар томонидан, хазина билетлари ва тангалар қонунда белгиланган эмиссия ҳуқуқига асосан хазина муассасалари томонидан чиқарилади. Бу мамлакатларда пул эмиссиясининг асосий канали - депозит чек эмиссиясидир. Мижоз счётларидаги депозитларга мувофиқ тарзда түлов оборотини таъминлайдыган чек массасини күпайтирилади. Унда тижорат банклари ва бошқа кредит муассасалари иштирок этади.

Пул сиёсати кредит сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учун бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни давлат пул-кредит сиёсати билан тартибга солиб туради. Кўпгина ривожланган мамлакатларда 70 йиллардан монетарлаштириш сиёсати киритилган. Бу сиёсатга асосан Марказий банклар мұомаладаги пул массасининг ўсиши ва кредитларни тартибга солишка мақсадли мўлжалларни ўрнатиши лозим. 1975 йилдан бошлаб Германия Марказий банки (давлат банки) келаси 12 ойга режалаштираётган мұомаладаги пул массасининг ўшиш ёки қисқариш суъратлари тўғрисида конгрессга ҳисбот беради.

Ривожланган мамлакатларнинг замонавий пул тизими қуйидаги хусусиятларга эга.

- ❖ -Пул бирлигининг олтин таркиби, банкнотларини олтин билан таъминлаш ва унга алмашишнинг бекор қилиниши;
- ❖ -олтинга алмашинмайдыган, кейинчалик қофоз пулга айланадиган, кредит пулларга ўтиш;
- ❖ -пулни мұомалага нафақат хўжаликларни банклар томонидан кредитлаш, балки давлат ҳаражатларини қоплаш учун чиқариш;
- ❖ -пул мұомаласида нақдсиз пул обороти устунлиги;
- ❖ -пул мұомаласини давлат томонидан тартибга солишнинг кучайиши.

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози даври ва ундан кейин юзага келган валюта блоклари, ривожланаётган мамлакатларда эмиссия институтлари ва уларнинг операциялари назорат қилиб турган метрополияларга боғлиқ бўлган пул тизимлари сақланиб қолишини таъминлаганлар. Эмиссия миқдори хўжалик эҳтиёжлари билан эмас, тўлов баланслари ҳолати билан белгиланган. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврда урушгача бўлган валюта блоклари асосида алоҳида валюта зоналари яратилди. Бу валюта зоналари асосий валютага нисбатан бошқа валюталарнинг каътий курсини ушлаб туриш; миллий валюталарни гегимон -

давлат банкларида сақлаш; зона ичидә валюта ҳисоб-китобларнинг имтиёзли тартиби каби хусусиятларга асосланиб фаолият олиб боради.

### **3-савол баёни: Ўзбекистон Республикаси пул тизими.**

Маълумки, ҳар бир давлат ўзининг пул тизимига эга бўлади. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида ажралиб чиқиши унинг мустақил пул тизимига эга бўлиши тақозо қилди. Мустақил пул тизимини ташкил топишининг 1 босқичи 1993 йилдан бошлаб “сўм-купон”ларнинг муомалага чиқарилиши ҳисобланади. Ўзбекистон пул тизимини қуришнинг иккинчи босқичи - 1994 йил июлдан бошлаб миллий валюта “сўм” нинг муомалага чиқариши бўлиб, у Ўзбекистон тарихида жуда катта аҳамиятига эга.

Ҳар бир давлатнинг пул тизими маълум элементларидан ташкил топади ва қонун асосида юқори давлат органлари орқали бошқариб борилади.

Ўзбекистон Республикаси пул тизими элементлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- пул бирлигининг номи;
- пул бирлигининг турлари -қоғоз ва металл пуллар;
- уларни муомалага чиқариш қоидлари;
- пул, кредит, валюта бошқарувини амалга оширувчи давлат органлари;
- нақд пулсиз тўлов обороти ва кредит пуллар (чек, вексель) муомаласини олиб боришда давлат томонидан белгиланган шартлар;
- миллий валютани четга олиб чиқиши ва четдан олиб келиш қоидлари;
- халқаро ҳисоб-китобларни ташкил қилиш асослари;
- миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш тартиби ва давлат томонидан ўрнатилган валюта курси.

Алоҳида олинган давлатнинг пул тизими ўз хусусиятларига эга бўлиб, унинг элементлари у ёки бу томонига ўзгариши мумкин.

Пул тизими ижтимоий ҳаётнинг кўзгуси ҳисобланади десак хато бўлмаса керак. Шунинг учун ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни пул тизимини объектив талаблар, яъни пул тизимининг ягона бўлиши, пул бирлиги қийматининг дойимийлиги ва пул муомаласининг талабга қараб ўзгариб туриши кераклигини қўяди.

Собиқ СССРнинг давлат сифатида тарқалиб кетиши марказлашган пул тизимининг ҳам тугашига олиб келади. Натижада баъзи республикалар рублни ўз миллий валютаси сифатида ишлатиб турган ҳолда ўз пул сиёсатини олиб борди. Эстония, Латвия, Литва, Украина биринчи бўлиб рубль зonasидан чиқиб ўз миллий валютасини қабул қилишди. Кейинчалик Озарбойжон, қиргизистон ва Молдавия республикалари бу йўналишни давом қилдирдилар. Рубль тизимида вужудга келган тартибсизликлар, миллий валюталар ва купонларнинг муомалага чиқарилиши, ягона пул-рубль зonasининг тугатишига, унинг ҳар хил курсга эга бўлишига олиб келади.

1992 йил охирига келиб Россияда товарлар баҳосининг ойлик ўсиши 25-30 фоизгача кўтарилиди. Москва валюта биржасида рублнинг номинал қиймати бир АқШ долларга 125 рублдан, декабрь 1992 йилда 485 рублгача,

март 1993 йил 1 доллар 560 рублгача тенглашди. Пул қадрини тушиши, нақд пул етишмовчилигига, охири эса иш хаки, нафакаларни тўлашда қийинчиликлар бўлишига олиб келди. СССР нинг охирги банклар тўғрисидаги қонунга асосан давлат банки ўрнига Марказий банк, мустақил давлатларда Марказий (ёки миллий) банклар ташкил қилинди.

Россия Марказий банки пул эмиссиясини билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш ҳукуқини ўз қўлига олди. Ундан ташқари давлат пул белгиларини босиб чиқарувчи муассаса Россияда жойлашган эди. Мустақил давлатлар Марказий банкларнинг пул муомаласини олиб бориш бўйича ҳаракатлари чеклаган эди. Натижада пул тақчиллиги юзага келади ва у алоҳида олинган республикаларда ҳар хил даражада намоён бўлди. Масалан, Россия Марказий банки муомалага чиқарган пулларда Россиянинг салмоғи 1991 йил декабрида 64 фоизини ташкил қилган бўлса, 1992 йил июнига келиб эмиссиясининг 77 фоизи Россияни нақд пул билан таъминлашга йўналтирилган. қолган барча Республикаларни нақд-пул билан таъминлашган учун муомалага чиқарилган пулларнинг фақат 23 фоизигача сарфланган, яъни бошқа республикалар эҳтиёжини пул билан таъминлаш салмоғи тушиб кетган. Масалан, Белоруссия, Грузиянинг салмоғи 3 фоиздан 1,5 фоизгача, Украина ва Болтиқ бўйи республикаларининг салмоғи янада кўпроқ қисқарган. Ўзбекистонда ҳам пул ресурслари тақчиллиги нақд пулга бўлган талабнинг қондирилмаганлигига намоён бўлган. Шу иқтисодий тенглик шароитида пул тизимини шакллантириш бўйича мустақил давлатлар олдида икки альтернатив йўл турарди.

- ❖ Ягона пул тизими зонаси - рубль зонасида қолиш ва ягона пул сиёсатини олиб бориш;
- ❖ Ўз миллий валютасини муомалага чиқариб ўз пул тизимиға эга бўлиш ва қўшни мамлакатлар инфляциясидан ўзини ҳимоя қилиш;

Пул тақчиллиги давом қилаётган ва Россия рублари барқарор бўлмаган шароитда пул тақчиллигини йўқотиш мақсадида кўргина республикалар, жумладан Ўзбекистон ҳам мустақилликнинг биринчи йилларда пул тизимини шакллантиришнинг лойиҳасини тузди, юқорида таъкидлаганимиздек муомалага купон талонлар чиқарилди ва кейинчалик Ўзбекистон ўзининг миллий валютани муомалага чиқарди. Ўзбекистон миллий валютаси-сўмнинг чиқарилганича уч йилча вақт ўтди ва у пул сифатида барча ерда ишлатилиб келмоқда.

Ўзбекистон миллий пул тизимининг асосий элементи бўлмиш сўм жамият манфатларига хизмат қиласи. Шунинг учун пул тизимининг асосий вазифаси пулимизнинг қадрини мустаҳкамлашдан иборат. Бу жуда маъсулиятли ва осон бўлмаган вазифа. Ўзбекистоннинг ўз иқтисодини бозор талабларига мос ривожлантиришга қаратиши, бозор иқтисодига ўтишда Ўзбекистоннинг хусусиятларига эга эканлиги миллий валютанинг барқарор бўлишини тақоза қиласи.

Ҳозирги кунимиз, иқтисодимизнинг ривожланишида амалга оширилаётган иқтисодий жараёнлар, катта қурилишлар ва молиялаштиришлар Ўзбекистон иқтисодий мустақилликка эришиш учун

тўғри йўл танглаганини кўрсатиб турибди. Зеро мустақил пул тизимиға эга бўлмасдан иқтисодий жиҳатдан давлат бўлиш мумкин эмас.

Ўзбекистон замини ва халқи олдиндан мукаммал тарихга, соҳалар бўйича ўз мустақил тизимиға эга бўлган. Шунинг учун биз қисқача пул тизимимизнинг тарихи тўғрисида қисқача тўхталимоқчимиз.

Баъзи манбаларда келтирилишига қараганда Ўрта Осиёда биринчи Искандар Зулқарнай даврида милоддан аввал 250 - 261 йилларда бошланган.

Ҳозирги Марказий Осиёning кўпгина майдони олдинги Бухоро давлатига мансуб бўлган ва шу кунги МДХ давлатлари ичида Ўзбекистон Республикаси заминида яъни, Бухоро давлатида биринчи металл пуллар зарб қилган. Металл пуллар зарб қилингунга қадар Бухоро давлатида савдосотикда пул бирлиги сифатида буғдой ва қофоз материал ишлатилган.

Биринчи металл пуллар Бухоро давлатида 700-йилларда зарб қилинган. Бу пуллар қумуш тангалар бўлиб, Бухоро давлати шохи Кана Бухор Худдат томонидан чиқарилган. Танга юқори сифатга эга бўлган тоза қумушдан зарб қилинган. Танга ўртасида шоҳнинг тасвири ва унинг атрофига қуръон оятлари ёзилган. Бу қумуш пуллар “дирҳам” деб аталган. Бухор-Худдат 40 йил бошқаргандан кейин, таҳтга халифа Абу Бакр Сиддик ўтирган. Абу Бакр кейинчалик шоҳ Хорун ар-Рашид даврида Бухоро давлатида пул тизими барқарор бўлиб, савдо кўпроқ, дирҳамларда олиб борилган. Бу орада Хоразм давлати ҳам ўзининг қумуш тангаларини муомалага киритган. Лекин аҳоли кўпроқ дирҳамлар билан савдо олиб боришни афзал кўрган. Дирҳамларга бўлган талабнинг ошиши, Бухоро давлатининг кўпгина бошқа мамлакатлар билан савдо олиб бориши, ҳамда дирҳамларнинг жуда юқори проба ва сифатга эга бўлиши аста секинлик билан уларнинг муомаладан йўқолишига олиб келган.

801 йилнинг кузида таҳтга Гидриф келган ва у пул тизимини барқарорлаштириш мақсадида муомалага б турдаги олтин, қумуш, тери, темир ва мис, ҳар хил металл қоришимасидан зарб қилинган пул бирликларини чиқарган. Бу пуллар халқ орасида “гидрифи”лар деган ном олган. Қумуш гидрифилар дирҳамларга қараганда сифати паст ва қумушга темир қоришимаси натижасида қорамтири рангда бўлган. Бу пуллар аҳоли орасида муомалада яхши қабул қилинмаган, шунинг учун давлат олдинги пулга нисбатан янги қумуш гидрафининг мажбурий курсини белгилаб кўйган, яъни б гидрифи 1 дирҳамга тенглаштирилган ва аста-секинлик билан солиқ ва тўловларни фақат гидрифида олишнинг жорий қилиш орқали 1 гидрифини 1 дирҳамга тенглаштиришга эришилган. Давлат томонидан ҳар ҳил солиқ ва тўловларни фақат гидрифида тўлашни жорий қилиш натижасида 822 йилларга келиб 100 қумуш дирҳам 70 гидрифига, 1 гидрифи тилло 7,5 гидрифи қумушга тенглаштирилган. Гидрифилар Бухорода Махак қасрида зарб қилинган.

Шуни таъкидламоқчимизки, биринчи рус давлатида муомалада пайдо бўлган метал пуллар дирҳамлар ҳисобланади. Рус давлатида дирҳамлар бир неча бўлакларга бўлинниб муомалада ишлатилган. Топилмалар шуни кўрсатганки, рус давлатида IX-X асрда савдода қўлланилган дирҳамлар 40

бўлакка бўлиниб, ҳар бир кумуш бўлакчаси пул бирлиги сифатида ишлатилаган. Кейинчалик рус давлатига, Европа давлатлари металл пуллари кириб келган ва фақат X асрнинг охиридагина киев князи Владимир томонидан биринчи рус тангалари “гривни” зарб қилинган.

X асрнинг ўрталари (943-954 йиллар)да Исломий Сомоний даврида Бухоро давлати майдони кенгайиб ҳозирги Ўрта Осиё давлатларини қарийиб барча майдонини ўз ичига олган ва у З ва ундан ортиқ Европа мамлакати майдонига тенг келган.

Сомонийлар даврида пул тизими жуда юқори даражада ривожланган. Муомалага яна сифатли кумуш тангалар - дирҳамлар, олтин пуллар киритилган. Бу пуллар муомалада доналаб ва оғирлиги ўлчаб, қабул қилинган. Бухоро давлати европа давлатлари билан кенг савдо-сотиқ олиб бориши натижасида юқори сифатли кумуш тангалар Европа ва рус давлатига оқиб ўтган ва биз юқорида таъкидлаганимиздек, рус давлати бу дирҳамларни бўлакларга бўлиб, пул бирлиги сифатида муомалада ишлатилган.

XI асрда сомонийлар давлатидаи туркларнинг ўрин олиши пул муомаласини ҳам ўзгартирасада, олтин ва кумуш тангалар пул тизимининг асосий элементи сифатида сақланиб қолди.

XII-XIII асрларда қорахонийлар, Ҳоразмшоҳ даврида, кейинчалик Тимурийлар даврида муомалада асосан олтин, кумуш, мис тангалар кўплаб зарб қилинган. Шайбонийхон даврида 1507 йилда пул ислоҳати утказилиб, чеклаган миқдорда муомалага олтин, кумуш, мис, омис ва кумуш қоришмасидан танга пуллар чиқарилган. Олтин тангалар “тилло”, кумуш танга “танга”, мис танга “динор” деб номланган ва энг майда танга динорнинг 1:6 қисмига тенг бўлиб “пул” деб номланган.

Темурийлар даврида “амири” дирҳамлари муомалага чиқарилган. Уларнинг вазни 5,7-6,0 гр. атрофида бўлган ва кейинчалик дирҳамларда кумуш миқдорини камайтирилгани учун тангалар вазни ҳам камайиб борган.

Ўзбекистан пул тизимининг яна бир муҳим санаси бу 1708-1709 йилларда Бухорода ўтказилган пул ислоҳотидир. Бу ислоҳот шоҳ Убайдуллохон томонидан ўтказилган бўлиб, муомалага паст сифатли тангалар чиқарилган. Бу тангаларда кумуш миқдори олдинги тангаларга нисбатан кам бўлган ва улар давлатнинг уруш билан боғлиқ ҳарбий ҳаражатларини қоплаш учун зарб қилинган. Олдинги 1 кумуш танганинг оғирлиги 1 мисқолга тенг бўлган. Пул ислоҳотига асосан 1 кумуш танга 4га бўлиниб, энди тўрт кумуш танга зарб қилинган ва уларнинг ҳар бирининг вазни 1 мисқолга тенг бўлган. Натижада кумуш танганинг сифати тушган. Муомаладаги пуллар “яҳши” ва “ёмон” пулларга бўлинган. 1 мисқол 24 нуҳудга тенглаштирилган, яъни 24 нуҳуд 1 мисқол, 1 мисқол 4,8 гр. кумушга тенг бўлган.

Убайдуллохон ўтказган пул ислоҳотиинг хусусияти шундаки, у тангадаги кумуш миқдорини энг минимал даражагача камайтирган, бундай ҳол унгача ва ундан кейин амалиётда қўлланилаган эмас. Бу тўғрида қўйидаги жадвал маълумотларига мурожат қилишимиз мумкин.

2-жадвал

## Убайдуллохон давридаги пул илоҳати

№	Йиллар	Тангадаги кумуш миқдори - %
1.	1608-1610	90
2.	1615-1623	80
3.	1617-1678	70
4.	1699-1700	35
5.	Убайдуллохон даврида	22,5

Жадвалдан кўриниб турибдики, танганинг кумуш миқдори 90 фоиздан Убайдулла Баҳодирхон даврида 22,5 фоизгача тушган, яъни тангаларнинг сифати тушиб борган.

қарийиб 100 йиллардан кейин, XVIII аср ўрталарида Муҳаммад Раҳимхон даврида тангадаги кумуш миқдори 30%гача оширилган. XVIII асрнинг охири XIX асрни бошларига келиб Бухоро давлати яна юқори сифатли пул тизимиға эга бўлган.

Россиянинг Ўрта Осиёга юриши натижасида, 1865 йилда Ташкент руслар қўлига ўтган. Кейинчалик Бухоро давлатининг Ўратепа, Жиззах, Самарқанд, Каттақўргон, Ургут каби шаҳарлари Россия қарамоғига ўтган. Бухоро амири Россия билан дўстлик шартномасини тузган ва яrim мустақил давлат бўлиб ўзининг мустақил пул тизимини сақлаб қолган ҳамда мустақил пул сиёсатини олиб борган. Ўша даврда муомалага олтин, кумуш, мис тангалар чиқарилган. 1 тилло Россиянинг 6 рубль 80 копеек, 1 танга (кумуш) 15 копеекга, 1 мис танга -(мира) 4 копеекга, пул 1:4 копеекга тенглаштирилган. Муомалада кўпроқ кумуш танга ишлатилиб, унинг курси 1 тангага 12 копеекдан 20 копеекгача ўзгариб турган. Ўтган асрнинг 90-йилларида Россия, Тошкент, қўқонда кейинчалик Бухорода ўз банкларини очган. Муомалага рус олтин, кумуш тангалари ва кредит билетлари кириб келган. Бухорода рус олтин, кумуш тангасидан кўра кредит билетлари жуда машҳур бўлган. Бухоро беклари амирга тўлайдиган солик ва бошқа тўлов, инъомларини кумуш тангада карвонларда олиб келгандан кўра, кредит билетларда олиб келиши уларга арzon ва осон бўлган. Шунинг учун кумуш тангалар рус кредит билетларига алмаштирилган. Рус банкларига шу йул билан ва бошқа йўллар билан тушган кумуш тангалар қайтиб муомалага чиқмаган. Улар Россияга жўнатилган ва Петербургдаги зарбхонада қайта ишлатилиб рус кумуш тангаси бўлиб муомалага чиқарилган. Бухоро тангаси 84 фоизли пробадаги кумушдан тайёрлангани учун рус кумуш тангасидан анча сифатли бўлган ва у қайта ишланганда бир Бухоро тангасидан бир неча рус тангаси зарб қилинган. Бу эса Россия хазинасига жуда катта фойда келтирилган. Ҳисоб-китобларни олиб боришда, тиллони рублга айлантиришда қийинчиликлар бўлгани учун Россия давлати Бухоро давлати пул тизимини Россияга бирлаштириш тўғрисидаги масалани қўйган. Россия

Молия Вазирлиги томонидан Бухоро давлати пулининг лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унга асосан чиқариладиган пул 15 копеекгача тенг бўлиб, унинг бир томонида Россия хукумат белгиси тасвири иккинчи томонида Бухоро давлати белгиси тасвири бўлиши керак эди. Лекин, Бухоро амирнинг хизмати туфайли бу иш амалга оширмасдан қолиб кетган. 1923-24 йилларгача Бухоро ўзининг пул бирлигининг сақлаб қолган. Туркистоннинг Россияга қўшилиши натижасида, XX асрнинг бошларида Туркистонда рус кредит билетлари, маҳаллий векселлар, кейинчалик совзнаклар, “Туркбон”лар, червонецлар муомалада бўлган. 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ягона пул тизими барпо қилиниб, Собиқ СССР худудида рубль пул бирлиги сифатида қабул қилинган ва мустақилликгача пул муомаласи шу пул бирлигига олиб борилган.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 56 б.
2. Дон Патинкин. Денги, процент и ценў. –М.: Экономика, 2004. – 375 стр.
3. Миляков Н.В. Финансў. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 стр.
4. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансов предприятий. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2001. – 300 стр.
5. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва бошқалар.-Т.: «Maxptint». 2008. 454 б.
6. Свиридов О.Ю. Финансў, денежное обраҲение, кредит. Экспресс справочник для студ. вузов. –М.: ИКЦ Март, Ростов нГД. изд. Сентр Март, 2004. – 179 стр.

## **5 МАВЗУ. КРЕДИТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ Ажратилган соат - 4 соат**

### **Асосий саволлар:**

- 1.Суда капитали ҳаракати, унинг хусусиятлари, ссуда капитал бозори**
- 2. Кредит муносабатлари ривожланишининг асосий босқичлари**
- 3. Кредитнинг моҳияти ва функциялари**
- 4.Кредитнинг асосий шаклларига тавсифнома.**

### **1-савол баёни: Суда капитали ҳаракати, унинг хусусиятлари, ссуда капитал бозори.**

Иқтисодий назарияда ссуда капитали деганда фоиз тўлаш шарти билан вақтинча фойдаланишга бериладиган ялпи пул маблағлари тушунилади.

Суда капиталининг моҳиятини тўла тушуниш учун аввало уни айланма ва савдо капиталларидан фарқини, характерли хусусиятини аниқлаш керак. Суда капитали капитал бозорида муҳим ўрин тутиб миллий иқтисодиёт эҳтиёжларини қондиради. Суда капиталининг ўзига хос

хусусиятлари, унинг кредитордан қарз олувчига бўлган ҳаракатида ва аксинча бўлган жараёнида кўпроқ кўринади. Бу хусусиятлар қўйидагилардан иборат:

1. Ссуда капитали **капитал сифатида** - бу мулк, унинг эгаси қарз олувчига капиталини доимий эгаликка эмас, балки вақтинча фойдаланиш учун беради. Бу ҳолда капиталга бўлган эгалик капитал ҳаракатидан ажралади. Капитал корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишнинг бошидан охиригача қатнашиб, унинг ҳажми ортиб борсада, белгиланган капитал миқдори охир оқибатда ўз эгаси – кредиторга қайтиб тўланиши лозим.

2. Ссуда- капиталининг ўзига хос хусусияти, унинг **товар сифатида** эканлигидир. Кредитор томонидан пул маблағлари қарздор корхонага “сотилади”, Корхоналар бу капитал ҳисобидан чиқариш воситалари ва иш кучини сотиб оладилар. Ссуда капиталининг товар сифатидаги истеъмол қиймати - қарз олувчи томонидан унинг самарали ишлатилиши натижасида қарздор оладиган фойда ҳисобланади. Ссуда капиталининг истеъмол қиймати оддий товарнинг истеъмол қийматидан фарқ қиласди. Ссуда капитали бўйича олинган фойданинг бир қисми ссуда фоизини тўлаш учун ишлатилади.

3. Ссуда капиталининг яна бир хусусияти, **кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги муносабатнинг узоқ давом қилишидир**. Ссуда капиталининг кредитордан қарз олувчига ўтиш жараёни даврлар бўйича тарқатилган тўлов механизмининг босқичларида ифодаланади. Масалан, оддий савдо-сотик жараёнида сотилган товарнинг нархи шу заҳотиёқ тўланади. Кредит ресурслари ва улардан фойдаланганлик учун тўловлар одатда маълум вақт ўтгандан кейин тўланади.

4. Ссуда капитали ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, ссуда капитали ҳаракати саноат ва савдо капитали ҳаракатидан фарқ қилиб, **“сотувчи” (кредитор) ва “харидор” (қарз олувчи)** ўртасидаги муносабат, яъни капитал ҳаракати, пул (П-П) кўринишида бўлади.

Судхўрлик капиталидан фарқли ўларок ссуда капитали аввало давлат, юридик ва жисмоний шахслар, кредит ташкилотларидан жалб қилинган молиявий ресурслар ҳисобига шаклланади (бу эса банкларнинг ссуда капитали бозорида ихтисослашган воситачилик ролини аниқлаб беради). Молиявий ресурсларнинг ссуда капиталига айланишининг **икки асосий манбасини** кўрсатиш мумкин.

❖ кредит муносабатлари ривожланишининг биринчи босқичида ссуда капитали шаклланишининг ягона манбаи сифатида **давлат, юридик ва жисмоний шаклларининг вақтинчалик бўш пул маблағлари** манба сифатида намоён бўлди. Улар молиявий воситачиларга ихтиёрий равишда вақтинча фойдаланишга, мавжуд маблағни кейинги капитализация қилишга ва улардан фойда олишга берилади. Бу маблағлар кредит ташкилотларига тегишли бўлган депозит счёtlарда қайд қилиниб, ўзларининг биринчи эгаларига шу қўйилмалар бўйича фоиз кўринишидаги даромад келтиришни таъминлайди. Бу манба

ўзининг аҳамиятини ҳозирги, ривожланган давлатлар шароитида ҳам йўқотган эмас.

- ❖ нақд пулсиз шаклидаги ҳисоб китобларнинг банк орқали ўтишида ишлатиладиган маблағлар ҳам ссуда капитали шаклланишининг янги манбай бўлиб, бу маблағлар айланма маблағларнинг доиравий айланиш жараёнида юзага келади. Корхоналарда **молиявий ресурсларнинг вақтингча бўш бўлиб қолишининг қуйидаги асосий сабабларини кўрсатиб ўтиш мумкин;**
- ❖ ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш вақти билан олинган хом ашё, материаллар, ишчиларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни амалга ошириш вақтингинг мос келмаслиги;
- ❖ асосий фонdlарнинг эскиришини қоплаш учун мўлжалланган пул ажратмаси, яъни амортизация фондининг шакллантирилиши.

Амортизация фонди маблағлари ҳам ссуда капитали манбаси сифатида ишлатилиши мумкин.

Корхоналарда фаолияти натижасида юзага келувчи тақсимланмаган фойда ёки унинг ишлатилиш жараёнида пайдо бўлган бўш маблағлар (масалан, йил охирида тўланадиган девиденд шаклида) ҳуқуқий шахсларнинг уларга хизмат кўрсатувчи кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб счёtlарида жамғарилади.

Бу мабалағлар банк томонидан корхона ва ташкилотларнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондиришга, маълум муддатга ўтказилади.

**Ссуда капитали бозорининг таркиби.** Ссуда капитали бозори молиявий бозорнинг таркибий қисми ҳисобланади ва унинг ҳолати ссуда капиталининг доиравий айланиш жараёни билан боғлик.

**Ссуда бозорининг асосий иштирокчилари бўлиб:**

\*дастлабки инвесторлар, яъни турли банкларда сақланувчи, ссуда капиталига айланувчи бўш молиявий ресурсларнинг эгалари;

\*ихтисослаштирилган воситачилар, пул маблағларини бевосита жалб қилувчи, уларни ссуда капиталига айлантирувчи ва фоиз кўринишида ҳак тўлаш ва қайтариш шарти билан вақтингчалик фойдаланишга қарз олувчига берувчи кредит-молиявий ташкилотлари бўлиши мумкин.

\*молиявий ресурсларда етишмовчилик ҳис қилувчи ва ихтисослашган воситачиларга уларнинг бўш маблағларини вақтингчалик ишлатиб турганлиги учун тўлов тўлашга тайёр бўлган давлат ташкилотлари, ҳуқуқий ва жисмоний шахс кўринишидаги қарз олувчи.

Банклардан бериладиган кредит ресурсларнинг мақсадли йўналишидан келиб чиқкан ҳолда **ссуда капитали бозори қуйидаги асосий сегментларга бўлиниши мумкин:**

**пул бозори** – айланма маблағларнинг ҳаракатини таъминловчи қисқа муддатли кредит операцияларнинг йигиндиси;

**капитал бозори** – асосий маблағлар ҳаракатини таъминловчи қисқа ва узок муддатли операциялар тўплами;

**фонд бозори** - қимматбаҳо қоғозлар бозорига хизмат қилувчи кредит операциялар тўплами;

**ипотека бозори** - кўчмас мулк бозорига хизмат қилувчи кредит операциялар тўплами ва бошқалар.

Ҳар бир санаб ўтилган бозор сегментлари уни ташкил этиш ва вазифаларини бажаришда ўзига хос хусусиятларга эга. Бу эса амалиётда молия-кредит институтларининг маҳсус тури ихтисослаштирилган тижорат банкларининг ташкил топишига олиб келади.

Замонавий ссуда капитали бозори асосий икки бўғин кредит тизими ва қимматбаҳо қоғозлар бозори (бирламчи ва иккиласмачи бозорлар) бўлишини тақозо қилади. Ссуда капитали бозорининг таркибини қуидаги схемада келтириш мумкин. Келтирилган схемадан кўриниб турибдики, кредит тизими ҳар хил кредит молия институтларининг йиғиндисидан иборат. Қимматбаҳо қоғозларнинг бирламчи бозорида янги муомалага чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар сотилади ва сотиб олинади. Иккиласмачи бозорда (фонд биржасида) олдиндан муомалага чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар сотилади ва сотиб олинади. Биржадан ташқарида қимматбаҳо қоғозларнинг сотилиши ва сотиб олиниши одатда нобиржа савдо деб юритилади.

Кимматбаҳо қоғозлар бозори ва кредит тизимининг мавжудлиги ҳамда ривожланиш даражасига қараб ссуда капитали бозорининг ривожланиши тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Жаҳон амалиётида капитал бозори АҚШ, Фарбий Европа мамлакатларида ва Японияда юксак тараққий қилган.

## **2-асосий савол баёни: Кредит муносабатлари ривожланишининг асосий босқичлари.**

Ўзининг тарихий ривожланишида кредит бир неча босқичларни босиб ўтган.

**Бошланғич шаклланиш.** Бу босқичнинг асосий белгиси ссуда капитали бозорида маҳсус воситачиларнинг йўқлиги эди. Кредит муносабатлари, бўш пул маблағларнинг эгаси ва қарз оловчи ўртасида бевосита амалга оширилар эди. Бу ерда кредит судхўрлик капитали сифатида намоён бўлади. Унинг характерли белгилари сифатида қуидагиларни белгилаб ўтиш мумкин:

- ◆ қарз берувчи ва қарз оловчи ўртасида, тўғридан тўғри келишувга асосланган қарз муносабатларининг тўлиқ марказлашмаганлиги;
- ◆ маблағларни тақсимлашнинг чекланганлиги;
- ◆ қарз маблағларидан фойдаланганлиги учун жуда юқори фоиз нормаларининг белгиланганлиги ва бошқалар.

**Таркибий жиҳатдан ривожланиш.** Кредит ривожланишининг бу босқичи ссуда капитали бозорида кредит-молия ташкилотлари каби маҳсус воситачиларининг пайдо бўлиши билан характерланади.

Катта судхўрлик ва саррофлик идоралари заминида вужудга келган дастлабки банклар кейинчалик кўпчилик кредит институтларига анъанавий бўлиб қолган, энг керакли функцияларни ўз зиммасига олди. Булар:

- ◆ бўш молиявий маблағларнинг ўз вақтида фоиз билан тўлаш мажбурияти асосида қарз оловчига бериш;

- ◆ юридик ва жисмоний шахслар учун ҳар хил тўлов ва ҳисоб-китоблар бўйича хизмат кўрсатиш (кейинчалик давлат учун ҳам);
- ◆ қатор махсус молиявий операцияларни ўтказиши (масалан, вексель муносабати механизми бўйича хизмат кўрсатиш ва бошқалар).

Махсус воситачиларга ссуда капитали бозорида бўлган талаб, шунингдек фойданинг юқори нормаси банк тизимишининг бошқа фаолият соҳаларидан келадиган капитал оқими ҳисобига ривожланишини таъминлайди (янги вужудга келаётган кредит ташкилотларининг тузувчилари судхур ва саррофлар бўлмай, балки саноат ва савдо капиталистлари эди).

Ривожланиш босқичларида ссуда капитали бозоридаги муносабатлар маълум даражада шаклий характер ола бошлади, кредитлашнинг маълум бир турдаги жараёнлари ўрнатилди, ссуда капиталининг маълум бир турдаги жараёнлари ўрнатилади, ссуда капиталининг ўртacha регионал ва ўртacha миллий нормалари ўрнатилади ва ҳ.к. Бироқ кредит ташкилотларнинг фаолияти ҳалигача марказлашмаган эди. Бу эса ссуда капитали бозорининг ривожланишига тўсқинлик қиласи ва иқтисодиётнинг циклик ривожланиш шароитларида молиявий бозорнинг бошқа бўғинларида номутоносибликларни келтириб чиқаради.

Бу босқичнинг асосий белгиси - иқтисодиётда кредит муносабатларини давлат томонидан марказлашган ҳолда бошқарилишидир. Давлат микёсида кредит муносабатларининг марказлашуви ҳар бир давлатнинг Марказий банки ёрдамида амалга оширилади. Дастребни умумиллий давлат кредит иқститутларининг пайдо бўлиши накд пулсиз ҳисоб кктооларни олиб бориш учун қул келди, ҳамда тижорат банкларининг операциялари ва хизмат кўрсатиш қўламишининг кенгайишига олиб келди. масалан, фонд бозорига хизмат кўрсатиш бўйича.

Кейинчалик Марказий банклар фаолияти бозор иқтисодиётини барқарорлаштиришнинг самарали омили бўлган кредит дастагларини ишлатиш бўйича йўналтирилди. Бу эса давлатники бўлмаган кредит ташкилотларини назорат қилишни кучайтиришни талаб қилди. Шунингдек, иқтисодиётда информацион технологиянинг ривожланиши, глобал банк тармоқларининг компьютер коммуникациялари ва маълумотлар базаларининг шаклланиши кредит муносабатларини янги сифатли даражага, яъни мижозга хизмат кўрсатиш билан бирга уларнинг молиявий фаолиятининг ҳамма жабҳаларига, шунингдек халқаро бозорга ҳам тарқалишига олиб келди. Жамият фаолиятининг ўта муҳим жиҳати - бу ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ресурслар ишлатилади, махсулотлар ва хизматлардан иборат ҳаётий неъматлар яратилади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг ўзлуксизлигини моддий ва меҳнат омиллари таъминлайди. Ишлаб чиқаришнинг бу омиллар билан бир текисда таъминланиши муаммодир.

Кредит орқали жамиятимизда қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

**биринчидан**, фондлар айланиши жараёнида четга чиқиб, бўш қолган мабалғларнинг ҳаракатсиз туриб колишининг олдин олинади;  
**иккинчидан**, такрор ишлаб чиқаришки кенг доирада ўзлуксиз давом эттиришга имконият яратилади.

### **3- савол баёни: Кредитнинг моҳияти ва функциялари.**

Кредитнинг вужудга келиши реалликка айланиши учун муайян шароитлар бўлиши зарур. Шу масала буйича баъзи иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрларни таҳлил қилиб, иқтисодчилар томонидан кредитнинг юзага келишининг қуидаги шартларига қўпроқ эътибор берилганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Кредит муносабат бўлиши учун:

**биринчидан**, кредит муносабат иштирокчилари - қарз берувчи ва қарз оловчи - ҳукукий жиҳатдан мустакил субъект бўлиши керак. Мустакил субъект сифатида ҳар иккала томон бир-бири билан ўзаро алокалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришини моддий жиҳатдан кафолатлай олиши керак. Маяжбуриятларни бажара олиш кобилиятини ҳисобга олган ҳолда мустакил ҳукукий субъект сифатида томонлар иқтисодий муносабатга киришишлари керак.

**иккинчидан**, қарз берувчи ва қарз оловчи манфаатлари бир-бирига мое тушган тақдирдагина кредит заруриятга айланади. Бу манфаатлар авваламбор, объектив жараёнлар, ўзаро манфаатларни такозо этувчи аниқ вазият билан боғлиқ.

Кредитор (карз берувчи) томонидан пул маблағларини қарзга бериш буйича, қарз оловчи томонидан эса шу маблағларни олиш буйича қизиқиш туғилган тақдирдагина кредит муносабатлари вужудга келади.

Кредитнинг вужудга келиши кредит муносабатлари иштирокчилари манфаатларининг йуналишига боғлиқ, Томонлар манфаатларнинг мос келиши кредит шартномаси тузилишини таъминлайди. Лекин, кредит муносабатлари иштирокчилари манфаати нафақат вақт ва фазо жиҳатдан, шунингдек сифат жиҳатдан ҳам мос тушган тақдирдагина бу муносабатлар реалликка айланади. Шу билан бирга кредитнинг бу муҳим сифатлари кредит муносабатлари содир бўлишининг асосий сабаби бўлолмайди. Кредит вужудга келиши учун, юкорида айтилгандек, аниқ бир кктиносодий асос - фондларнинг доиравий айланиши ва шунга ўхшаш бошқа аниқ шароитлар бўлиши зарур. Факатгина ана шу таъсир этувчи омиллар бўлган тақдирдагина кредитнинг вужудга келиши реалликка айланади.

Баъзи иқтисодий адабиётларда кредитнинг зарурлиги хусусида бир неча бошқа фикрлар ҳам учрайди. Масалан, кредит корхоналар фаолиятини назорат қилпшни амалга ошириш учун зарур деб таъкидланади. Агар бу фикр тугри деб қарайдиган бўлсақ, кредитнинг зарурлиги факат кредитор учун тушунарли бўлади, чунки у қарз бериш орқали қарз оловчи фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Бундай шароитда кредитнинг чегараси ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишига асосланган объектив жараёнларга эмас, балки

банкнинг кредит операциялари орқали қарз олувчининг фаолиятини назорат қилиш истагига боғлиқ бўлиб колади.

Бу мулоҳазалардан келиб чиқкан ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, кредитнинг объектив зарурлиги такрор ишлаб чиқариш жараёнида фондларнинг доиравий айланиши қонуниятларига асослангандир.

Бизга маълумки, пул маблағларига қўп ҳолларда кредитларни, корхоналарнинг ҳисоб варакасидаги маблағларни ва нақд пулларни, оборот маблағларини ва молиявий ресурсларни киритадилар.

**Кредит** - бу вақтинча бўш турган пул маблағларини пул эгаси ёки бошкалар томонидан маълум муддатга, ҳак тўлаш шарти билан карзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқкан иқтисодий муносабатлар йигиндисидир.

Кредит ҳарқандай ижтимоий муносабат эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсулни, қийматнинг харакати, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодаловчи категориядир. Кэдитнинг моҳияти унинг ички белгиларияни очиб беришга қаратилган. Кредитни-моҳиятини очиш - бу унинг сифатларини, кредитнинг муҳим томонларини, уни иқтисодий муносабатлар тизимининг бир элементи сифатида кўрсатувчи асосларини билиш демакдир.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда кредитнинг баъзи муҳим томонлари аникланади:

**биринчидан**, унинг ижтимоий маҳсулот яратиш, миллий даромад ва пул ресурсларини қайта тақсимлашга боғлиқлиги;

**иккинчидан**, кредитнинг харакат шаклига (товар ёки пул тарзида) эга эканлиги;

**учинчидан**, такрор ишлаб чиқаришдаги харакатнинг асосий ҳал этувчи белгиси (карз) эканлиги ва ҳ. к.

Берилган кредит қайтариб беришлилик ҳарактерига эга. У худди шу сифати билан молиядан фарқ қиласи.

Суда капитали манбаларининг таҳлили кредитнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳиятини аниклашга асос бўлиб хизмат қилди.

Бир қатор иқтисодчиларнинг фикрича, **кредит** жамиятдаги вақтинча бўш пул маблағларини йиғиши ва уларни тақсимлаш шаклидир.

Кредитнинг моҳиятини янада аниклаштириш учун унинг таркибини, факат босқичларини, иқтисодий категория сифатидаги муҳим белгиларини ижтимоий -иқтисодий ҳарактеристикасини кўриб чиқамиз.

Ҳар қандай иқтисодий категория ўзининг функцияларига эга бўлгани каби кредит ҳам ўзининг бир қатор функцияларига эга. Ижтимоий иқтисодий тизимда кредитнинг урни ва роли у бажараётган функциялари билан аникланади. Кредитнинг функцияси - бу кредитнинг иқтисодиётда фаолиятининг конкрет равишда намоён бўлишидир.

Кредитни таҳлил қилишда, функция, унинг моҳияти ва роли ўртасидаги оралиқ звено сифатида кўриб чиқилади.

Кредитнинг функциялари ҳакида олимлар ўртасида ягона изчиллик йўқ.

И. Лаврушиннинг фикрича, кредитнинг функцияларини таҳлил қилишда иккита ечилмаган муаммо мавжуд:

- 1) функцияни тутунишнинг услугий асослари;
- 2) функцияларнинг таркиби ва структураси.

Кредитнинг таркибий қисмидан келиб чиқкан ҳолда ўнга қўйидаги муносабатларга хос функциялар талуқли:

- а) кредиторнинг қарз олувчи ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;
- б) қарз олувчининг кредитор ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;
- в) қарзга берилувчи қиймат билан кредитор ва қарз олувчининг муносабати орқали.

Кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги муносабат шундай аниқланадики, бунда кредитор қарз олувчига ресурсларни таклиф қиласди, қарз олувчи бу ресурсларни ишлатади ва бунда қарзга берилувчи қиймат кредитор ва қарз олувчи ўртасида айланади. Бу ердан кредитнинг биринчи функцияси келиб чиқади:

### **1. Қарзга берилувчи қийматни вақтинча фойдаланишга бериш функцияси.**

Кредит ва пул маблағлари ўртасидаги муносабатларидан келиб чиқсан ҳолда, кредитнинг хақиқий пулларни кредит пуллари билан алмаштириш функция олдинга сурилган. Лекин бу функция ҳозирги кунда иқтисодий муносабатлар «саҳнасидан» чиқиб кетган. Кредитнинг ташқи муҳит билан алоқаси унинг иккинчи функциясини келитирб чиқиради.

### **2. Қайта тақсимлаш функцияси.**

Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча фазаларига –ишлаб чиқариш, тақсимлаш, муомала ва истеъмолга хизмат кўрсатади. Такрор ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда кредит, ишлаб чиқариш, тақсимлаш ёки истеъмол жараёнида кечадиган функциялардан қайта тақсимлаш функциясини бажаради.

### **3. Муомала харажатларини тежаш функцияси.**

Кредит вужудга келиш давридан бошлаб хақиқий пулларни (олтин, кумуш) кредит пуллари – векселлар, банкноталар, чеклар билан алмашинишини таъминлаб келган. Лекин, олтиннинг монетар роли йўқолиши туфали кредит бу функцияси ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириб, ҳисоб-китобларни тезлигини ва кам харажатлилигини таъминламоқда. Капиталнинг муомалада бўлиш вақтининг тежалиши унинг ишлаб чиқаришда бўлиш вақтини оширади ва бу ишлаб чиқариши кенгайтиришга, фойданинг ортишига олиб келади. Бу функциянинг амалга оишиш кредитнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади. Унинг манбаи саноат ва савдо капиталининг доиравий айланиши жараёнида вактинчалик етишмовчилигини тўлдириш учун ссудалар бериш кенг тарқалиб борган.

### **4. Капитал тўпланишиининг жадаллашуви ва концентрациялатуви функцияси.**

Капитал тўпланиши жараёни иқтисодий ривожланишнинг барқарорлашуви ва хўжалик юритувчи ҳар бир субъектнинг ўз мақсадга эришишининг муҳим шарти ҳисобланади. Бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шу билан бирга қўшимча фойда олишга қарз маблағларидан фойдаланиш имконини яратади. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, зарурки, иқтисодий инқироз даврида бу ресурсларнинг қимматлилиги қўпчилик хўжалик фаолияти жабҳаларида капитал тўпланишини жадаллаштириш масаласини хал қилишда тўсқинлик қилади. Шунга қарамасдан, кўриб чиқилаётган функция ҳозирги шароитда режали иқтисодиёт даврида ривожланмаган ва маблағлар билан таъминланмаган фаолият жабҳаларини молиявий маблағлар билан таъминлаш жараёнини сезиларли тезлаштиради.

## **5. Муомалага тўлов воситаларини чиқариш функцияси.**

Бу функцияning амалга ошиш жараёнида кредит факатгина товар эмас, балки пул муомаласининг жадаллашувига, ундан нақд пулларни сикиб чиқариб, тўловлар айланишининг тезлашувига ижобий таъсир кўрсатади. Кредит туфайли пул муомаласи доирасига вексель, чек, кредит карточкалари каби воситаларни киритилиб, нақд пулли ҳисоб-китобларни нақд пулсиз операциялар билан алмаштиради. Бу эса ички ва халкаро бозордаги иқтисодий муносабатлар механизмини осонлаштиради ва тезлаштиради.

### **Кредитнинг асосий тамойиллари:**

Кредит муносабатлари иқтисодиётда мавжуд аниқ услубий асосларга таянади. Унинг асосий элементлари бўлган ссуда капитали бозори операциялари маълум тамоиллар асосида олиб борилади. Бу тамоиллар кредит ривожланишининг биринчи босқичида кўзга ташланган эди, кейинчалик эса улар умумдавлат ва халкаро кредит қонунчилигида яккон ўз аксини топди. Иқтисодий категория сифатида кредит бир неча тамоилларга эга. Булар кредитнинг қайтиб беришлиги, кредитнинг муддатлиги, кредитнинг таъминланганлиги, максадлилиги ва тўловлилик тамойиллариdir.

### **1. Кредитнинг қайтиб бериш тамоили**

Бу тамойил кредитнинг мустақил иқтисодий категория эканлигининг шартидир, қайтиб беришлик кредитнинг умумий белгиси ҳисобланади, қайтиб беришлик ўз-ўзидан вужудга келмайди: у моддий жараёнларга, қийматнинг айланишининг тугашига асосланади.

Қийматнинг қайтувчи ҳаракатида ҳуқуқий томони ҳам муҳимдир. Муайян бир муддатга бериладиган қийматга эгалик ҳуқуқи кредитордан қарз олувчига ўтмайди.

Карзга бериладиган қиймат фақат муайян бир муддатдагина ўз эгаси кўлидан узоқлашади, лекин эгасини ўзгартирмайди.

Бўш турган ресурсларни аккумуляция қилувчи банклар бу ресурслардан ўз ресурслари сифатида фойдалана олмайди. Банк қарзга берувчи маблағнинг эгаси бўлиб корхона, ташкилот, алоҳида шахлар ҳисобланади.

Қайтариб беришлилик муайян шартномада ўзининг ўрнини топади.

Қайтариб беришлилил объектив белги ҳисобланади, кредитни қайтариб беришлилил томони уни бошқа иқтисодий категориялардан, шу жумладан, молиядан фарқ қилиш имкониятини беради.

Кредитдан самарали фойдаланиши асосидаги қайтариб беришлилил - бутун банк фаолиятининг марказий пункти ҳисобланади. Кредитнинг бу томойили ўз амалиёт аксини кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоиз сўммасини кредит берган муассаса ҳисобига кучириш йули билан тўланади. Шу йул билан банклар кредит ресурсларининг қайта тикланишини таъминлайдилар. Бизнинг амалиётимизда марказлашган режали иқтисодиёт шароитида кредитлашнинг “қайтарилмайдиган ссуда” деб аталувчи норасмий тушунчаси бор эди. Кредитлашнинг бу шакли ҳалқ хўжалигининг кўп тармоқларида айникса қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг тарқалган эди. Кредит давлат банки томонидан қарз олувчининг молиявий аҳволини ҳисобга олмаган ҳолда берилар эди. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра қайтарилмайдиган ссудалар бюджет субсидиясининг қўшимча шакли сифатида намоён бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида “қайтарилмас кредит” тушунчаси бозор иқтисоди томоилларига ёд бўлиб бундай кредитнинг амалиётда бўлиши иқтисод учун жуда хавфли ҳисобланади.

## **2. Кредитнинг муддатлиги.**

Бу тамойил кредит берувчидан олинган кредитни ўз вақтида қайтариб бериш муддатини, яъни кредитнинг қандай муддатга берилганлиги билан характерланади. Бунда шу муддатлилик тамойилига кўра кредит **узок ва қиска** муддатли кредитларга бўлинади.

Кредитнинг муддатлилик тамойили қарздор учун қулай бўлган ҳар қандай вақтда эмас, балки кредит битимида кўрсатилган маълум муддатда кредитнинг қайтарилиши зарур эканлигини билдиради. Кредитнинг муддатлилиги ҳар иккала томон, кредитор ва қарз олувчи учун муҳимдир. Агар кредитор қарзни фоизи билан ўз вақтида қайтиб олса, уни эгасига ўз вақтида қайтариш ёки яна кредитга бериш имкониятига эга бўлади, қарз олувчи кредитни самарали ишлатиб, уни ўз вақтида кредиторга қайтариш ва шу билан шартномадаги жазо чораларидан қутилишидан манфаатдор. Кредитнинг муддати бўйича кредит шартномада кўрсатилган шартларнинг бузилиши натижасида қарз берувчи қарз олувчига иқтисодий чоралар ( жарималар шаклида, кредит бўйича фоиз даражасини ошириш, кредитнинг муддатини қисқартириш ва бошқа ) ни қўллаши мумкин. Бу юралар ҳам ёрдам бермаган ҳолларда қарз берувчи молиявий талабларни хўжалик суди орқали ундириб олиши мумкин. Кредитнинг муддатлилиги келиб тушувчи бойликларни тежамли ва қайта ишлатиш муддатига, ишлаб чиқарилган маҳсулотни жўнатиш муддатига, товарларни сотиш муддатига ва пировард натижада айланма фондларининг доиравий айланнишининг тезлигига боғлиkdir.

## **3. Кредитнинг товар - моддий бойликлар билан таъминланганлиги.**

Бу тамойил ёрдамида ҳалқ хўжалигининг ривожланишида қиймат ва моддий ишлаб чиқариш ўртасида бўлиши зарур бўлган пропорцияларининг бир меъёрда бўлиши таъминланади. Бу тамойилнинг асосий моҳияти

шундаки, бунда хўжалик айланишида иштирок этувчи банк маблағларининг ҳар бир сўмига муайян бойликларнинг бир сўми қарама-қарши туриши керак. Банклар томонидан ҳалқ хўжалиги тармоқларига берилган кредитлар тўлиқ товар моддий бойликлари ва маълум харажатлар билан таъминланган бўлиши керак.

Кредит олаётган корхона банкка товар ёки товар ҳужжатларини, бошقا бирон шаклдаги мулкни гаровга қўяди. Агарда банк берган қарз ўрнини қоплаш ҳуқуқига эга бўлади. Баъзида кредит варрант асосида ҳам берилиши мумкин. (Варрант-гаров учун хизмат қилувчи ҳужжат). Бунда кредиторнинг бераётган кредити-товармоддий бойликлар билан таъминланганлигиги ишонч ҳосил қилиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, кредитнинг таъминланганлик тамоили қарз оловчи ўзига олган мажбуриятларни бузиш шароитида қарз берувчининг мулқдорлик манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди ва ўзининг амалий аксини кредитни бирор гаров ёки молиявий кафолат асосида беришда топади. Бу умумиктисодий барқарорликка эришиш даврида айниқса муҳимдир.

#### **4. Тўловлилик тамоили.**

Бу тамоил айланма фондларининг доиравий айланишини, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи тўлов ресурлари суммасини аванслаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Бу тамоилга асосан корхоналар фойдаланилган қарз маблағлари учун кредиторга фоиз шаклида тўловни ўтказадилар. Кредитнинг тўловлиги уни тўлиқ суммада ўз эгасига қайтарилишинигина эмас, шу билан кредит учун фоиз шаклидаги тўлов билан қайтарилишини ифодалайди. Демак, кредитор маблағларини хеч вақт ўз ҳажмида қайтариб олиш шарти билан бермайди, бунда у маблағни қарзга берганлиги учун муайян тўлов талаб қиласди. (фоизсиз имтиёзли кредитлар бундан мустасно).

Кредитнинг тўловлиги нафақат банклар хўжалик ҳисоби статусига, шу бирга корхоналарни бевосита фойдаси билан боғлиқ бўлади ва ижобий таъсир кўрсатади.

Кредит учун ҳақ тўлашнинг иқтисодий моҳияти қарз берувчи ва қарз оловчи ўртасидаги қўшимча олинган фойданинг тақсимланишини қайд қилишда намоён бўлади. Кўриб чиқилаётган тамоилнинг амалиётда учта асосий функциясини бажарувчи банк фоизи нормасини ўрнатиш жараёнида намоён бўлади:

- ◆ Хуқуқий шахслар фойдасининг ва жисмоний шахслар даромадининг тақсимланиши;
- ◆ Ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва ссуда капиталининг тақсимланиши орқали тармоқ, тармоқлараро ва ҳалқаро миқёсда айланиши;
- ◆ Иқтисодиёт ривожланишининг инқирозли босқичида банк мижозларининг пул маблағларини инфляциядан ҳимоялаш ва бошқалар.

#### **5. Кредитнинг мақсадлилиги.**

Бу тамоилнинг моҳияти шундаки, қарз оловчи томонидан олинган кредитлар анив: бир мақсадни амалга оширишга йуналтирилган бўлиши

зарур. Кредитнинг кайси мақсадга йуналтирилганлиги, масалан, товар моядий бойликлар сотиб олишга ёки бирор ишлаб чидариш ҳаражатларини қоплашга ва ҳакозо аниқ бирор объектга мақсадли йуналтирилганлиги корхона билан банк ўртасида тузиладиган кредит шартномадақўрсатилган бўлади. Корхона олган кредитини фақатгина кредит шартномадақўрсатилган шини бажаришга сарфлаши керак .

Бунда кредит муайян, аник объектга: **ишлаб чиқариш ҳаражатларига, ишлабчиқариш захираларига, тайёр маҳсулотга, жунатилган товарларга, ҳисоб-китоб хужжатларига ва ҳоказоларга** берилади.

Юкорида келтирилган тамойиллар кредитнинг иқтисодий категория сифатида мавжуд бўлиши ва ҳаракат қиилишининг муҳим томонларини ўзида ифодалайди.

**6.** Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг юкорида келтирилган тамойилларидан ташкари, кредитдан окилона фойдаланишни ифодаловчи тамойил **кредитнинг самарадорлиги** тамойилини киритишимиз зарур. Бу тамойил нафакат кредит ва фоиз сўммасини банкга қайтариб тўлашни, ундан ташкари шу кредит ёрдамида кредитланадиган ёки молиялаштириладиган соҳа , тармоқ, корхона цанча самарадорликка эришишини ифодалаши зарур. Бозориқтисодиёти шароитида бериладиган кредитлар маълум бир лойиҳаларнинг бажарилишига йуналтирилган бўлади. Банклар лойиҳаларни кредитлаш ёки молиялаштиришидан олдин лойиҳани бажариш учун йуналтириладиган маблағларнинг самарадорлигини ҳисоблаб чиқишилари зарур. Агар биз бозор чтикоси юқори ривожланган мамлакатларда кредитлаш ва лойиҳаларни молиялаштириш амалиётига эътибор берадиган бўлсак, бу мамлакатларда корхона, ташкилотларга кредит беришдан олдин қўйиладиган маблағларнинг самарадорлиги ҳисоб китоб қилиб чиқилади.

## **7. Кредитни режанинг бажарилганлигига қараб бериш.**

Бу тамойилнинг моҳияти шунда эдики, банк кредитларининг умумий ҳажми ва шакллари банкларнинг кредит режалари асосида урнатилар эди. Бунда корхона ва ташкилотларга бериладиган кредитлар уларнинг ишлаб чиқариш режаларини бажаришларига қараб берилар эди. Ундан ташкари, кредит ҳажми буйича муайян режа тузилар ва шу режага асосан кредит берилиши, уни ҳажми ва шакли белгиналарди ва бу банк томонидан боцҳарилар эди.

Бу тамойилга асосан, кредит режасида кузда тутилган банк ссудалари квартал ёки ойига бир марта эмас, балки товар-моддий бойликларини яратиш жараёнига ва уларни ишлаб чиқариш мақсадларига сарфлаш ёки сотишнинг' маълум боскичларида банк томонидан урнатилган миқдорда берилар эди.

## **8. Дифференциялаштириш (кредитлашда ҳар хил ёндашиш )тамойили.**

Бу тамойил ижтимоий зарурий нормаларга мос холда ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация килиш асосида корхона **ва** ташкилотларнинг қандай молиявий натижага эришганлигига қараб белгиланган. Хужалик фаолиятининг натижаларига қараб корхоналар “яхши ишлайдиган” ва “ёмон

ишлайдиган” корхоналарга бўлиб кредитланган. Бу тамойилга **асосан** ижобий Молиявий натижаларга эришган корхона ва ташкилотларга кредитлаш фаёнида маълум енгиляиклар берилган. Корхоналарда молиявий қийинчиликлар бўлганда ишчиларга иш хққи тўйтўлаш учун ёкибошқа тўловларни амалга ошириш учун кредитлар берилган.

#### **4-савол баёни: Кредитнинг асосий шаклларига тавсифнома.**

Кредит муносабатларининг субъектлари ва обьектига, фоиз ставкасига ва кредитнинг ҳаракат доирасига қараб, кредитнинг қуйидаги мустакил шакллари амалиётда қўлланилиши мумкин. Булар банк кредити, тижорат кредити, истъемол кредити, давлат кредити, халқаро кредит. Амалиётда кредитнинг ҳар бир шакли ҳам бир неча бўлакларга бўлиниши мумкин.

**1.Банк кредити.** Иқтисодиётда кенг тарқалган кредит муносабатларининг шаклларидан биридир. Унинг обьекти пул маблағларини бевосита ссудага бериш жараёни ҳисобланади. Банк кредитини берувчи кредит муассасалари кредитлаш жараёнини амалга ошириш учун Марказий банкдан маҳсус лицензия (руҳсатнома) олган бўлишлари зарур. қарз олувчи сифатида ҳуқуқий шахслар, аҳоли, давлат, хорижий давлат мижозлари иштирок қилишлари мумкин. Кредит муносабатларининг воситаси бўлиб, кредит шартнома ёки кредит келишуви ҳисобланади. Бу кредит тури бумича олинадиган даромад ёки ставка томонлар билан келишилад ва банк фоизи ёки ссуда фоизи кўритида бўлади.

Жаҳон амалиётида банк кредитидан фойдаланишда унинг турли хил хусусиятлари ҳисобга олинади.

Қисқа муддатли банк кредитлари қарз олувчи корхонанинг хужалик фаолиятида айланма маблағлар етишмовчилигини тўлдириш учун қўлланилади. Бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келувчи бундай жараённинг бўлиши ссуда капитали бозорида мустақил сегмент пул оозорининг юзага келишига олиб келади. Қисқа муддатли кредитлар фонд оозорида, савдо ва хизматлар кўрсатишда, банклараро кредитлаш режимида кўпроқ қўлланилади.

Хозирги шароитда қисқа муддатли кредитлар қуйидаги кўрсаткичлар билан ҳарактерланади:

- кредитларнинг жуда қисқа муддатларга (базида бир ойгача муддатга) берилиши;
- кредитнинг муддати ва фоиз ставкасининг бир бирига тескари пропорционал ( кредитнинг муддати жуда қисқа бўлсада, фоиз ставкаси жуда юкори ) бўлиши;
- ишлабчиқариш соҳасидан кўпроқ муомала соҳасига хизматкўрсатиш;

Узок муддатли кредитлар урта муддатли кредитлар каби фондлар ҳаракатини таъминлайди ва улар кредит ресурсларнинг ҳажми билан ажралиб туради. Узок муддатли кредитлар З йилдан 10 йил муддатгача давлат томонидан тегишли молиявий кафолатларни олган I, кредитнинг муддати 10 йил ва ундан ортиқ муддатга ўзайтирилиши мумкин.

Кредитнинг таъминланганлиги учун қабул қилинадиган мулк тез сотиладиган, олдин бирор мажбурият буйича гаровга куйилмаган, **корхонага** тегишли бўлган мулк бўлиши керак.

Учинчи шахснинг молиявий кафолати билан бериладиган ссудалар. Кредит бошқа бир ташкилотнинг кафолати асосида берилади. Кафолат берувчи корхона ёки муассаса, агар қарз оловучи кредит шартномасидакўрсатилган шартларни вақтида бажармаса, шу туфайли банк кўрган заарларни қоплашга кафиллик беради ва фаолият давомида ҳақиқатда шундай ахвол руй берса ўз маблағари ҳисобидан зарарни қоплаб беради. Молиявий кафиллик берувчи томон сифатида хуқуқий шахслар, шунингдек турли даражадаги давлат хокимияти органлари иштирок қилишлари мумкин.

Жаҳон амалиётида умумий бирор эҳтиёжни қоплаш учун ишлатиладиган кредитлар мавжуд. Бунда банк томонидан бериладиган кредитлар қарз оловчининг молиявий ресурсларга бўлган турли эҳтиёжларни кондириш учун ўз ихтиёри буйича ишлатилади. Хозирги шароитда улар қисқа муддатли кредитлаш соҳасида чекланган тарзда кўлланилади, урта ва ўзок; муддатли кредитлашда умуман кулланилмайди. Бизнинг амалиётимизда банклар томонидан бирор максадни амалга ошириш учунгина кредитлар берилади.

Кредитнинг қайси мақсад учун берилаётганлиги кредит шартномасида кўрсатилада ва банк томонидан берилган ресурслар қарз оловучи томонидан фақатгина шартномада кўрсатилган масалани хал этиш учун ишлатилади. (масалан, олинаётган товарлар буйича ҳисоблашиш, иш хақи тўлаш ва х.к. учун) қарз оловучи томонидан кўрсатилган.

**Тижорат соҳаси учун кредитлар бериш.** Бу соҳа буйича кредитлар савдо ва хизматкўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи хужалик субъектларига берилади. Бу кредитлар тез айланиб келит хусусиятига эгабўлиб, тижоратчилар эҳтиёжини қондиришда катта ахамиятга эгадир.

Банк томонидан кредитлар қимматбаҳо қоғозлар буйича олди-сотди операцияларини амалга оширувчи, фонд биржаси воситачилари: брокер, маклер, дилер фирмаларига берилади.

Кучмас мулк эгаларига ипотека кредитлари берилиши мумкин. Улар ҳам оддий, кам ихтисослашган ипотека банклари томонидан берилади. Бу хозирда хориж амалиётида кенг тар<sup>^</sup>алганбўлиб, хатто баъзи манбаларда кредитнинг алоҳида шакли сифатида намоён бўлади. Бизнинг мамлиётимизда эса бу фактатгина 1996 йилдан бошлаб тарқала бошлади. Банклараро кредитлар - банк кредитининг кенг таркалган шакллардан бири. Банклараро кредитнинг жорий ставкаси маълум бир тижорат банкнинг бошқа турлардаги ссудалар бериш сиёсатини аниклаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Бу норманинг аниқ микдори (ҳисоб ставкаси) Марказий банк томонидан белгиланади.

**2. Тижорат кредити.** Иқтисодиётда кредит муносабатларининг вужудга келишининг биринчи шаклларидан бўлиб, вексель муомаласини вужудга келтирган ва нақд пулсиз ҳисоб китобларининг ривожлашишига ёрдам

берган. Тижорат кредитининг субъектлари сифатида турли шахслар: мол етказиб берувчи ва мол сотиб оловчи корхоналар, крёдитнинг обьекта сифатида сотилаётган товар иштирок қилади. Тижорат кредити ўзининг амалий қўринишини ҳуқуқий шахслар уртасида товар ва хизматларнинг тўлов муддатини чузиш орқали сотиш шаклидаги молия хужалик муносабатларида топади. Бу кредит шаклининг асосий мақсади товарларни сотишни тезлаштириш ва шу орқали фойда олишдан иборат.

Тюкорат крёдитнинг анъанавий воситасибўлиб, қарз оловчининг царз берувчига нисбатан молиявий мажбуриятларини акс эттирувчи вексель ҳисобланади. Вексел бу қарз мажбурияти бўлиб, қарз оловчи ўз зиммасига қарзни кўрсатилган сўммада, кўрсатилган жойда, белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини олади.

Амалиётда векселнинг икки тури қўулланилади. Оддий ва ўтказма вексел. Оддий векселни қарз оловчи корхона қарз берувчи корхонага беради ва товарлар вакўрсатилган хизматлар учун унтатўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Утказма векселда кредитор томонидан белгиланган товар ва хизматларсўммаси унинг топширигига асосан учинчи шахсга ёки векселни кўрсатувчига ўтказилиши зарур. Кредиторнинг векселдакўрсатилгансўммани учинчи шахсгатўлаш тўғрисидаги буйрутини ифодаловчи хужжат амалиётда тратта деб ҳам юритилади.

Тижорат кредити банк кредитидан қуидаги хусусиятлари билан фарққилади:

1. Кредитор (қарз берувчи) ролида маҳсус кредит-молия ташкилотлари эмас, балки товар ва хизматларни ишлаб чия; ариш хамда *сотии билан* шугулланувчи турли ҳуқуқий шахслар иштирок қилади;

2. Тижорат кредити факатгина товар шаклида берилади;

3. Тижорат кредитида ссуда капитали, саноат ва савдо капитали билан интеграциялашган ҳолда харакат қилади. Бу бозор иқтисодиёти шароитда турли ихтисосдаги ва фаолият йуналишдаги корхоналарни ўз ичига оловчи холдинг, молиявий компанияларнинг вужудга келишида ўз амалий аксини топади;

4. Берилган вақт оралигида тижорат кредитининг уртacha қиймати банк фоизиининг уртacha ставкасидан доимо кичик бўлади;

5. қарз берувчи ва қарз оловчи уртасидаги шартнома расмийлаштирилганда тижорат кредити буйича тўлов (фоиз ставкаси) алоҳида аниқланмайди. Фоиз тўлови товар баҳосига қўшилган ҳолда расмийлаштирилади.

Хорижий мамлакатлар амалиётида тижорат кредити кенг тарқалган. МДХ, давлатлари амалиётида тижкорат кредити кулланимайди. Собиқ иттифоқ даврида кредит муносабатларининг ривожланишига назар соладиган будсак, 1930-32 йиллардаги кредит ислоҳотигача амалиётда тижорат кредитидан фойдаланилган. Бу кредит товарлар ишлаб чиқаришнинг мўл кўлчилиги шароитида товарларни сотиш жараёнини тезлаштиришда қулай ҳисобланади.

Хозирги шароитда жахон амалиётида тижорат кредитнинг асосан 3 тури кулланилади:

\*қайд қилинган тўлов муддати буйича кредит;

\*товарларни сотгандан кейингина қарзни тўлаш бўйича кредит;

\*очик, ҳисоб буйича кредитлаш. Бунда тижорат кредити шартлари ойича, кейинги товар партиясини ясунатиш, олдинги гкунатилган товарлар буйича қарзларнитўлаш муддатигача амалга оширилиши зарур.

Корхоналар томонидан тижорат кредитидан фойдаланиш улар томонидан банк кредитидан фойдаланишни инкор қилмайди. Тижорат кредити банк кредитидан *фарқ*, қилсада, уларнинг ҳаракати бир биран чамбарчас боғлиқ; бўлиши мумкин. Корхоналар тижорат кредитидан фойдаланганда, банк кредити корхона фаолиятига тугридан тугри таъсириклидиган кредит сифатида намоён бўла олмайди. Тижорат кредитида корхоналарнинг ҳисоб китоб счетида маблағлари бўлмаган шароитда корхоналар товарларни кредитга сотиб оладилар. Шунинг учун истемолчи корхоналар банк кредитига эхиёж сезмаслиги мумкин. Айни вақтда мол сотувчи корхона фаолиятида у товарларини кредитга сотганлиги учунмаблағга муҳтожлик сезилиши мумкин. Мана шу шароитда мол етказиб берувчи корхона пул маблағларга бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида кредит олиш учун банкга мурожаат қилиши мумкин. Бу эса 30-йиллар амалиётида банк томонидан эгри кредитлаш деб юритилган. Эгри кредитлаш деб юритилишининг сабаби шундаки, кредитни ҳақиқатда маблағи етарли бўлмаган корхона, мол сотиб олевчи корхона олиши зарур эди. Мол сотиб олевчининг хўжалик фаолиятидаги маблағлар етишмовчилиги мол етказиб берувчига банк томонидан кредит бериш йули билан қопланган.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни ҳисобга олмаган ҳолда тижорат кредити товарлар сотиш жараёнини тезлаштиришда ва корхоналарнинг айланма маблағларини хужалик фаолиятидан тезроқ бўшашини таъминлашда катта ахамиятга эга.

**3. Истемол кредити.** Истемол кредити ўзининг мақсади билан кредитнинг бошқа шаклларидан фарқ қиласи. Унинг фаркли белгиси - жисмоний шахсларни кредитлаш ҳисобланади. Кредитнинг бу шаклида кредит берувчи сифатида маҳсус кредит муассасалари билан бирга товар ва хизматларни сотишни амалга оширадиган жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Истемол кредити икки шаклда: пул шаклида ёки товар шаклида берилиши мумкин. Жисмоний шахсларга кучмас мулкка эгалик қилиш учун, қиммат бўлган даволанишнитўлаш, ҳар хил товарлар ва уй жиҳозлари сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш учун истемол кредитлари берилиши мумкин. Пул шаклида истемол кредити банклар томонидан, товар шаклида эса товарлар чакана савдоси жараёнида тўлов муддатини чузиш орқали амалга оширилади.

Узбекистонда ҳозирги кунларда уй жой сотиб олиш, уй жой қуриш учун пул шаклидаги, муддатли истеъмол кредити ва товар шаклида автомобиль кредитга берилмовда.

**4. Давлат кредити.** Кредитнинг бу шаклининг асосий хусусияти кредит муносабатларида давлатнинг қатнашувиdir. Давлат кредитида давлат бир томондан қарз берувчи ва иккинchi томондан қарз олувчи сифатида иштирокқилиши мумкин. қарз берувчи вазифасини бажара туриб, давлат, давлат кредит институтлари, жумладан Марказий банк орқали иқтисоднинг ҳар хил соҳаларини кредитлашни ўз зиммасига олади. Давлат томонидан:

- иқтисодиётнинг устивор тармокдарини кредитлаш;
- молиявий ресурсларга эхтиёж сезаётган давлат аҳамиятига эга бўлган аниқ тармок; ёки минтақаларга, агар бюджетдан молиялаштириш имконияти тугаган бўлса, вақтинча фойдаланишга маблағ ажратижши мумкин.

Давлатнинг қарзлари кўпайган ҳолларда давлат бюджети камомадини молиялаштириш мақсадида, давлат қарз олувчи сифатида, давлат қарзларини жойлаштириш жараёнини амалга оширади.

Давлат кредитининг ҳарактерли хусусияти шундаки, давлат томонидан олинган қарз маблағлар ишлаб чиқариш фондлари айланишида ёки моддий бойликлар яратишда иштирок қилмайди. Бу маблағлар давлат қарзларини қоплаш учун ишлатилади.

Давлат давлат хазина мажбуриятларини чиқарит, молия бозорларида давлат қимматбаҳо қоғозларини жойлаштириш, давлат заемларини чиқариш **ва** сотиш йули билан банкларнинг ахолининг ва бошҳа молия - кредит институтларининг пул маблағларини нигади **ва** уларни давлат қарзи ва бюджет камомадини қоплашга (молиялаштиришга) сарфлайди.

**5. Халқаро кредит.** Кредит муносабатларининг халқаро миқёсда (давлатлар хртасида) амалга оширилиши халқаро кредитнинг юзага келишига олиб келади. Халқаро кредитга халқаро миқёсда ҳаракат қилувчя кредит муносабатлари туплаши сифатида қараш зарур. Кредитнинг бу шаклининг бевосита иштирокчилари миллатлараро молия-кредит институтлари, тегишли давлат хокимияти, кредит ташкилотлари ва алоҳида ҳуқуқий шахслар бўлиши мумкин.

Халқаро кредит бир. давлат, шу давлат банки, шахси томонидан иккинchi бир давлатга, унинг банкларига, бошқа ҳуқуқий шахсларига муддатлилик ва тўловлилик асосида бериладиган кредит ҳисобланади.

Халқаро кредит давлат ва халқаро институтлар иштирок этган муносабатларда пул (валюта) шаклида, ташк;и савдо фаолиятида эса товар шаклида бўлиши мумкин.

Халқаро кредит қуйидаги хусусиятлари билан ҳарактерланади:  
қарз олувчи ва қарз берувчи сифатида давлат ташкилот ва муассасалари, ҳуқуқий шахслар (банклар, компаниялар), халқаро валюта кредит ташкилотлари қатнашадилар;

қарзга олингандан маблағлар қарз олувчи мамлакат томонидан даромад келтирувчи капитал сифатида ишлатилади;

қарз берувчи мамлакатга тўланадиган ссуда фоизининг манбаси қарз олувчи мамлакат ахолиси томонидан яратилган миллий даромад - ҳисобланади.

Халқаро кредит маҳаллий кредит билан бир каторда фондлар айланишининг барча босқичларида қатнашади.

Халқаро кредит халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида куйидаги функияларни бажаради:

\*мамлакатлар уртасида капиталнинг қайта таксимланишини таъминлайди;

\*капиталнинг концентрацияяшувига ва марказлашувига шароит яратади ва бу жараённи тезлаштиради;

\*ҳар хил валюталарда халқаро ҳисоб китобларни олиб борища муомала ҳаражатларини қисқартиради .

Халқаро кредитлар: ҳарактери буйича - давлатлараро, хусусий, фирма кредитларига;

шакли буйича - давлат, банк, тижорат;

ташқи савдо тизимида тутган урни буйича - экспортни кредитлаш, импортни кредитлашга;

муддати буйича-қисқа муддатли-1 йилгача, урта муддатли -1 йилдан 5 йилгача, ўзок муддатли -5 йилдан ортиқ; муддатга;

объекти буйича - товар ва валюта;

таъминланганлиги буйича - товар-моддий бойликлар билан ёки хужжатлар билан таъминланган кредитларга бўлинади. Говар шаклида бериладиган халқаро кредит ёки фирма кредитлари гижорат кредитининг халқаро иқтисодии муносабатлар соҳасида қулланилиши ҳисобланади ва бир мамлакат фирмасининг товари иккинчи мамлакат фирмасига кредитга - тўлов муддати кечикирилиб сотилада. Бу жараён одатда тратта (утказма вексель) билан расмийлаштирилади. Экспортни кредитлашда давлат томонидан субсидия ажратилганяиги учун фирма кредитлари буйича фоиз ставгадари одатда фоиз ставкаларининг бозор баҳосидан паст бўлади.

Халқаро банк кредитларининг банк экспорт кредитлари (хорижий импортёрларга хусусий тижорат банклари, маҳсус ташқи савдо банклари томонидан бериладиган кредит), еврокредит (йирик тижорат оанклари томонидан евровалюта бозори ресурслари ҳисобидан евровалютада, 2 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга, ўзгарувчан фоиз отавкада кредитлар бериш) каби турлари мавжуд.

Халқаро давлат кредити икки томонлама келишув асосида ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланаётган мамлакатларга товар ёки валюта шаклида, фоизтўлаш ёки фоиз тўламаслик шарти билан, ўзок ёки қисқа муддатга берилади.

Халқаро валюта - кредит ташкилотларининг кредитлари қисқа муддатли - 1 йилгача (халқаро валюта фондининг кредитлари), урта муддатли -5 йилгача ( Жаҳон ривожланиш ва тараққиёт банки ) ва ўзок муддатли -20 йилгача (Европа ривожланиш ва таравдиёт банки вабошқалар)

кредитлар бериши мумкин Халкаро валюта-кредит ташкилотларидан олинган кредитлар хусусий тижорат банкларидан олинган кредитлардан (бу кредитлар буйича уртача фоиз ставкаси йилига 7-9% ни ташкил қилади.) арзонга тушади.

**6. Судхўрлик кредити.** Кредитнинг ўзига хос шакли. Хорижда бу тарихан кенг тарқалган кредит бўлиб ҳисобланади. Амалда судхурлик кредити Марказий банк томонидан тегишли лицензияга эга бўлмаган жисмоний шахслар, шунингдек хужалик юритувчи субъектлар томонидан маблағларни вақтинча фойдаланишга бериш йули билан амалга оширилади.

Кредитнинг ролини кредитни интенсификациялаш дастаги **ва** рагбатлантирувчиси, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бажарадиган функцияларининг натижаси сифатида аниқлаштириш мумкин.

Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўзлуксизлигини таъминлайди.

Корхоналарга бериладиган кредит уларни вақтинчалик молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини кондиради ва такрор ишлабчиқариш жараёнини ўзлуксиз давом этишини таъминлайди.

Пул маблағларига эҳтиёж ишлаб чиқаришнининг нафақат мавсумий, шунингдек бошқа сабабларига ҳам боғлиқ барча ҳолларда кредитни жалб этиш асосий ва айланма фондларининг узлуксиз доиравий айланишини, ишлаб чиқариш жараёни ва товарлар муомаласини тезлаштиришни таъминлайди.

Шунингдек, кредит ижтимоий-иктисодий максадларни амалга оширишга, иктисодий вазифаларни бажаришига муҳим таъсир кўрсатади.

Кредит шундай ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш ва киритишга ишлатилиши керакки, бунда бу воситалар асосида меҳнат унумдорлигини ва меҳнатни фонд Билан қуролланиш даражалари ошсин.

Кредитнинг муҳим роли соф даромадни ишлатиш шароитларини тўлашлигини таъминлашдан иборат. Соф даромадни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатиш учун аввал уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш талаб қиласиган даражада пул кўринишида жамғариш керак.

Кредит давлатнинг иктисодий дастагларидан бири сифатида бутун иктисодиётнинг ривожланишига ва алоҳида корхона фаолиятига рагбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Кредит ишлаб чиқаришга ижтимоий ҳаражатларни иктисод пилит йули билан таъсир этади.

Аммо, кредит товар-моддий бойликлардаги жонли ёки буюмлашган меҳнатни бевосита иктисод била олмайди, чунки унинг ўзи ишлаб чиқариш жараённида бевосита иштирок этмайди.

## Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 56 б.
2. Дон Патинкин. Денги, процент и ценў. –М.: Экономика, 2004. – 375 стр.
3. Миляков Н.В. Финансў. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 стр.
4. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансов предприятий. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2001. – 300 стр.
5. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва бошқалар.-Т.: «Maxptint». 2008. 454 б.
6. Свиридов О.Ю. Финансў, денежное обраҲение, кредит. Экспресс справочник для студ. вузов. –М.: ИКЦ Март, Ростов нFД. изд. Сентр Март, 2004. – 179 стр.

## **6 МАВЗУ . КРЕДИТ ТИЗИМИ ВА КРЕДИТ БОЗОРИ**

**Ажратилган соат – 2 соат**

**Асосий саволлар:**

- 1. Кредит назариялари ва кредит тизими.**
- 2. Ихтисослашган нобанк кредит тизими.**
- 3. Кредит бозори хусусиятлари**

### **1-савол баёни: Кредит назариялари ва кредит тизими.**

Турли даврлардаги яшаб ижод килган иқтисодчилар кредитни иқтисодиётда, ҳамда такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги урнига турлича баҳо бериб келганлар, уларнинг айримлари кредитга юксак баҳо берганлар, иккинчи гурух иқтисодчилари уни урнини кейинги даражага қуйиб келганлар.

Кредит тугрисидаги назарияларни икки гурухга булинади.

1. Уларнинг биринчиси **кредитнинг натуралистик назарияси** деб номланади. Бу назариянинг асосчилари бўлиб А.Смит ва Д.Рикардолар ҳисобланадилар.

Бу назарияга асосан кредитнинг аҳамияти пасайтирилади, яъни кредит факат жамиятда таксимланган капитални алоҳида ишлаб чиқарувчилар ўртасида кайта таксимлаш шакли бўлади ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш омили була олмайди.

Бу назариянинг асосий йуналишлари қуйидагилардан иборат:

- кредит моддий кийматликларни бир кулдан иккинчисига ўтказиша техник восита (курол) бўлиб ҳисобланади.
- кредит обьекти бўлиб натурал (ишончсиз) ашёвий бойликлар ҳисобланади;
- ссуда капитал ҳакикий капиталга тенглаштирилади ва уни ҳаракати ишлаб чиқариш капитал ҳаракатига мос келади;

- банклар моддий кийматликларни бир мулк эгасидан иккинчи мулкдорга ўтказиб берувчи воситачи сифатида иштирок этади.

Юкорида куриб утилган кредит назарияси йуналиш намоёндалари томонидан кредит тугрисида ва уни такрор ишлаб чиқариш жараёнида нотугри хulosага келганликларини билдиради. Чунки улар кредитни (ссуда капиталини) харакатини, ишлаб чиқариш капитали, товар капиталини харакатини нотугри курсатиб берадилар. Хаттохи кредитни кайта таксимлаш функциясини ҳам охиригача олиб бера олмайдилар. Бу назария тарафдорларининг *камчилиги* шуки улар кредитни ишлаб чиқаришга бевосита боғлик, лекин ишлаб чиқариш у хеч кандай ижобий таъсирини курсатиб бера олмаганлар. Хакикатда эса кредит ссуда капиталининг харакатини натижаси бўлиб, икки хусусиятга эга, яъни

- кредит кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга таъсир курсатиши
- унда карама- каршиликларни вужудга келтириши мумкин.

Аммо натуралистик назарийётчиларнинг камчиликларига карамай уларнинг карашларида ҳам позитив фикрлар (мулоҳазалар) бор. Масалан, бу назария тарафдорлари фикрига кура кредит хакикий капитални яратмаслиги, балки факат ишлаб чиқариш жараёнига таъсир курсатиши, яъни кредитни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлик эканлигини билиб бера олганлар.

2. Кредитни ролини (урнини) бўрттириб курсатадиган назария **бұкредитни капиталини яратиш назариясидир**. Бу назария асосчилари - инглиз иқтисодчилари Дж. Ло (XVIII) ва Г. Маклеод (XIX) ҳисобланадилар. Бу назариянинг негизи шуки-кредит хеч кандай ишлаб чиқариш жараёнига боғлик эмас ва у иқтисодиётда хал килувчи уринни эгаллайди. Улар кредитни пул ва бойликлар билан бир каторга куядилар. Капитални яратиш назариясининг асл маъноси буйича банклар кредитни бериш орқали капитал яратадилар, кредит хажми банкларнинг узлари ишлаб чиқарадиган кредит сиёсатига боғлик. Шунинг учун банклар канчалик чегараланмаган микдорда кредитни кенгайтиришлари ва бу йул билан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга асос яратишлари мумкинdir.

Банклар «кредит фабрикаси» деган тушунча шу назария тарафдорлари томонидан вужудга келтирилгандир.

Кредитнинг капиталини яратиш назарияси тарафдорлари банклар томонидан берилаётган кредит хажми банк хошишига эмас балки, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг объектив заруриятидан (хошишидан) келиб чикиши, ҳамда кредитни хакикий капитал билан алмаштириб юборадилар.

3. Кредитнинг бу назариясининг давомчилари бўлиб, австралия профессори И. Шуметер, немис банкири А. Тан ва инглиз иқтисодчилари Дж. М. Кейнс ва Р. Хоутри ҳисобланадилар.

Шуметер ва Танлар банкларнинг куч- кудратини ошириб юборадилар, ва хеч кандай чегарасиз бериладиган кредитлар такрор ишлаб чиқариш жараёнини ҳамда иқтисодий усишнинг асосий капитали бўлиб ҳисобланадилар деб карайдилар. Шунга кура бу карашлар кредитнинг **«экспацион кредит назарияси»** номи билан оламга машҳурдир. Ушбу

назария орқали иқтисодчилар мамлакатдаги инфляцияни окламокчи бўладилар.

Бирок кредитнинг бу назария буйича давомчиси булган Дж. Кейис узида керакли булган карашлардан яхши (ижобий) томонларини олган холда кредитни иқтисодиётни тартибга солиш воситаси деб карайди ва исботлаб беради. Чунки банклар томонидан кредитлаш иқтисодиёт талабига асосан берилиши, талаб ошса таклиф ҳам ошиши мумкинлигини эътироф этади. Бунга тарихий мисоллар етарли. Масалан, мамлакатда иқтисодий ривожланиш ўзгариши натижасида кредитга булган талаб ҳам ошади ва аксинчадир. Кредитнинг ортиқча бериб юборилиши бозор иқтисодиёти шароитида кушимча кредитларнинг инфляциянинг вужудга келишига сабабчи бўлиб келиши мумкинdir.

### **Кредит тизими, унинг таркибий қисмлари.**

**Кредит тизими** деб кредит муносабатлар мажмуаси ва кредит муносабатларни ташкил қилувчи ва амалга оширувчи кредит институтлар йигиндисига айтилади. Кредит тизими орқали хуқуқий ва жисмоний шахсларяинг вақтинча бўш маблағлари йигилади ва корхона, ташкилотлар ва давлатга вақтинча фойдаланишга берилади.

Кредит тизими молиявий воситачилик функциясини бажарадиган институтлар йигиндисини ўз ичига олиб молия-кредит тизимини ташкил этади.

Кредит тизими қўйдаги бугинлардан иборат бўлиши мумкин:

- Функционал кредит тизими -бу кредит шакллари йигиндисидан ташкил топган тизм.
- Институционал кредит тизими- кредит муассасалари йигиндисидир.

**Кредит муассасаларига** кредит фаолиятини юритиш хуқуқига эга булган муассасалар киради. Кредит муассасалари қўйдагича гурухланади:

- Асосий фаолияти бўйича (банк кредит муассасалари ва нобанк кредит муассасалари).
- Мулк шаклига қараб (бир поғанали ва икки поғанали кредит тизими) Бозор иқтисоди шароитида **икки поғонали** кредит тизими кўп мамлакатлари қтисодининг асоси ҳисобланади. Бу Марказий банк, банк институтлари ва нобанк кредит муассасаларидир.
- Бажарадиган функцияларига қараб (марказий банк, тијкорат банклар ва маҳсус-кредит институтлар)

**Институционал** кредит тизимига қўйдагилар киради:

- Марказий эмиссия банки
- Банк тизими
- Ихтисослашган нобанк кредит тизими.
- Ихтисослашган кредит институтлари

**Марказий эмиссия банки** давлат томонидан ташкил этилиб қўйдаги вазифаларни амалга оширади.

- кредит тизимини бошқариш
- марказий банк тўғрисидаги қонунга асосланиб фаолият юритиш
- олтин валюта захирилирини жалб қилиш ва сақлаш
- маҳсус функцияларни бажариш

Кредит тизимида асосий уринни банк тизими салмоқли ўринни эгаллади. **Банк тизими** банклар йиғиндиси булиб қуидагиларга ажратилади:

- тижорат банклар;
- инвестиция банклари;
- жамғармалар жалб қилувчи банклар (Ўзбекистонда Халк банки);
- ипотека банки;

**Тижорат банклари** кредит тизимининг бошқа бугинларига нисбатан кўпроқ, буш ресурсларни жалб қиласди ва кўп микдорда мижозларга кредитлар беради.

**Инвестиция банклари** узоқмуддатли кредитлашни амалага оширадиган йирик кредит муассасалари.

**Жамғармалар жалб қилувчи банклар** бўш пул маблағларини жалб қилиш ва тақсимлашга ихтисослашган банк ва нобанк турдаги муассасалар.

**Ипотека банки** кўчмас мулк кредити билан шуғулланадиган муассаса.

## **2-савол баёни : Ихтисослашган нобанк кредит тизими.**

Кредит тизимининг учунчи бўгини бўлиб ихтисослашган нобанк кредит тизими хисобланади. Бу бўгин давлат ва корхоналарни молияштириши, узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланувчи нобанк турдаги муассасаларни ўз ичига олади. Ўзбекистонда 1997 йилда нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида қонун лойихаси кўриб чиқилди. Бунда турли фонdlарнинг маблағларидан оқилона фойдаланиш ва бу маблағларнинг самарадорлигини таъминлаш масаласи куйилган. **Нобанк** кредит муассасалари қуидаги гурухларга ажратилади:

- Суғурта муассасалари
- Турли нобанк кредит муассасалари

**Суғурта муассасалари** молия-кредит муассасаларидан бири хисобланади чунки улар:

*Бир томондан* молия институтлари жихатидан суғурта фонdlарини ташкил этишади.

*Иккинчи томондан* кредит институтлари сифатида кредит фаолиятини амалга оширади. Улар фонд маблағларни жалб қилиш ва тақсимлаш асосида айлантирадилар.

**Турли нобанк кредит муассасалари** кредит операцияларини амалга ошириш хуқуқига эга. Улар жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб қилиб тақсимлайдилир. Уларга қуидагилар киради:

**Инвестицион компаниялар** инвестиция банкларидан фарқли равища кичик ва ўрта фирмаларни, қисқа муддатли ва кам микдорда кредитлаш билан шуғулланадилар.

**Молия компаниялари** уз мижозларидан мажбуриятларни сотиб олиш йўли билан кредитлашни амалга оширадилар. Булар холдинг-компаниялар ва истемол кредитини бўйича хизмат қўрсатувчи компанияларга ажратилади. *Холдинг компаниялар* назорат функциясини амалаг ошириш мақсадида акциялар пакетини сотиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи муассасалар.

**Нафақа фонdlари** маблағлари ортиб қолган холатларда кредит тамойиллари асосида ссудага ва қимматбаҳо қофозларни инвестициялашга берилиши мумкин.

**Кредит юшималари** ахолининг алохида гурух бадаллари асосида тузилиб, гурух аъзоларини қисқа муддатли кредитлаш билан шуғулланади.

**Ломбардолар** гаровга киммат баҳо буюмлар олиш эвазига кредитлаш билан шуғулланади.

**Махсус ихтисослашган кредит институтлари** (банклар) тижорат банклари фаолиятини тўлдиради ва улар халқ, хужалигининг кам рентабеллик, кам фойдалик тормокларига (қишлоқ хужалиги, уй-жойкўрилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар) енгил шароитда кредитлар бериш йули билан уларни фаолиятини рагбатлантириб, ривожлантириб боради.

Ихтисослаштирилган банкларнинг турдаги сифатида кредит кооперативлар, ривожланиш ва тараққиёт банкларини келшириш мумкин.

### **3-савол баёни: Кредит бозори хусусиятлари**

Молиявий бозорнинг таркибий қисми булиб кредит бозори хисобланади. **Кредит бозори** кредитларни сотиш ва сотиб олиш бўйича операцияларни ўз ичига олади. Ссудаларни сотиш ва сотиб олиш йўллари, усуллари ва шакллари йигиндиси **кредит бозори механизмини** ташкил этади.

Бу бозорда асосий товар бўлиб пул хизмат қилиш бозорнинг ажралмас **хусусияти** хисобланиди. Барча бозорларда пул эвазига товар берилса кредит бозорида пул эвазига пул қайтарилади. Кредит бозорида берилган ссудалар кредитордан қарз олувчига берилиб, маълум бир муддат ўтгач қарздордан кредиторга фоизи билан қайтарилиб берилади. Кредит берилишининг муддати қанча кўп бўлса унинг нархи шунча юқори бўлади.

Кредит бозориниг **асосий вазифаси** иқтисодиётни, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган микдордаги пул маблағлари билан тўлдиришдан иборат.

Кредит бозорининг **объекти** бўлиб пул маблағлари хизмат қиласи. Кредит турлари кредит ликвидлигига қараб ажратилади. **Кредитниг ликвидлиги** тақсимланган пул маблағларининг ўз вақтида қайтариберишлилиги билан белгиланади. Юқори ликвидлик дарражасига

муддатсиз банк қўйилмалар эга, узоқ муддатли кредитлар эса пас ликвидлилик даражасига эга.

Кредит бозорининг **субъектлари** бўлиб *кредиторлар, қарз олувчилар ва кафолат берувчилар* иштирок этади.

Кредит бозори куйдаги турларга ажратилади.

### **1. Пул маблағларини жойлаштириш бўйича**

- Қисқа муддатли кредитлар бозори, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бозори.

### **2. Айланиш соҳаси бўйича**

- Миллий кредит бозори ва жаҳон кредит бозори.

### **3. Кредит турлари бўйича**

- *Ссуда- депозитлар бозорида* юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағлари жамгарма банкларга ва кассадарга қўйилади.
- *Банклараро кредитлар бозорида* банклар бир бирига қарз беради.
- *Ишлаб чиқарии учун кредитлар бозорида* қарз олувчи бўлиб ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари иштирок этади, кредитор сифатида эса асосан банклар иштирок этади.
- *Ипотека кредити бозорида* кўчмас мулкка гаров эвазига узоқ муддатли кредитлаш амалга оширилади.
- *Истеъмол кредити бозорида* истеъмол товарлар учун тулўвларга бериладиган кредитлар қўлланилади.

### **4. Кредит муносабатлари иштирокчилари бўйича** куйдагилар ажратилади.

- *Марказий банк билан тижорат* банк муносабатларида МБ ТБларга ремолиялаштириш(эски қарзларни қоплаш мақсадида молиялаштириш) асосида кредит беради.
- *Банклар билан банклар* муносабатларда банклараро қарз олишлар амалга оширилади.
- *Тижорат банклар билан мижозлар*
- *Ўзбекистон банклари билан чет эл давлатлар банклари.*

Кредит бозорида **рискларнинг** олдини олишда куйдаги кредит сиёсати амалаг оширилади.

- Молиявий жихаттдан суст қарз олувчиларга кредит беришдан воз кечиш.
- Кредит таъминланганлигини ифодаловчи гаров талаб этиш
- Кафолат ва суғурта хужжатларини тақдим этиш
- Резервлар ташкил этиш.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 56 б.
2. Дон Патинкин. Денги, процент и ценў. –М.: Экономика, 2004. – 375 стр.
3. Миляков Н.В. Финансў. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 стр.

4. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансов предприятий. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2001. – 300 стр.
5. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва бошқалар.-Т.: «Maxptint”. 2008. 454 б.
6. Свиридов О.Ю. Финансў, денежное обраХение, кредит. Экспресс справочник для студ. вузов. –М.: ИКЦ Март, Ростов нFД. изд. Сентр Март, 2004. – 179 стр.

## **МАВЗУ 7. МОЛИЯ ВА МОЛИЯ ТИЗИМИ**

**Ажратилган соат - 2 соат**

**Асосий саволлар:**

- 1. Молиянинг ижтимоий иқтисодий моҳияти**
- 2. Молиянинг функциялари**
- 3. Молия тизими ва унинг бўғинларига тасниф**

### **1-савол баёни. Молиянинг ижтимоий иқтисодий моҳияти**

Аксарият ҳолларда аҳоли ўртасида ва айрим мутахассислар ҳам «молия» тушунчасини «пул» тушунчаси билан аралаштириб юборадилар. Ҳақиқатда эса бундай эмас, аммо пулсиз молиянинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Ушбу саволни ҳал этиш учун молия категориясининг тарихий ривожланиш босқичларини ёритиш керак бўлади.

Молия тарихий категория сифатида давлатнинг функциялари ва эҳтиёжлари ортиб бориши таъсирида товар-пул муносабатлари шароитида юзага чиқди.

«**Молия**» тушунчаси лотинча *«financiа»* сўзидан олинган бўлиб, битимлардан ундириладиган тўлов, даромад маъносини англатади. Илк бор молия тушунчаси XIII-XV асрларда Италиянинг йирик савдо ва банк хизматлари маркази ҳисобланган – Флоренция, Венеция ва Генуяда муомалага кирган. Кейин ушбу тушунча ҳалқаро кўламда кенг ишлатила бошланиб, у давлат зиммасига юклатилган сиёсий ва иқтисодий функцияларни бажариши учун мамлакат аҳолиси ўртасида пул ресурсларини жалб қилиш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимини ўзида мужассамлаштира бошлади. Ушбу омил эса молия категориясининг ўзида қуидаги маҳсус хусусиятларнинг акс эттиришини таъминлайди:

- ❖ -молия икки субъект ўртасидаги пул муносабатлари ҳисобланади, яъни пул ушбу муносабатларнинг моддий асоси бўлиб хизмат қиласи;
- ❖ -молиявий муносабатлар жараёнидаги иштирокчи субъектлар турлича хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, улардан бири ҳисобланган давлат ўзига хос бўлган ҳукмронлик ваколатига эгадир;
- ❖ -молиявий муносабатлар жараёнида умумдавлат пул маблағлари фонди ҳисобланган бюджет шаклланади;

-давлат бюджетининг даромад қисмига етарли маблағларнинг мунтазам ва тўлиқ келиб тушишини таъминлаш мақсадида солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларга давлат мажбурий характеристи берилди ҳамда буни амалга ошириш учун давлатнинг хуқуқий фаолиятини амалга оширадиган маҳсус ваколатларга эга фискал аппарат ташкил этилди. Ушбу ҳолатни хозирги вақтдаги Ўзбекистонга таққосласак, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасини кўрсатишимиш мумкин.

Молия умумиқтисодий категория сифатида давлатнинг фаолият кўрсатиши учун моддий асосни ташкил этади. Молия давлатга юклатилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни амалга ошириш, жамиятда кенгайтирилган ишлаб чиқаришни таъминлаш учун керакли пул

маблағларини етказиб беради. Ушбу фаолиятни амалга оширишда солиқлар, тұловлар, божлар, давлат кредитини жамлаган молия давлат учун объектив ва зарур хусусиятга ега бўлади.

Юқорида қайд этилган хусусиятларнинг барчаси молиянинг тарихий категория сифатида вужудга келишига бевосита таъсир этган омиллардан ҳисобланади. Бу омилларни ўзига хос хусусиятлари асосида гурухга ажратсак улар қуидагилардан иборат бўлади:

- ❖ -жамиятда меҳнат тақсимотининг амалга оширилиши ва жамиятни турли ижтимоий гурухларга бўлиниб кетиши;
- ❖ -товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва шу асосда ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳамда, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кўпайиши;
- ❖ - жамиятда керакли пул маблағларини яратувчи турли мулк шаклидаги мустақил фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектларининг юзага келиши;
- ❖ - марказлашган давлатнинг ташкил топиши.

Молия муносабатларида пулнинг мустақил ҳаракати натижасида *марказлашган ва марказлашмаган* пул фондлари ташкил топади. Бу ҳолат эса молиянинг моддий моҳиятини англатади. Лекин молия пул муносабатларини ўзида акс эттирасада, жамиятдаги барча пул муносабатлари молияга тегишли бўлмайди. Биз қуида молия ва пул муносабатларини таққослаб, улар ўртасидаги фарқларни кўрсатишга ҳаракат қилимиз:

1. Пул жамиятда умумий эквивалент ролини ўйнайдиган маҳсус товар ҳисобланиб, унинг ёрдамида барча ҳаражатлар ҳисобга олинади. Молия ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлайдиган, қайта тақсимлайдиган иқтисодий дастак бўлиб, у орқали пул маблағлари фондларининг ташкил этилиши ҳамда сарфланиши назорат қилинади;

2. Пул ўзига хос бешта функцияни: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғарма воситаси, тўлов воситаси ва жаҳон пули функцияларини бажаради. Молия бу функциялардан сифатан ва миқдоран фарқ қилувчи ўзига хос функцияларни бажаради. Биз кейин бу функцияларни тўлиқ ёритамиз;

3. Пул молиядан олдин пайдо бўлган, молия эса тарихий категория сифатидан пулдан кейин пайдо бўлган;

4. Пул молияга нисбатан кенг иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради. Молия марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ нисбатан тор доирадаги иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради.

*Молиянинг пулдан фарқини* соддароқ қилиб очиб беришга ҳаракат қилимиз. Ходим ўзи ишлаётган ташкилотдан меҳнат ҳақи олди. Бу ерда молия муносабати юзага чиқади. Чунки ташкилот меҳнат ҳақини бериш жараёнида давлат солиқларини ва бюджетдан ташқари жамғарма учун тўловларни ҳисоблаб, уни ундириб олади. Демак, ходим ва давлат ўртасидаги молия муносабати амалга ошди. Кейинги мисол, талабага дадаси пул берди. Бу ерда пул муносабати амалга ошди, лекин молия муносабати амалга ошмади. Чунки, бу пул муносабатини давлат тартибга солмайди ва назорат этмайди. Бундай пул муносабатларини харидорлар ва сотувчиларнинг бозорда юзага чиқадиган муносабатлари мисолида кўрсатишимииз мумкин.

Шундай қилиб, **молия** –доимо пул муносабатларидир, лекин жамиятдаги барча пул муносабатлари молия муносабатларини ташкил этмайди. Пул муносабатларига нисбатан молия муносабатларини ажратиб турадиган кўринишлар мавжуд.

**Молия муносабатлари** ҳукуқий асосга эга ва тартибга солиб туриладиган пул муносабатларидир.

**Пул муносабатлари** эса бундай ҳукуқий асосга эга эмас. Бундай жараён иштирокчилари микдор ва шартларни ўзаро келишилган ҳолда белгилайди.

Ишлаб чиқариш субъекти ўзининг ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида муомалага облигация чиқарди. Бу жараёнда субъект амалдаги қимматли қофозлар тўғрисидаги қонунга асосан фаолият олиб боради. Муомалага эса ўзининг шаклланган устав капиталининг 100 фоизи микдорида облигация чиқариш ҳукуқига эга. Муомалага чиқарилган облигациялар учун юридик ва жисмоний шахслардан пул маблағлари жалб қиласди. Бу ерда пул муносабатлари юзага келган, лекин молия муносабати юзага чиқмади. Иккинчи мисол, худди шу субъектнинг ишлаб чиқариш маҳсулотининг экспорт ҳажмини орттириш мақсадида давлат бюджети харажатлари қисмидан субсидия ажратилади. Бу ерда молия муносабатлари юзага чиқди. Чунки, хўжалик субъектига давлат томонидан давлат бюджетида тасдиқланган ва мақсадли субсидия берилди. Бу пул муносабатлари молия қонунчилиги асосида тартибга солиниб турилади.

Жамиятдаги пул муносабатларининг асосий қисми эквивалент хусусиятларга эга бўлади. Бу муносабатларда бир томондан пул ресурслари оқими, иккинчи томондан товарлар ёки хизматлар оқими харакат қиласди. Бу муносабат орқали иштирокчилар ўзларининг иқтисодий эҳтиёжини қондирадилар. Молия муносабатида пул харакати ноэквивалент характерга эга бўлади. Бу ерда, бир томондан пул оқими, иккинчи томондан товар ёки хизматлар харакати оқими қарши чиқолмайди. Масалан, бунга мисол қилиб қуидагини келтирамиз. Маълумки, давлат бюджети тақчиллигини қоплашнинг ҳалқаро амалиётда қуидаги йўналишлари мавжуд:

- 1) Марказий банк томонидан қўшимча пул эмиссиясини амалга ошириш;
- 2) Давлат бюджети харажатларини қисқартириш;
- 3) Давлат бюджети даромадларини кўпайтириш (солиқлар ставкасини ошириш, янги солиқ турларини киритиш);
- 4) Муомалага қимматли қофоз чиқариш ёрдамида давлат кредитини олиш.

Бу ҳолатларни Ўзбекистон Республикаси таққосласак, юқоридагилардан тўртинчи йўналишни амалга оширилаётганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳозирги вақтда ҳукумат номидан муомалага давлат қисқа муддатли облигацияларини ва давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятларини чиқариб, уларни юридик шахслар орасида жойлаштиришни амалга оширмоқда. Бу орқали мавжуд давлат бюджети тақчиллиги қисқармоқда, инфляция суръати паст ҳолда

сақланиб турибди, лекин бир томондан товар оқими әмас, балки давлат қарз мажбурияти юзага чиқмоқда.

Умуман олганда, **молия** – ҳамиша пул муносабатларини ташкил этиб, ушбу муносабатда иштирок этувчи томонлардан бири албатта марказий давлат, маҳаллий ҳокимият ёки унинг ваколатига эга бирон бир орган бўлиши шарт.

Молиянинг ижтимоий- иқтисодий моҳиятини очиш учун унга қўйидаги таърифни бериш мумкин.


**Молия** - давлат томонидан ташкил этиладиган пул муносабатларининг ийғиндиси бўлиб, унда умумдавлат пул маблағлари фондларини ташкил этиш ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларини бажариш учун тақсимланиш ҳамда сарфланиш амалга оширилади.

Давлатнинг марказлашган пул маблағи фондларини ташкил этишда солиқларнинг аҳамияти каттадир. Солиқлар ёрдамида эса давлат жамиятда яратилган миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашни амалга оширади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, солиқлар давлатнинг қайси тузумга эга бўлишидан қатъий назар мавжуд бўлади. Чунки, давлат жамиятни бошқариш (у давлат демократик тизим, тоталитар тизим бўлишидан қатъий назар) учун ўзининг олдида турган вазифаларини бажариш мақсадида зарур бўлган молия маблағларини айнан солиқлар ҳамда солиқ функцияларини бажарувчи бошқа мажбурий тўловлар ёрдамида шакллантиради.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатлари шароитида хеч қандай давлат солиқларни бекор қила олмайди. Фақатгина асосий муаммо солиқ турлари, уларнинг ставкалари ва солиқка тортиш обьектларини белгилаш ҳисобланади. Оқилона ва пухта ишлаб чиқилган солиқ сиёсатигина жамиятда солиқ тўловчилар ўртасидаги келишмовчиликларнинг олдини олади. Ҳаёт тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, мамлакатда юридик ва жисмоний шахслар учун кўп турдаги ва юқори ставкалар амал қилиши натижасида солиқ тўлашдан қочиш ҳамда турли йўллар билан солиқ обьектларини яшириш ҳолатлари юзага келади ва кучайиши амалга ошади.

Биз бу ҳолатни АҚШлик иқтисодчи олим Ар. Лэффер эгриси ёрдамида ёритишимиз мумкин.

Ар. Лэффер ўз изланишида мамлакатдаги солиқ ставкалари юқорилиги ва давлат бюджетига улар орқали келиб тушадиган солиқлар миқдори ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилган. Таҳлил натижасида Ар. Лэффер қўйидагиларнинг гувоҳи бўлган: давлат томонидан солиқ ставкасини оширишнинг дастлабки босқичида бюджетга солиқ тушумлари миқдори ортади. Лекин солиқ ставкаси маълум чегара М дан ортгандан сўнг, бюджетдасолиқ тушумларининг камайиши кузатилади. Чунки, солиқ ставкасининг ортиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришни қаноатлантирмайди. Бунинг натижасида давлат бюджетига келаётган солиқ тушумлари камаяди.



1-чизма. Лэффер эгриси.<sup>4</sup>

Ар Лэффер эгрисига асосан, юқори ставкадаги N нүктасидан солиқ тушумлари миқдори билан L паст ставкадаги солиқ тушумлари миқдори билан тенг. Лекин N нүктадаги солиқ ставкалари ишлаб чиқариши ривожлантиришни рағбатлантирмайды ва бунинг акси L нүктадаги солиқ ставкалари ишлаб чиқариши кенгайтиришга асos яратади ва бунинг натижасида мамлакатда яратилаётган миллий даромад ортади. Ўзбекистон Республикасида хам бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, иқтисодиётни ривожлантириш натижасида солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ҳамда баъзи солиқ турларининг бекор қилиниши амалга оширилмоқда. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу солиқ ставкаларининг пасайтирилишига қарамай, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг тақчиллиги қисқармоқда.

Мамлакатимизда 2005 йилдан бошлиб давлат бюджети белгиланган тақчиллик ўрнига профицит билан бажарилиб келинмоқда. Ушбу ҳолат Президентимизнинг асарларида қўйидагича тарзда ёритиб берилган. “Давлат бюджети ортиғи билан бажарилди, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицитга эришилди.

Тарихан давлат ўзининг ривожланиш босқичларида харажатларнинг сарфланишида асосан тўрт йўналишга, яъни, давлатнинг бошқарув харажатлари, харбий харажатлар, иқтисодиётни ривожлантириш харажатлари ҳамда ижтимоий соҳа харажатларига йўналтирилган. Харажатлар таркибида у ёки бу йўналиш харажатларининг эгаллаган улуши давлатдаги мавжуд сиёсий тузумга, иқтисодий ривожланиш даражасига, техник, табиий, демографик ҳолатига ҳамда унинг чегарадош мамлакатлар ва умумжаҳон ҳамжамиятидаги ҳодисаларга асосан турлича бўлган ва бўлиб келмоқда.

<sup>4</sup> Манба: Мамедов О.Ю. Современная экономика. –Ростов Д.: Феникс. 1998.

Давлатнинг шаклланган марказлашган бу маблағлари фондларини алоҳида ҳудуд, иқтисодиётнинг алоҳида олинган тармоғи ёки хўжалик субъектлари иқтисодий манфаатларини қондириш мақсадида сарфламасдан, балки жамият ижтимоий-иктисодий манфаатларини тўлиқ мос келадиган ҳаражатларини молиялаштиришга сарфланади. Ушбу йўналишда ҳудудларда аҳолини иш жойлари билан таъминлаш, демографик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш каби умумжамият эҳтиёжлар ҳисобга олинади. Ҳаражатлар адресли бўлишини амалга ошириш мақсадида марказлашган пул маблағлари фондларининг турли тадбирларни молиялаштиришга мўлжалланган фондларга ажратиш амалиёти мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабря қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига асосан мамлакатимизда қуйидаги марказлашган мақсадли пул фондлари ташкил этилади: Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, давлат бандлик жамғармаси, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг маҳсус фонди. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бу мақсадли марказлашган пул фондларини яна бир ўзига хос томони шундан иборатки, улардаги ҳаражатларнинг сарфланиши фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг тўлиқ ихтиёрида бўлади.

Жамиятда марказлашган пул фондларидан ташқари марказлашмаган пул фондлари ташкил этилади. Марказлашмаган пул фондларининг марказлашган пул фондларидан асосий фарқи шуки, улар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш фаолиятини амалга ошираётган хўжалик субъектларининг ихтиёрида шакллантирилади, ҳамда фақатгина ана шу хўжалик субъектларининг ижтимоий - иқтисодий ҳаражатларини молиялаштиришга йўналтирилади.

**Марказлашган пул фондлари**га қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: иш ҳақи фонди, амортизация фонди, фан -техникани ривожлантириш фонди, моддий рағбатлантириш фонди, захира фонди ва бошқалар.

Молиянинг иқтисодий категория сифатида бошқа иқтисодий категориялардан ажратиб турувчи ўзига хос бўлган белгилари қуйидагилардан иборат:

- ❖ молия-хуқуқий асосга эга ва тартибга солиб туриладиган пул муносабатлар
- ❖ молия-пул муносабатлари иштирокчиларидан бири турли хуқуқий ваколатга эга давлат органи бўлган муносабатлар
- ❖ -молия-пул маблағлари фондларини (марказлашган ва марказлашмаган) ташкил этувчи пул муносабатлари
- ❖ молия-жамиятда яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатлари
- ❖ молия-иктисодий жиҳатдан доимо ноэквивалент хусусиятга эга муносабатлар

Ушбу юқорида таъкидлаб ўтилган белгилар молиянинг ижтимоий-иктисодий моҳиятини ва унинг мазмунини очиб беришга хизмат қиласиган

хусусиятлар ҳисобланади. Улар ҳар бир жамиятда яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида у ёки бу кўринишда юзага чиқади ҳамда амал қиласди. Молиянинг ижтимоий-иктисодий моҳиятини янада кенгроқ очишида унинг бажарадиган функцияларининг таҳлили ёрдам беради. Биз қуйида молиянинг функцияларини ёритишга ҳаракат қиласмиш.

## **2- асосий савол баёни: Молиянинг функциялари**

Ҳар қандай иктисодий категория сифатида молия ҳам ўз функцияларига эга. Иктисодий категория бажарадиган функциялар ушбу категориялар моҳияти ва у бажарадиган мажбуриятларда намоён бўлади. Функциялар объектив ва мўътадил (стабил) бўлиб, у иктисодий категорияларни жамиятдаги мақсадини очиб беришга хизмат қиласди. Молиянинг ҳам туб моҳияти у бажарадиган функциялар орқали намоён бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, иктисодий адабиётларда олимлар ўртасида ҳозирга қадар молиянинг функциялари микдори ва унинг тузилиши тўғрисида тортишувлар мавжуд, ҳамда ушбу асосда масала тўғрисида ягона бир қарор йўқ.

Масалан, молия фанида етакчи ва машхур иктисодчи олимлар ҳисобланган профессорлар Э.А. Вознесенский ва А. Александровлар молиянинг қуйидаги уч функциясини ажратиб кўрсатадилар.:

- ❖ Пул даромадлари ва фондларини шакллантиради.
- ❖ Пул даромадлари ва фондларидан фойдаланади.
- ❖ Назорат

Академик Г.Б. Поляк ва Л.А. Дробозиналарнинг таъкидлашича<sup>5</sup>, молия қуйидаги учта функцияни бажаради:

- ❖ 1. Тақсимлаш функцияси
- ❖ 2. Назорат функциясии
- ❖ 3. Тартибга солиб туриш функцияси

Молиянинг функциялари тўғрисида Ўзбекистонлик иктисодчи олимларнинг ҳам қарашлари мавжуд. Масалан, иктисод фанлари доктори Н. Хайдаровнинг фикрича, ҳозирда молиянинг икки функцияси, яъни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси ҳамда назорат функциялари мавжуддир.

Биз юқоридаги қарашларни таҳлил этсак, у ҳолда молия функциялари микдори тўғрисидаги қарама-қаршиликларга қарамасдан, молиянинг қуйидаги умумий хусусиятлари тўғрисида тортишув йўқ:

- ❖ молия иктисодий категория сифатида ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқdir;
- ❖ молия жамиятдаги товар-пул муносабатлари ва давлат билан боғлиқdir;
- ❖ -молия бу қиймат(пул) кўринишидаги категориядир;

<sup>5</sup> Поляк Г.Б. и д.р. Финансы. Денежное обращение. Кредит- М.: ЮНИТИ, 2004.

- ❖ -молия ёрдамида ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад тақсимланиши ҳамда қайта тақсимланиши амалга оширилади;
- ❖ -молия ҳақиқий пул маблағлари фондларида намоён бўлади.

Биз молиянинг туб моҳиятини тўлиқ очиб бера оладиган таниқли иқтисодчи олимлар ва етакчи амалиётчилар фикрларидан таҳлилий хуоса чиқариб, ҳозирда молия асосан уч функцияни бажаради деб ҳисоблаймиз. Улар қўйидагилардан иборат:

- ❖ тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси
- ❖ назорат функцияси
- ❖ тартибга солиб туриш функцияси

**Молиянинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси** жамиятнинг барча соҳаларида: моддий ишлаб чиқариш, номоддий ишлаб чиқариш ва муомала соҳаларида амалга ошади. Ушбу функцияниг бўлиб, мамлакатда яратилаётган ва пул шаклидаги ялпи ижтимоий маҳсулот ҳамда миллий даромад ҳисобланади. Тақсимлаш ва қайта тақсимлаш субъектлари микродаражада мамлакатда фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари ва ахоли ҳисобланса, макродаражада-давлат ҳисобланади. Молиянинг бу функцияси ёрдамида мамлакатда яратилаётган янги қиймат микродаражада тақсимланади ва ушбу қиймат макродаражада қайта тақсимланади. Биз фикримизни кенгроқ билдирусак, яъни тақсимлаш обьектининг микроиқтисодий кўрсаткичи бўлиб тушум, даромад ва фойда ҳисобланса, макроиқтисодий кўрсаткич бўлиб ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ҳисобланади.

Молиянинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси ўзаро боғлиқ бўлган уч босқични ўз ичига олади. Бу босқичлар қўйидагилардан иборат:

- ❖ . Мамлакатда турли пул маблағлари фондларининг ташкил топиши. Бу жараёнда микроиқтисодий даражада хўжалик субъектларининг фаолияти учун зарур бўлган молия ресурслари ва макродаражада давлатнинг марказлашган пул маблағлари фондлари ташкил этилади.
- ❖ Ташкил этилган пул маблағлари фондларининг турли молия дастаклари ёрдамида тақсимланади. Микродаражада тақсимланишида хўжалик субъектларининг марказлашмаган пул маблағлари фондлари (устав фонди, иш ҳақи фонди, амортизация фонди, моддий рағбатлантириш фонди ва бошқалар) ташкил этилади. Тақсимланишнинг макродаражасида давлатнинг турли даражадаги бюджетлари ҳамда бюджетдан ташқари фондлари шаклланади.
- ❖ Ташкил этилган пул маблағлари фондларининг тақсимланиши ва сарфланиши. Бу жараёнда микродаражада хўжалик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва жамоа аъзоларининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга сарфланади.

Макродаражада эса мамлакат иқтисодиёти таркибий тузилмасини оптимал даражада сақлаб туриш ва ахолининг умумдавлат томонидан ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга сарфланади. Мамлакатда яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши натижасида жамиятнинг даромадлари шаклланади.

Микродаражадаги бирламчи тақсимланишда асосий ёки бирламчи даромадлар вужудга келади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида бирламчи даромадларга қуидагилар киради:

- ❖ хўжалик субъектининг фойдаси (даромади)
- ❖ хўжалик субъекти ишчи ва хизматчиларининг даромадлари (иш ҳақи, мукофот ва турли тўловлар)
- ❖ ижтимоий ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар.

Юқоридаги бирламчи тақсимланишни Ўзбекистон Республикасига нисбатан кўриб чиқамиз. Хўжалик субъекти ўз ихтиёрига келиб тушган тушумни иш ҳақи ва моддий харажатларни қоплашга сарфлайди. Амалдаги қонунчиликка асосан меҳнат ҳақини ҳисоблашда турли бюджетдан ташқари фондларга, яъни давлат бандлик фонди, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва ижтимоий суғурта фондига мажбурий тўловларни ажратади.

Бу тўловлар ва ажратмаларни тўлагандан сўнг хўжалик субъекти ихтиёрида фойда қолади. Ушбу фойдадан ўрнатилган солиқлар ва тўловларни давлат бюджетига тўлайди. Тақсимланиш амалга ошгандан сўнг бирламчи тақсимланиш ўрнига макродарожада қайта тақсимланиш ёрдамида миллий даромаднинг қайта тақсимланиши амалга ошади.

Мамлакатда яратилган миллий даромаднинг қайта тақсимланиши қуидаги омилларга бевосита боғлиқдир:

- ❖ .Хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлари ва жамғармаларидан оқилона ва самарадорлик билан фойдаланиш мақсадида миллий даромадни иқтисодиётнинг тармоқлараро ва худудлараро қайта тақсимланишига эҳтиёжининг мавжудлиги. Республикасизда иқтисодий, сиёсий ва демографик сабаблар туфайли худудларнинг ривожланиш даражаси турлича. Баъзи худудларда, яъни Қорақалпоғистон Республикасида, Сирдарё, Жиззах ва Хоразм вилоятларида иқтисодий ривожланиш даражаси суст ривожланган ва аксинча, Тошкент шаҳри, Фарғона, Тошкент ва Навоий вилоятларида иқтисодий ривожланиш даражаси юқори даражада. Бу омил эса бюджет даромадларининг етарлилигига бевосита таъсир кўрсатади. Иқтисодий томондан суст ривожланган худудларда истиқомат этувчи аҳолининг ижтимоий неъматлар билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари бу худудда яратилган даромаддан кўпdir. Бундай холатни олдини олиш мақсадида мамлакатимиз давлат бюджетидан бу худудларнинг маҳаллий бюджетларига етарли маблағлар (субвенция, дотация шаклида) берилади;
- ❖ Жамиятда икки соҳанинг, яъни моддий ва номоддий соҳа (соғлиқни сақлаш, маориф, фан, ижтимоий таъминот, мудофаа, бошқарув) ларнинг мавжудлиги. Маълумки, номоддий соҳада миллий даромад яратилмайди, лекин номоддий соҳанинг зарурати ва уни жамият учун кераклигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги вақтларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш ва маорифни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Бунга мамлакатимизда 2005 йилнинг «Сиҳат саломатлик

йили» деб эълон қилинганлиги, 2009 йилни эса “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши мамлакатимизда қишлоқларни ва қишлоқ аҳолисини ижтимоий таъминлашга кенг имкон яратилганлигидан дарак беради.;

❖ Жамиятда, яъни аҳоли ўртасида турли ижтимоий гурухларнинг мавжудлиги. Инсоният ривожланиши, яъни демографик ҳолати аҳолининг ижтимоий гурухларга бўлинишига ҳам таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида жамиятда кўп фарзандли оиласлар, нафақаҳўрларнинг мавжудлиги объектив омилдир. Бундай гурухларни ижтимоий томондан ҳимоя қилиш давлатнинг бурчи ҳисобланади. Буни амалга оширишда давлат энг аввало бюджет маблағларидан фойдаланади.

Жамиятда яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни молия ёрдамида қайта тақсимланиши натижасида умумдавлат фондлари, яъни бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари фондлар шакллантирилади. Бундай қайта тақсимлаш натижасида номоддий соҳада банд бўлган шахслар молия маблағлари билан таъминланади.

Жамиятда яратилган миллий даромадни қайта тақсимлаш натижасида иқтисодиёт тармоқлари таркибининг манфаатлари ҳисобга олинади. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини (қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт) жадал ривожлантиришга эътибор қаратилади. Ушбу ҳолатни Ўзбекистон Республикасига таққосласак, ҳозирда мамлакатимизда 60 фоиз аҳоли қишлоқ жойларида истиқомат қилиши ва экспорт таркибида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосий улушни эгаллаши сабабли қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

Юқоридаги фикрларимизни умумлаштириб, молиянинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси қўйидагиларни амалга оширишга имконият яратади деб хулоса қилишимиз мумкин:

❖ хўжалик субъектлари ва давлат миқёсида пул фондлари ташкил этилади;

❖ факат мақсадли пул фондлари ташкил этилади;

❖ иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ўртасида молия маблағларининг қайта тақсимланиши амалга оширилади;

❖ мамлакат аҳолисининг турли ижтимоий гурухлари ўртасида молия маблағлари қайта тақсимланади;

❖ хўжалик субъектлари ва давлат миқёсида зарур захира фондлари ташкил этилади.

**Молиянинг назорат функцияси** эса жамиятда яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тегишли фондлар бўйича тақсимланиши ҳамда мақсадли фонд маблағларининг сарфланишини назорат қилиш билан боғлиқдир. Назорат функцияси молиянинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси билан уйғунлашган ҳолда амал қиласди. Молия назорати миллий даромад яратиладиган моддий ишлаб чиқариш соҳасини ва номоддий ишлаб чиқариш соҳасини қамраб олади. Молия назоратининг мақсади моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик

билин фойдаланиш, ортиқча харажатларни қисқартириш ҳамда хўжасизликнинг олдини олишдир. Молия назоратининг асосий вазифаси хўжалик субъектларининг ўзаро ҳисоб-китоблари мажбуриятларини, қонунчиликдаги бюджет тизимини ва солиқ хизматлари олдидағи молия мажбуриятларини бажаришга риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади.

**Ушбунинг юзага чиқиши қўйидагиларда намоён бўлади:**

- ❖ тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни бошланишидан аввал турли бюджетлар ва молия дастурларини ишлаб чиқиша;
- ❖ шакллантирилган турли пул маблағлари фондларини, яъни бюджет, смета ва молия режаларини сарфланишида;
- ❖ пул маблағлари фондларининг бажарилишини баҳолашда ва фаолият натижаларини якуний ҳисоб-китоб қилишда.

Молия назоратини амалга ошириш субъектлари назорат этиш объектлари, мулкчилик шакли ва фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда турлича бўлади. **Молия назоратининг ким томонидан олиб борилишига қараб қўйидаги шакллари мавжуд:**

- ❖ умумдавлат молия назорати;
- ❖ тармоқ молия назорати;
- ❖ хўжалик ичидаги молия назорати;
- ❖ жамоат молия назорати;
- ❖ мустақил (аудиторлик) молия назорати

**Умумдавлат молия назоратини** ваколатли давлат органлари амалга оширади. Молия тизими ва солиқ хизмати ходимлари давлат бюджети даромадлари ҳамда харажатларининг бажарилиши назоратини олиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги назорат тафтиш департаменти ва унинг вилоятдаги бўлимларига давлат бюджети маблағларининг мақсадли ва тўлиқ сарфланаётганлигини назорат қилиш ваколати берилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларига мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектларда давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва тушумни назорат этиш ваколати берилган.

**Тармоқ молия назорати** иқтисодиётнинг маълум тармоқ миқёсидаги (вазирлик, концерн, компания, холдинг) назоратини ўз ичига олади. Ушбу назорат маълум олинган тармоқ бошқаруви ташкил этилган маҳсус молия бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бу бошқарма тармоқ таркибиға кирувчи хўжалик субъектларининг амалдаги бюджет-солиқ қонунчилигига ва ички меъёрий низомларга риоя этаётганлигини назорат қилиб боради.

**Хўжалик ичидаги молия назоратини** алоҳида олинган хўжалик субъектлари қошида ташкил этилган молия бўлинмалари амалга оширади. Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги вақтларда давлат мулкини хусусийлаштириш ва акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёни натижасида кўплаб турли мулкчилик шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар ташкил этилмоқда. Бу ҳолат хўжалик ичидаги молия назоратининг аҳамияти ошишига олиб келмоқда. Ушбу корхоналарда ишчи-хизматчилар сонининг камлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг камлиги (масалан, кичик бизнес соҳаси)

сабабли уларда молия назоратини олиб бориш ваколати бош ҳисобчи зиммасига юклатилган. Бундай корхоналарда молия назоратини олиб борувчи бош ҳисобчининг асосий вазифаси молия-хўжалик фаолиятини назорат этиш, бюджет солиқ қонунчилигига риоя этиш ҳамда бошқа корхоналар билан ўзаро тўлов мажбуриятларини олиб бориш ҳисобланади.

**Жамоат молия назоратини** акциядорлик жамиятларида акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган алоҳида жисмоний шахслар олиб боради. Айрим бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектларида ушбу назоратни ихтиёрий равишда масъулиятни олган жисмоний шахслар олиб боради. Жамоат назоратининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у факат аниқ бир корхонанинг хўжалик – молия фаолиятини назорат қиласди.

**Молия назоратининг яна бир шакли мустақил (аудиторлик) назорат** ҳисобланади. Ушбу назоратнинг энг асосий хусусияти шундаки, аудиторлик фаолиятини олиб борувчи фирма ўз фаолияти учун маҳсус лицензияга эга бўлиши билан бирга унда ишловчи хизматчилар ҳам маҳсус шаходатномага эга бўлиши шарт. Аудиторлик молия назоратининг обьекти барча хўжалик субъектларининг хўжалик–молия фаолияти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка асосан, мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар бир фаолият юритувчи хўжалик субъекти йиллик хўжалик–молия фаолиятининг аудиторлик молия назоратини ўтказиши шарт.

**Молияни тартибга солиб туриш функциясининг** моҳияти давлат томонидан мавжуд молия дастаклари орқали жамият учун зарур алоҳида олинган корхоналар ва бальзан бутун иқтисодиётнинг айрим тармоқларини ривожлантиришга таъсир этилиши ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу функцияда молиянинг рағбатлантириш ёки сўндириш йўналиши ҳам мавжуд. Давлат молия дастаклари орқали иқтисодиётдаги айрим соҳаларни ривожлантиришга ва ўз вақтида айрим соҳалар фаолиятини чеклаб туришга эришади.

Фикримизча, молияни тартибга солиб туриш функцияси қуйидаги кўринишда юзага чиқади:

- ❖ **Давлат бюджети орқали.** Бюджет маблағларининг айрим соҳа, ёки корхоналарни ривожлантиришга (субсидия) ажратилиши орқали амалга оширилади.
- ❖ **Солиқлар орқали.** Давлат иқтисодиёт фаолиятини тартибга солиб туришдаги энг таъсирли дастак солиқлар ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун паст даражадаги солиқларнинг ўрнатилиши ушбу фаолиятни ривожлантиришга имконият яратади ва бунинг акси юқори даражадаги солиқ ставкаларининг ўрнатилиши бу соҳа фаолиятининг ривожланишини чеклаб туради. Бу соҳага яққол далил сифатида 1994-1998 йилларда мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш мақсадида, улар солиқлардан озод этилиб, ҳисобланган солиқлар тижорат банкларининг моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфланганлигини келтиришимиз мумкин.

- ❖ **Баҳолар ва тарифлар орқали.** Иқтисодиётнинг бозор муносабатлари шароитида давлат томонидан иқтисодиётнинг айрим соҳалари нархнаво ва тарифларнинг белгиланишида фаол иштирок этади. Бу омил эса иқтисодиётнинг айрим соҳаларидағи хўжалик субъектларининг молия ҳолатига турлича таъсир кўрсатади.
- ❖ **Экспорт- импорт божлари орқали.** Ушбу йўналишда давлат томонидан хўжалик субъектлари олиб борадиган экспорт-импорт операцияларига ўрнатилган паст ёки юқори даражадаги бож ставкалари ушбу фаолиятнинг ривожланишига ёки тўхтатиб қўйилишига олиб келиши мумкин

Юқорида таъкидлаб ўтилганларни умумлаштирган ҳолда, молиянинг тартибга солиб туриш функцияси қуйидаги даражада юзага чиқади:

- ❖ -*микроиқтисодий* даражада (хўжалик субъектлари даражасида). Бунда фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида турли пул фондларини ташкил этади;
- ❖ -*макроиқтисодий* даражада (давлат даражасида). Бунда давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантириш учун давлат бюджети харажатларидан солиқлар, божлар, тарифлар орқали фойдаланиш амалга оширилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, давлат молия дастакларининг хар бир турини ёки бир нечтаси кўлланиши ёрдамида иқтисодиётнинг барча соҳаларига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Фикримизча, бу омил молиянинг тартибга солиб туриш функциясини мустакил функция деб мулоҳаза қилинишига асос бўла олади.

### **3- савол баёни: Молия тизими ва унинг бўғинларига тасниф**

Иқтисодий адабиётда «молия тизими» тушунчаси икки хил маънода талқин этилади. Улардан биринчиси асосан пул операциялари билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари (тикорат банклари, инвестиция фондлари ва компаниялари) фаолиятининг йиғиндисидан иборатлигини англатади. Иккинчиси эса бутун молия муносабатлари тизимидан иборатлигини англатади, лекин бу «тизим» тушунчаси ўзаро боғлиқликни билдиради. Бунга асосан алоҳида олинган молия муносабатлари, унинг иштирокчилари ва бўғинларига ваҳоланки молия тизимига таъриф бериш мумкин. Молия тизими - турли молия муносабатларининг йиғиндиси ҳисобланиб, бу муносабатлар жараёнларида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг пул маблағлари жамғармалари турли шакллар ҳамда усуллар ёрдамида шаклланади, тақсимланади ва сарфланади.

Молия тизимини молия муносабатлари иштирокчиларининг ўзига хос хусусиятига асосан қуйидаги **чизмада** кўришимиз мумкин. Чизма кейинги бетда берилган.

Чизмадан кўриниб турибдики, молия тизими икки асосий ва ўзаро боғланган бўғиностидан иборат. Биринчисига, марказлашган молия кириб, у

иқтисодиёт миқёсида кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларини ва жамият аҳолисининг ижтимоий гурухларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун керакли молия маблағлари билан таъминлаш вазифасини амалга оширади. Иккинчисига хўжалик субъектларининг молияси кириб, у алоҳида олинган субъетларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини пул маблағлари билан таъминлашни амалга оширади.

Молия тизимининг марказлашмаган молия бўғиности молия тизимининг асоси ҳисобланади, чунки хўжалик субъектларининг молиясида, яъни асосан моддий ишлаб чиқариш соҳасида молия ресурсларининг асосий қисми шаклланади. Хўжалик субъектларининг молияси, молия тизимининг бўғини сифатида мамлакатдаги пул маблағлари жамғармаларининг манбаи ҳисобланган миллий даромад яратилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, марказлашмаган молия пул маблағларининг ҳолатидан мамлакатнинг молия ҳолати бевосита боғлиқдир. Чунки марказлашмаган молия бўғиностида яратилган миллий даромаднинг миқдори қанчалик кўп бўлса, марказлашган молия бўғиностига кўп маблағ тушиши амалга ошади.

Хўжалик субъектлари ўзининг фаолияти асосида ўзига хос гурухлардан, яъни саноат, савдо, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқа соҳалардан ташкил топган. Ўз вақтида хўжалик субъектлари ўзларининг мулкчилик шаклига асосан гурухларга бўлиниб кетади, яъни давлат корхоналари, давлат унитар корхоналари, очиқ акциядорлик жамиятлари, ёпиқ акциядорлик жамиятлари, хорижий сармоя иштирокидаги қўшма корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар ва хусусий корхоналар молиясидан иборатдир. Агар биз хўжалик юритувчи субъектларнинг тармоқ соҳасига ва ташкил этилишининг мулкчилик шакли бўйича эмас, уларни фаолиятини тижорат асосида юритишига кўра асосида гурухларга бўлсак, бу ҳолатда:

- ❖ тижорат асосида фаолият юритаётган субъектларнинг молияси
- ❖ нотижорат асосида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг молияси
- ❖ жамоат (хомийлик асосида) субъектларнинг молиясига ажратишимииз мумкин

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида жуда кўп хўжалик субъектлари ўз фаолиятини тижорат асосида ташкил этадилар. Уларнинг моддий харажатлари, меҳнат жамоаларини ижтимоий

Ўзбекистон Республикасида Молия тизими<sup>6</sup>.



<sup>6</sup> Чизма муаллиф томонидан тузилган

ривожлантириш харажатларини қоплашнинг ягона манбай фойда ҳисобланади. Бундай омиллар таъсирида давлат ваколатли органларининг асосий манфаати фойда кўриб фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектларини ривожлантиришга ёрдам бериш ҳисобланади. Ушбу хўжалик субъектларининг фаолияти натижасида миллий даромад яратилади. Улар ихтиёрида жуда катта пул маблағлари жамғармалари айланиши амалга оширилди. Натижада марказлашган молия бўғинлари керакли пул маблағлари (соликлар, турли йиғимлар шаклида) билан таъминланади.

Молия тизимининг асосий бўғини, **марказлашган молия ҳисобланади**. Бунда моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш натижасида марказлашган пул маблағлари ресурслари шакллантирилади.

Давлат ихтиёрида бундай марказлашган пул маблағлари ресурсларининг жамланиши энг аввало уни мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш фаолияти билан боғлиқдир. Марказлашган пул маблағлари ресурсларининг шакллари бюджет, бюджетдан ташқари ҳар хил жамғармалар ҳамда давлат кредити ҳисобланади.

Давлат бюджети бутун молия тизимининг асосий бўғини ҳисобланади. Давлат бюджети тўлиқ давлат мулкчилиги ҳисбланиб, у Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси» асосида ташкил этилади. Давлат бюджети ўзаро боғлиқ икки қисмдан, даромадлар ва харажатлардан иборат. Давлат бюджетининг даромадлар қисмида пул маблағларининг манбалари ҳамда уларнинг миқдорий таснифи кўрсатилади.

*Даромадлар таркибий тузилишида* асосан соликлар, турли йиғимлар, божхона божлари ва бошқа тушумлар акс эттирилади. Давлат бюджетининг харажатлар қисмида бюджет маблағларининг сарфланиши соҳаси ва уларнинг миқдорий таснифи берилади.

*Харажатлар таркибидаги иқтисодиётни* ривожлантириш, ижтимоий-маданий тадбирлар, давлат органларини сақлаш ҳамда мудофаа харажатларини кўрсатишимиш мумкин. Давлат бюджети харажатлари таркибидаги у ёки бу соҳанинг улуши бу давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, аҳолининг моддий ҳаёти ҳолатига бевосита боғлиқдир.

Давлат бюджетининг таркибий тузилиши эса ҳар бир давлатнинг конституциявий тизимига боғлиқ. Федерал давлатларда (АҚШ, ГФР, Россия, Хиндистон, Швейцария ва бошқалар) уч бўғинли бюджет тизими ташкил этилган, унитар давлатларда (Япония, Ўзбекистон, Қозогистон ва бошқалар) эса икки бўғинли бюджет тизими амал қиласиди.

Ҳар бир мамлакатда турли даражадаги бюджетлардан ташқари мақсадли жамғармалар ташкил этилади. Ушбу бюджетдан ташқари жамғармалар солик тўловчиларининг мажбурий ажратмалар ҳисобидан ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан қуидаги бюджетдан ташқари жамғармалар мавжуд:

❖ Республика йўл жамғармаси

- ❖ Давлат бандлик жамғармаси
- ❖ Республика пенсия жамғармаси
- ❖ Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Кўмитасининг маҳсус фонди

Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар молия заҳираси ҳисобланади. Чунки уларнинг маблағлари фақатгина аниқ мақсадга сарфланади. Масалан, Республика пенсия жамғармасидан фақатгина пенсиялар тўлашга, ногиронлик нафақасига, боқувчисини йўқотгани учун нафақага, ижтимоий нафақалар тўлашга сарфланади. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромад қисми ҳам аниқ ажратмалар ҳисобига шакллантирилади.

**Марказлашган молиянинг** асосий қисми давлат кредити ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги вақтда давлат кредитининг аҳамияти ўсиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби ҳар бир алоҳида олинган давлатнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжи ҳисобланади. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанатининг йўқлиги, бюджет тақчиллигининг мавжудлиги натижасида давлат катта миқдордаги пул маблағларига эҳтиёж сезади.

Юзага чиққан салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида, ваколатли давлат органлари пул эмиссиясининг олдини олиш, инфляцияни зарур даражада ушлаб туриш мақсадида давлат кредитидан фойдаланадилар. Ўзбекистон Республикасида мавжуд бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги муомалага давлат кредитининг шакли ҳисобланган давлат қисқа муддатли облигациялари (ДКМО) ва давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари (ДЎМҲМ) чиқармоқда ва уларни фақатгина юридик шахслар ўртасида жойлаштиришни амалга ошириб келмоқда.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
2. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Алимов И.И. Молия. –Т.: ТДИУ. 2007.
4. Ковалёва А. Финансў и кредит.- М.: Финансў и статистика, 2006.
5. Жумаев Н., Бурхонов У. Молиянинг долзарб муаммолари -Т.: Янги аср авлоди, 2003
6. Мамедов О.Ю. Современная экономика. - Ростов-на Дону. Феникс, 1998.
7. Поляк Г.Б. и др. Финансў. Денежное обращение. Кредит.-М.:ЮНИТИ, 2004.
8. Сенчагов В. К др. Финансў, денежное обращение и кредит.-М.: Проспект, 2004.
9. Соколова О. и др. Финансў, деньги и кредит. -М.: ЮРИСТ, 2001.
10. Сабанти Б. Теория финансов. – М.: Финансў и статистика, 2004.

- 11.Хайдаров Н. Молия. -Т.: Академия, 2001.
12. Яхёев К. Ўзбекистон солиқ тизими.-Т.: Мехнат, 1998.
- 13.“WWW. Phoenix.ic.ru”- «Феникс» нашриёти сайти.
- 12 “WWW. Prospekt.ru.” – «Проспект» нашриёти сайти.
- 13.“WWW. Finstat.ru” – «Финансў и статистика» нашриёти сайти.
- 14 .“WWW.m.f.uz” Молия Вазирлигининг сайти

## **8 мавзу. КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ**

**Ажратилган соат - 2 соат**

**Асосий саволлар:**

- 1. Корхоналар молиясининг моҳияти**
- 2. Корхоналар молиясининг ташкил этишининг тамойиллари**
- 3. Корхонанинг молия ресурслари**

### **1-савол баёни: Корхоналар молиясининг моҳияти**

Молия умумиқтисодий категория сифатида давлатнинг фаолият кўрсатиши учун моддий асосни ташкил этади. Молия давлатга юклатилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни амалга ошириш, жамиятда кенгайтирилган ишлаб чиқаришни таъминлаш учун керакли пул маблағларини етказиб беради. Ушбу фаолиятни амалга оширишда солиқлар, тўловлар, божлар, давлат кредитини жамлаган молия давлат учун объектив ва зарур хусусиятга эга бўлади. Ушбу жараёнда корхоналар молияси алоҳида ўрин эгаллайди.

**Корхоналар молияси** мамлакат молия тизимининг асосий бўғини ҳисобланади ва у ялпи ижтимоий маҳсулот ҳамда миллий даромадни яратилиши, тақсимланиши ва сарфланиши билан боғлиқ жарёнларни ўз ичига олади. Корхоналар молияси ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг асосий қисми яратиладиган моддий соҳада фаолият кўрсатади.

Корхоналар молияси ўз моҳиятига кўра корхонанинг тадбиркорлик фаолияти натижасида хусусий капитал, мақсадли марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шаклланиши, уларни тақсимланиши ҳамда сарфланиши билан боғлиқ молиявий ёки пул муносабатларидан иборатdir.

Корхоналар молиясининг иқтисодий моҳиятига асосан барча молиявий муносабатларнинг йўналишларини қуидагича гурухларга ажратиш мумкин:

1) Корхоналарни ташкил этишда хусусий капитални ва устав капиталини шакиллантиришдаги таъсисчилар ўртасидаги муносабатлар. Устав капиталини шакиллантиришнинг аниқ усувлари корхона фаолият кўрсатишининг ташкилий-хуқуқий шаклига бевосита боғлиқдир. Бу ерда корхоналар очик ҳиссадорлик жамияти, ёпик ҳиссадорлик жамияти, маъсулияти чекланган жамият, хусусий корхона ва бошқа мулкчилик шаклида фаолият кўрсатиши мумкин. Корхоналар устав капитали ишлаб чиқариш фондларини, моддий ва номоддий активларни шакиллантиришдаги бирламчи молиявий манба бўлиб ҳисобланади;

2) Махсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан боғлиқ бўлган алоҳида корхоналар ўртасидаги молиявий муносабатлар. Ушбу молиявий муносабатларга хом-ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар етказиб берувчи таъминотчи ҳамда сотиб олувчи корхоналар ўртасидаги, инвестиция фаолиятини олиб боришдаги қурувчи ташкилотлар ўртасидаги, юкларни етказиб бериш билан боғлиқ транспорт ташкилотлари ўртасидаги, алоқа ва божхона муассасалари ўртасидаги муносабатларни киритиши мумкин. Ушбу муносабатлар корхоналар молиясини ташкил этиш ва унинг тижорат фаолиятидаги молиявий натижасининг асоси ҳисобланади;

3) Корхоналар ва унинг ташкилий бўғинлари (филиаллар, цехлар, бригадалар, бўлимлар) ўртасидаги харажатларни молиялаштириш, фойдани ва айланма маблағларни сарфланиши билан боғлиқ муносабатлар. Ушбу муносабатлар корхонада ишлаб чиқариши ташкил этиш ва унинг бир маромда фаолият қўрсатишига бевосита таъсир этади;

4) Корхоналар ва унинг ишчилари ўртасидаги иш ҳақини тўлаш, солиқларни тўлаш, фойдани тақсимлаш ва сарфланиши, акциядорлик жамиятида акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштирилиши, акциялар бўйича дивидендларни тўлаш, жарималарни тўлаш билан боғлиқ муносабатлар. Ушбу муносабатлар уларда мавжуд меҳнат ресурсларидан самарадорлик билан фойдаланишга таъсир кўрсатади;

5) Корхоналар ва юқори ташкилотлар, молия-саноат бирлашмалари, холдинглар, уюшмалар ва ассоциациялар ўртасидаги муносабатлар. Ушбу муносаблар корхоналар ўзлари аъзо ҳисобланган юқори ташкилотлар ўртасидаги марказлашган мақсадли пул фондларини ва заҳираларни шакллантириши, тақсимланиши ва уларни сарфланиши, илмий-тадқиқот ишларини тармоқ бўйича маркетинг тадқиқотини ўтказиш, инвестиция фаолиятини олиб борища қайтариб бериш шарти асосидаги молиявий ёрдам қўрсатиш, айланма маблағларини тўлдириш билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олади. Муносабатларнинг ушбу гурухи тармоқ ичидаги корхоналарни ишлаб чиқаришини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш билан бевосита боғлиқ пул маблағларини қайта тақсимлаш ҳамда уларни ишлатилиши билан боғлиқ муносабатлардан иборат;

6) Тижорат ташкилотлари ва корхоналар ўртасидаги қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва уларни жойлаштириш, ўзаро кредитлаштириш, қўшма корхоналарни ташкил этишда муассис сифатида иштироқ этиш билан боғлиқ муносабатлар. Ушбу муносабатлар корхоналарни ўз фаолиятини молиялаштиришдаги қўшимча молиявий манбаларни жалб этиш билан боғлиқ фаолиятга бевосита боғлиқдир;

7) Корхоналар ва давлат молия тизими ўртасидаги бюджетга солиқлар ва йиғимларни тўлаш, бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ўтказиш, солиқлар бўйича имтиёзлар бериш, молиявий жазо чораларини қўллаш ҳамда бюджетдан молиялаштириш билан боғлиқ муносабатлар;

8) Корхоналар ва тижорат банклари ўртасидаги банкларда пул маблағларини сақлаш, кредитлар олиш ва уларни тўлаб бериш, банк кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш, хорижий валюталарни

сотиш ва сотиб олиш, турли банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлар;

9) Корхоналар ва сұғурта ташкилотлари ўртасидаги мол-мулкни, ходимларини айрим тоифаларини, тижорат ва тадбиркорлик қалтисиликларини (рискларни) сұғурта қилиш билан боғлиқ муносабатлардан иборат;

10) Корхоналар ва инвестиция институтлари ўртасидаги қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш, инвестицияларни жойлаштириш, хусусийлаштириш билан боғлиқ- муносабатлар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган молиявий муносабатларнинг ҳар бир гурухи ўзига хос хусусиятларига эга ва қўлланиши соҳаси бўйича ажралиб туради. Лекин уларнинг барчаси икки томонлама характерга эга бўлиб, уларнинг моддий асоси бўлиб пул маблағларининг харакати ташкил этади. Корхонанинг пул фондлари маблағларини харакати устав капиталини шакллантириши билан бошланади ва фойдани шаклланиши, тақсимланиши ҳамда уни сарфланиши билан тугайди.

**Корхоналар молияси бажарадиган функциялар умумдавлат молияси бажарадиган функцияларига ўхшаш ва улар қўйидагилардан иборат:**

- ❖ тақсимлаш функцияси;
- ❖ назорат функцияси.

Ушбу юқорида қайд этилган функциялар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Биз қўйида молиянинг функцияларини тўлиқ ёритишга харакат қиласиз.

Умумдавлат молияси ўзининг тақсимлаш функциясини макродаражада амалга ошиrsa, корхоналар молияси ўзининг тақсимлаш функциясини микродаражада амалга оширади. Корхоналар молияси тақсимлаш функцияси ёрдамида бирламчи капитални шакллантириш, ишлаб чиқаришни молиявий манбалар билан таъминлаш, даромадни ва молиявий ресурсларни тақсимлаш, мажбуриятни ўз муддатида ҳамда тўлиқ бажариш, хўжалик юритувчи субъектларининг ва давлатнинг манфатларини оқилона даражада сақлаб туриш амалга оширилади. Тақсимлаш функцияси орқали корхонанинг даромадларини тақсимлаш натижасида мақсадли пул фондлари ва заҳиралари шакллантирилади. Бундай фондларга устав капитали, қўшилган капитал, заҳира фонди, жамғарма фонди, истеъмол фонди, валюта фонди ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Корхоналар молиясининг тақсимлаш функцияси ўз моҳиятига асосан нафақат жамиятнинг умумий манфатларини, балки ўз вақтида алоҳида олинган хўжалик субъектларининг, таъсисларнинг, турли акциядорларнинг, ишчи-ходимларнинг, кредит ва сұғурта институтларининг манфатларини оқилона ўзида жамлаши лозим.**

Корхоналар доирасида шакллантириладиган молиявий маблағларнинг хажми, керакли капитал қўйилмаларини молиялаштириш, айланма маблағларни тўлдириб туриш ва кўпайтириш, ҳамма турдаги молиявий мажбуриятларни амалга ошириш, ижтимоий характердаги эҳтиёжларни

таъминлаш имкониятларни аниқлайди. Ушбу фаолиятни амалга оширишда унинг хўжалик-молия фаолиятини таҳлил этиш асосий аҳамиятга эгадир.

**Корхоналар молиясининг назорат қилиш функциясини** объектив асоси бўлиб маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажаришдаги харажатларнинг қиймат томондан ҳисобга олиниши ва бунинг натижасида даромадларни шаклланиши ҳамда пул фондларини тақсимланиши ташкил этади. Молия тақсимлаш муносабатлари сифатида ишлаб чиқаришни молиялаштиришни молия манбалари билан таъминлади ва шу асосда у ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини, яъни ишлаб чиқариш, айирбошлиш, истеъмолни ўз ичига олади. Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни амалга ошириш, хизматлар кўрсатиш натижасида келиб тушадиган даромаднинг миқдоридан ортигини тақсимлай олмайди. Олинадиган даромаднинг миқдорини ошириш учун эса ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, харажатларни камайтириш ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Худди шу жараёнларда назорат функцияси алоҳида аҳамиятга эгадир. Корхоналар молиясининг назорат қилиш функцияси қуидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ❖ Корхоналар томонидан бевосита молиявий кўрсатқичларни ҳар томонлама таҳлил этиш, молия режаларини бажарилиши юзасидан тезкор назоратни олиб бориш, товар-моддий қийматларини етказиб берувчилар, буюртмачилар, тижорат банклари, давлат бюджети, бюджетдан ташқари фонdlар ва бошқа контрагентлар олдиаги мажбуриятларни бажариш жараёнида олиб борилади;
- ❖ Корхоналарнинг таъсисчилари ва акциядорлари олдида пул маблағларини самарадорлик билан жойлаштириш, фойда топиш ҳамда дивиденdlар тўлаш юзасидаги назорат олиб борилади;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Даъват Солиқ Кўмитаси ваколатидаги давлат солиқ инспекторлари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlарга соликлар, божлар, йигимлар ҳамда тўловларни ўз муддатида тўлиқ тўланиши юзасидан назорат олиб борилади;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ваколатидаги молия бўлимлари томонидан ўзларининг молия-хўжалик фаолиятида давлат бюджети маблағларидан фойдаланаётган корхоналарда ушбу маблағларни мақсадли фойдаланаётганлигини назоратини олиб борадилар;
- ❖ Тижорат банклари томонидан корхоналарга кредитлар бериш, уни ўз вақтида ва фоизи билан қайтарилишини ҳамда бошқа банк хизматларини кўрсатиш юзасидан назорат олиб борадилар;
- ❖ Мустақил аудиторлик фирмалари томонидан корхонанинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувдан ўтказиш орқали олиб борадилар.

Корхоналар ичида молия назоратини алоҳида ташкил қилинган молия бўлимлари амалга оширади. Корхоналарда ишли-хизматчилар сонининг камлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг камлиги сабабли уларда молия

назоратини олиб бориш ваколати бош ҳисобчи зиммасига юклатилган. Корхоналар молия-хўжалик фаолиятида ижобий молиявий натижаларнинг мавжудлиги ушбу корхонада молия назоратини юқори даражада ташкил этилганлигидан ҳамда молия ресурсларини бошқаришда самарадор шакл ва услублардан фойдаланилаётганлигидан далолат беради. Ўз вақтида бунинг акси, корхона молия-хўжалик фаолиятида салбий молиявий натижаларнинг мавжудлиги, ушбу корхонада молия назоратини суст даражада ташкил этилганлигидан далолат беради ҳамда ушбу ҳолат корхонанинг молиявий томонидан «синиши»га олиб келиши мумкин.

## **2- савол баёни: Корхоналар молиясининг ташкил этишнинг тамойиллари**

Корхонанинг молиявий муносабатлари уларнинг хўжалик юритиши фаолияти асосида маълум тамойилларга асосан ташкил этилади. Ушбу тамойиллар қуидагилардан иборат:

- ❖ - хўжалик юритиши фаолиятидаги мустақиллик;
- ❖ - ўз-ўзини молиялаштириш;
- ❖ - моддий манфатдорлик;
- ❖ - молиявий заҳиралар билан таъминланганлик.

**Хўжалик юритиши фаолиятидаги мустақиллик** тамоилии корхонанинг молия соҳасидаги мустақилликсиз амалга оширилиши мумкин эмас. Ушбу тамоил мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг иқтисодий фаолият соҳасини, унинг молиялаштиришни манбаиларини, даромад олиш мақсадида пул маблағларини капитал қўйилмаларига йўналтиришни мустақил тарзда белгилашларида амалга оширилади. Ушбу фаолиятнинг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектлар ишчи-ходимларининг моддий фаровонлигини янада оширишдан иборат бўлади.

Бозор муносабатлари корхоналардан истеъмолчиларнинг талабларига асосан самарадор ва оқилона ишлаб чиқаришни ташкил этишга, маҳсулот ва хизматларнинг сифатини оширишга ундейди. Корхоналар ўз фаолиятида қўшимча даромад олиш учун асосий фаолиятдан ташқари қимматли қоғозлар бозорида давлатнинг, бошқа хўжалик субъектларининг қимматли қоғозларига қисқа ва узоқ муддатли инвестициялар қилишлари мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналарнинг хўжалик юритиши фаолиятидаги мутлоқ мустақиллик тўғрисида фикр юритиши мумкин эмас, чунки ваколатли давлат органлари томонидан уларнинг фаолият юритишларининг айrim томонлари қонун асосида тартибга солиниб турилади. Масалан, корхоналар ва турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун асосида қатъий белгилаб қўйилади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар ўз фаолияти асосида қонун асосида берилган солиқларни, ўрнатилган ставкаларда тўлаб бориб турли даражадаги бюджетларни шакллантирадилар. Давлат томонидан корхоналар учун амортизация сиёсатини белгилайди. Акциядорлик жамиятлари учун эса

молиявий захираларни ташкил этиш ва уларнинг миқдори қонунан белгиланади.

**Ўз-ўзини молиялаштириш тамойилини** амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятининг асосий шартларидан келиб чиқади. Ўз-ўзини молиялаштириш тамойили корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш харажатларини тўлиқ қоплаш, ишлаб чиқаришни шахсий пул маблағлари билан таъминлаш ҳамда зарур бўлганда тижорат банклари кредитларидан фойдаланишни англатади.

Иқтисодиётни ривожланган мамлакатларида корхонанинг ўз-ўзини молиялаштириш соҳасида уларни шахсий маблағлари жуда юқори даражада яъни 70% дан ортигини ташкил этади. Корхоналар фаолиятининг молиялаштиришни асосий шахсий манбаларига фойда, амортизация ажратмалари ва таъмирлаш жамғармалари киритилади.

**Моддий манфатдорлик тамойилининг** объектив зарурлиги мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналарнинг пиравард мақсади бўлиб даромад топишларидан келиб чиқади. Корхоналар томонидан ўз фаолиятининг ижобий натижаларига эришишликдаги манфатдорлик нафакат уни иштироқчилари учун эмас, шу жумладан давлат ҳам манфатдордир. Корхоналарнинг ишчи-ходимлари доирасида ушбу тамойил юқори даражадаги иш хақи миқдори билан амалга оширилади.

Моддий манфатдорлик тамойили корхоналар миқёсида давлат томонидан оқилона солиқ сиёсатини олиб бориши натижасида уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун иқтисодий шарт-шароитлар яратиш ва пиравард натижада даромадни кўпайтириш билан амалга оширилади.

Корхоналар томонидан ушбу тамойилни амалга оширилиши янги яратилган қиймат, шахсий капитал ўртасида оқилона тақсимотни олиб бориш ва жамғарма ҳамда истеъмол фонdlарини шакллантириш асосида юзага чиқади. Давлатнинг манфаатдорлиги эса корхоналар фаолиятида рентабелликни таъминлаш, ишлаб чиқаришни ўсиши ва солиқ интизомига қатъий риоя этишликлари асосида юзага чиқади. Ушбу тамойилни амалга оширишда корхоналар фаолиятида молия-хўжалик юритиш ва унинг пиравард натижалари ҳамда шахсий капитал сақлашлари учун моддий жавобгарликни мавжудлиги билан амалга оширилади.

Моддий жавобгарлик учун молиявий усуллар республика қонунчилиги асосида тартибга солиниб турилади ва амалга оширилади. Хўжалик юритиш фаолиятида шартнома мажбуриятларини, тўлов интизомини, солиқ қонунчилигини бузган корхоналар учун турли молиявий чоралар қўлланиши мумкин. Рентабелсиз фаолият кўрсатаётган корхоналар учун эса улар ўз мажбуриятларига жавоб берга олмайдиган ҳолатларда давлат органлари томонидан банкротлик жараёни қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига асосан амалдаги солиқ қонунчилигини бузган корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган корхонанинг ишчи-ходимлари учун меҳнат

интизомини бузган, ишлаб чиқаришда бракга йўл қўйилган ҳолатларда мукофотдан маҳрум қилиш, иш ҳақидан ушлаб қолиш, зарур ҳолатларда ишдан бўшатиш кўзда тутилган. Ушбу йўналиш жуда кўп корхоналарда амалиётга киритилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятида маълум қалтисликлар (рисклар) туфайли бизнес учун қўйилган маблағларни қайтмаслиги ҳолатларининг мавжудлиги улар томонидан молиявий заҳираларни ташкил этишларини талаб этади. Ҳозирги шароитда барча қалтисликлар ўз номидан ва ўз ҳисобидан ихтиёрий равмишда ўз фаолиятини олиб бораётган тадбиркорлар зиммасига тушади. Ҳаридорлар учун иқтисодий рақобат шарт-шароитларида тадбиркорлар баъзи ҳолатларда ўз маҳсулотларини, хизматларини олдиндан тўловсиз етказиб берадилар. Корхоналар томонидан қимматли қоғозларга қилган капитал қўйилмалари нафақат даромад келтириши балки капитални йўқотиш қалтислиги билан боғлиқ. Нихоят, корхоналар томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурларда самарасиз ҳисоб-китоблар ҳам мавжуд. Бу салбий ҳолатларни олдини олиш, жуда зарур ҳолатларда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун молиявий заҳираларни ташкил этиш зарурияти юзага чиқади.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар бюджетга ва бюджетдан ташқари фонdlарга барча солиқлар, мажбурий тўловларни тўлагандан қолган соф фойда ҳисобидан молиявий заҳираларни шакллантиришлари мумкин. Акциядорлик жамиятлари учун эса имтиёзли акцияларга дивиденд тўлашлари учун молиявий заҳираларни шакллантириш қонунда белгилаб қўйилган.

Ҳозирги вақтда амалиётда кўплаб корхоналар ўзларининг молиявий имкониятларини чекланганлиги сабабли барқарор молиявий ҳолатни сақлаб туришлари учун керакли миқдорда молиявий заҳираларни ташкил эта олмаяптилар.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган корхоналар молиясининг ташкил этувчи тамойиллар доимий равиша ва узвий боғлиқлиқда ривожланишдадир. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, ишчи кучларини ҳолати, иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгаришига асосан тамойилларининг турларини амалиётда қандай миқдорда, қайси шакл ҳамда усулларда қўлланишига бевосита таъсир кўрсатади.

### **3- савол баёни: Корхонанинг молия ресурслари**

**Корхонанинг молия ресурслари** бу–корхоналар ихтиёрида бўлган пул тушумлари ва пул даромадларидан иборатдир. Уларнинг қўлланилишини мақсади бўлиб давлат бюджети, тижорат банклари, суғурта ва бошқа корхоналар олдиғаги молиявий мажбуриятларини пул маблағлари билан таъминлаш ҳисобланади. Молия ресурслари ишлаб чиқаришни барқарорлигини сақлаб туриш, уни кенгайтириш ва корхона ишчи-ходимларининг моддий рағбатлантириш учун асосий манба бўлиб хизмат қиласи. Корхоналарнинг молия ресурсларини манбаи бўлиб уларнинг

хусусий маблағлари ва турли манбалардан жалб этилган маблағлар ташкил этади.

Молия ресурсларини бирламчи ресурсларини шакллантирилиши корхонанинг ташкил этиш жараёнида унинг устав фондини шакллантиришда амалга ошади. Бунда корхона томонидан муомалага оддий ва имтиёзли акциялар чиқариб, улар акциядорлар орасида жойлаштирилади. Устав фондининг миқдори ташкил этилаётган корхонанинг мол-мулки, асосий ва айланма фонdlарнинг миқдорига бевосита боғлиқдир.

Корхона молия ресурсларининг шакланишининг кейинги жараённи фойда ва амортизациядан ажратмалар ҳисобига амалга оширилади. Амалиётда ушбу ажратмалардан ташқари корхоналар молия ресурсларининг манбалари бўлиб қуйидаги хизмат қилади:

- ❖ - ишлаб чиқаришга яроқсиз мол-мулкни сотишдан келган тушум;
- ❖ - қурилишда ички ресурсларни жалб қилиш;
- ❖ - хорижий валюта курс ўзгаришидан келадиган тушум;
- ❖ - бошқа тушумлар.

Янги ташкил этилаётган корхоналар молия ресурслари таркибида молия бозорида муомалага турли қимматли қоғозлар чиқариш ёрдамида (облигациялар) маблағ жалб қилиш ҳам алоҳида ўрин эгаллаши мумкин. Корхона молия ресурсларини шакллантиришда жалб этилган маблағлар, яъни тижорат банкларидан олинган кредитлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Биз юқорида таъкидлб ўтган молия ресурсларидан ташқари корхоналар ўзлари кирадиган ассоциациялар, концернлар, холдинглар ўртасида фойдани қайта тақсимланиши, суғурта компаниялар томонидан зарарни қоплаш учун тўловларни тўлаш орқали ҳам қўшимча маблағларни олишлари мумкин. Биз корхоналар молиясининг ресурслари ва манбаларини чизма ёрдамида ёритишига ҳаракат қиласиз. Чизмада халқаро амалиётда корхоналар молия ресурслар ва уларни ташкил этишнинг барча манбаиларини келтирамиз. Корхоналар турли манбалари ҳисобига жалб этилган молия ресурсларидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни техникавий қайта жиҳозлаш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориша фойдаланадилар.

Корхоналар ишлаб чиқариш харажатларини молиявий таъминлаш қуйидаги уч шаклда амалга оширилиши мумкин:

1. Ўз-ўзини молиялаштириш;
2. Кредитлаш;
3. Давлат томонидан молиялаштириш.

**Ўз-ўзини молиялаштириш** корхоналар ўз фаолиятини хусусий ресурсларидан фойдаланишга асосланади. Ушбу ҳолатда корхоналар маблағлар етишмай қолганда молия бозорида қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали қўшимча маблағлар жалб этишлари мумкин.

**Кредитлаш шаклида** корхоналар ўзларининг ишлаб чиқаришда юзага чиқкан вақтинчалик молия ресурсларига бўлган эҳтиёжларини тижорат банкларидан мақсадлилик, таъминланганлик, тўловлилик, қайтариб

беришлик ва муддатлилик тамойиллари асосида кредит олиш натижасидан қондиришлари мумкин.

**Давлат томонидан молиялаштиришда** корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фонdlар ҳисобидан қайтариб бермаслик асосида пул маблағлари билан таъминланиши амалга оширилади. Молиялаштиришнинг ушбу шакли ёрдамида давлат мақсадли равишда иқтисодиётнинг моддий ва номоддий соҳалари, тармоқлар, худудлар, хўжалик субъектлари ва аҳолининг айrim тоифалари ўртасида молия ресурсларини қайта тақсимланишини амалга оширади.

Амалиётда корхоналар молия ресурсларини ташкил этишда молиялаштиришнинг уч шаклидан бирданига фойдаланиш мумкин. Бундан асосий мақсад улар ўртасидаги оқилона мувозанатни саклаш ҳисобланади. Бундай оқилона мувозанатга эришиш корхона молия хизматининг фаол молия сиёсатини олиб боришга бевосита боғлиқдир.

Корхоналар молия ресурсларининг сарфланиши турли йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Ушбу йўналишларнинг асосийлари қуидагилардан иборат:

- ❖ - капитал қўйилмалар, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техникавий қайта жихозлаш харажатлари;
- ❖ - молия ва банк тизимидағи ташкилотлар олдидаги молия мажбуриятларини бажариш (давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари фонdlарига солиқлар тўлаш, кредитдан фойдаланганлик учун тўловларни амалга ошириш);
- ❖ - молия бозорида қимматли қоғозларга инвестиция қилиш харажатлари;
- ❖ - корхона ишчи-ходимларига иш ҳақи, мукофотлар тўлаш;
- ❖ - молия ресурсларидан хомийлик учун маблағлар ажратиш ва бошқалар.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксизлигини таъминлашда молиялаштиришни амалга оширишда улар томонидан молиявий заҳираларни ташкил этишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий заҳираларнинг аҳамияти янада ошади. Корхоналар фаолиятида кўзда тутилган омиллар натижасида йирик миқдорда зарар кўриш ҳолати юзага чиққанда ишлаб чиқаришни узлуксизлигини зарур молия ресурслари билан таъминлашда молиявий заҳиралар катта аҳамиятга эгадир.

Молия заҳиралари корхоналар тамонидан фойдадан ажратмалар ҳисобига, юқори ташкилотларига норматив ажратмалар ҳисобига, сугурта ташкилотларига бадаллар тўлаш ҳисобига ва давлат томонидан заҳира фонdlари ташкил этиш ёрдамида шакллантирилиши мумкин.

1-чизма

## Корхоналар молия ресурсларининг тартиби ва унинг манбалари.



Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятини молия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш ва уларни оқилона бошқаришда молия хизмати фаолияти қандай савияда ташкил этилиши жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзлик ва жалб этилган молия ресурсларидан молия хизмати томонидан фаолияти халқаро амалиётда «молиявий менежмент» деб номланади. Корхонанинг молиявий барқарорлиги айнан молиявий менежментнинг қандай йўлга қўйилганлигига бевосита боғлиқдир.

### Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.

2. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Алимов И.И. Молия. –Т.: ТДИУ. 2007.
4. Ковалёва А. Финансў и кредит. – М.: Финансў и статистика, 2006.
5. Миляков Н.В. Финансў. Учебник. – М.:ИНФРА-М, 2004.
6. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансов предприятий. Учебное пособие. – М.: Финансў и статистика, 2001.
7. Сенчагов В.К. и др. Финансў, денежное обращение и кредит. Учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.
8. Рашидов О.Ю ва бошқалар. Пул, кредит ва банклар.-Т.: “Max-PRINT”. 2009. 456 б.
9. Поляк Г.Б. и др. Финансў. Денежное обращение. Кредит. – М.: ЮНИТИ, 2004.
- 10.“WWW. Prospekt. Ru” – «Проспект» нашриёти сайти.
- 11.“WWW. Finstat. Ru” – «Финансў и статистика» нашриёти сайти.

## **9- Мавзу .БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ВАЗИФАЛАР**

**Ажратилган соат – 2 соат**

**Асосий саволлар:**

- 1. Банкларнинг келиб чиқиши ва моҳияти**
- 2. Банкларнинг функциялари ва тамоиллари**
- 3. Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш босқичлари**

### **1- савол баёни: Банкларнинг келиб чиқиши ва моҳияти**

Халк орасида **банк бу** - пул омбори деган тушунча билан юради. Хакикатда эса банкни бу тушунча билан моҳиятини очиб булмайди ва банкнинг халк хужалигидаги тулик урнини курсатиш мумкин эмас. Бирок янада кенгрок маънода банк моҳиятини билиш учун банк тушунчасининг турли карашларини урганишни талаб килади.

Узбекистон Республикаси конунларига асосан банк - тижорат муассасаси бўлиб, жисмоний ва хукукий шахсларнинг буш турган пул маблағларини жалб килиш ва уларни уз номидан, тўловлилиқ, муддатлилик, кайтиб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк операцияларини бажарадиган муассасаси.

Баъзи адабиётларда **«банк - бу корхона»**, деб ҳам изоҳ берилади. Маълумки, банк яхлит олинган корхона сифатида ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширмайди. Тижорат банкларининг фаолиятини корхона фаолиятига шу жихатдан ухшатиш мумкинки, тижорат банклари ҳам корхоналар сингари уз фаолиятини, уз даромадини купайтиришга ва шу асосда биринчидан, уз асосчилари - акциядорларининг манфаатларини, иккинчидан, уз мижозларининг манфаатларини химоя килишни таъминлашдан иборат.

Шундай қилиб **банк деб** пул маблағларини йигувчи, сақлаб берувчи, кредит-ҳисоб ва бошқа ҳар-хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасаларга айтилади.

Банклар - товар-пул хужалигининг ажралмас атрибутидир. Тарихан булар ёнма-ён ривожланиб келдилар. Шунинг учун кийматнинг пул шаклиниңг муомаласининг бошланиши банк ишининг бошланиши деб ҳисоблаш, ҳамда банк фаолиятининг ривожланишидаги етуклиги доимо иқтисодиётдаги товар-пул алоқаларининг ривожланиш даражасига мос келган.

Банклар-молиявий бозорнинг ташкилий тузилишининг бир кисми булган кредит ташкилоти бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик буш турган пул маблағларини жамгариш, йигиш, жамланган (аккумулция килинган) маблағларни уз номидан кайтариб беришлилик, муддатлилик асосида бериш ҳамда мижозларнинг топширигига кура, тўловларни амалга ошириш вазифаларини амалга оширадилар.

Бу «банкнинг илк» белгилари бўлиб, улар аслида тарихан банкларнинг шаклланишидаги З асосий йуналишни узида акс эттиради. Маълум бир шартлар асосида ушбу йуналишларга черковларнинг узларига топширилган пул маблағларини саклаб беришни таъминлаш фаолиятини, ссудхурлик кредитларини, кейинчалик уларнинг тижорат кредитига айланишини, алмаштирув (меняли) «столларининг» идораларининг «ҳисоб-китоб» ва валюта билан фаолиятларини мумкин. Хакикатда эса охирги йуналиш бу ташкилотларга ном бериш учун асос бўлиб хизмат килди.

Банклар пайдо бўлишининг асоси бўлиб товар-пул муносабатларининг ривожланиши ҳисобланади. Товар-пул муносабатларининг бўлиши ва уларнинг ривожланиб бориши барча ижтимоий-иктисодий тузумларда банкларнинг хам бўлишини такозо қиласди.

Банкнинг тарихан аник пайдо булган санаси йук. Банк фаолияти унсурларининг у ёки бу микдорда ривожланиши Италияда, Грецияда, Мисрда ва бошқа мамлакатларда янги даврга кадар кайд килинган. Барламчи банклар тангаларни сотиш, сотиб олиш, алмаштириш, муддатли келгунча мажбуриятларни хисобга олиш, мижозларнинг мулкларини (молиясини) бошқариш, кредитларни бериш, ипотека ва ломбард операцияларни, далолатномаларни тузиш ҳамда бошқа операцияларни амалга оширганлар. Кейинчалик эса уз мижозларининг фармоишига асосан кредиторлар хисоб-китоблар ва бошқа операцияларни амалга оширишни бошладилар.

Ишлаб чиқариш ва муомаланинг усиши муносабатда барча мамлакатларда банкларни ахамияти кутарилди. Юкорида куриб утилган функцияларга янгилар, масалан, фоиз келтирирадиган капитални бошқариш функциялари кушилди.

Банклар ўрта асрларда пулдорлар томонидан пулни қабул қилиш ва бошда давлат, шаҳар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиқсан. Кейинчалик пулдорлар ўз бўш турган маблағларидан фойда олиш максадида уларни вақтинча фойдаланишга маблағ зарур бўлган

корхоналарга ссудалар беришган. Бу пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишига олиб келган.

Банк сўзи итальянча “**banca**” сўзидан олинган бўлиб “стол”, банкнота “пуллик стол” деган маънони англатади. Урта асрларда италиялик пулдорлар хамёнларидағи, идишлардаги монеталарни стол устида куйиб ҳисоб-китоб қилганлар.

**Тарихда биринчи** юзага келган банк Англия банки ҳисобланиб, у 1694 йилда акционер, банк сифатида ташкил бўлган. Бу банк акционер-эмитент банк бўлиб, унга давлат томонидан банкноталар чиқаришга рухсат берилган. Кейинчалик саноат ривожланиш натижасида банклар бошқа мамлакатларда хам ташкил қилиниб борган. Банкларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар ва талабларнинг ошиши, савдо капитали айланишининг тезлашуви билан боғлиқ бўлган. Натурал хужалик муносабатларининг тугаши, савдо-сотик муносабатларининг ривожланиши пуллик ҳисоб-китоблар олиб боришга, кредитнинг ривожланишига йул очди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёлланма меҳнатни жалб қилишга олиб келган. Ёлланма меҳнат учун хакнинг пул шаклида тўланиши, доимий пул айланишини юзага келтирди. Пул айланишини эса банк томонидан бошқариш зарур эди. Шундай қилиб, банклар фаолият кўрсата бошлади ва улар маблағларни йиғиши ва тақсимлаш орқали ссуда капитали ҳаракатини бошқара бошлади. Ссуда капиталистидан фарқли улароқ банкир тадбиркор сифатида иш олиб борган.

Шундай қилиб, банк фаолияти халқ хужалигида мавжуд бўлган бўш маблағларни жалб қилиш ва ссуда капиталини таксимлашни уз ичига олади. Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилган ресурсларга йуллайдиган фоиз билан жойлаштирган ресурслари буйича оладиган фоиз уртасидаги фарқдан иборат бўлади.

## 2-савол баёни: Банкларнинг функциялари ва тамоиллари

Банклар бажарадиган функциялар уларнинг бажарадиган вазифаларига қараб турли хил бўлиши мумкин- Бу мавзуда биз банкларга таалукли бўлган умумий функциялар тутрисида гапириб ўтмокчимиз. Кейинги мавзуларда биз алохида-алохида олинган холда биринчи ва иккинчи звено банкларининг функциялари тўғрисида фикр юритамиз.

Шундай қилиб, банк тизими миёсида олиб карайдиган бўлсак банклар куйидаги функцияларни бажаради:

- вақтинча бўш турган маблағларни йиғиши ва капиталга айлантириш;
- кредит муносабатларида воситачилик қилиш;
- тўлов жараёнларида воситачилик қилиш;
- муомалага кредит воситаларини чиқариш.

**1. Халқ хўжалигидаги вақтинча бўш турган маблағларни йиғиши ва уларни капиталга айлантириш** - банкларнинг илк функцияларидан бири ҳисобланади. Бу функцияning амалга оширилиши натижасида бир томондан, хукукий ва жисмоний шахслар жалб қилинган маблағлари буйича маълум

микдорда даромадга эга бўладилар, иккинчи томонидан бу маблағлар банкларнинг кредитлаш қурдатини ташкил қиласи ва бу ресурсларга асосланган холда банклар ссуда операцияларини олиб боради.

**2. Кредит муносабатларида воситачилик қилиш** - бунинг моҳияти шундаки вақтинча бўш маблағлар банклар иштирокисиз бир корхона (тармоқ) томонидан иккинчи корхона (тармоқ)га вақтинча фойдаланишга бериладиган бўлса, бу муносабатларни ташкил қилишда маълум кийинчиликлар юзага келиши мумкин:

биринчидан, кредитга суралаётган сўмма билан кредитга берилиши мумкин бўлган сўмма ўртасида номутанносиблиг бўлиши мумкин;

иккинчидан, ортиқча бўш маблағга эга бўлган корхонанинг маблағларни вақтинча фойдаланишга берадиган муддати маблағ зарур бўлган корхонага керак бўлиши мумкин;

учинчидан, банклар иштирокисиз корхоналарни тугридан тугри кредитлашда қарз берувчи қарз оловчи корхонанинг молиявий ахволини тўлиқ ўргана олмаслиги мумкин.

**3. Туловларда воситачилик функциясида** банклар ўз мижозларининг топширигига асосан тўлов жараёнларини амалга оширади, ҳисоб варакларига маблағларни қабул қиласи, пул тушумларининг ҳисобини олиб боради, мижозларга пул маблағларини беради.

Ҳисоб-китобларнинг банк оркали олиб борилиши муомала ҳаражатларининг камайишига олиб келади. Мамлакат билан кийинчиликсиз ўзмаблағларини банк оркали ўз ҳисоб варакасидан бошқа корхона ҳисоб варакасига ёки бошқа мамлакат банкига ўтказиши мумкин.

**4. Муомалага кредит воситаларини чиқариш.** Банк кредитининг манбаи факат вақтинча бўш маблағлар ва капитал бўлиб қолмасдан, кредит асосида чек-депозит эмиссияси хам амалга оширилади. Банк томонидан бериладиган кредит микдори мавжуд жамғармалардан кўп бўлса, банк чек-депозит эмиссиясини амалга ошириши мумкин.

Ундан ташқари, кредит ёрдамида муомалага нақд пуллар банкноталар чиқарилади. Банк кредит пуллар чиқариш депозитлар яратиш йули билан тўлаконли пуллар урнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради.

Шундай килиб, банк, бу хукумат, корхона, ахолига ва бошқа банкларга пуллик ва қимматли қоғозлар билан турли операцияларни амалга оширувчи ҳамда молиявий хизматларни курсатувчи молиявий ташкилотdir.

**Банклар маълум тамойиллар** асосида фаолият курсатади.

**Хакикий (реал) мавжуд булган маблағлар хажмида фаолият курсатишидир.** Бу тамойил банкларни уз маблағларини нафакат микдори бериладиган микдори буйича кредит хажмига тугри келишини, балки банк активларини хусусиятлари билан жалб килинадиган маблағлар хусусиятларини тугри келишини таъминлашлари зарурdir.

**Тулик иқтисодий мустакиллигидир.** Банклар уз фаолият натижалари учун узлари тулик мустакил ва жавобгардирлар. Бу уз навбатида банкларни уз маблағларини жалб килган пул маблағларини мустакил бошқариш,

мижозлар ва жамгармачиларни эркин танглаш, даромадларни бошқариш, соликларни тулаш каба хукукларини беради.

**Банкларни уз мижозлари билан муносабатлари оддий бозор муносабатларига мос қурилади.** (урнатилади). Банк кредитларини бериш жараёнида бозор муносабатларига таянган холда уларни фойдалилик, риск ва ликвидлилик нуктаи назиридан келиб чикади. Банк фаолиятининг мухим коидаларидан яна бири шуки, банк иқтисодий корхона сифатида уз маблағи, уз фойдаси устидан таваккал иш тутиши мумкин, аммо зинхор мижоз маблағи юзасидан эмас. Муваффакиятсиз банк тижоратидан банкнинг узи жабр тортиши мумкин. Лекин мижоз хеч качон жабрланмаслиги керак, чунки кредит муассаси унинг учун яратилган.

**Фаолиятини назорат килиш ва тартибга солишда факат бевосита иқтисодий усуллардан фойдаланишлiği.**

Миллий банк тизими фаолиятига ўзининг доимий эътиборини қаратиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов :”Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Бироқ, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ”<sup>7</sup> деб алоҳида таъкидлаб ўтган. Ушбу омил хозирги вақтда банк тизимининг аҳамиятини янада оширади.

### **3-савол баёни: Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш босқичлари**

Банк тизими бозор иқтисодиётининг мухим ва ажralmas қисмидир. Товар пул муносабатларининг кенг миқёсда ривожланиши банклар олдида янгидан-янги операциялари бажаришга имкониятлар очиб беради.

Шунинг учун ҳам республикамиизда бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи замонавий банк тизими яратиш зарурияти туғилади. Ўзбекистон республикаси банк тизимининг бош мақсади жаҳон талабига мос келувчи, ривожланган миллий кредит тизимига эга бўлиш, хўжаликлар ва аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш ва уни самарали тақсимлаш асосида аҳолининг талабларини қондириш учун замин яратиш ва яшаш шароитини яхшилашга эришишдан иборат. Бу мақсадга эришишни таъминлаш учун давлатимиз томонидан мамлакатимиз банк секторининг ривожланишини таъминловчи зарурий мақроиқтисодий шароитларини ҳамда банк тизми барқарорлигин таъминлаш, шунингдек, банк назорати тизими ва банкларфаолиятини бошқариш усулларини такомиллаштириш, банкларнинг депозит, кредит, ва инвестиция фаолиятини янада ривожлантиришга эришиш

<sup>7</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 53 б.

ва банклар ўртасида рақобат бўлишини таъминлашга асос яратишдан, нобанк ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, молия-кредит секторининг хуқуқий базасини яхшилаш, уларнинг моддий техник жиҳатдан самарали таъминланганинига эришиш каби чораларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Банк тизмини қайта ташкил қилишни амалга ошириш қўйдаги тамойилларига асосланган ҳолда олиб бориши мумкин:

- хорижий ва маҳалий инвесторларнинг ишончини қозониши мақсадида банк-молия тизими барқарорлигига эришиш;
- банк тизимидағи ислоҳатлар умумиқтисодий ислоҳатларнинг ўтқазилиши билан мос келиши;
- банк-молия тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш йўли билан жаҳон банк тизимига яқинлаштириш;
- пул-кредит сиёсатини олиб борища мамлакатнинг ички эҳтиёжини ва унинг иқтисодининг хусусияти ҳисобга олиш;
- банклар фаолиятида мижозлар манфаатини устун қўйиш ва бошқалар.

Бизнинг заминимизда мавжуд бўлган банкларнинг ривожланишини икки йирик даврга бўлиб қараш мумкин. Биринчи давр – бу Ўзбекистон мустақиликка эришгунча бўлган даврдаги банк тизими ва иккинчи давр Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврдаги банк тизими ва унинг ривожланиш босқичларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон мустақилликга эришгунча қадар бўлган банк тизимининг ривожланишини таҳлил қилиб қарайдиган бўлсак унинг ривожланишининг қўйдаги босқичларини келтириш мумкин:

- **биринчи босқич** XIX –асрнинг охиридан 1930-32 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр ичидаги мавжуд бўлган банклар заминида Собиқ Совет иттифоқининг кредит тизими ташкил қилинади. Бу даврда 30-йилларда иқтисоднинг ривожланишига мос келувчи банклар: тармоқ банклари, ўлка банклари, тижорат банклари, маҳсус банклар, давлат банклари каби банклар фаолият кўрсатган;

- **иккинчи босқич** 1932 йилдан 1959 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда банклар фаолиятида ўзгаришла юз беради ва банклар вексель орқали кредитлашдан (Ўша даврларда бу кредитлаш амалиётида «эгри» кредитлаш деб ном олган) тўғридан-тўғри корхоналарни кредитлашга ўтказилган. Бу даврда хўжаликлар ўртасидаги вазифалар тақсимланган ва халқ хўжалиги соҳалари бўйича банклар ташкил қилинган ҳамда бу банклар факат шу соҳаларни узоқ муддатли кредитлаш ва молиялаштириш билан шуғулланган. Давлат банки эса асосан қисқа муддатли кредитлаш жараёнларини олиб борган;

- **учинчи босқич** 1959 йилдан 1988 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда мавжуд тармоқ банклари қайта ташкил қилиниб, мамлакатдаги барча кредит муносабатларини олиб бориши мақсадида учта банк ташкил қилинади. Булар: давлат банки, қурилиш банки, ташки савдо банки бўлган. Давлат банки халқ хўжалигининг барча соҳаларига (факат қишлоқ хўжалигининг баъзи эҳтиёжлари учун узоқ муддатли кредитлар

берган) қисқа муддатли кредитлар бериш билан боғлиқ бўлган харажатларни, қурилишни молиялаштириш, узоқ муддатли кредитлар бериш билан боғлиқ операцияларни бажарган. Ташқи савдо банки Москвада жойлашган бўлиб, мамлакатнинг экспорт-импорт билан боғлиқ фаолиятини бошқариб борган;

- **тўртингчи босқич** банк тизимини қайта ташкил қилиш даври бўлиб, у 1988 йилдан 1990 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган. Бу даврда банк тизимида катта ўзгаришлар рўй берди ва давлат банки билан бир қаторда маҳсус банклари ташкил қилинади.

Банк тизимининг такомиллаштирилиши натижасида вужудга келган маҳсус ихтисослашган банклар: Саноат қурилиш банки, Комунал қурилиш ва социал тараққиёт банки, Аграрсаноат банки, Ташқи иқтисодий фаолият банки, Жамғарма банки хўжаликлар билан банклар ўртасидаги алоқаларни тобора яқинлаштиришда ихтисослаштирилган давлат банклари ўзларида маълум даражада бошқарувчилик ролини сақлаб қоладилар. Банк тизимини такомиллаштириш жараёнида жуда муҳим натижаларга эришилди, лекин ташкил қилинган банклар иқтисодий муносабатларнинг хусусиятларини тўлиқ ифода қилолмасди. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банк тизимини такомиллаштиришнинг 2-босқичи объектив заруриятга айланди.

Республикамизда икки поғонали банк тизимини жаҳон тажрибасида қабул қилинган тамойилларга мувофиқ шакллантириш қўзда тутилган. Ихтисослашиш ва кредит-инвестицияларни халқ хўжалиги тармоқлари бўйича тақсимлаш Республикамиздаги банк муассасаларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Уларнинг фаолияти асосан устивор тармоқлар: қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар, уй-жой қурилиши, автомобилсозлик, савдо ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилган. Ҳозирги банклар акциядор-тижорат банклари сифаптида ташкил қилинган бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитларида ишлашга мослаштирилган ва улар ихтисослашган банклар бўлсада бошқа тармоқлардаги мижозларга ҳам кредит ва ҳисоб-китоблар бўйича хизмат кўрсатишлари мумкин. Банклар фаолиятининг универсаллашуви улар ўртасида рақобатнинг юзага келишига, бу эса уларнинг бозор иқтисодиётига барқарор кириб боришини таъминлайди.

Мустақил банк тизимини вужудга келтиришнинг иккинчи босқичнинг хусусиятларидан бири шундаки, 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистонда маҳсус нобанк кредит ташкилотлари ташкил қилина бошланди. Бозор иқтисодига ўтишни тезлаштириш, корхона ва ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш мақсадида маҳсус молия-кредит институтлари – «Бизнес-фонд», «Мадад» сугурта компанияси, «Ўзбекинвест» миллий сугурта компанияси, хусусиялаштириш инвестицион фондлари ва бошқалар ташкил қилиниши республика банк-молия тизимининг заманалашувини тезлаштирмоқда.

Ҳозирда республикадаги кенг тармоқли банклар замонавий талабларга жавоб берадиган шаклда хўжаликлар, ташкилотлар ва аҳолига хизмат кўрсатмокда.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
2. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Алимов И.И. Молия. –Т.: ТДИУ. 2007.
4. Ковалёва А. Финансў и кредит. – М.: Финансў и статистика, 2006.
5. Миляков Н.В. Финансў. Учебник. – М.:ИНФРА-М, 2004.
6. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансовых предприятий. Учебное пособие. – М.: Финансў и статистика, 2001.
7. Сенчагов В.К. и др. Финансў, денежное обращение и кредит. Учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.
8. Рашидов О.Ю ва бошқалар. Пул, кредит ва банклар.-Т.: “Max-PRINT”. 2009. 456 б.
9. Поляк Г.Б. и др. Финансў. Денежное обращение. Кредит. – М.: ЮНИТИ, 2004.
- 10.“WWW. Prospekt. Ru” – «Проспект» нашриёти сайти.
- 11.“WWW. Finstat. Ru” – «Финансў и статистика» нашриёти сайти.

## **10 –МАВЗУ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ВА ОПЕРАЦИЯЛАРИ**

**Ажратилган соат – 4 соат**

**Асосий саволлар:**

- 1. Тижорат банкларининг иқтисодий аҳамияти ва вазифалари.**
- 2. Тижорат банкларининг пассив операциялари**
- 3. Тижорат банкларининг актив операциялари.**
- 4. Банкнинг комиссион (воситачилик) ва траст операциялари.**
- 5. Тижорат банкларнинг инвестицион фаолияти ва сиёсати.**
- 6. Тижорат банкларининг молиявий хизматлари ва халқаро операциялари.**

### **1-савол баёни: Тижорат банкларининг иқтисодий аҳамияти ва вазифалари.**

Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан банк-бу тижорат муассасаси бўлиб, жисмоний ва хуқукий шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз номидан, тўловлилик, муддатлилик, қайтиб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк операцияларини бажаради.

Баъзи адабиётларда банк – бу корхона деб ҳам изоҳ берилади. Маълумки, банк яхлит олинган корхона сифатида ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошримайди. Тижорат банклари ҳам корхоналар сингари ўз фаолиятини корхона фаолиятига шу жиҳатдан ўхшатиш мумкинки, тижорат банклари ҳам

корхоналар сингари ўз фаолиятини ўз даромадини кўпайтиришга ва шу асосда, биринчидан, ўз асосчилари – акционерларнинг манфаатларини, иккинчидан, ўз мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иброрат.

**Тижорат банкларини** бизнинг фикримизча шунчаки корхона эмас, маҳсус корхона деб қараш зарур. Чунки тижорат банклари ссуда капитали ҳаракатини амалга оширади ва шу асосда банк ўз акционерларига, пайчиларига фойда олишни таъминлайди.

**Тижорат банклари** банк тизимининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йигилди ва бу банклар хуқуқий, жисмоний шахсларга хизматларини кўрсатади.

Ўзбекистон республикасида тижорат банклари банк тизимининг Марказий банкдан кейинги иккинчи поғонаси ҳисобланади.

1987 йилдан бошлаб ташкил қилинган банк тизими бозор иқтисоди тамойилларига мос келувчи банк тизимининг бошланғич пиллапояси ҳисобланади. Охиригина йилларда тижорат банкларининг сони, улар бажарадиган операциялар, уларнинг устав фонди ва қўйиламалар салмоғи ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 36 дан ортиқ тижорат банклари фаолият кўрсатмоқда. Салмоқли устав фонди, кредит ресурслари ва мижозларга эга бўлган – катта банклар Ўзбекистон саноат қурилиш банки, Ташқи иқитсадий алоқалар миллий банки, Пахта банк, Асакабанк ва бошқалар кенг фаолият олиб бормоқда. Тижорат банкларни ташкил қилишдаги устав капитали миқдори 1 январь 2000 йилда 2,5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағга эга бўлиши лозим.

Бозор иқтисоди шароитида банкларнинг аҳамияти, уларнинг иқтисодига таъсири ўсиб бормоқда.

Кредит муассасалари аҳоли, корхона ташкилотлар компанияларни бўш пул маблағларини йиғиш ва жойлаштиришдан ташқари капитал жамғаришга, ҳаракатланувчи кпайлал ёрдамида корхоналарни хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беради ва корхоналар фаолияти устида назорат олиб боради.

Банклар ва унинг кредит ёрдамида мавжуд капитал тармоқлар ўртасида, ишлаб чиқариш ва муомила соҳасида тақсимланади ва қайта тақсимланади. Саноат транспорт қишлоқ хўжалик соҳасида қўшимча инвестицияга бўлган талабларни молиялаштириб, банклар халқ хўжалигида прогрессив ютуқларга эришишни таъминлаши мумкин.

Тижорат банкларини иқтисодий аҳамият унинг фаолияти доирасининг кенг бўлишига олиб келади.

### ***Тижорат банклари қўйдаги асосий вазифаларни бажараади.***

1. Вақтинча бўш турган пул маблағларини йиғиш ва уларни капиталга айлантириш.
2. Корхона ташкилот давлат ва аҳолини кредитлаш.
3. Муомалага кредит пуллар (муомаланинг кредит воситалари)ни чиқариш.
4. Халқ хўжалигида хисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш.

5. Молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш
6. Иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва консультация хизматаларини кўрсатиш.

**Банклар бўш пул маблағларини йиғиши** ва уларни капиталга айлантириш функциясини бажариб туриб мавжуд бўш пул даромадлари ва жамғармаларини йигади. Жамғарувчи (бўш пул маблағ эгаси) ўз маблағларини банкка ишониб топширгани учун ва банк бу маблағлардан фойдалангани учун маълум фоиз ҳисобида даромад оладилар. Бўш пул маблағлари ҳисобидан ссуда капитали фонди вужудга келади ва бу фонд халқ хўжалиги тармогининг кредитлаш учун ишлатилади.

**Тижорат банклари фаолияти аоссий ўринли корхона,** ташкилотларни, аҳолини кредитлаш эгаллайди. Кредитлаш жараёнини ташкил қилишда банк молиявий воситачи вазифасини ўтайди. У бўш турган маблағларни жалб қиласи ва ўз номидан мижозларга вақтинча фойдаланишга беради. Банк кредити ҳисобидан халқ хўжалигини муҳим тармоқлари саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқалар молиялаштирилади ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга асос бўлади.

**Муомалага кредит пулларни чиқариш функцияси** тижорат банкларни бошқа молия институтлардан ажратиб туради. Тижорат банклари депозит-кредит эмиссия қилганида, ссудалар берганида пул массаси ошади ва ссуда банкга қайтарилганда муомалада пул массаси камаяди.

Тижорат банклари пулларни яратиши эмитити ҳисобланади. Тижорат банк томонидан мижозга берилган кредит унинг ҳисоб рақамига ўтказилади ва банкнинг қарз мажбурияти ортади. Мижоз бу маблағни маълум қисмини нақд пул шаклида ҳисоб рақамдан олиш мумкин. Бу ҳолда мумалада пул массасининг миқдори ошади. Шунинг учун ҳам тижорат банклар фаолияти устидан Марказий банк назорат олиб боради.

**Тижорат банкларнинг муҳим функцияларидан бири ҳисоб-китобларни олиб боришади.** Ҳисоб-китобларни олиб боришда банк мижозлар ўртасида воситачи бўлиб хизмат қиласи.

Тижорат банклари яна қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш билан шуғулланиши мумкин.

Тижорат банклари иқтисодий аҳволини назорат қила бориб мижозларга ҳар хил ахборотлар, маслаҳатлар бериши мумкин.

Акционер тижорат банкларнинг юқори органи –акционерларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Ҳар йил акционерларни йиғилиши уставдаги ва устав капиталидаги ўзгаришларни, йиллик фаолият ва унинг натижаларини, банк даромадларини тасдиқлаш, банк кенгаши таркибини сайлаш, банкнинг шуъба муассасаларини ташкил қилиш ва бекор қилиш масалаларини кўриб чиқиш мумкин.

Тижорат банкларини очишга лицензия (руҳсатнома)ни Марказий банк беради. У тижорат банклар фаолиятини олиб бориш бўйича иқтисодий меъёрлар белгилаб беради ва уларни бажаралишини назорат қилиб боради.

**Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилиш асослари.** Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг фаолияти фойда олишга

йўналтирилган бўлади. Бозор иқтисоди шароитида банк фойдасининг иқтисодий моҳияти янгича ижтимоий-иктисодий тус олиб бормоқда, чунки тижорат банкларининг фойдаси банк капитали тўпланишининг ва банкнинг ривожланишининг асосий манбаидир.

Банк фойдасининг ўсиб боришига таъсир қиладиган бир неча омиллар бўлиб, булар:

- банкнинг рентабеллиги,
- вақтинча бўш маблағларни самарали ишлатилиши,
- турли хил пуллик хизматлар доирасини (факторинг, лизинг, траст хизматлари ва ҳ.к) кенгайтириш,
- фойда келтирмайдиган активларни камайтириш,
- фойда келтирувчи активларни кўпайтириш ҳисобига ва бошқа омиллар ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланиш босқичида тижорат банкларининг асосий иш тамойилларидан бири юқори даражада фойда олишга қаратилган бўлади. Банкларнинг фаолияти доимо фойда кўриш эҳтимоли ҳам учраб туриши мумкин. Банклар фаолияти ижобий бўлган ҳолларда банкларнинг заарар кўриш эҳтимоли юқори даражада бўлади. Юқорида айтилган фойда келтирувчи резервларни амалда тадбиқ қилиш жараёнида банкнинг иш фаолияти иқтисодий жихатдан риск (заарар кўриш эҳтимоли) билан боғлиқ бўлади.

Тижорат (акция, пай асосида ва хусусий тартибда ташкил қилинган) банклар хукуқий ва хусусий шахсларга «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» қонунда назарда тутилган операцияларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш орқали шартнома асосида кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа хил банк хизматларини кўрсатади.

**Тижорат банклари** устав қилиш услугига қараб, бажарилаётган операцияларнинг тури, фаолият кўрсатиш худуди ва тармоқ белгиларига қараб бир-биридан фарқ қиласди. Республикада, минтақаларда кўзда тутилган маълум дастурларни бажариш ва ўзга фаолият турларини пул маблағлари билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа хужжатларида назарда тутилган тартибда маҳсус тижорат банклари ташкил этилиши мумкин.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан тегишли лицензияни олганларидан кейин чет эл валютасида операциялар амалга оширадилар.

Тижорат банклари ўз уставлари асосида иш олиб борадилар. Давлат тижорат банкининг устави банкни тузишга қарор қилган орган томонидан тасдиқланади. Шерикчилик асосида тузилган тижорат банкининг устави муассаслар (қатнашувчилар) йиғилиши томонидан тасдиқланади.

#### **Банкнинг уставида қўйдаги бандлар бўлади:**

- банкнинг номи ва унинг манзилгоҳи (алоқа манзилгоҳи);
- банк амалга оширадиган операцияларнинг рўйхати;
- банк ташкил этадиган фондларнинг рўйхати;

- устав фонднинг миқдори;
- банкнинг хуқуқий шахс эканлиги ва ўзини ўзи молия билан таъминлаш негизида ишлаши тўғрисидаги низом;
- банкнинг бошқарув идоралари, уларнинг таркиби ва тузилиши тўғрисидаги низом;
- банкка қарашли муассасаларнинг рўйхати ва уларнинг мақоми;
- банк ва унинг филиалларининг ташкил этиш, ҳамда уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби;
- фаолият тўғрисидаги маълумотларни матбултда эълон қилиш мажбурияти (тартиби).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ўзаро муносабатлари акс эттирилган бўлиши лозим.

Шерикчилик асосида тузилган банкнинг устави юқорида келтирилган талаблардан ташқари, акцияли жамиятлар ва маъсулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги амаллардаги қонунларда кўрсатилган талабларга жавоб бериши лозим.

Банк уставига банк фаолиятининг ўзига хос хусисиятлари билан боғлиқ бошқа қоидалар ҳам киритилган бўлиши мумкин. Уставга ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси қонунларидағи ўзгаришлар муносабати билан киритилади.

Акционер тижорат банкларининг устав фонди қатнашчиларнинг бадаллари ҳисобидан ёки акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан вужудга келтирилади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг ҳамма бўлимлари ва уларнинг ижроя органлари, сиёсий ташкилотлар ва ихтисослашган жамоат фонdlаридан ташқари бара хуқуқий ва хусусий шахслар тижорат банкларининг муассислари (хиссадорлари), акциядорлари бўлишлари мумкин.

Бир акциядорнинг тижорат банки устав капиталидаги улуши 2000 йил 1 январдан бошлаб, устав капитали умумий миқдорининг 20%, 2001 йилнинг 1 январдан бошлаб 7% дан ошмаслиги лозим (давлат улуши чет эл капитали иштирокдаги банклар ва хусусий банклардан ташқари).

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 420-сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлигича қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом»га (1998 йил 2 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувида тасдиқланган) асосан фаолият кўрсатаётган тижорат банклари 2,0 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган суммада умумий капиталга эга бўлиши лозим.

Фаолият кўрсатаётган банклар устав капиталини ошришга доир талаблар макроиқтисодий аҳвол, банкнинг молиявий ҳолати ва бошқа сабабларга кўра алоҳида банкларга қўйиши мумкин.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикасининг солик тўғрисидаги амалдаги қонунларга мувофиқ соликлар тўлайдилар.

### **Кўйдаги маблаглар банкларнинг ўз маблаглари ҳисобланади:**

- устав капитали;

- резервлар ва фойда ҳисобига вужудга келадиган ҳамда банкнинг балансидан турадиган бошқа фонdlар;
- тақсимланмаган фойда,
- акциячилар ёки пайчилар ўртасида акцияларни тақсимлаш ҳисобига ёхуд пай миқдирини ошириш ҳисобига олинган маблағлар.

Тижорат банклари йўл қўйилиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун олинадиган фойдадан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгилаб қўйилган тартибда резерв фонdlарини ташкил этадилар.

Тижорат банклари шартнома асосида бир-бирларининг маблағларини депозит, кредит шаклида жалб этишлари, жойлаштиришлари, ўз уставларида кўрсатилган бошқа ўзаро операцияларини амалга оширишлари мумкин.

Мижозларга кредит бериш ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш учун маблағ этишмай қолган тақдирда тижорат банклари кредит ресурслари олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожат қилишлари мумкин.

Тижорат банклари операциялари бўйича фоиз ставкалари уларнинг ўзлари томонидан мустақил белгиланади.

Банклар билан mijozlar ўртасидаги муносабат шартномавий тавсифга эга бўлади.

Мижозлар ўзларига кредит ва касса хизматини кўрсатадиган банкни мустақил танлайдилар.

Тижорат банклари қимматли қоғозлар бўйича операциялар олиб борадилар.

Тижорат банклари фонд бозорларининг келишувларида актив ва бевосита иштирок этавермайдилар. Масалан: АҚШдаги тижорат банкларига қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларни ўтказиш, фонд биржаларига аъзо бўлиш таққиқланади. 1933 йилда (Гласс-Стигал қонуни) қабул қилинган қонунга мувофиқ тижорат банклари саноат компанияларининг облигациялари ва акциялари чиқаришни ташкил қилишда иштирок эта олмайдилар. Шунга қарамай қонунда жуда кўп истиснолар мавжуд бўлиб, улардан бири банкка пулларни оператив қўйиш.

Давлат қимматли қоғозларни чиқаришни ташкил этиш, штат ва маҳаллий ҳокимият органларининг облигацияларининг облигациялари, шунингдек турли халқаро ташкилотлар ва федерал муассасалар чиқарган қарз хужжатлар (мажбуриятлари) билан ишлаш хукуқини беради. Булардан ташқари банкларга ўзларининг mijozlari ҳисобига саноат компанияларининг акция ва облигацияларини сотиш ва сотиб олиш каби брокерлик функцияларини бажариш рухсат этилган. Шу билан бирга Америка тижорат банклари саноат компаниялари ва фирмаларнинг акция пакетларини хақиқий эгаси сифатида траст операцияларининг (қимматбаҳо қоғозлар портфелларини бошқариш операциялари) катта ҳажми амалга оширади.

АҚШда тижорат банклари брокер фирмалари ва инвестицион компанияларининг асосий кредиторлари ҳисобланади. АҚШнинг еттита йирик

инвестицион компанияларнинг 40 дан 80%гача активлар тижорат банклари кредит ҳисобидан тъминланади.

Японияда тижорат банкларининг фонд биржаларига аъзо бўлиши таъкиқланган. Лекин улар лицензия олдган ҳолатда қимматли қоғозларни ҳамма туриини ўзларининг хисоб рақамлари бўйича ёки мижозларнинг топшириқлари бўйича сотиш ва сотиб олиш (брокер компаниялари ва биржага аъзо бўлган фирмалар воситачилигида) хуқуқига эгадирлар. Булардан ташқари тижорат банклар давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари билан бўлган тез муддатли операцияларни амалга оширишлари мумкин. Узоқ вақт Япония тижорат банкларида янги қимматли қоғозларни воситачилик функцияларини амалга ошириш хуқуқлари бўлмаган. Фақат 1981 йили уларга давлат облигацияси ва саноат компаниялари облигациясини биржа ташқарисида воситачилик қилишга рухсат этилган. Шунингдек, япон тижорат банкларига мижозларнинг қимматли қоғозларини бошқариш ман этилган.

Банк муассасаларининг қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларига актив қатнашишга Германия тажрибаси ёрқин мисол бўла олади.

Бу давлатда қимматли қоғозлар билан бўладиган ҳамма операцияларда фақатгина тижиоарт банклари қатнашиш хуқуқига эга. Аслида Германия давлатида брокер компаниялар ва фирмалар йўқ. Тижорат банкнинг функциялари универсаллиги мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларига юқори даражада жавоб беради. ГФРнинг қимматли қоғозлар бозорини банк муассасаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг бу бозорда аҳамияти жуда катта.

Банклар катта миқдорда облигациялар чиқаради, инвестицион группаларнинг эгалари ва йирик инвесторлик вазифасини бажаради, уларга қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар ҳажмини энг катта тўғри келади, банк синдикатлари давлат қарз хужжатларини чиқариш ва тарқатишда катта жонбозлик кўрсатади.

Банк облигацияларни чиқариш учун 3 та асосий шартни бажариш зарур:

- молиявий кўрсаткичлар пропорциясини сақлаш;
- банкнинг молиявий молиявий аҳволининг ошкорлиги;
- жами капиталнинг ва банк резервлари 8 млн. марка даражасидан ошиши.

Облигацияларни чиқариш тўғрисидаги рухсат молия вазирлиги томонидан олиниши керак. У ҳақдаги хабар эса федерал юстиция вазирлиги газетасида босилиб чиқарилади. Одатда 3 йилдан ортиқ муддатга чиқарилган облигациялар ГФР фонд биржаларида муомалада бўлади. Лекин уларни сотиш ва сотиб олиш келишувларининг кўп қисми биржадан ташқари оборотда амалга оширилади. Универсал тижорат банклари кўпинча ядро вазифасини бажариб, унинг атрофидаги молия-банк группалари бир неча нисбатан мустақил бўлинмаларни ўз ичига олган.

Бу мустақил бўлинмалар, масалан инвестицион фондлар ва маслаҳат берувчи фирмалар бўлиши мумкин. Бу мустақил бўлинмалар даромад олиш

маркалари ҳисобланади. Аслида группанинг ядросини ташкил этган банк, марказий аппаратдан, махаллий ва чет эл филиалларидан иборат.

Банкларнинг марказий аппаратлари одатда фонд биржалари бўлган катта шаҳарларда жолашган. Ривожланган мамлакатларда асосий даромад манбаи кредит операциялари бўлиб, иккинчи ўринда қимматли қоғозлар билан операциялар туради.

**Тижорат банклари қўйидаги операцияларни бажаради:**

- пассив операциялар;
- актив ссуда операциялари;
- банк хизматлари ва воситачилик операциялари;
- банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган операциялар ва бошқалар.

**2--савол баёни: Тижорат банкларининг  
пассив операциялари**

Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялари банкларнинг пассив операциялари дейилади. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банкларнинг пассив ва актив-пассив ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг салмоғи ошиб боради. Банкларнинг пассив операциялари уларнинг фаолиятини ташкил қилишда катта роль ўйнайди. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банклари кредитлаш учун зарур бўлган кредит ресурсларини ташкил қиласди.

Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан тўртта шакли мавжуд:

1. Қимматбахо қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиши;
2. Фойда ҳисобидан ҳар хил фонdlар ташкил қилиш ёки фондалр суммасини ошириш;
3. Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш;
4. Депозит операцияларни амалга ошириш.

Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган ва эмитентлашган маблағлар ҳисобидан шаклланади.

Юқорида келтирилган пассив операцияларнинг биринчи ва иккинчи шаклларида банкларнинг ўз маблағлари юзага келади ва қолган охирги икки шаклида кредит ресурсларнинг иккинчи қисми жалб қилинган ресурслар юзага келади.

Банкларнинг ўз маблағларига банкнинг устав капитали, резерв капитали, маҳсус фонdlар, моддий рафбатлантириш фонди, бошқа ҳар хил ташкил қилинган фонdlар ва тақсимланмаган фойдаси киради. Амалиётда банк пассивларининг 20 фоизи банкларнинг ўз маблағларига тўғри келади.

Банкларнинг ўз маблағлари ичida асосий ўринни банкнинг ўз капитали эгаллайди. Банкнинг ўз капитали таркибига биз юқорида келтириб ўтган капиталнинг бир қисми, яъни устав капитал, рискларни қоплаш учун ташкил

қилинган резерв фонд, тақсимланмаган фойда киради. Банкларнинг ўз капитали банк кредиторларининг манфаатини ҳимоя қилиш, банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, банк фаолиятини бошқариш каби функцияларни бажаради.

Банкнинг устав капитали суммаси банк уставида кўрсатилади ва банк ишини бошлашнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Банкларнинг ташкил қилишнинг шаклларига қараб банкнинг устав капитали ҳам ҳар хил ташкил топади. Агар банк акциядорлик жамият тариқасида ташкил қилинадиган бўлса, устав капитали ёки фонди акциялар чиқариш ва жойлаштириш йўли орқали ташкил топади. Банкларнинг устав капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмайди. Банкларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида унинг минимал миқдори белгилаб берилади.

Банкнинг устав капитали унинг балансининг пассивида кўрсатилади. Устав фонди суммасининг оширилиши банк акционерлари томонидан умумий йиғилишда ҳал қилинади.

Банкларнинг устав капитали уларнинг мажбуриятларини бажаришнинг асоси бўлиб хизмат қиласи. Банк кредитлари ҳисобидан банкларнинг устав капиталини ташкил қилиш мумкин эмас. Устав капиталини ташкил қилишда четдан бошқа пул маблағларини жалб қилиш ҳам мумкин эмас. Банклар ташкил қилинганда устав капиталининг таркиби моддий маблағлардан ва пул маблағларидан ташкил топади. Банк фаолиятининг бошланғич босқичларида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан биринчи навбатдаги банк харажатлари (ер, бино, асбоб-ускуна, иш ҳаки) қопланади. Банкларнинг ўз маблағлари узоқ муддатли активларга қўйилмалар қилинганда асосий манбаси ҳисобланади.

Одатда марказий банк тижорат банклари учун банкларнинг ўз маблағлари билан четдан жалб қилинган ресурслар ўртасидаги чегарани белгилаб беради. Ўзбекистонда бу нисбат 1:20 миқдорида белгиланган.

Банкларнинг акционер капитали қўйдаги таркибий қисмлардан ташкил топиши мумкин. Булар: а) ўз акционер капитали, бу капитал оддий ва имтиёзли акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан, тақсимланмаган фойда ҳисобидан юзага келади; б) ҳар хил кўзда тутилганхаражатларни ва тўланмаган қарзларни қоплаш учун ташкил қилинган резервлар; в) банкнинг узоқ муддатли мажбуриятлари (узоқ муддатли вексель ва облигациялар) бўлиши мумкин.

Банкларнинг резерв капитали ёки резерв фонди фойдадан ажратмалар ҳисобига ҳосил бўлади ва кўзда тутилмаган заарлар ҳамда қимматбаҳо қоғозлар курсини тушиши натижасидаги йўқотишларни қоплаш учун мўлжалланган.

**Тақсимланган фойда** –резерв фондига ажратмалар ва девиденdlар тўланганидан сўнг қоладиган фойданинг бир қисмидир.

Банкларнинг ўз маблағлари тижорат банклари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Банкларнинг ўз капитали хиссасининг камайиши баъзи ҳолларда банкларнинг синишига олиб келади.

Жалб қилинган маблағлар тижорат банкларининг кредит ресурсларининг аосисий қисмини ташкил этади.

Булар депозитлар, шунингдек контокоррент ва корреспондент счёtlаридағи маблағлардир.

Уларнинг аосисийси йўқлаб олинадиган қўйилмаларга, тезкор ҳамда жамғарма қўйилмалар, шунингдек жорий счёtlар омонатчиларнинг биринчи талаблари билан олинади. Жорий счёtnинг эгаси банкдан чек дафтарчасини олади. Бунда у пул олиш билан бирга иқтисодий муносабатлар вакиллари бўлган корхона, ташкилот, муассасалар билан ҳисоб-китоб операцияларини олиб бориши мумкин.

**Муддатли омонатлар** – мижоз томонидан банкка маълум муддатга қўйиладиган қўйилмалар бўлиб, улар орқали мижозларга банк томонидан юқори фоизлар тўланади. Бунда фоиз ставкалар қўйилманинг муддати ва миқдорига боғлиқ бўлади.

Муддатли қўйилмаларнинг турларидан бири, бу маблағларни жалб қилишнинг аниқ қайд этилган вақтга мўлжалланган депозит сертификатлар ҳисобланади. Уларни муомалага 1961 йили биринчи бўлиб, «Ферст нешнил сити бэнк» киритган. Счёт эгаларига уларнинг номлари ёзилган, тўлаш муддати ва фоиз даражаси қўрсатилган маҳсус гувоҳнамлар берилади.

Россия Федерациясида депозит сертификатларини тижорат банклари 1991 йилдан бошлаб қўлламоқда. Сертификатда қўрсатилган қўйилма муддати тугагандан сўнг, унинг эгаси қўйилма суммасини ва келишилган фоизларни олиш хукуқига эга бўлади.

Банк ресурслари тартибида ахолининг омонат қўйилмалари муҳим роль ўйнайди. Улар тўлиқ суммада ёки бўлиб-бўлиб қўйилади ва берилиши мумкин. Омонатчи ва банк ўртасидаги маблағ қўйиш билан боғлиқ муносабат омонат дафтарчасини бериш билан тасдиқланади. Банклар тўловлилик асосида турли хил мақсадли қўйилмаларни, муддатли ёки талаб қилинганда олиниши мумкин бўлган жамғармалар қабул қиласилар. Шунингдек, баъзи мамлакатларда «Янги йил қўйилмалар» деб номланган қўйилма тури ҳам мавжуд. Бунда банк йил давомида, янги йилни нишонлаш учун катта бўлмаган қўйилмаларни қабул қилиб боради ва йил охирида омонатчиларга пулларни қайтаради, ҳоҳловчилар пул жамғариш кейинги янги йилгача давом эттиришлари ҳам мумкин. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бу қўйилмалар оддий фуқаролар орасида кенг қўлланилади.

Банклар учун муддатли қўйилмалар жуда қулай ҳисобланади. Банк ресурсларининг муҳим манбаси банклараро кредитлар, шунингдек «қисқа пуллар» салмоғи қўпчиликни ташкил этади.

Агар мижознинг ҳисоб-китоб счёti ёпилиб, унга контокоррент счёт очиладиган борилади.

Контокоррент-банк ва мижоз ўртасидаги ҳамма ўртасидаги ҳамма ҳисобдир. Шу туфайли баъзи даврларда бу счёт пассив, бошқаларида эса актив бўлиши мумкин. Ҳамма дебет, ҳам кредит қолдиқ бўйича контокоррент счёtlарида фоиз ҳисобланади. Дебет қолдиқ бўйича мижоз кредит шартномада қўрсатилган фоиз ставкасини банкка тўлайди. Кредит қолдиқ

юзага келганды шартномада күрсатилган фоиз ставкасини банк мижоз счётига ўтказиш шарт.

Контокоррент счёти бўйича кредит тижорат векселлари таъминоти бўйича ёки таъминланмаган ссуда шаклида берилади контокоррент счёти бўйича дебетга фоизларни ҳисоблаш факатгина мижоз ва банк орасидаги битимда кўрсатилган кредит лимити чегарасида амалга ошиши мумкин.

Банкнинг эмитентлашган маблағлари. Банклар мижозлар маблағларидан етарли даражада узокроқ муддатда фойдаланишини амалга оширишдан манфаатдордирлар. Шу сабабли банклар облигация қарзлари, банк векселлари ва бошқаларни чиқариш йўли билан ўз ресурсларининг миқдорини кўпайтириб борадилар.

Облигацион қарзлар облигациялар кўринишида эмитентлашади. Ҳозирги даврда чет эл амалиётида икки валютали облигациялар учрайди. Бу облигациялар бўйича даромадлар облигация эгаси ихтиёрига кўра миллий валютада ёки АҚШ долларида ёки бошқа чет эл валютасида тўланиши мумкин.

Банк томонидан эмитентлашган қимматли қофозларнинг турларидан бири «сузувчи фоиз ставкали» қимматли қофозлар. Масалан, АҚШда 1970 йиллар ўрталарида иккита йирик тижорат банклари-«Ситибенк» ва «Чейз Манхэттен Бенк» холдинг компаниялари орқали «сузувчи фоиз ставкали» қимматли қофозлар чиқарадилар. Бу қўйилмалар бўйича фоизлар 3 ойлик хазина векселларига нисбатан бир фоиз юқори тўланади.

Банклар мижозларнинг ҳоҳишига қараб бир йилда икки марта уларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Бунинг учун уларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Бунинг учун мижоз кўрсатилган муддатдан бир хафта олдин маблағларни олиши тўғрисида банкка хабар бериши шарт. Банк пассивларида 90-йиллар давомида банкнинг ўз маблағлари миқдорининг қисқариши давомида банкнинг ўз маблағлари миқдорининг қисқариши давом этди ва хорижий мамлакатлар каби бизнинг банкларимизда ҳам жалб қилинган ресурслар салмоғи ошди. Янги ресурсларни жалб қилишда йирик ва майда банклар фойдасига, номутоносибликлар кўпайди.

Жалб қилинган маблағларнинг яна бир тури банк балансида турган ва уларни қайта сотиб олиш тўғрисидаги келишув асосида сотиладиган қимматбаҳо қофозлар ҳисобланади.

### **3-савол баёни: Тижорат банкларининг актив операцияларини**

Мобилизациялашган пул маблағларини банклар мижозларни кредитлаш учун ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланади. Даромад олиш мақсадида банк ресурсларини фойдаланади. Даромад олиш мақсадида банк ресурсларини жойлаштириш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг **актив операциялари** дейилади.

Банкларнинг актив операцияларида асосий ўринни уларнинг кредит ёки ссуда операциялари эгаллайди.

Банкларнинг мижозларга берадиган ссудалар ёки кредитларининг муддатидан келиб чиқиб, улар муддатли ва онкол (инглизчадан on call-талааб бўйича) кредитларга бўлинади.

Ссудалар берилишининг таъминотидан келиб чиқиб, кредитлар моддий бойликлар, товалар, векселлар, фондлар (қимматли қоғозлар) ва бошқалар билан таъминланган кредитлар бўлинади.

**Вексель операциялари** векселларни қайд қилиш ёки ҳисобга олиш бўйича операциялар ва векселлар бўйича ссудалар бериш операцияларига бўлинади.

Векселларни қайд қилиш деганда банк томонидан уларни тўлаш муддати тугагунга қадар векселларни сотиб олишни тушунилади. Ўз навбатида банк, агарда маблағлар билан таъминлаганликда қийинчилик сезаётган бўлса, марказий банкнинг худудий бошқармаларида берилган векселларни қайта ҳисобдан ўтказиши мумкин. Векселни ҳисобга олиб, банк унинг вақтинчалик эгаси бўлади ва векселни эмитент қилган ёки уни ҳисобга олиш учун тақдим қилган шахсга маълум миқдорда пул тўлайди. Бу операция учун банк мижоздан қайд этиш фоиз ёки дисконт деб аталувчи маълум фоиз ундиради.

**Дисконт-бу** векселда кўрсатилган сумма билан банкнинг вексель эгасига тўлайдиган сумма ўртасидаги фарқдир. Баъзи давлатларда банклар ўзларида алоҳида мижозларнинг кредитлаш қобилиятини ўрганувчи, айрим корхона ва шахслар вексель ҳисоби бўйича лимитини ўрнатувчи ҳисоб қўмиталарини ташкил этадилар.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тижорат, молиявий ва «дўстона» (бронза) векселларини фарқлаш керак.

Тижорат векселлари товар муносабатлари асосида вужудга келади. Улар бошқа векселларга товар муносабатлари асосида вужудга келади. Улар бошқа векселларга нисбатан ишончлидир.

Кўпгина векселлар молиявий характерга эга, яъни улар брокер ёки маклерлар томонидан ҳисоб фоизини олиш учун муомалага чиқарилади. Булар фақат банкдан маблағлар олиш учун мўлжалланган «иширилган векселлардир».

**«Дўстона векселлар»** – бу икки шахснинг ҳар қандай товар харакатсиз банкдан маблағ олиш учун бир-бирларига берадиган векселдир.

Тадбиркорлар томонидан чиқарилган векселларни «бронза» векселлар деб ҳам аташади.

Банкнинг актив вексель операцияларига акцепт ва аваль операциялар киради.

Акцептли операцияда банк ўзи акцептлаштираётган векселни ишончли мижозга чиқариш хуқуқини беради, яъни берилган вексел бўйича ўз ҳисобидан унинг тўловини кафолатлайди. Шундай акцептланган вексель бўйича кредитдан фойдаланаётган мижоз вексел хақини тўлаш учун тегишли суммани банкка тўлаш мажбуриятини олади.

Халқаро миқиёсида векселлар билан боғлиқ бўлган ҳамма операциялар 1930 йилда қибул қилинган Женевада тузилган конвенция билан қатий белгиланади.

Вексел бўйича бериладиган кредитдан фойдаланишнинг муҳим шакли аваль ҳисобланади. Бунда вексель бўйича ҳақ тўлаш бевосита вексель берувчи билан амалга оширилади. Аваль эса ҳақ тўлашни кафолатлайди. Акцепт –аваль операцияларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бир вақтнинг ўзида ҳам актив, ҳам пассив операцияларга тегишли бўлади.

Банк авали вексел муносабатларини ҳамда уларнинг бошқа банклардаги ҳисоб-китобини енгиллаштиради. Чунки йирик авалда ҳисоб ва қайта ҳисоблашда мутлоқ тартибда амалга оширилади. Бир банк томонидан аваллашган векселлар бошқа банк томонидан аваллашган векселлар бошқа банк томонидан ҳам ҳисобга олинади.

«Вексель бўйича ссуда» операциясида вексел эгаси бўлиб авалги вексел оловучи қолади, банк эса унинг таъминоти остида мижозга вексель қийматининг 50-70% миқдорида ссуда беради.

Банклар актив операцияларининг муҳим тури товарлар бўйича ссудалар, яъни товарларни гаровга қўйиб ссуда олиш ҳисобланади. Хужжатлар, вариантлар (товарларни омборда сақлаш жавобгарлиги билан қабул қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома), темир йўл хужжатлари, коносаментлар (юкни кемага қабул қилинганлиги тўғрисидаги параход жамиятлари гувоҳнамаси), юкларни ташиш тўғрисидаги хужжатлар бўйича ссудалар олиш ҳисобланади.

Товарлар бўйича ссудалар банк томонидан товарнинг тўлиқ бозор қийматида эмас, балки унинг бир қисми (одатда, 50%-60% дан юқори бўлмайди) берилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида асосий муаммо бу товарлар реализацияси, чунки ишлаб чиқарилган ва жўнатилган товар ўз харидорини топмаслиги ҳам мумкин. Бозор шароитида кредит муносабатларининг маъмурий буйруқбозлик тизимида гидан фарқи ҳам шудир.

Бозор иқтисодиёти шароитида товарлар мўл-кўлчилигига оддий талаб эмас, балки тўловга қобилиятли талаб зарурдир.

Бозор шароитида товар таъминотида бўйича ссуда бераётган кредит муассасалари рисклар. Агар ссуда ўз муддатида қайтарилмаса, банк товарларни хат қилиб, ўз ихтиёрида олади ва уларни сотишдан тушган тушум ҳисобидан мижознинг қарзини қоплади.

Товарлар бўйича ссудалар кўпинча чайқовчилик мақсадларида ишлатилади.

Кўтарилиш даврида, товарларга бўлган талаб ўсганда, тадбиркорлар баҳоларнинг ўсишини ҳисобга олиб товарлар реализациясини атайлаб тўхтатиб, товар заҳираларини тўплайдилар. Бу хусусан, хом ашё товарларга ҳам тегишидир. Бу ҳолатда ссуда товарларнинг хақиқий реализациясини тезлаштирасдан, балки секинлаштиради ҳамда чайқовчилик ва товарларни ортиқча ишлаб чиқарилишининг ривожланишига олиб келади.

Тижорат банкларининг актив операцияларининг яна бир тури фонд операцияларидир.

Турли қимматли қоғозлар унинг обьекти бўлиб хизмат қилади. Банкларнинг қимматли қоғозлар бўйича операцияларнинг икки тури кўпроқ кўлланилади. Булар: қимматли қоғозларни кредитнинг таъминланганлиги учун қабул қилиш йўли билан ссудалар бериш ва уларни банк томонидан ўз ҳисобига сотиб олиш йўли билан операциялари ўтказиш.

қимматли қоғозлар таъминоти бўйича ссудалар уларнинг тўлиқ бозор курси қиймати бўйича эмас, балки уларнинг маълум бир қисми (60%-80%) бўйича берилади.

қимматли қоғозлар сохта капиталини ифодаласада, улар бўйича олинган ссудалар хақиқий товар ишлаб чиқариш билан боғланган жараёнига хизмат қилади.

Ундан ташқари қимматли қоғозлардаги банк инвестициялари ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳолда банк турли эмитентларидан қимматли қоғозларни сотиб олади ва банкнинг қимматли қоғозлар портфели вужудга келтиради. Банк томонидан қимматли қоғозларни кейинчалик қайта сотиш ёки капитални узоқ муддатга қўйиш йўли билан фойда олишдан иборат.

Охиригина йилларда республиканинг кўпгина тижорат банклари юқори фойда олиш мақсадида, давлатнинг хазина мажбуриятлари кўп миқдорда сотиб олишди. Чунки қимматли қоғозларнинг бу тури банкка кафолатланган даромад келтиради.

Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг таъминоти сифатида кўчмас мулқ, бошқа банк ёки суғурта ташкилотининг суғурта кафолати ҳам қабул қилиниши мумкин.

*Тижорат банкларининг актив операциялар ичida кредитлаш жараёни асосий ўринни эгаллаб, у қуйдаги асосий босқичларни ўз ичига олади:*

- кредит олиш учун берилган мижоз ариза-талабномасини кўриб чиқиш;
- қарз олувчининг тўловга ва кредитга лаёқатлилигини банк томонидан ўрганиб чиқиш;
- кредит қўмитасининг қарори;
- кредит битимини расмийлаштириш;
- кредит бериш;
- ссуда ва у бўйича фоиз тўлашнинг банк томонидан назоарт қилиш.

Кредит ва уни тўлаш жараёни кредит шартномасида кўрсатилган бўлиб, кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги мажбуриятлар ва хукуқ (жавобгарлик)ларни белгилаб беради. Унда кредитнинг мақсади ва обьекти, кредит миқдори, ссудани бериш ва уни тўлаш муддати, кредит таъминотининг турлари, кредит учун фоиз ставкаси ва бошқалар кўрсатилади. Ссудани тўлашни назорат қилиш банк кредит портфелининг мунтазам таҳлил қилиш асосида олиб борилади ва кредитларнинг сифат даражаси аниқланади. Тижорат банклари томонидан бериладиган барча кредитлар унинг кредитлар унинг кредит портфелида ўз ифодасини топади.

Молиялаштириш манбаларига ва қарз олувчининг минтақавий ўрни ва манзилига қараб тижорат банкларининг кредит портфелини таснифлаш

мумкин. тижорат банкларини таснифлашни асосан миллий валютада олиб борадилар ва баъзи ҳолларда қайта молиялаштириш ва ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар, масалан, Мллий банк ва шунга ўхшаш банкларда қаттиқ валютада ҳам ифодаланиши мумкин.

Ҳозирги вақтда марказлаштирилган кредитлар мижоз кредитга лаёқатли бўлганда миллий валютада ёки хорижий давлат валютасида берилиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятида турли хил рисклар учраб туради, лекин уларнинг фаолиятига кўпроқ кредит риски, ликвидлик риски ва фоиз ставкаси риски таъсир қиласи. Тижорат банклар фаолиятининг асосий қисми кредитлар бериш ва шу асосда фойда олишга йўналтирилган бўлганлиги учун улар фаолиятида бу рискларнинг салмоғи ҳам юқори бўлади.

Таснифланган кредитларнинг қайси гурухга кириш даражаси тез сотиладиган активлар ва юқори ликвид маблағларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 9 ноябр 1998 йилда тасдиқланган 242-«Активлар сифатини таснифлаш мумкин бўлган йўқотишлир бўйича тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юқорида келтирилган мезонлар бўйича «яхши», «стандарт», «субстандарт», «шубҳали», «умидсиз» ёки «ишончсиз» кредитларга таснифланади.

**Яхши кредитлар.** Кредитнинг бундай сифатда баҳоланиши, мижознинг активлари, уларнинг ҳолати бўйича ҳеч қандай гумон йўқлигидан далолат беради. Молиявий жиҳатдан барқарор, хўжалик обороти юқори даражада ўз капитали билан таъминланган, юқори рентабеллик кўрсаткичларига эга дебитор ва кредитор қарзларнинг айланниш муддати қисқа бўлиши лозим. Бу кредит эгалари молиявий барқарор хўжалик субъекти бўлиб, у юқори даражада таъминотга эга бўлади. Бунда асосий эътиборни қарз олувчининг аввалги фаолиятидаги мажбуриятларига муносабатига, осон реализация қилинувчи активлар ва юқори ликвидли маблағлардан ташкил топган ишончли кредит таъминотига қаратиш керак. Ушбу тоифадаги кредитларда қайтармаслик белгилари мавжуд эмас, банклар учун ишончли кредит таъминотига қаратиш керак. Ушбу тоифадаги кредитларда қайтармаслик белгилари мавжуд эмас, банклар учун зарар кўриш имкониятлари минимал даражада бўлади, кредитнинг таъминланганлигининг (гаров, кафолат ва бошқалар) сифати, таъминланганликка олинган мол-мулк, гаров ва бошқаларнинг таркиби тез пулга айланадиган активлар ва юқори ликвид маблағлар салмоғининг кўплиги эътиборга олинади. Кредит бўйича олинган таъминланганлик (гаров, мол-мулк ва б.) кредит суммаси ва у бўйича фоиз ставкаларини тўлашга етарли бўлгандагина кредит таъминланган деб баҳоланиши мумкин.

Кредит бўйича барча хужжатлар қонун бўйича хужжатлаштирилиши ва банк зарур бўлганда кредитни ундириб олиш имкониятига эга бўлиши зарур (кредитнинг қайтармаслик эҳтимоли чекланган бўлсада). Кредитнинг бу гуруҳида мижознинг фаолиятидаги икки асосий омилига алоҳида эътибор бериш зарур.

**Булар:**

- мижознинг олдинги фаолиятидаги ўз мажбуриятларига бўлган муносабати;
- кредит бўйича аниқ таъминланганликнинг (гаров, кафолат, мулк ва бошқалар) бўлиши ва унинг тўғри расмийлаштирилганлиги.

**Стандарт кредитлар.** Бундай кредитлар бўйича вақт-вақти билан кредитни ўз вақтида қайтара олмаслик шароити юзага келади. Лекин кредитни белгиланган муддати тўлай олмаслик бўйича унинг тўлов муддатининг узайтирилиши бир мартағина бўлиши ва кредитни ва у бўйича фоизларни тўлай олмаслик даври 30 кундан 60 кунгача, тўлиқ таъминланмаган кредитлар учун 30 кун бўлган муддатдан ошмаслиги лозим. Олган кредити стандарт кредит деб топилган мижозларнинг молиявий аҳволи одатда барқарор бўлади, лекин маълум вақтинчалик сабаблартуфайли унинг фаолиятида салбий молиявий ҳолат юзага келган бўлиши мумкин. Бундай кредитлар, гаров, таъминланганлиги бўлмаган кредитлар ҳам кириши мумкин. Бу кредитлар бўйича 10 фоиз атрофида резерв ташкил қилиниши зарур.

**Субстандарт кредитлар.** Бу гурухга кирувчи кредитлар уларнинг сифати етарли даражада эмаслигини билдирувчи аниқ белгиларга эга бўлади. Бу асосан кредитларнинг банкга қайтиб тўланишида маълум камчиликлар мавжудлиги ва кредитнинг таъминланганлиги сифатида қабул қилинган бошланғич манбалар кредитни тўлаш учун етарли бўлмаслиги натижасида қарзни тўлаш учун қўшимча манбаларни топиш зарурлигини кўрсатади. Субстандарт кредитлар қарз олувчининг ишончли молиявий аҳволи ва тўлов қобилиятининг юқори даражаси билан ҳимояланмаган. Бу кредит кредитнинг таъминланганлигини ташкил қилувчи манбалар маълум рисклар билан боғлиқлигини, кредитнинг жорий ҳолати бўйича етарли ахборотнинг мавжуд эмаслиги, гаров хужжатларида маълум камчиликлар мавжудлиги билан характерланади. Бу кредит бўйича 60 кундан 90 кунгача тўланмаган қарзлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу кредитлар молиявий аҳволи барқарор бўлмаган, корхонанинг тўловга лаёқатлигига камчиликлар бўлган ҳолларда юзага келади. Субстандарт кредитлар бўйича 25 фоиз кредитлар тўланмаслиги мумкин деб хulosा қилиниши ва бу кредитлар бўйича тўланмаган қарзлар қоплаш учун 25 фоиз резерв ташкил қилиниши мумкин.

**Шубҳали кредитлар.** Бу кредитлар юқорида келтирилган гурухлардаги кредитларнинг барча салбий томонларини ўзида ифода қилиши билан биргаликда тўлиқ таъминланганликка эга бўлмаган, тўланиш эҳтимоли кам бўлган кредитлар киради. Бу кредитлар бўйича олинган кредит яхши таъминланмаганликка эга бўлганида асосий қарз бўйича фоизларни тўлаш муддати 180 кундан ортиқ муддатга кечикирилган бўлса, зарар кўриш имконияти юқори, бироқ ушбу кредитларнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин бўлган омиллар мавжудлиги сабабли уларни йўқотилган деб таснифланиши вақтинча тўхтатилади. Бу гурухга кирувчи кредитлар бўйича 50 фоизгача резерв ташкил қилиниши лозим.

**Ишончсиз кредитлар.** Бу кредитлар бўйича қарзларнинг тўланиш эҳтимоли деярли йўқ. Агар кредит тўлиқ таъминланмаган бўлса, энг камида битта муаммомли тавсифга эга бўлса, тўлов муддати 360 кундан ошган бўлса ҳамда кредитни «шубҳали» деб таснифлаб бўлмаса, бундай активлар «ишончсиз» деб ҳисобланади. Бу активлар жуда паст қийматга эга бўлиб, уларни активлар сифатида ҳисобга олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун банклар бу кредитларни ўз балансларида зарар сифатида ҳисобга олишлари мумкин. Ишончсиз кредитлар фойда ҳисобига бунинг учун фойда етмаган ҳолларда эса банк сармояси ҳисобига балансдан чиқарилиши мумкин. Банк учун бу кредитлар зарар сифатида таснифланиши мумкин.

Бир йил ва ундан ортиқ муддатда ҳаракатсиз бўлган активлар, муддати ўтган ва фоизлар бўйича қарзлар зарар сифатида тавсифланиши мумкин. Шу сабабли бу гурухга кирувчи кредитлар бўйича 100 фоиз резерв ташкил қилиш лозим бўлади.

*Тижорат банкларининг кредит портфелини берилган ссудаларнинг таъминланганлик даражасига қараб қўйдаги турларга бўлиши мумкин:*

- биринчи даражада таъминланган;
- бошқа таъминотга эга бўлган;
- тўлиқ таъминланмаган;
- таъминланмаган.

**Биринчи даражада** таъминланган кредитлар гурухига тўлиқ таъминланган кредитлар киради. Улар қўйдагилар билан таъминланади:

- Ўзбекистон Республикаси хукумати кафолати;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кафолати;
- Ўзбекистон Марказий банки розилиги билан биринчи синф хорижий банклари кафолати;
- Эркин айирбошланадиган валютадаги гаров;
- Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозлари кўринишидаги гаров;
- Стандартлаштирилган қимматбаҳо металлар қўйилмалари кўринишидаги гаров.

**Бошқа таъминотга** эга бўлган ссудалар гурухга қўйдагилар билан таъминланган кредитлар киради:

- мол-мулк гарови;
- қимматли қоғозлар кўринишидаги гаров;
- бошқа хуқуқий ва жисмоний шахсларнинг кафолат хати ва бошқалар киради.

Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла тўқис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада тузилганига боғлиқ.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда МДҲга кирувчи давлатлар тижорат банкларининг кредит сиёсати мамлекат иқтисодини тезроқ ривожлантиришга йўналтирилган. Ҳозирги вақтда бу мустақил давлатларнинг банклари аксарият ҳолларда кўпроқ воситачилик операцияларини ўтказиш учун қисқа муддатли кредитлар бермоқдалар. Шу

билинг бирга биз биламизки, кредитни узоқ муддатга инвестиция қилиш банкка ва жамиятга катта фойда бериши мумкин.

МДҲга кирувчи давлатларнинг тижорат банклари учун лизинг операциялари янги операциялари тури ҳисобланади. Бу операция турида банклар ёки лизинг компаниялари ижарага берилган мулкнинг эгаси бўлиб қолаверадилар.

Лизинг операцияларини ўтказишнинг банк учун фойдали томони шундаки, одатда ижара учун тўлов худди шу муддатга бериладиган узоқ муддатли кредитлар фоиз ставкасига нисбатан юқори бўлади.

Бундан ташқари, бу ерда мижознинг тўлов қобилиятига эга эмаслигидан йўқотиши риски бўлмайди. Битимда кўрсатилган шартларнинг бузилиши юзберган ҳолларда банк ижарага берилган мулкни қайтаришни талаб қилиши мумкин. Ривожланган хорижий мамлакатларда лизинг операциялари кенг тарқалган. Ўзбекистон ва бошқа МДҲ давлатларида лизинг операциялари ҳозир кам ҳажмда қўлланилади. Ҳозирги кунда лизинг операциялари қўллашни кенгайтиришга шарт-шароитлар яратиш соҳасида ишлар олиб борилмоқда.

#### **4-савол баёни: Банкнинг комиссион (воситачилик) ва траст операциялари.**

**Банкнинг комиссион (воситачилик)** операцияларни ҳам олиб борадилар, яъни бунда банклар мижозларнинг ҳисобидан уларнинг турли топшириклиарини бажарадилар. Бундай топшириклиар мамлакат ичida ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга пул ўтказиш билан боғлиқдир. Бунда мижоз ўз банкига унинг ҳисобидаги маълум бир суммани кўрсатилган адрес бўйича ўтказишни юклатади.

Операция ниҳоясига етганидан сўнг банк мижозга пул ўтказилганлиги тўғрисдаги хужжатни юборади ёки беради. Ўтказилган операциялар учун банк воситачилик ҳақини олади.

Комиссион (воситачилик) операцияларини амалга оширишда банклар ўз маблағларини бирор соҳага ёки фаолият турига қўймайдилар ва мижозларга ссуда бермайдилар. Улар фақатгина ўз мижозларининг тўлов топширқномасини бажарадилар, шунинг учун комиссион операциялари бўйича банк даромади фоиз шаклида эмас, балки воситачилик учун мукофот шаклида бўлади.

**Банклар воситачилик операцияларини** биржа ва нобржа бозорларида қиммат баҳо қоғозларни жойлаштиришда амалга оширади.

Бирламчи бозорда воситачилик оперерацияларга қўйдагилар киради:

1. Эмитентга чикарилган қоғозларнинг жойлаштирилиши кафолати
2. Эмитент номидан қиммат баҳо қоғозларни сотиш

Иккиламчи бозорда воситачилик оперерацияларга қўйдагилар киради:

1. Олди-сотди битимларни рўйхатга олиш
2. Мижоз номидан олди-сотди битимларини амалга ошириш

**Банк траст операциялари** воситачилик операцияларининг тури хисобланади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлекатларда мулкка эгалик қилишнинг кенг тарқалган шакли бўлиб бунда мулкнинг бир эгалиқдан (шахсдан) иккинчи эгаликка (шахс номига) ўтказишни ҳам банклар орқали амалга оширилиши мумкин. Молиявий воситалар миқдорининг ва молиявий активлар суммасининг қўпайиши натижасида тижорат банклари траст (ишончли) операцияларнинг қўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Ривожланган давлатларда банкларнинг траст департаментилари замонавий трансмиллий банкларнинг энг ривожланган бўлинмаларидан биридир.

Тижорат банкларининг траст департаментлари мижоз топшириғига биноан ишонч билдирган шахс хуқуқлари бўйича иш кўрадилар. Шунингдек, мижозларнинг пул маблағларини бошқарадилар ва бошқа молиявий воситалар билан боғлик бўлган операцияларни амалга оширади.

Банклар траст операцияларини нафакат жисмоний шахслар бўйича, балки юридик шахслар учун ҳам амалга оширадилар.

**Жисмоний шахслар учун** қўйдаги траст хизматлари турлари мавжуд: капитални бошқариш, ишонч ва васийлик билан боғлик операцияларни бажариш ва бошқалар.

Ҳозирги шароитда кенг тарқалган траст операциясининг шакли-бу ўз мижозларининг **капиталини бошқариш** туридир. Бунда банклар мижозларининг маълум пул маблағларини бошқаришга оладилар ва уларни мижоз билан келишган ҳолда жойлаштирадилар. Мижоз бунда ўз маблағларини ишлатиш тартибини белгилайди. Нуфузли банкларда бундай тартибда капитални бошқаришнинг 5 тури мавжуд.

**«қаттиқ консерватив»** турда-мижознинг маблағлари факатгина энг ишончли бўлган иқтисодий ривожланган мамлекатларнинг давлат қимматбаҳо қоғозларига сарфланади. Бунда заар кўриш ҳавфи умуман бўлмайди.

**«Консерватив»**-маблағларни ривожланган мамлекатларнинг давлат қимматбаҳо қоғозларига ва йирик халқаро банклар депозитларига қўйиш назарда тутилади. Лекин бунда банкларнинг синиш ҳолатлари мавжуд бўлганлиги туфайли бу тартибда маблағларни жойлаштириш мижозларга сўзсиз фойда олишларини ҳар доим ҳам кафолатламайди.

**«Ўртacha консерватив»** деганда маблағларни жаҳоннинг асосий фонд биржаларида баҳолангандан акцияларга қўйиш тушунилади. Инвестициялашнинг бўйўналиши ҳам фойда билан бир қаторда заар кўриш ҳавфини ҳам туғдиради.

**«Ўртacha агрессив»**- бу маблағларни фан –техника тараққийтини белгилаб берувчи компанияларнинг акцияларига сарфлашни билдиради. Бунда уларнинг курси тебраниб туради. Шу туфайли капитални бошқаришнинг бу тури айрим рисклар билан боғлик бўлади.

**«Агрессив»** – бу маблағларни «тўрт Осиё аждархолари» (Гонконг, Сингапур, Тайван, Жанубий Корея) компанияларининг акцияларига сарфлашни таъминлайди. Бунда катта фойда билан бирга катта заар кўриш ҳам мумкин.

Банкларнинг траст битимлари маълум хусусиятларга эга.

Хорижий мамлакатларда бу битимнинг муҳим хусусияти шундаки, бунда банк мижозга маблағларни қўйиш ва уларнинг оқибатлари тўғрисида хатлар юбориб, уни доимий равища хабардор қилиб туради.

Траст битимнинг хусусияти шундан иборатки, бунда банк салбий молиявий оқибатлар юз берганда мижоз олдида жавобгар бўлмайди. Асосан бу акцияларга сарфланган маблағларга тегишли бўлиб, уларнинг баҳоси базида ошиши ёки пасайиши мумкин. Масалан, 1987 йилда Нью-Йоркнинг фонд биржасидаги акцияларнинг курси таҳминан 2 марта пасайган. Бундай ҳолларда мижоз қолган маблағларини олиб, уларни бошқаришни бошқа банк департаментига ўтказиш мумкин. Ўзбекистонда тижорат банклари амалиётида траст операцияларини қўллаш имконияти аста-секин ривожланиб бормоқда.

### **5-савол баёни: Тижорат банкларнинг инвестицион фаолияти ва сиёсати.**

Ривожланган иқтисодиётда тижорат банклари ўз фаолиятини доими равища ўсиб борувчи рақобат шароитида амалга оширадилар. Улар ўзаро ва бошқа кредит-молия муассасалари билан, шу жумладан, охирги вақтда таклиф этилаётган ҳар хил янги хизмат турларини амалга оширувчи хорижий банклар билан рақобатлашади.

Қаттиқўл рақобат шароитида тижорат банклари фаолиятини асосий йўналишларидан бири инвестицион фаолият ҳисобланади.

**Инвестиция**-бу хусусий, давлат корхоналари ва ташкилотлари қимматли қоғозларига ўзок муддатга қўйилган маблағлардир. Тижорат банклари кредити инвестициясидан кўйдаги хусусиятлари билан фарқ қиласади:

**Биринчидан**, банк кредит берганда, банк маблағларини нисбатан қисқа вақт ичida фойдаланишга беради ва кредит суммаси ҳамда у бўйича фоиз ставкасини ўз вақтида қайташиб талаб қиласади. Инвестицияда эса қўйилган маблағлар (қўйилмалар) ҳали ўз эгасига қайтиб келишидан олдин узок давр мобайнида банкка даромад олиб келишини билдиради.

**Иккинчидан**, банк кредитида кредит муносабатларини юзага келтириш бўйича ташаббус қарз олувчи томонидан ўртага ташланадиган бўлса, инвестицияда эса қимматли қоғозлар бозорида активларни сотиб олишга интилувчи тиҷоарт банки ташаббус кўрсатади.

**Учинчидан**, банкнинг кредит шартномасида банк кам миқдоридаги кредиторлар орасида асосийдир. Инвестицион шартномаларида эса тижорат банки кўплаб кредиторлардан биридир.

**Тўртинчидан**, банк кредитидан банк ва қарз олувчи бевосита кредит шартнома орқали боғланган бўлиб, уларнинг фаолиятига ҳеч Ким аралашмайди. Инвестицияда эса турли хил қимматли қоғозлар орқали корхона, ташкилотларнинг фаолияти билан банкнинг фаолияти боғланиб кетади.

Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолият олиб боришдан асосий мақсад уларнинг даромадлилиги ва ликвидлигини (банкнинг фаолият бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилияти) таъминлашдан

иборат. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тижорат банкларининг инвестиция сиёсати банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлигини таъминлайди.

Банкларнинг инвестицион фаолияти қўйдагиларга маблағларини кўйиш орқали амалга оширилади.

- турли хил қимматбаҳо қоғозлар;
- оддий ва имтиёзли акциялар,
- облигациялар,
- давлат қарздорлик мажбуриятлари,
- депозит сертификатлари,
- вексель ва бошқаларга.

Алоҳида олинган давлатларда банклар тизимининг ривожланиши ва банклар ўтказадиган операцияларнинг турлари ва кўламига қараб уларнинг инвестицион фаолияти турли йўналишларга қаратилган бўлиши ва шу операциялар турлари бўйича олинадиган даромад салмоғи ҳам турли хил бўлиши мумкин.

Масалан, Америка банклари амалиётида давлатнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматли қоғозларига инвестиция қилиш одатда кам даромад келтиради, аммо улар юқори ликвидликка эга ва улар бўйича тўланмаслик риски нулга teng бўлиб, бозор ставкасининг ўзгариши риски ҳам кичик бўлган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Узоқ муддатли қимматли қоғозлар юқори даромад келтиради, шунинг учун банклар уларни муддати тугагунча сақлашади. Банклар ўз маблағларини муниципалитетларнинг қимматбаҳо қоғозларига ҳам қўйишади, чунки улар бўйича тўланадиган фоиз солиқقا тортилмайди.

Ўз ликвидлигини таъминлаш мақсадида банклар унча катта бўлмаган суммани бошқа қимматли қоғозлар: банк акцептлари, қимматли қоғозлар бозоридаги тижорат қоғозлари, брокерлик ссудалар ва товар-кредит корпорациялари сертификатларига қўйишади.

Даромадлиликни таъминлаш мақсадида, лекин ликвидлигини ҳавф остига қўйган ҳолда банклар ўз маблағларини баъзи бир хукumat муассасалари облигацияларига инвестиция қиласадилар.

Ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг инвестицион фаолияти даромад келтириши нуқтаи назаридан банк даромади таркибида кредит фоизидан кейинги иккинчи манба ҳисобланади.

Тижорат банклари инвестицион фаолиятининг даромадлилик даражасига бир қатор иқтисодий ва ташкилий омиллар таъсир қўрсатади. Бу омиллар орасида асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин. Булар:

- давлатнинг барқарор ривожланувчи иқтисодиёти;
- товар ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасидаги турли мулкчилик шаклларининг мавжудлиги, шу жумладан банк фаолиятининг хусусий ва акционер мулк шаклларининг устиворлиги;

- кредит-молия тизимининг бир меъёрда ва аниқ фаолият юритувчи структурасининг мавжудлиги;
- қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари фаолиятини назорат қилувчи қонуний актлар ва тартиларининг мавжудлиги;
- тижорат банкларининг халқаро инвестицион фаолиятини юритиш амалиётида бўлган юқори сифатли қимматли қоғозлар муомаласининг амал қилиши;
- инвестицион фаолият соҳаси ва қимматли қоғозлар бозори учун мўлжалланган юқори сифатли қимматли қоғозлар муомаласининг амал қилиши;

Алоҳида олинган қимматли қоғозлар тури ва гурухларининг даромадлилиги банкларнинг инвестиция портфелининг бозор баҳосига боғлиқ бўлади. Охирги ўз навбатида қуйдаги омиллар таъсирида ўзгариб туради. Булар:

- облигацияларнинг фоиз ставкалари, ҳисобга олинган фоизлар, векселлар бўйича фоизлар, акция бўйича девидентлар ва қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифлар.

Одатда қимматли қоғозларнинг бозор нархи ва ундан тижорат банклари оладиган даромад бир-бирига тескари мутаносиблиқдадир. қимматли қоғозлар баҳоси паст бўлганда улардан келадиган даромад юқори ва аксинча бўлиши мумкин. Шунинг учун қимматли қоғозлар бўйича фоиз кичик бўлганда, уларни сотиб оловчи инвестор фоиз ставкалари ошганда қимматли қоғозларни реал бозор қийматининг пасайиши муомаласи билан дуч келишлари мумкин.

Шундай қилиб, фоиз ставкаларининг ошуви салбий ва ижобий томонларга эга бўлади.

Қимматли қоғозларнинг фоиз ставкалари ошганда маблағларни инвестиция қилиш банкка фойда келтириши мумкин, аммо юқори фоиз ставкалари ўз навбатида банкнинг инвестиция портфелининг қадрсизланишини билдиради. Бундай ҳолат қимматли қоғозлар бозорида юз берганда, амалиётда банкнинг инвестицион маблағлари боғланган ёки «ёпилган» дейилади.

Қимматли қоғозларнинг алоҳида турлари бўйича даромадлилик даражаси фоиз ставкасининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ҳолларда қимматли қоғозларнинг муддати муҳим ўрин тутади, қимматбаҳо қоғознинг амал қилиш муддати қанчалик қисқа бўлса, унинг баҳоси ҳам шунчалик фоиз ставкалари даражаси ўзгариши тебранишлар таъсирига учрайди.

Қимматли қоғозлар нархлар орасидаги манфий фарқ уларнинг муддатига қараб турлича бўлиши қисқа муддатли қимматли қоғозлар узок муддатлиларига қараганда мижозларда кўпроқ қизиқиши уйғотиши мумкин.

Банкнинг қимматли қоғозларнинг сотиб олиш асосида банкларнинг инвестицион портфелини ташкил қилишдан асосий мақсади нафақат банкка даромад келтириш ва резервни тўлдиришнинг биринчи манбани ташкил этиш (нақд пул ва бошқа банкларнинг қарзлари), балки амалда деярли

йўқотишиз, энг кам риск билан, энг қисқа вақт ичидагимматли қоғозларни нақд пулга айлантириш имконига эга бўлишдан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг юқори самарадорлик, тўловлилиқ, ликвидлилик даражасини ушлаб туриш мақсадида тижорат банки доимо инвестицион фаолиятининг марказий муаммоларидан бири –банкка омонат қўйганлар ва акционерлар ўртасидаги бир-бирига мос келмайдиган манфаатларини қондириш масалаларига эътибор бериши ва унинг ҳар томонининг манфаатига мос келувчи даражада бўлишини таъминлашдан иборат. Бу муносабатларда томонлар манфаатининг мос келмаслиги банкнинг ликвидлилиги ва банк операцияларининг даромадлилиги ўртасидаги қарама-қаршилик деярли банкнинг ҳар бир операциясида ўз аксини топади. Бир томондан акционерлар юқори даромад олишни исташади, яъни бу ҳолда банк ўзида мавжуд маблағларни узок муддатли қимматли қоғозларга инвестиция қилишлари лозим бўлади; иккинчи томонидан банкка омонат қўйувчилар ўз омонатларини тезда қайтариб олиш имконига эга бўлишларини ҳоҳлайдилар.

Ликвидлик ва даромадлилик орасидаги зиддият инвестиция рискини аниқлайди ва у тижорат банки томонидан юқори даромадликка ликвидлилик даражасини пасайтирган ҳолда эришиш имкониятлари эҳтимоли сифати кўриб чиқиқилиши мумкин.

Тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида қўйдаги риск омилларини учратиш мумкин. Булар: кредит, бозор ва фоиз рисклари.

Кредит риски қимматли қоғоз эмитентининг молиявий аҳволининг, имкониятининг пасайиши билан боғлиқ бўлиб, бунда у ўз молиявий мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмайди. Ундан ташқари кредит рисклар хукумат ва давлат ташкилотларининг аҳолидан олинган қарз маблағлари бўйича тўлаш имконияти билан ҳам боғлиқдир.

Масалан, АҚШ иқтисодиёти барқарор бўлганлиги учун АҚШ федерал хукуматининг қимматли қоғозлари рисклардан ҳоли ҳисобланади.

Давлат хокимиётининг нафақат заёmlар олиши, балки ўз мажбуриятларини тўлаш қобилиятига эга бўлиши давлатнинг қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш ва бутун молия-кредит механизмининг аниқ фаолият юритиш учун муҳимдир.

Бозор рискини моҳияти қимматли қоғозлар бозорида кутилмаган ўзгаришлар юзага келиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўзгаришлар натижасида баъзи бир қимматли қоғозларнинг инвестиция обьекти сифатида қадри тушуши мумкин ва уларнинг сотувини фақатгина катта чегирма (скидка) билан амалга ошириш мумкин бўлади.

Тижорат банкининг ўз ликвидлигини хавф остига қўйиб даромад олиш мақсадида салмоқли маблағларини инвестицион фаолиятга қўйиши банк ишида катта ёки кичик миқдорда инвестицион рискнинг юзага келишига имконият яратади. Бундай ҳолда тижорат банкларининг инвестицион фаолияти қимматбаҳо қоғозлар билан актив операциялар олиб бориш риски билан боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида банк раҳбариятидан бу соҳада аниқ

тактика , стратегия ва иш режасини ишлаб чиқишини, яъни инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишни талаб этади.

Шундай қилиб, банклар тизимида инвестиция сиёсати- тижорат банклари фаолиятининг бир йўналиши бўлиб, у маълум риск даражасига асосланган банкнинг қимматбаҳо қоғозлар билан актив операцияларини ўз ичига олади ва банк фаолиятининг даромадлилигини ва ликвидлилигини таъминлашга қаратилган бўлади.

Жаҳон амалиётида тижорат банклари инвестиция соҳасида юқори тажрибага эга. Шунинг учун ҳам жаҳон амалиётида эришилган ютуқларга асосланган ҳолда инвестиция фаолиятининг асосий мақсадлари, вазифалари, омиллари, стратегияси ва тактикасини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг инвестиция сиёсатини амалга ошириш бўйича «инвестициянинг олтин қоидаси» ишлаб чиқилган. Унга кўра: «қимматли қоғозлардан келадиган даромад-ҳар доим инвестор шу даромадни олиш учун тўқнаш келадиган риск даражасига тўғри пропорционалдир».

Инвестиция фаолиятининг тамойиллари ва қимматли қоғозларга маблағларни қўйишининг асосий омиллари–даромадлилик, ликвидлилик ва риск-орасидаги боғлиқликдан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир тижорат банки юқоридаги омиллари таъсирини англаган ёки англамаган ҳолда ёки бу инвестиция сиёсатини яхши ёки ёмон амалга оширади. Бу ўз навбатида банкнинг инвестиция сиёсатида банк томонидан маълум даражадаги инвестиция рискига боришини билдиради ва тижорат банкининг инвестиция сиёсатида тегишли чоралар ишлаб чиқиш зарурлигини англатади.

Инвестиция билан боғлиқ рискларни камайтириш усусларидан бири бу банкларнинг инвестиция портфелини диверсификация қилишdir.

**Инвестиция портфелини диверсификация қилиш** банкнинг инвестиция портфелида турли хил кўпдан-кўп қимматли қоғозларнинг мавжудлиги эришишни билдиради. Диверсификация усулида инвестиция сиёсатини амалга оширишда қимматли қоғозларнинг ҳар хил хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Булар:

- уларнинг тўлаш муддати ва сифати (таъминлангани), эмитентнинг салоҳияти, қимматли қоғозларнинг сифати бўйича диверсификация қилиниши;
- қимматли қоғозларнинг қоғозларнинг географик тарқалиши бўйича диверсификация қилиниши,
- қимматли қоғозларнинг тўланиш муддати бўйича мажбуриятларнинг тури ва б.

Юқоридаги белгилар бўйича таъминланганлигига кўра диверсификация қила туриб инвестиция сиёсатининг мақсадлари аниқланади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғоз сифатига доир диверсификациянинг асосий мақсади рискни минималлаштириш (у эмитентнинг ўз мажбуриятларини бажара олмай қолишилик эҳтимоли билан белгиланади). Шу муносабат билан акция сифатининг таъминланганлик даражаси бўйича диферсификация усули ҳам мавжуд бўлиб, назариётчилар фикрича, у бир қатор омилларни ўрганиб чиқишни талаб қиласи: булар

эмитент қандай фаолият билан шуғулинашини, акция даромади, дивидент миқдори, компания акциясининг жорий нархи, захираси, компанияни Ким бошқараётганлиги ва бошқалар бўлиб, кўрсатилган саволларга жавобни эмиссия проспекти ва биржа ахборотномаларидан олиш мумкин.

Қимматли қоғозларнинг географик тарқалишига нисбатан диверсификация мақсади – тегишли районлардаги иқтисодий қийинчиликлар рўй берганда юзага келадиган рсикларни камайтиришдан иборат.

Қимматли қоғозларнинг тўлаш муддати бўйича диверсификациясидан мақсади – фоиз ставкаларининг тебраниши билан боғлиқ рискларнинг олидини олишдан иборатдир. Бу инвестиция сиёсатини амалга оширишда тижорат банклари одатда қимматли қоғозларнинг тугатилиш муддати бўйича поғонали структурадан фойдаланишади. Бундан поғонали структура натижасида муддати тугаган қимматли қоғозлар бўлмайди ва уларни узоқ муддатли юқори даромадли қимматли қоғозларга реинвестиция қилиш имкони тўғилади.

Қимматли қоғозларнинг фоиз даражалари прогнози амалиётда назариядан фарқ қиласди. Шунинг учун тижорат банклари прогноз натижаларининг ишончлилик даражасини ошириш мақсадида фоиз ставкаларини таркибини таҳлил қиласдилар.

Одатда жаҳон амалиётида тижорат банклари ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш учун бошқариш структурасида маҳсус инвестиция бўлимларини ташкил қилишади. Бўлимдаги ходимлар сони бир қатор омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Булар: қимматли қоғозлар портфели катталиги, бўлим томонидан қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш бўйича бажариладиган функцияларга, банкнинг мижозларига кўрсатадиган хизматларга, қимматли қоғозлар тури ва сифатига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Бўлим ишчиларининг малакаси қанчалик юқори бўлса, улар бажараётган вазифа, ишнинг сифати ҳам шунчалик юқори бўлади. Мутахасислар инвестиция дастурида кўзланган мақсад ва вазифаларни яхши тушинишлари, инвестиция хизматлари бўйича маълумотларга эга бўлишлари, молия-иқтисодий маълумотлардан хабардор бўлишлари, қимматли қоғозлар бозорини мустақил таҳлил қила олишлари, қайси қимматли қоғоз турлари банкка тўғри келиши ёки келмаслигини аниқлашлари, даромадлик эгри чизиқларининг кўра олишлари, бу билан инвестиция фаолиятини бошқаришни таъминлашлари лозим.

## **6-савол баёни. Тижорат банкларининг молиявий хизматлари ва халқаро операциялари.**

**Тижорат банкларининг молиявий хизматлари.** Тижорат банклари ўз фаолияти давомида турли хил хизматлар кўрсатади. Тижорат банкларининг бу хизматлари улар учун маълум даромад олиб келади. бу даромадлар комиссион мукофот, ўтказмалар ва йиғимлар шаклида бўлиши мумкин. Кейинги йилларджа банк хизматларининг турлари ва миқдори ўсиб, бу соҳа банк фаолиятининг сезиларли йўналишига, уларнинг даромадининг

манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи банклар даромадлари таркибида асосий ўринни ҳар хизматлардан келадиган тушумлар ташкил қиласди.

**1. Кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятида аренда ёки лизинг операцияларини молиялаштириш билан боғлиқ фаолият турлари кенг ривож топмоқда.** Бу операцияларнинг моҳияти шундаки, банклар машина-ускуна, жиҳозлар, транспорт воситаларини саноат корхоналарига узоқ муддатли арендага беришади ва улар билан лизинг шартномаларини тузишади. Бу ҳолда банк воситаларни сотиб олиш учун саноат корхоналарига ссуда бериш ўрнига уларни ўзи сотиб олади ва уларни истеъмолчиларга арендага берган ҳолда, эгалик хуқуқини ўзида ўзида сақлаб қолади. Бунда банк ссуда фоизини эмас, балки лизинг инвестицияларни молиялаштиришнинг маҳсус усулларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишга эришишни таъминлаш шароитида, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини таъминлаш ва уни кенгайтириш учун ликвид маблағлар ҳажмининг чекланганлиги ва илмий техника прогрессини жорий қилиш шароитида инвестицияларни оптималлаштириш зарурияти лизинг операцияларнинг роли ва аҳамиятини оширади ва уларни иқтисодий фаолиятининг муҳим воситаларини шу вақтнинг ўзида унчалик катта бўлмаган харажатлар эвазига олиш имконини беради. Ижарага олувчи учун воситани (асбоб-ускуна, жиҳоз ва ҳакозоларни) сотиб олиш ва молиялаштириш масалаларини бир вақтда ҳал этилади. Лизинг усулида истеъмолчиларнинг илғор технологияга тезроқ ва арzonроқ эришиши енгилпроқ кечади ва бу ишлаб чиқариш воситаларининг маънавий эскириши билан боғлиқ харажатлардан кутилиш имконини беради. Саноат корхоналари учун амортизация даражасининг юқорилиги, ишлаб чиқариш воситаларининг юқори рентабеллиги, ликвидлиликнинг сақланиши, ўз капитали ҳаракати, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида олиб борилиши, ўзаро қарздорлик ликларнинг бўлмаслиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бозор талабларига жавоб бера олиши ва бошқа омиллар уларнинг молиявий жиҳатдан барқарор бўлишини таъминлашнинг асосларидан ҳисобланади.

**2. Факторинг** Факторинг (ингл. Factor-воситачи)- ҳисоб-китобларни ташкил этиш соҳасидаги янги хизмат турларидан бўлиб, мижознинг айланма капиталини кредитлаш билан мувофиқлашади. Бунда банк, мижознинг қарзга оид талабларини, уларни етказиб бериш қийматининг 80% шу захоти тўлаш ва қолган қисмини кредит учун фоизлар ва воситачилик ҳақини чиқариб ташлаб тўлаш шарти билан сотиб олади. Бу операциялар бутун хўжалик кўламида тўловлар айланишини амалга ошириш билан боғлиқдир.. Бундай операциялар бўйича мурожаат қилишлари мумкин бўлади.

**3. Банклар томонидан амалга ошириладиган муддатли операциялар форвард операциялари деб юритилади.** Форвард операцияларидаги валюта курси спот шартномаси бўйича курсдан фарқланади. У мукофат ва чегирма (скидка) усули билан ўрнатилади. Мукофат форвард курси спот курсидан мукофат миқдорига кўплигини билдиради. Форвард маржаси, яъни спот ва

форвард орасидаги фарқ жаҳон капитали бозоридаги депозитларнинг фоиз ставкаларига боғлиқ бўлади. Депозит фоизи кичик давлатларда валюта курси мукофат билан, катта давлатларда валюта курси чегирма билан белгиланади.

### **Тижорат банкларининг халқаро операциялари.**

Бозор иқтисоди шароитида тижорат банклари нафақат мамлакат ичкарисида, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам турли хил операцияларни олиб борадилар. Тижорат банкларининг бошқа мамлакатлар билан олиб борувчи операциялари уларнинг халқаро операциялари деб юритилади. Тижорат банкларининг хақаро операциялари ўз ичига халқаро савдода иштирок қилувчилар ўртасидаги муносабатларни, ссуда капитали бозорида инвестиция фаолиятини юритувчи, туризм, хорижий қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, валютани айирбошлиш чек, вексел, инкасация учун банк акцептларини қабул қилиш билан шуғулланувчи мижозлар томонидан талаб қилинадиган хизматларни ўз ичига олади.

**1. Халқаро операциялардан банкка тушадиган даромаднинг энг асосий қисмини кредит беришдан тушадиган даромадлар ташкил қиласди.** Халқаро савдони банк томонидан кредитлаш товар ва товар хужжатларини гаровга олиш асосида кредит бериш, **вексель бўйича ва акцепт кредитларни**, банк ссудаларини бериш шаклида амалга оширилади. ташки савдони кредитлашнинг янги шаклларига лизнг, факторинг ва форфетирлаш кабиларни киритиш мумкин. Ўрта ва узоқ муддатли халқаро банк кредитлари евро-кредит шаклида ҳам берилади.

**2. Банкларнинг халқаро операцияларининг яна бир тури бу банкларнинг валюта операциялари ҳисобланади.** Банкнинг бир валюта бошқа валютага алмаштириш билан боғлиқ халқаро операциялари валюта операциялари дейилади. Уларни амалга ошириш зарурияти мавжудлигининг асосий сабаби халқаро савдо, халқаро кредит ва хизматлар бўйича ҳисоблашишларда ягона тўлов васитасига эга бўлиш зарурлиги ҳисобланади.

Турли хил валюта операциялари йиғиндиси жаҳон ссуда капитали бозорининг асосий қисмларидан бири бўлган валюта бозорини ҳосил қиласди. Валюта бозорида хорижий валютага талаб ва таклиф мужассамлаштирлади. Таклиф сотилган товар ва хизматлари учун даромад олган экспортердан, талаб эса сотиб олинган товар ва хизматлари учун хорижий валютага мухтоҷ импортерлардан келиб чиқади. Валюта операциялари асосини товарлар ва хизматлар, капитал ва кредитларнинг халқаро харакати ташкил этади.

Валюта бозорида операцияларни алоҳида олинган банклар, компаниялар ва жисмоний шахслар амалга оширадилар. Биржа ичидаги ундан ташқаридаги валюта бозорлари бир-биридан фарқ қиласди. Валюта операцияларининг қўпчилиги биржадан ташқаридаги бозорларда тижорат банклари орқали амалга оширилади.

**3. Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларида турли ҳисоб шакллари қўлланилиши мумкин.** Булар қаторига банк буйруғига асосан пул ўтказиш (ўтказма тури), банк чеки, банк вексели, аккредитив, инкасса шакллари ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Ўтказма** – бу банкнинг ўз мижозининг талаби асосан унинг маблағи ҳисобидан тўланиши зарур бўлган суммани олиши зарур бўлган хорижий корхонага маблағни почта ёки телеграф йўли билан ўтказиб қўйиш тўғрисидаги бошқа мамлакатдаги банк корреспондентлар томонидан маҳсус коднинг қўлланиши. Валюта маблағлари бўйича зарап келтириш ва ўз мижозларига маблағларни ўтказишида банк томонидан хатоларга йўл қўйишидан сақлайди, ўтказмада банк икки операцияни бир вақтнинг ўзида бажаради: миллий валюта ҳисобига мижозига ҳорижий валютани сотади ва чет элга ўтказиб беради.

**Банк чеки**-бу банкнинг хорижий банк корреспондентига маълум миқдордаги пулни чек эгасига унинг шу банкда мавжуд бўлган корреспондентлик варагасидан тўлаш тўғрисида ёзма бўйруғидир.

**Банк вексели** – бу ўтказма вексел (тратга) бўлиб, банк томонидан хорижий банк корреспондентга тўлаши учун берилади.

Классик ва энг кенг тарқалган хужжатли ҳисоб-китоблар шакли бўлиб хужжатли аккредитив ва хужжатли инкассо ҳисобланади.

**Аkkredитив** бу банк (банк эмитент) мажбурияти бўлиб мол сотиб оловчи (импортер) кўрсатмасига биноан мол сотувчи (экспортер) варагига маблағни ўтказиши ёки тратгани тегишли суммада (хизмат ёки товар) акцеплашни сотувчи томонидан тақдим этилган хўжжатга мувофиқ амалга оширишни ифодалайди. Аккредитив шаклидаги ҳисоб-китобларда бир қанча банклар иштирок этиши мумкин: аккредитивни очувчи банк-эмитент; сотувчига аккредитив очилган тўғрисида хабар берувчи банк; аккредитивни тўловчи ёки тратгани акцептловчи банк. Шу билан биргаликда банк эмитентдан бошқа банклар ролида бир банкнинг ўзи ҳам иштирок этиши мумкин.

**4. Хужжатлар инкассо операциясида** экспортёр ўз банкига инкассо топшириқномасини беради ва ташқи савдо шартномасида кўрсатилган хужжатларни тақдим этиш билан импортёрдан маълум валюта миқдорини олиш лозимлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда экспортёр ўз банки орқали импортёр банкига инкассация учун хужжатларни жўнатади.

#### **Тавсия этиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
2. Ковалёва А. и др. Финансы и кредит. – М.: Финансы и статистика, 2006.
3. Мамедов О.Ю. и др. Современная экономика. – Ростов на Дону. 1998.
4. Сенчагов В.К. и др. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.
5. Соколова О.В. и др. Финансы, деньги, кредит. Учебник.- М.:Юристъ.2004
6. Поляк Г.Б. и др. Финансы. Денежное обращение. Кредит. – М.: ЮНИТИ, 2004.
7. “WWW. Finstat. Ru” – «Финансы и статистика» нашриёти сайти.

## **Мавзу 11. ИНФЛЯЦИЯНИНГ МОХИЯТИ ВА КҮРИНИШ ШАКЛЛАРИ**

**Ажратилган соат – 2 соат**

**Асосий саволлар:**

- 1. Инфляциянинг мохияти ва унинг юзага чиқиши шакллари**
- 2. Инфляциянинг шакллари ва турлари**
- 3. Инфляциянинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари**
- 4. Инфляциянинг барқарорлаштириш усуллари**

### **1-савол баёни. Инфляциянинг мохияти ва унинг юзага чиқиши шакллари**

Инфляция XVIII асрнинг ўрталарида муомалага таъминланмаган жуда кўп миқдорда пул чиқариши натижасида пул тизимидағи инқироз ҳолат асосида юзага чиққан. Инфляция (лотинча «inflation» сўзидан олинган ва шишиш, кўпчиш, кўтарилиш маъносини англатади) ўз мохиятига асосан пулнинг қадрсизланиши, товар ва хизматларга бўлган баҳоларнинг мунтазам равишида ошиб бориши жараёнини англатади. Шуни таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатлар тажрибаси инфляция нисбатан меъёр даражасидаги пул массаси ҳолатида ҳам юзага чиқиши мумкин.

Ҳозирги замон инфляцияси нафақат товарлар ва хизматларга бўлган баҳоларни мунтазам ўсиши натижасида пулнинг сотиб олиш қобилиятини пасайиши билан бир қаторда ишлаб чиқариш жараёнидаги номутаносиблиқ, пул муомаласи, молия ҳамда кредит соҳасидаги салбий омиллар Билан таснифланади. Инфляциянинг юзага чиқишининг асосий сабаблари бўлиб иқтисодиёт тармоқлари, жамғарма ва истеъмол, талаб ва таклиф, давлат даромадлари ва харажатлари, хўжаликларнинг пул массаси ва унга бўлган талаби ўртасидаги мутаносиблиқ ҳамда марказий банкнинг кредит экспансияси ҳисобланади. Ушбу таъкидлаб ўтган омиллар ўз мохиятига асосан инфляцияга, унинг даражасига тарлича таъсир этиши мумкин.

Халқаро амалиётда иқтисодчи олимлар инфляциянинг юзага чиқадиган омиллар асосан икки гурухга: ички ва ташқи омилларга ажратадилар. Биз ушбу омилларнинг мохиятини ёритишга харакат қиласиз.

1. Ички омилларни мохиятига асосан пуллик (монетар) ва пулсиз омилларга ажратиш мумкин. *Пуллик омилларга* давлат молиясининг инқирози, бюджетнинг тақчиллигини мавжудлиги, давлат қарздорлигини ортиши, пул эмиссияси, қредит дастакларининг айланнишини кўпайиши, пул айланмасининг тезлиги ва бошқалар киради. *Пулсиз омилларга* миллий иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги номутаносиблиқ, тармоқлар иқтисодий ривожланишдаги бир маромсиз даража, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида монополиянинг (олигополия) мавжудлиги, нарх шаклнтиришдаги давлат монополияси, марказий банкнинг кредит экспансия ва бошқа омилларни киритиш мумкин;

2. Ташқи омиллар ўз мохиятига асосан бирон аниқ давлат ривожланишига таъсир этадиган дунёда амалга ошаётган жараёнларни акс этади. Ушбу омилларга дуне мамлакатларда юзага чиқадиган соҳа инқирозлари

хисобланадиган хом-ашё, энергетика, нефть, валюта инқирозларни киритиш мумкин. Ушбу омиллардан ташқарии бирон-бир давлатнинг бошқа давлатларга нисбатан олиб борадиган давлат миқиёсидаги валюта сиёсатини, яширин ҳолатда валюта, олтинни экспортини амалга оширилишини ҳам киритиш мумкин.

Биз қуидаги чизмада инфляцияни юзага чиқиши шаклларини таҳлил этамиз. Ушбу чизма таҳлилидан кўриниб турибдики, инфляция асосан уч йўналишда юзага чиқади. Биринчи йўналишда маҳсулотлар, ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нархларни асоссиз равишида ўсиб кетиши туфайли пул қадрсизлана бошлайди. Бунинг натижасида миллий валютанинг харид қилиш қобилияти тушиб кетади. Иккинчи йўналишда, хорижий валюталарга нисбатан миллий валютанинг курси пасайиб кетади. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакат аҳолиси эркин муомаладаги хорижий валюталари (АҚШ доллари, евро, швейцария франки ва бошқаларни) жамғара бошлайди. Учинчи йўналишда олтинга бўлган миллий пул бирлигига ифодаланган нарх кўтарилиб кетади. Бунинг натижасида мамлакат аҳолиси ўртасида олтиннинг тўпланиб қолиши, яъни тезаврация амалга ошади.

1 чизма

### **Инфляциянинг юзага чиқиши шакллари.**



### **2- савол баёни. Инфляциянинг шакллари ва турлари**

Халқаро амалиётда инфляциянинг нархларини ўсиши, яъни пулларнинг миқдори ўсиши жихатидан асосан уч шаклини ажратилади:

- Сокин** (ползучая, умеренная) инфляция. Ушбу инфляция иқтисодий ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатда маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар

йилига ўртача 3% дан 10% гача ошиши мумкин. Бу мамлакатларда муомаладаги пул массаси сақланиб туради ва миллий пул бирлигининг харид қилиш қобилияти сақланиб туради.

2. **Шиддатли** (галопирующая) инфляция. Ушбу инфляция иқтисодий ривожланаётган мамлакатларда мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатда маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар йилига ўртача 10% дан 100% гача баъзи ҳолатларда 200% гача ошиши мумкин. Бунинг натижасида муомаладаги пул массаси кўпаяди ва миллий пул бирлигининг харид қилиш қобилияти тушади. Мамлакат аҳолиси ўртасида пулнинг моддийлаштириш, яъни миллий пул бирлигини жамғариши эмас, балки олтин, кўчмас мулк ҳолатида жамғариши жараёни кучаяди.

3. **Жиловланмаган** (гиперинфляция) инфляция. Ушбу инфляция ҳолатида маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар йилига 1000% дан ортиқ ёки ойига 100% дан ортиқ даражада ошади. Ушбу ҳолатда миллий иқтисодиётда инқироз юзага чиқади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ва бозор бошқарувсиз фаолият кўрсатадити, нарх-наво ва иш ҳақи ўртасидаги фарқ ортади. Мамлакат аҳолиси қўлидаги қофоз пулларга товарлар сотиб олади. Бу ҳолат эса муомалада товар массаси билан товар ва хизматлар билан таъминланмаган ортиқча қофоз пулларни тўлиб-тошишига олиб келади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инфляциянинг асосий сабаби одатда бир эмас, балки бир нечта бўлиб ўзаро маҳкам боғланган бўлади ва нарх-навонинг кўтарилиб бориши билангина намоён бўлиб қолмайди, балки нарх-навони бошқарилишига ҳам боғлиқ бўлади. Ушбу жихатдан қуйидаги инфляция шакллари ажратилади:

1. **Ошкора инфляция.** Талаб томонига қараган макроиктисодий тенгизлик доимий равишда нарх-навонинг кўтарилиб бориши билан ифодаланадиган бўлса, бундай инфляция ошкора инфляция деб аталади. Ошкора инфляция бозор механизмини бузмайди: нарх-наво баъзи бозорларда кўтарилиши билан бир вақтда бошқа бозорларда пасайиб бориши мумкин. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, бозор механизмлари ўз таъсирини давом эттириб, миллий иқтисодиётга баҳолар тўғрисидаги маълумотларни ошкора етказиб туради, инвестицияларни илгари суриб, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши билан таклифни рағбатлнтириб боради.

2. **Яширин инфляция.** Инфляциянинг ушбу тури шундай кўринишда бўладики, бундай ҳолатда баъзи бир истеъмол маҳсулотларига нарх-наво маъмурий тарзда давлат томонидан ўрнатилади ва тартибга солиб турилади. Бундан асосий мақсад, давлат томонидан баъзи маҳсулотларга нарх-навони «ижтимоий паст» даражада белгилайди. Яширин инфляция шароитида нарх-навонинг кескин ўсиши кузатилмаслиги мумкин. Лекин миллий пул бирлигининг қадрсизланиши, маҳсулотлар аҳоли пул маблағларига керакли маҳсулотларни харид қилиб бўлмаслиги ҳолатлари пайдо бўлади.

Иқтисодиётда яширин инфляция юзага чиққанда маҳсулотларнинг нарх-навоси ҳамда аҳолини даромадларини ўсиши вақтинча тўхтатилади. Яширин инфляцияни вужудга келишини асосий сабабларидан бири бу нархлар

устидан маъмурий назорат ўрнатишдир. Бунинг натижасида бозор механизми деформацияланади. Унинг қайси даражада ва ўзгарганилиги даражаси ва давомийлиги давлат томонидан олиб бориладиган сиёсатга ҳамда тартибга солиш шаклига бевосита боғлиқ бўлади. Ушбу инфляциянинг салбий томони шундан иборатки, инфляция даврида ишсизлик даражаси ошади, чунки ишлаб чиқариш ривожланмайди.

Хорижий ва миллий иқтисодий назариянинг қарашларига асосан миллий иқтисодиётнинг балансини бузилиши ва унинг оқибатида инфляциянинг юзага чиқишининг қуидаги ўртта омиллари мавжуд:

- қоғоз пулларнинг эмиссия қилишда ва ташки савдода давлатнинг мутлоқ монополияси;
- ҳозирги замон давлат функцияларини бажариш учун давлат харажатларини ортиши;
- касаба уюшмалари томонидан бюджет муассасалари ишчиходимларининг иш ҳақларини ошириш бўйича фаолияти;
- иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш соҳасида айрим хўжалик субъектларининг монополия (олигополия) ҳолатининг мавжудлиги.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган омиллар нафақат ўзаро боғлиқ, балки улар талаб ва таклифларнинг ўсиши ёки пасайишига турлича таъсир кўрсатади.

Хорижий амалиётда инфляциянинг юзага чиқишини усулларига асосан қуидаги турларга ажрапилади: таклиф инфляцияси, талаб инфляцияси, харажатлар инфляцияси, кредит инфляцияси, импорт билан боғлиқ инфляцияси, кутилаётган инфляцияси.

**Таклиф инфляциясида** ишлаб чиқариш харажатларини ошиши натижасида маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-навонинг ўсиши юзага чиқади. Ушбу инфляция турида монопол ҳолатдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқаришда асосий воситаларни модернизация қилиш билан бир вақтда улардан тўлиқ фойдаланмаслик натижасида харажатлар ортади. Бунинг натижасида барча ишлаб чиқариш харажатлари нисбатан кам чиқарилган маҳсулотларнинг нарх-навосини ўсиши амалга оширилади.

**Талаб инфляцияси.** Инфляциянинг ушбу тури мамлакат аҳолиси ва хўжалик субъектларнинг даромадлари ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар миқдоридан тез ўсади. Одатда, талаб инфляция аҳолининг тўлиқ иш билан таъминланган ҳолатда юзага чиқади. Аҳолининг даромадлариниг тез суръатда ўсиши натижасида маҳсулотларга, бажарилган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлари бўлган нарх-наво ошади. Бундай ҳолатда талабниг ҳар қандай ўсиши нарх-навонинг ўсишига олиб келади.

**Харажатлар инфляцияси.** Инфляциянинг ушбу тури хом-ашё ва энергетик ресурсларга бўлган харажатларнинг ўсиши туфайли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва бажариладиган ишларнинг нарх-навосини ўсиши натижасида юзага чиқади. Хом-ашё ва энергетик ресурсларга бўлган

дунё нархларини кўтарилиши ҳамда хорижий валютага нисбатан миллий валюта курсини пасайиши харажатлар инфляциясининг юзага чиқишини асосий сабаблари ҳисобланади. Харажатлар инфляциясида маълум бир маҳсулотнинг нарх-навосини ўсиши автомат равишда бошқа маҳсулотлар нарх-навони ўсишига олиб келади. Масалан, нефть маҳсулотларига бўлган дуне баҳосиниг ўсиши натижасида унга бевосита боғлик маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар нарх-навоси ўсиб кетади. Харажатлар инфляцияси таклиф инфляциясига ўхшашиб, лекин бу инфляцияда баъзи харажатларнинг ўсиши аниқ олинган мамлакат иқтисодиётига бевосита боғлик бўлмаган ҳолатларда юзага чиқиши мумкин.

**Кредит инфляцияси.** Ушбу инфляция тури мамакат марказий, баъзи мамлакатларда миллий банклари томонидан олиб бориладиган кредит экспансияси натижасида юзага чиқади. Марказий банк тижорат бинклари учун юқори даражадаги қайта молиялаштириш ставкасининг ўрнатилиши натижасида хўжалик субъектларига бериладиган кредит қимматлашади. Хўжалик субъектлари олинган кредит ва у бўйича фоизларни ўзлари ишлаб чиқаридиган маҳсулот таннархига киритади ҳамда ушбу ҳолат маҳсулотлар нарх-навосини кўтарилишига сабаб бўлади.

**Импорт билан боғлик инфляция.** Инфляциянинг ушбу тури аниқ олинган мамлакатга ташқи омиллар асосида юзага чиқади. Ушбу ҳолатда импорт қилинадиган маҳсулотларга бўлган нарх-навонинг кўтарилиши натижасида баъзи маҳсулотларга бўлган нарх-наволар занжир тарзида кўтарилиши мумкин.

**Кутилаётган инфляция.** Инфляциянинг ушбу турида давлат томонидан олиб борилаётган пул-кредит ва бюджет сиёсати натижасида жорий йил учун инфляциянинг таҳлилий даражаси белгиланади ва у даражада тартибга солиб турилади.

### **3- савол баёни. Инфляциянинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари**

Ҳар бир мамлакатда инфляция мавжудлиги ундаги иқтисодий ҳолатниг ёмонлашувига сабаб бўлади. Ушбу салбий ҳолатлар қуйидаги йўналишларда юзага чиқади:

1) Ишлаб чиқариш хажми қисқаради, чунки нарх-наволарнинг доимий тарзда тебраниб туриши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бўлган истиқболларга ишончни йўқотишига олиб келади;

2) Ишлаб чиқариш соҳасидаги капитал савдо ва воситачилик операцияларига оқиб ўтиши кузатилади. Чунки савдо ва воситачилик соҳаларида капитал айланиши тез амалга ошади ва катта фойда келтиради. Инфляция юқори бўлган даврда аҳоли ўртасида пулдан қочиш ҳолати кузатилади, яъни кишилар қўлларида пуллардан имконият даражасида тезроқ сарфлашга ҳаракат қиласилади. Улар пулларга турли товарлар сотиб оладилар. Бунинг натижасида савдо ва воситачилик дўконида товарлар тез сотилади;

3) Нарх-навонинг кескин ва нотекис ўзгариши натижасида чайқовчилик кенгаяди. Инфляция натижасида товар танқислиги (дефицит) юзага чиқади. Ушбу тақчиллик нарх-навонинг кескин қўтарилишига олиб келади;

4) Давлат молия ресурслари қадрсизланади. Давлат бюджети даромадлари бюджет харажатлари амалга оширилгунча қадар даврда қадрсизланади. Бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни сақлаш қийинлашади ва бунинг натижасида бюджет тақчиллиги (дефицити) юзага чиқади;

5) Мамлакатда кредит операциялари чекланади. Чунки инфляция даражаси туфайли юридик ва жисмоний шахсларга тижорат банкларидан бериладиган кредитларнинг фоиз даражасиниг юқори даражада ўрнатилади. Ушбу салбий ҳолат ишончни пасайтиради.

Инфляциянинг энг асосий ижтимоий оқибати бўлиб даромадлар ва бойликларни қайта тақсимланиши амалга ошиши ҳисобланади. Ушбу қайта тақсимланиши қуйидаги омиллар натижасида амалга ошади:

- мамлакат аҳолисининг даромадлари индексация қилинmasлиги;
- тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган кредитлар баҳолар индексларининг ўзгаришини ҳисобга олинмаган ҳолда берилишилиги.

Инфляция шарт-шароитларида мамлакатда ички маҳсулот ва миллий даромад қуйидаги йўналишларда қайта тақсимланади:

1) Миллий иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш соҳалари ва мамлаат худудлари ўртасида нарх-навонинг нотекис ўсиши натижасид;

2) Мамлакат аҳолиси ва давлат ўртасида. Бунда давлат томонидан муомаладаги ортиқча пул массасидан қўшимча даромад сифатида фойдаланади. Халқаро амалиётда бу инфляцион солиқ деб номланади;

3) Мамлакат аҳолисининг синфлари ва турли тоифалари ўртасида. Маҳсулотлар ва хизматларга бўлган нарх-навонинг нотекис ўсиб кетиши натижасида аҳоли ўртасида ижтимоий тоифаларга бўлинишини (бойлар, камбағаллар, қашшоқлар), мулкий ҳолатидаги фарқни чукурлашувига, жамғармалар ва жорий истеъмолнинг кескин ўзгариши юзага чиқади. Инфляциянинг ижтимоий салбий таъсири энг аввало қатъий белгиланган даромадлари оловчи шахслар ҳисобланган – нафақаҳўрлар, ногиронлар, кўп фарзандли оиласлар ва давлат хизматчилари (ўқитувчилар, врачлар, боғча ходимлари ва бошқалар) учун жуда оғир кечади;

4) Дебиторлар ва кредиторлар ўртасида. Ушбу ҳолатда олинган қарзларни пул қадрсизланиши натижасида дебиторлар даромад олади ва бунинг акси, кредиторлар қўшимча зарар кўради.

Биз юқорида келтирган инфляциянинг иқтисодий ва ижтимоий салбий оқибатлари қўшимча равишда мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам фаол таъсир кўрсатади. Инфляция даражаси юқори мамлакатлар билан қўшимча суғурта ва турли кафолатлар асосида ўзаро муносаблар олиб борадилар. Халқаро амалиётда ушбу муносабатлар савдонинг камситилиши ёки дискриминация деб номланган.

Мамлакат иқтисодиётига айниқса жиловланмаган (гиперинфляция) жуда салбий таъсир этади. Бунинг натижасида иқтисодий ва ижтимоий қарама-қаршиликлар кескинлашади, аҳоли ўртасида хукуматга бўлган норозилик кучаяди. Шунинг учун, хукумат қарама-қаршиликларни ижобий ҳал қилиш, миллий пул тизимининг барқарорлаштириш учун оқилона ишлаб чиқилган инфляцияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириши лозим бўлади.

#### **4- савол баёни. Инфляциянинг барқарорлаштириш усуслари**

Жаҳоннинг иқтисодиёти ривожланган мамлакатларида инфляцияга қарши кураш олиб борища жуда катта назарий ва амалий тажриба тўпланган. Инфляцияни бутунлай йўқотиш имконияти йўқ. Чунки уни юзага чиқишига сабаб бўлган омилларни (ички ва ташқи, пуллик ва пулсиз) тўлиқ йўқотиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳозирги даврда энг асосий мақсад инфляциянинг бутунлай йўқотиш эмас, балки уни бошқарувчан қилиш ва унинг салбий иқтисодий – ижтимоий оқибатларини заифлаштириш ҳисобланади.

Дунёning турли мамлакатларида хукумат томонидан мавжуд иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитларидан келиб чиқсан ҳолда инфляцияга қарши турли антиинфляцион сиёсатни ишлаб чиқарадилар ва уни амалга оширадилар. Давлат томонидан антиинфляцион сиёсатни олиб борища турли чора-тадбирлар ҳисобланган бюджет, ижтимоий, солик, баҳо, кредит-молия, саноат-инвестиция, ташқи иқтисодий ва эмиссияни амалга оширадилар.

**Бюджет сиёсати** – бу давлатнинг асосий иқтисодий сиёсати ҳисобланади ва унинг асосий мақсади мамлакатнинг аниқ белгиланган муддат мобайнида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари белгиланади ва амалга оширилади. Бюджет сиёсати ёрдамида солиқлар ва йигимлар ассоида йиғилган давлат молия ресурсларини умуммиллий вазифаларини бажариш учун қайта тақсимланиши амалга оширилади. Бюджет сиёсатининг асосий таркибий қисми бўлиб ижтимоий сиёсат ҳисобланади. Чунки мамлакатдаги ижтимоий тадбирларни молиялаштириш асосан давлат бюджети томонидан амалга оширилади.

**Солик сиёсати** – бу давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларини бажариши учун зарур молия маблағларини йиғиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакат аҳолисидан солиқлар, тўловлар ҳамда мажбурий ажратмаларни белгилаш, уларни ундириш юзасидан қонун асосида белгиланган тизимдир.

**Баҳо сиёсати** – бу маҳсулотлар, хизматлар ва тўловга қобилиятли талаб ўртасидаги мутаносиблигга эришиш ҳамда уни тартибга солиб туриш билан бағлиқ сиёсатдир.

**Кредит-молия сиёсати** – бу Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкаси, мажбурий заҳиралар меъёри ва очиқ бозордаги

операциялар орқали мамлакат банк-кредит тизимини бошқариш ҳамда тартибга солиб туришдан иборат.

**Саноат-инвестиция сиёсати** – бу ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини таъминловчи мамлакат саноат-технологик қудратини ривожлантиришга қаратилган сиёсатдан иборат.

**Ташқи иқтисодий фаолият сиёсати** – бу давлат томонидан хорижий мамлакатлар бўлиб ташқи иқтисодий фаолиятни бож-тариф дастаклари ёрдамида тартибга солиб туришдан иборатdir.

**Эмиссия сиёсати** – бу Марказий банк томонидан миллий иқтисодиётнинг ҳолатига асосан муомалага қоғоз пул чиқариш, уларнинг айланнишини тартибга солиш ва муомаладаги ортиқча пулларни айланмадан чиқариб туришдан иборат сиёсатdir.

Дунёнинг ҳар бир мамлакатидан хукумат томонидан антиинфляцион сиёсати мавжуд инфляцияни тартибга солишга ҳамда уни ўшиш суръатларини пасайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бундай сиёсатни олиб борища асосан икки шакллардан фойдаланилади:

- 1) Пул ислоҳотларини амалга ошириш;
- 2) Инфляцион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиб туриш;

Пул ислоҳотлари – бу мамлакатдаги пул муомаласини тартибга солиш ва кучайтириш мақсадида давлат томонидан мавжуд пул тизимини тўлиқ ёки қисман ўзгартиришларини амалга оширишdir. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланган ҳолати, пулларнинг таъминланганлиги даражасига асосан пул ислоҳотларининг ревальвация, девальвация ва деноминация усулларидан фойдаланилади. Иқтисодиёти ривожланган давлатлардан Германия Федератив Республикаси, Истроил ва бошқаларда ревальвация усулидан фойдаланилди. Ревальвация ўз моҳиятига асосан миллий пул бирлигини хорижий валютага нисбатан курсини кўтариб қўйишдан иборат. Пул ислоҳотининг иккинчи усули бўлиб девальвация ҳисобланади. Девальвация ўз моҳиятига асосан миллий пул бирлигини хорижий валютага нисбатан тушириб қўйишдан иборат. Девальвация усулидан асосан иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда кенг фойдаланилади. Пул ислоҳотининг учинчи усули бўлиб деноминация ҳисобланади. Деноминация ўз моҳиятига асосан миллий пул бирлигидаги ортиқча нолларни олиб ташлаб муомалага янги пулларни чиқаришдан иборат. Деноминация усулида Россия (3 дона нолни олиб ташлади) ва Турция (лирадан 6 дона нолни олиб ташлади) хукуматлари фойдаланишди.

Инфляцион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиб туриш ўз моҳиятига асосан мамлакатда маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволарни ўсиб боришини чеклаш ва пул тизимини барқарорлаштириш масадида давлат томонидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Ушбу чора-тадбирлар икки йўналишда олиб борилади:

- 1) **Деинфляцион сиёсат.** Ушбу сиёсат мамлакатда пулга бўлган талабни пул-кредит ва молия механизмлари ёрдамида тартибга солиб турилади. Деинфляцион сиёсат давлат харажатларини қисқартриш,

кредитлар учун фоиз ставкаларини ошириш, солиқ юкини кучайтириш (солиқлар сони ва уларни фоиз ставкаларини кўтариш) ва пул массасини чеклашни ўз ичига олади. Шуни таъкидлаш лозимки, деинфляцион сиёсат мамлакатдаги иқтисодий ўсишни секинлашувига сабаб бўлади;

2) **Даромадлар сиёсати.** Ушбу сиёсат олиб боришда давлат томонидан маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишларга бўлган нарх-наво ва иш ҳақи устидан бирданига назорат этилади ҳамда уларни ўсишини маълум чегараси ўрнатилади ёки бутунлай «музлатиб» қўйилади. Даромадлар сиёсати ўз моҳмиятига кўра қатъий сиёсат ҳисобланади ва у аҳоли ўртасида норозиликни келиб чиқариши мумкин. Лекин инфляция билан курашишда айрим мамлакатларда даромадлар сиёсатидан фойдаланилади.

Халқаро амалиётда ривожланаётган мамлакатларда инфляцияга қарши караш олиб бориш тажрибасида биз таъкидлаб ўтган икки йўналишдан оқилона биргалиқда фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дасталабки кунларидан бошлаб юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда қатъий пул-кредит сиёсати олиб борилмоқда. Олиб борилаётган бундай сиёсат натижасида инфляция суръати белгиланган меъёрларда ушлаб туришга эришилмоқда. Президентимизнинг бу жараёнлар ҳақидаги қўйидаги гаплари жуда ўринлидир.” Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляция кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,8 фоиз даражасида сақлаб қолинди”<sup>8</sup>. Ушбу омил мамлакатимизда инфляция суръатларини аҳоли турмуш даражасига кам даражада таъсир этаётганлигидан далолат беради.

Иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда инфляцияга қарши курашиш ва миллий пул тизимини мустахкамлаш учун насосан қўйидаги чора-тадбирлар амалга рширилмоқда:

- миллий иқтисодиётни соғломлаштириш, инвестиция фаолиятининг тушиб кетишини бартараф этиш ва иқтисодий ривожланишнинг оқилона даражасини таъминлаш;
- рақобатбардош, юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни ривожлантириш мақсадида давлат стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш;
- халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқариш фонdlарининг таркибини ўзгартириш ва унда замонавий техника ҳамда технологияларни жорий этиш;
- тижорат банкларининг инвестиция ва кредит фаолиятини рағбатлантириш;
- солиқ тизимини такомиллаштириш ва ушбу йўналишда асосий эътиборни солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясига қаратиш;
- давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-куватлаш;

<sup>8</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 15 б.

- мамлакат ичида маҳсулотлар, валюта, кредит ер, кўчмас мулк, меҳнат ва қимматли қоғозларининг ягона бозорини шакллантириш ҳамда уни ривожлантириш;
- пул-кредит сиёсатини иқтисодиётнигн ривожланиши ҳолатига асосан ўзгартириб туриш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва маҳсулотлар, ишлар, хизматларни экспорт қилишни рағбатлантириш;
- эркин бозор баҳоларини сақлаган ҳолда даромадлар, харажатлар ва нархнавони давлат томонидан тартибга солиш ва уни назорат қилиш;
- давлат бюджет тақчиллигини ноинфляцион йўллар билан қисқартириш;
- давлатнинг стратегик олтин-валюта заҳираларини чуқур таҳлил этиш ва улардан оқилона фойдаланиш.

Юқорида таъкидлаб ўтилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириш маълум муддат талаб этади. Оқилона ишлаб чиқилган антиинфляцион сиёсатни амалга ошириш пировард натижада миллий пул бирлигини мустаҳкамланишига ва пул тизимини барқарорлашувига олиб келади.

#### **Тавсия этиладиган адабиётлар:**

8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
9. Ковалёва А. и др. Финансы и кредит. – М.: Финансы и статистика, 2006.
- 10.Мамедов О.Ю. и др. Современная экономика. – Ростов на Дону. 1998.
- 11.Сенчагов В.К. и др. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.
- 12.Соколова О.В. и др. Финансы, деньги, кредит. Учебник.- М.:Юристъ.2004
- 13.Поляк Г.Б. и др. Финансы. Денежное обращение. Кредит. – М.: ЮНИТИ, 2004.
- 14.“WWW. Finstat. Ru” – «Финансы и статистика» нашриёти сайти.

**12-МАВЗУ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА  
ШАКЛЛАРИ**  
**Ажратилган соат – 4 соат**  
**Асосий саволлар:**

- 1. Қимматли қоғозларнинг моҳияти ва уларнинг асосий турларига тасниф**
- 2. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва уларнинг турлари**
- 3. Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти ва унинг таркибий тузлмаси**
- 4. Листинг ва делистинг жараёнлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар**

**1- савол баёни : Қимматли қоғозларнинг моҳияти ва уларнинг асосий турларига тасниф**

Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори модели тамойилларига асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga ўтиш мамлакат иқтисодий ривожланиш стратегиясининг яхлит эканлиги хозирги кундаги хақиқатdir. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиёти тизимининг молиявий механизми бўлиб ахоли ва хўжалик субъектларини вақтинча бўш маблағларининг айланишига кенг имкониятлар яратади. Жумладан, қимматли қоғозларнинг хар бир эгалари у фуқаро ёки юридик шахс бўлишидан қатъий назар тадбиркорлар харакатига таалуқли шахс бўлиб қолади. Ушбу бозорга киришда мотивация механизмлари, туртқилари бўлиб иқтисодий ўзгаришлар, сиёсий масалаларнинг хал қилиниши, қимматли қоғозларнинг курс қиймати динамикаси, тижорат банкларини фондларининг миқдори, қимматли қоғозлар бўйича таклиф этилаётган фойданинг миқдорлари хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 27 июндағи қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, «**Қимматли қоғозлар** – бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий хукуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу хужжатлардан келиб чиқадиган хукуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул хужжатларидир». Биз юқорида таъкидлаб ўтган Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги қимматли қоғозлар амал қилиши кўзда тутилган:

- 1. Акциялар;**
- 2. Облигациялар;**
- 3. Газна мажбурияятлари;**
- 4. Депозит сертификатлари;**
- 5. Вексель;**
- 6. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари (опцион, фьючерс, варрант).**

Қимматли қоғозлар – бланкалар, сертификатлар шаклида ёки счётлардаги ёзув шаклида бўлиши ва ҳисоб-китобни амалга оширишда, шунингдек кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланиши мумкин.

Қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади.

Киритилган улуш шаклидан қатый назар, қимматли қоғозларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги «сўм»да, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолларда эса – чет эл валютасида (акциялар бўйича – мулкни ўтказиб бериш йўли билан ҳам) ифодаланади ва тўланади.

Мамлакатимиз худудида муомалага чиқарилиши мумкин бўлган қимматли қоғозларни мулкчиликка муносабатига (улушли), қарз муносабатига қараб ва қимматли қоғозларнинг ҳосилаларига бўлиш мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозлар ичидаги фақатгина акциялар **улушли** қимматли қоғозларнинг таркиби киради.

Унинг қолган турлари ҳисобланган облигациялар ғазна мажбуриятлари, депозит сертификатлари ва вексель **қарз мажбуриятли** қимматли қоғозлар таркиби киради. Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларига эса опцион, фьючерс ва варрант киради. Биз бу таснифни қўйидаги 1-лизмасида кўришимиз мумкин.

1 чизма

### Қимматли қоғозларнинг таснифи\*




Бундан ташқарии қимматли қоғозларнинг амал қилиш муддати бўйича таснифлаш мумкин. Буни қуидаги 2- чизмада кўриш мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қимматли қоғозлар амал қилиш муддати, мулкка муносабати асосида бўлиниб кетмоқда.

Агар биз Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Конунни таҳлил этсак, у қонунда қимматли қоғозларга қуидагича таъриф берилади.

2 чизма

### **Қимматли қоғозларнинг муддатлари бўйича таснифи\***



**Қимматли қоғозлар** – бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий хукуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи, дивидент ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу хужжатларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул хужжатлариdir. Демак қимматли қоғозларни ҳаракат шакли бўйича тавсифлаш мумкин. Биз бу таснифлашни қўйидаги 3- чизма кўринишида ёритиб беришга ҳаракат қиласиз

3 чизма

### Қимматли қоғозларнинг ҳаракати бўйича тасниф\*



Юқоридаги чизмадан қўриниб турибдики, қимматли қоғозлар ўзларининг муомалада бўлиши шаклига асосан номи ёзилган ва эгасига тақдим этилувчи турларга ажратилади.

Шуни алохida таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозлар пулдан фарқли ўз хусусиятларига эга. Бу хусусиятлар қўйидагилар:

1. *Ликвидлик (самарадорлик);*
2. *Фойдалилик*
3. *Ишончлилик даражаси*
4. *Капитални ошириши манбаси*


## 5. Риск (хатар, қалтислик)

Биз қуида уни бу ҳусусиятларини ҳар бир қимматли қоғозларнинг таҳлилида ёритамиз.

**1.Акциялар** – акциядорлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивидент олиш ва қоида тариқасида, ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш хуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғозdir.

4 чизма

### Акция турларининг таснифи\*



**Оддий акциялар** ўз эгасига акциядорларнинг умумий мажлисида масалаларни ҳал қилишда овоз бериш хуқуқини ва белгиланган тартибда (жамият соф фойда олган йиллик ҳисобот умумий йиғилишида дивиденд бериш бўйича қарор қабул қилса) дивидент олиш хуқуқини беради.

**Имтиёзли акциялар** – ўз эгаларига акциядорлик жамиятининг молиявий холатидан қатъий-назар биринчи навбатда дивиденд олиш, жамият тутатилаётганда ўз улушига мутаносиб маблағ олиш хуқуқини беради.

**2. Облигациялар** муддати белгиланган қимматли қоғозлар бўлиб, улар улушга эгаликни тасдиқламайди. Облигация эгасининг маълум миқдорда пул маблағларини қўйганини ва маълум муддатдан сўнг унга белгиланган фоиз миқдорини қўшиб, қимматли қоғозлар баҳосини қайтариш лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатdir.

Облигациялар амалдаги қонунчиликка ва уларнинг низомига асосан мулкчиликнинг барча шаклдаги корхоналар томонидан (корхоналар облигациялари), шунингдек, давлат хокимиятлари хомонидан чиқарилиши мумкин. Демак, облигациялар қуидаги турларга бўлинади:

1. Марказий хукumatning облигациялари;
2. Корхоналар облигациялари.

Амалдаги қонунчиликка кўра корхоналарнинг облигациялари қуидаги турларда чиқарилиши мумкин;

**Одатдаги облигациялар** - қимматли қоғозларнинг бошқа турига айирбошлиш хуқуқига эга бўлмаган облигациялар бўлиб, уларга опцион билан ўтказилиши мумкин, яъни облигация эгаси эмитентга аввалдан

келишилган муддатда қайтариш имкониятини таъминлайди, эмитент уни номинал микдорида қайтариши шарт.

**Ютуқли облигациялар** – облигациялар бўйича даромад, доимо ўтказилиб турадиган тиражга асосан ютуқ тарзида тўланиб турадиган облигациялардир.

**Фоизли облигациялар**- облигация эгасига вақти – вақти билан белгиланган даромадни олиб туриш ва тугатилаётганда облигациянинг номинал қийматини олиш хукукини берувчи облигациялардир. Тўловлар муддати облигациялар чиқарилувчининг шартларида белгиланади.

**Фоизсиз (мақсадли) облигациялар** – ушбу облигациялар бўйича фоиз тўланмайди, облигация бўйича даромад номиналига нисбатан белгиланган дисконт ҳисобига пайдо бўлади (эмиссия баҳоси номиналига нисбатан паст баҳода белгиланади) ва фақат облигация тугатилаётганда тўланади.

Мақсадли облигацияларда уларни чиқаришга асос қилиб олинган маҳсулот (хизмат) мажбурий реквизитлари қилиб белгиланади

Облигацияларни чиқаришга низом фонди тўланиб тўла шакллангандан кейингина рухсат этилади.

Облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор акциядорлик жамиятларининг ижроия органи томонидан қабул қилинади ва баён билан расмийлаштирилади. Қарорда эмитент, облигацияларнинг чиқарилиш шартлари (агарда мақсадли облигациялар чиқарилса, уларни чиқаришга асос қилиб олинган маҳсулот, хизматнинг тури ва микдори) жойлаштириш тартиби белгиланиши лозим.

Корхоналар облигацияларнинг муомалага чиқаришни рўйхатга олиш, акциялар чиқаришни рўйхатга олиш тартиби асосан амалга оширади.

Накд ҳолда чиқариладиган облигациялар камида олти даражадаги ҳимояга эга бўлиши керак.

Бошқа турдаги қимматли қоғозларнинг реквизитлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик асосида белгиланади.

**3. Депозит сертификатлари** – бу пул маблағлари- омонат қўйилганли тўғрисидаги- омонатчи ёки унинг хукукий ворисининг белгиланган муддати тугаганидан кейин омонат суммасини ва унга тегишли фоизларини олишга бўлган хукукини тасдиқловчи банк- эмитент гувоҳномасидир.

Депозит сертификатларини чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

Депозит сертификатлари икки турда чиқарилади.

1. **Депозит сертификатлари**, юридик шахслар учун чиқарилади.

2. **Депозит – жамгарма сертификатлари**, жисмоний шахслар учун чиқарилади.

Депозит сертификатлари учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги «сўмда» тўланади.

Депозит сертификатлари муомалага бир маротабалик ва серия ҳолатида чиқарилиши мумкин ва уларнинг эгаси ёзилган ва тақдим этувчига бўлиши мумкин. Депозит сертификатлари кўрсатилган хизматлар ва товарлар учун тўлов воситаси бўлиб хизмат қилмайди.

Тижорат банклари депозит сертификатларини қуидаги шаклда чиқариши мүмкін.

- нақд (бланкали) шаклда, жисмоний шахслар учун;
- нақд бўлмаган (депо ҳисоб рақами очиш) шаклда, юридик шахслар учун.

Депозит сертификатларини «депо» шаклида олиб борилиши тижорат банкларини маҳсус депозитарий бўлимларида амалга оширилади.

Эгаси ёзилган депозит сертификатининг эгаси ўзгарган ҳолда, унинг орқа томонида хуқуқни берувчи ва хуқуқни олевчи ўртасида ўзгартирилади.

Депозит сертификатлари муддати бўйича, улар сотилган муддатдан бошлаб:

- депозит сертификатлари – 1 йил муддатгача;
- депозит – жамғарма сертификатлари- муддати 3 йилгача амал қиласди.

Агарда сертификатнинг муддати ўтиб кетган ҳолда эгаси томонидан тақдим этилса, тижорат банки дарҳол депозит ва унинг фоиз суммасини тўлаб бериши шарт.

Нақд ҳолда чиқариладиган депозит жамғарма сертификатлари камида олти даражада химояга эга бўлиши керак.

**4. Ўзбекистон Республикасининг ғазна мажбуриятлари** –уларнинг эгалари бюджетга пул маблағлари берганликларини тасдиқловчи ҳамда бу қимматли қоғозларга эгалик қилишининг бутун муддати давомида қайд этилган даромадни олиш хуқуқини берувчи, тақдим этувчига тегишли қимматли қоғоз туридир.

Мамлакатимизда ғазна мажбуриятларининг қуидаги турлари чиқарилиши кўзда тутилган:

- ❖ -қисқа муддатли (*BILL*)-бир йилгача бўлган муддатга мўлжалланган ғазна мажбуриятлари
- ❖ -ўртacha муддатли (*NOTE*) – бир йилдан беш йилгача муддатга мўлжалланган ғазна мажбуриятлари
- ❖ -узоқ муддатли (*BOND*) – беш йил ва ундан кўпроқ муддатга мўлжалланган ғазна мажбуриятлари

**5. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан вексель.**

**Вексель бу** – вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошка тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлаш юзасидан қатъий мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Векселларни чиқариш, рўйхатдан ўтказиш қоидалари, уларни чиқариш ва муомалада юритиш шартларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан биргаликда белгилайдилар.

Векселлар қуидаги турларга бўлинади:

1. **Оддий вексель.** Вексель берувчининг муайян суммадаги пулни вексель олевчига ёхуд унинг буйруғига биноан белгилangan муддатда ёки унинг талабига кўра тўлашдан иборат қатъий мажбуриятини ўз ичига олган хужжат **оддий вексель** ҳисобланади.

Оддий векселда икки шахс иштирок этади, яъни весель берувчи ва уни биринчи оловчи. Бошқа қарз қоғозлардан оддий векселни ажратиб турадиган хусусиятлари мавжуд бўлиб улар қуидагилар ҳисобланади:

- ❖ вексель ўтказма ёзув асосида қўлдан - қўлга ўтади
- ❖ вексель бўйича мажбурият иккала иштирокчи ўртасида ҳамкорликда бўлади
- ❖ имзо ва муҳрларни нотариал тасдиқлаш шарт эмас
- ❖ вексель гаров билан таъминланмаган абстракт пул хужжатидир
- ❖ тўлов муддати келиб тўланмаган вексель учун нотариал даъвосини амалга ошириши лозим

**2. Ўтказма вексель.** Вексель оловчининг муайян суммадаги пулни оловчига ёхуд унинг буйруғига биноан бошқа шахсга белгиланган муддатда ёки унинг талабига кўра тўлаш тўғрисидаги қатъий буйруғидан иборат тўловчига қаратилган хужжат **ўтказма вексель** ҳисобланади. Бунда тўловчи вексель бўйича белгиланган муддатда тўловларни амалга оширишга (акцептни бажаришга) розилигини ёзма равишда тасдиқлаши шарт.

Оддий (**соло**) векселдан фарқли равишда ўтказма (**тратта**) векселда учта иштирокчи қатнашади;

- ❖ вексель берувчи (**трассант**),
- ❖ вексель биринчи оловчи (**ремитент**)
- ❖ вексель бўйича тўловчи (**трассат**)

*Трассат* векселга векселда кўрсатилган муддатда ва суммани тўлашга розилигини билдириши, яъни акцепт қилиши шарт. Трассат векселга **акцепт** (тўлашга розиман) белгисини қўйгандан сўнг бу вексель муомалага киради.

Халқаро амалиётда векселнинг иқтисодий мохиятига қараб қуидаги турлари мавжуд:

- ❖ **Тижорат векселининг** асосини аниқ товар бўйича олди – сотди битими ташкил этади
- ❖ **Молиявий векселнинг** асосида эса маълум миқдордаги пулнинг харакати ётади, яъни вексель ёрдамида қўшимча кредит берилади
- ❖ **Фиктив вексель** асосида на товар олди – сотди битими, на пул харажати ётади. Фиктив (сохта) векселга *бронза, дўстона ва кутиб олиш* векселлари киради. Бронза вексель хеч қандай хақиқий таъминотга эга эмасдир. Бу ерда вексель бўйича тўловчи олдиндан тўловга қобилиятли эмас. Дўстона векселда олдиндан келишилган схемада тўловга қобилиятли шахс тўловга қобилиятсиз шахсга тўлов воситаси сифатида ёки векселда кўрсатилган суммани банкдаги ҳисоби асосида ундириб олиш тушунилади
- ❖ **Банк вексели** бу банк-эмитентнинг бир томонлама векселда кўрсатилган муддатда ва ундаги суммани тўлаш хақидаги сўзсиз мажбуриятдир

## **2-Савол баёни. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва уларнинг турлари**

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуннинг З-моддасига асосан «Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – даромади (зарари) бир ёки бир неча бозор кўрсатгичлари (индекслари) мазмунига боғлиқ бўлган қимматли қоғозлардир»\* Амалдаги қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликка асосан қимматли қоғозлар ҳосилаларининг қўйидаги турлари муомалада бўлиши мумкин:

1. Опцион;
2. Фьючерс;
3. Варрант.

Ўзбекистон Республикасида муомалага қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, яъни мамлакатимиз худудида қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тартиб- қоидасига кўра қимматли қоғозларнинг ҳосилалари фақатгина акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари (acosan акциялар) асосида муомалага чиқарилиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари эмиссияси амалдаги қонунчиликка асосан тегишли давлат органида давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари эмитенти бўлиб, ушбу қимматли қоғозни ўз номидан ва бу бўйича келиб чиқадиган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олувчи юридик шахс ҳисобланади. Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини муомалага чиқариш тўғрисидаги қарорни эмитентнинг (дилернинг) бу соҳага ваколати мавжуд органи томонидан қабул қилинади. Ушбу орган қабул қилинадиган қимматли қоғозларнинг ҳосилалари эмиссияси проспектини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан агарда қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини базис активи 1 млн. сўм ва ундан сал кўпроқ бўлса, у ҳолда қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини шартномаси фонд биржасининг жойлардаги филиалларида рўйхатдан ўтади.

Агарда қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини базис активи 1 млн. сўмдан кўпроқ бўлса, у ҳолда бу шартнома Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Кўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

**1. Опцион** (немисча “option” сўзидан олинган) – шартнома бўлиб, унинг эгасига қимматли қоғозларни ёки товарларни битимда қайд этилган нархда белгиланган муддатда харид қилиш хукуқини беради.

Опционнинг хусусияти шундаки, унинг эгаси қимматли қоғознинг ўзини эмас балки уни сотиб олиш ёки сотиш хукуқини опцион мукофоти эвазига сотиб олади. Шуни таъкидлаш лозимки, опцион эгаси вазиятга қараб опцион юзасидан сотиб олиш ёки сотиш хукуқидан фойдаланиш ёки ундан воз кечиши мумкин.

Опцион шартномасида икки томон иштирок этади – биринчи томон опционни сотиб олувчи (сакловчи), яъни маълум миқдордаги қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш хуқуқини харид этувчи ва икинчи томон – опционни сотувчи, яъни шартномада кўрсатилган маълум миқдордаги қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини олувчи шахс иштирок этади.

Халқаро амалиётда барча опционлар икки турга булинади:

- ❖ - сотиб олиш учун опцион (харидор опционы) “ колл” опцион (call);
- ❖ - сотиш учун опцион (сотувчи опционы) “пут” опцион (put).

Сотиб олиш учун опцион уни эгасига келажакда келишилган шарт ва мукофот эвазига базис активини сотиб олиш хуқуқини беради.

Сотиш учун опцион эса уни эгасига келажакда келишилган шарт ва мукофот эвазига базис активини сотиш хуқуқини беради.

Опционларни амалга ошириш муддати бўйича икки турга бўлинади:

- ❖ “Европа опциони” – ушбу шартномада келишилган опцион шартлари фақатгина унда кўрсатилган муддатда амалга оширилади.
- ❖ “Америка опциони” – ушбу шартномада келишилган шартларни опцион эгаси ҳоҳлаган муддатда амалга ошириши мумкин.

**Опцион бўйича мукофот** – бу опционни харид этиб олаётган шахс томонидан уни сатаётган шахсга опцион сертификатини имзолагани учун бериладиган баҳодир.

**Опционнинг ички қиймати** – бу опцион эгасига опцион шартномаси амалга ошганда оладиган даромадидир. Унинг миқдори эса базис активининг жорий баҳоси ва опцион амалга ошгандаги ижро баҳоси ўртасидаги фарқдан иборат.

**Опционнинг ташқи қиймати** – опционнинг ички қиймати ва мукофот ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб унинг миқдори шартноманинг муддатлилиги, курснинг барқарорлиги ва фоиз ставкаларининг динамикасига тўғридан-тўғри боғлик.

Опцион бўйича базис активи қуйидаги маълумотларни ўзида акс эттириши лозим:

- ❖ -қимматли қоғознинг тури (тип, категория);
- ❖ -қимматли қоғозларнинг номинали (қиймати);
- ❖ -ҳар бир дона қимматли қоғоз учун баҳо;
- ❖ -қимматли қоғозларнинг сони;
- ❖ -қимматли қоғозларнинг эмитенти;
- ❖ -умумий қиймати;
- ❖ -қимматли қоғозларнинг турига қараб бошқа қўшимча маълумотлар талаб этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, опцион шартномалари асосида қимматли қоғозларнинг курсини кўтарилиши ёки унинг акси, пасайиши ҳисобига даромад олишлиги учун опцион бўйича “чайқовчилик” манфаати ётади.

**2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан фьючерс** – қимматли қоғоз (шартнома) бўлиб, муайян қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларни ёки товарларни шартномаларда белгилаб қуйилган нархда белгиланган келгуси санада харид қилиш ёки сотишдан иборат мажбуриятни сўзсиз тасдиқлади.

Фьючерс шартномаси бўйича базис активининг эмитентнинг аввал муомалага чиқарилган қимматли қоғозлари ва аввал муомалага чиқарилган учинчи шахснинг қимматли қоғозлари ташкил этиши мумкин. Амалдаги қонунчиликка асосан фьючерснинг базис активи бўлиб эмитентнинг ўзлик бирламчи муомалага чиқарилган қимматли қоғозлари ташкил этишига йул қўйилмайди.

Фьючерс шартномасининг асосий хусусияти шундаки, унда баҳонинг аниқлиги ва шартнома бажарилишининг мажбурийлигидир. Фьючерсга асосан базис активидаги қимматли қоғозлар дарҳол қўлдан-қўлга берилмайди, балки қатъий белгиланган муддатда етказилиши зарур. Фьючерс шартномаси ёрдамида фонд қимматликларини келажакда олиш ёки етказиб бериш мажбурияти қонун асосида расмийлаштирилади. Фьючерснинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, шартнома имзоланаётган вақтда шартномадаги базис активдаги қимматли қоғозлар унинг сотувчисида умуман бўлмаслиги ҳам мумкин.

Фьючерснинг опцион билан ўхшашлик томони шундаки, иккала шартнома асосида келажакда фонд қийматларини харид этиш ёки сотиш имконияти мавжуд. Фьючерснинг опциондан фарқи қуидагилардан иборат:

- ❖ Фьючерс олди-сотди битими эмас, балки у фонд қийматларини етказиб бериш тўғрисидаги қатъий мажбуриятдир;
- ❖ Фьючерс шартномадаги муддат келганда ҳисоб-китобларни қатъий тартибда амалга ошириш тўғрисидаги мажбуриятдир;
- ❖ Фьючерс бўйича ҳавф ҳатар риск юкори даражададир, чунки опциондан фарқли равишда фьючерс эгаси салбий вазиятда нафақат мукофот суммасини, балки ундан кўпроқ суммани йуқотиши мумкин.

Фьючерс шартномасидаги шартлар биржа аукционидаги қимматли қоғозларга талаб ва таклифни чуқур ўрганган ҳолда тузилади. Фьючерс битимидағи ҳисоб-китоблар эса фонд биржасидаги ҳисоб-клиринг палатаси орқали амалга оширилади. Бунинг учун ҳисоб-клиринг палатасида фьючерс шартномаси иштирокчиларининг (сотувчи ва оловчи) маҳсус ҳисоб рақамлари очилади.

Фьючерс шартномаси шартларини амалга ошириш механизмини қўриб чиқамиз. Фьючерс шартномасида базис активдаги акциялар курсининг пасайиши ҳисобига манфаат юзага келади. Одатда фьючерс шартномасида қимматли қоғозлар таъминланмаган ҳолда сотилади, яни бу қимматли қоғозлар сотувчининг мулки бўлмаслиги ҳам мумкин. Фьючерс шартномасига асосан сотувчи брокердан маълум миқдордаги акцияларни

сотиб олади. Лекин сотиб олинган пакет акциясининг фақат 60 фоизинигина тўлайди, қолган 40 фоизини эса брокердан жорий нархда қарзга олади.

Инвестор сотиб олинган пакет акцияни тўлиқ сотади. Фьючерс шартномасига асосан инвестор брокерга белгиланган муддатда келишилган қимматли қоғозларни етказиб бериши лозим. Ушбу ҳолатда инвестор базис активдаги акциянинг нархини тушишидан манфаатдор, чунки муддат келганда у қарзга олинган акцияларни арzon нархда олади ва брокерга шарномада эски юқори нархда етказиб беради. Натижада инвестор қўшимча даромад олиши мумкин. Лекин олинган акцияларнинг нархи ошиб кетса, инвестор акцияларни юқори нархда харид этиб, уни брокерга шартномадаги эски нархда етказиб беришга мажбур. Натижада инвестор катта заар кўриши мумкин. Шунинг учун фьючерс шартномасини тузувчи шахслар фонд бозорини, унинг хозирги ва келажақдаги холатини ҳамда нарх-наво қандай бўлишини чукур ўрганиши ва унинг билиши лозим бўлади.

**3. Варрант (warrant)** қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини ўзига хос тури бўлиб ҳисобланади. Варрант – белгиланган муддат давомида (ёки аник белгиланган санада), аввалдан келишилган нархларда оддий акцияларни сотиб олиш хуқуқини берувчи ҳужжатдир. Варрантнинг имзоланиши ва амалга оширилиши уни базис активини ташкил этувчи қимматли қоғознинг муомалага чиқарилиши билан узвий боғлиқ. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, варрант активини ташкил этувчи қимматли қоғозни бир марталик эмиссияси натижасида варрант ҳам бир марталик ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка асосан варрант шартномасини тузишда қуйидагилар таъкиқланади:

- ❖ - аввал муомалага чиқарилган, унинг шахс мулкида бўлган ва эмитентнинг ўзи сотиб олган қимматли қоғозлар базис активи ҳисобланмайди;
- ❖ - базис активидаги қимматли қоғоз номиналидан варрант номинали паст бўлмаслиги шарт (облигация бундан мустасно).

Варрант эмитентлари унинг биринчи эгалари учун қимматли қоғозларини харид этишларида бир хил нарх шароитларини таъминлаши лозим, бу эса варрантнинг биринчи эгаларига бир хил нархда қимматли қоғозларни сотиб олиш хуқуқини беради. Варрантнинг эгалари учун қимматли қоғозларни жойлаштириш нархи бошқа инвесторлар, яъни варрантнинг иштироқчилари бўлмаганлардан фарқ қилиши мумкин.

Юқоридагилардан хуоса қилиш мумкинки, фонд бозорида опцион, фьючерс ва варрант битимларининг амалга оширилиши ушбу бозор иштироқчиларига қўшимча даромад топиш имкониятини яратади. Ўзбекистон фонд бозорининг ёш бўлишига қарамай унда опционлар ва фьючерслар бўйича битимларни амалга ошириш қонунан кўзда тутилган ҳамда бундай битимлар амалга оширилиб турибди. Ушбу омил мамлакатимиз миллий фонд бозори ривожланган хорижий давлатларнинг фонд бозорлари даражасига етиш учун интилишдан далолат беради.

### **3--савол баёни: Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти ва унинг таркибий тузилмаси**

Ҳар қандай иқтисодиётда бўлганидек, баъзи тармоқларда маълум давр мобайнида пул маблағларини етишмаслиги, бошқа тармоқларда эса пул маблағлари вақтинча бўш туриб қолиши мумкин. Шу билан бирга, пул маблағлари етишмаслигидан қийналаётган соҳа муайян даврдан сўнг ортиқча пул маблағларига эга бўлиб қолиши мумкин ва аксинча. Шу боис ортиқча пул маблағлари эгаларини шу пулга муҳтоҷ бўлиб турганларга учраштириб қўйишига имконият яратадиган механизм бўлиши керак. Вақтинча ортиқча пул маблағлари эгалари (юридик ва жисмоний шахслар) ва шу пул маблағларининг истеъмолчилари ўзига хос хусусиятга эга бўлган маҳсус бозор, яъни молия бозорида учрашадилар. Бу бозор жуда мураккаб тузилишга ва юқори-паст поғоналарга эга бўлган маҳсус бозор бўлиб, унда жуда катта микдордаги пул маблағлари бир вақтнинг ўзида турли йўналишларда айланиб туради ва бу жараён ҳаракатлари иқтисодиётнинг микродаражадан тортиб, макродаражагача бўлган ҳолатига таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтиши натижасида молия бозори сифатан янги маънога эга бўлади. Вақтинча бўш пул маблағларини жалб этишда, ҳамда улардан фойдаланишда молия бозорининг аҳамияти беқиёс катта бўлади. Молия бозорининг асосий таркибий қисмига қўйидаги бозорлар кириши мумкин:

- ❖ Тижорат банкларининг капиталларининг бозори;
- ❖ Қимматли қоғозлар бозори;
- ❖ Валюта бозори;
- ❖ Суғурта ва инвестиция фондлари бозори

**Қимматли қоғозлар бозори** бу -юридик ва жисмоний шахслар ўртасида муомалага қимматли қоғозлар чиқариш, унинг айланиши ҳамда уларни тўлаб берилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Қимматли қоғозлар бозорининг энг муҳим томонларидан бири шуки, у юқори даромад келтирадиган иқтисодиётнинг фаоллиги билан шаклланиб боради ва қимматли қоғозлар бозори сармоялари нинг сафарбар этилишини рағбатлантириб, вақтинча бўш турган пул маблағларини иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасида қайта тақсимланишини, тақсимлаганда ҳам ривожланиб бораётган истиқболли тармоқлар фойдасига қайта тақсимланишини таъминлайди. Ривожланган қимматли қоғозлар бозори ишлаб чиқариш тараққиётини рағбатлантирадиган қучли манба бўлиб ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозори ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисмидир. Қимматли қоғозлар бозори асосини товарлар бозори, пул ва пул капитали ташкил қиласи. Булар биринчисини асоси бўлса, қимматли қоғозлар бозори уларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Ҳалқаро амалиётда қимматли қоғозлар бозорини қўйидагича тавсифланади:

- ❖ **Ҳалқаро қимматли қоғозлар бозорига** дунёning кўп мамлакатлари расман тан олган фонд биржалари (Нью-Йорк, Лондон, Франкфурт, Цюрих, Токио) киради
- ❖ **Минтақавий қимматли қоғозлар бозорига** дунёning маълум минтақалари (Лотин Америкаси, Шарқий Осиё, Марказий Осиё) учун шаклланган бозорлар киради
- ❖ **Миллий бозор** эса аниқ бир мамлакатда шаклланган ва фаолият кўрсатаётган бозор хисобланади
- ❖ **Худудий бозор** эса аниқ бир мамлакатнинг миллий қимматли қоғозлар бозорининг маълум худудларда фаолият кўрсатаётган бозорини ташкил этади

Ҳар қандай бозор сингари қимматли қоғозлар бозорининг ҳам бажарадиган вазифалари мавжуд. Қимматли қоғозлар бозорининг анъанавий вазифаларидан ташқари фақатгина ўзига хос бўлган вазифалари ҳам мавжуд.

Улар қуидагилардан иборат:

- ❖ Мамлакат аҳолисининг, корхоналарнинг ва давлатнинг вақтинча бўш пул маблағларининг жамланиши таъминланади.
- ❖ Қимматли қоғозлар бозори капиталнинг жамланиши ва марказлашуви жараёнининг тезлашишини таъминлайди.
- ❖ Қимматли қоғозлар бозори тармоқлараро тўсиқларни олиб ташлашга хизмат қиласди. Иқтисодиёт тармоқларидаги вақтинча бўш пул маблағлари ишлаб чиқаришни бошқа тармоқларига оғиб ўтади.
- ❖ Қимматли қоғозлар бозори сармоядорларининг яъни мамлакат аҳолисининг, корхоналарнинг ва давлатнинг вақтинча бўш пул маблағларини жамлаб, уни капиталга айлантириб, бу капиталнинг оқилона ва самарали ҳаракатини таъминлайди
- ❖ Қимматли қоғозлар бозори қимматли қоғозларга бозорда шаклланган талаб ва таклиф асосида ҳақиқий бозор баҳосини белгилайди.
- ❖ Қимматли қоғозлар бозори аниқ бир капитални (банк, савдо, саноат) ҳаракатини фаоллашувига имконият яратади.
- ❖ Қимматли қоғозлар бозори ёрдамида давлат бюджети тақчиллиги (дефицит) қопланади.
- ❖ Қимматли қоғозлар бозори мамлакатда янги мулқдорлар синфини шакллантиради.

Қимматли қоғозлар бозорининг қанчалик ривожланланганлиги ва самарадорлиги у бажарадиган вазифаларни амалга ошириши билан узвий боғлиқдир.

Қимматли қоғозлар бозори жуда мураккаб ҳамда нозик тузилмадир. Ушбу бозорда у ёки бу турдаги қимматли қоғоз билан савдо қилиш, савдони ташкил қилиш, уни олиб бориш ва ҳисоб- китобларни амалга ошириш асосида қимматли қоғозлар бозорининг қуидаги шаклларини ажратиш мумкин:

**1. Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозори** – бу қимматли қоғозларнинг бирламчи эмиссияси ва унинг биринчи эгалари ўртасида жойлаштириш жараёнидаги бозордир. Бу бозор учун маълум тартиб-

қоидалар белгиланган. Эмитент бирламчи эмиссияда чиқарилган барча қимматли қоғозларни бирламчи инвесторлар ўртасида тўлиқ жойлаштириши шарт. Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка кўра бирламчи эмиссиянинг бирламчи инвесторлар таркиби қуидагиларни ўз ичига олади:

1. Мехнат жамоаси улуши;
2. Давлат улуши;
3. Ҳорижий сармоядорлар улуши;
4. Эркин савдо улуши.

**2. Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори-** бу аввал муомалага чиқарилган ва ҳеч бўлмаганда бир марта олиб сотилган қимматли қоғозлар бозоридир. Ушбу бозорларда қимматли қоғозларлар олди-сотдиси натижасида қимматли қоғозлар амал қилиш муддати бўйича ўз эгасини ўзгартиради, яъни эркин равишда қўлдан-қўлга ўтади. Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорининг асосий хусусияти унинг ликвидлигидир. Бу бозорда қимматли қоғозларга бўлган ҳаққоний талаб ва таклиф асосида баҳо белгиланади. Қимматли қоғозлар бу асосда ўз номинал қийматидан бир неча марта юқори нархда сотилиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорлари ўртасидаги нисбат бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлиги ва фонд бозори самарадорлик даражасига боғлиқдир.

**3. Қимматли қоғозларнинг уюшган бозори** –бу қимматли қоғозлар билан савдоларни савдо иштирокчилари ва уни ташкил этувчи учун ўрнатилган қатъий тартиб-қоидалар билан амалга оширилишидир. Бу бозорда қимматли қоғозлар билан олди-сотди битимлари маълум, аниқ жойда, белгиланган муддатда ва унинг малакали иштирокчилари томонидан амалга оширилади.

**4. Қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозори**-бу қимматли қоғозлар билан савдоларни савдо иштирокчилари ўртасида қатъий белгиланган тартиб-қоидаларсиз амалга оширилишидир. Бу бозор маълум белгиланган жойда, маълум муддатда олди-сотдини амалга оширмайди. Қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозорида сотувчи ва харидор олди-сотдиси фонд биржасидан ташқарида ўзаро олиб борилади.

**5. Қимматли қоғозларнинг биржа бозори** – бу фонд биржасида ўзи ўрнатган тартиб-қоидалар асосида қимматли қоғозлар билан савдо қилиш бозоридир. Биржа бозори ўзига хос инвестиция институтлари томонидан ташкил этилган бозор бўлиб, унда қимматли қоғозлар билан савдо битимлари бу бозорнинг малакали иштирокчилари томонидан қатъий ўрнатилган тартиб- қоидалар асосида олиб борилади. Шуни таъкидлаш лозимки, биржа бозорида ўзи томонидан қўйилган талабларга жавоб берадиган ликвид ва ишончли қимматли қоғозлар савдога қўйилади.

**6. Қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозори**- бу қимматли қоғозлар билан савдо-сотик фонд биржасидан ташқарида олиб бориладиган бозордир. Биржадан ташқари бозор ташкил этилишига қараб икки гурухга бўлинади:

**-уюшган биржадан ташқари бозор.** Қимматли қоғозларнинг уюшган биржадан ташқари бозори деганда унинг ташкилотчилар томонидан ўрнатилган тартиб-қоидалар ва савдога қўйиш шартлари асосида тузилган маҳсус компьютер тизими тушунилади.

**-уюшмаган биржадан ташқари бозор.** Қимматли қоғозларнинг уюшмаган биржадан ташқари бозорида эса фонд биржасида котировкага жавоб бермаган ва савдога қўйилмаган қимматли қоғозлар савдо-сотиги амалга оширилади. Бу бозорда керакли молиявий базага эга бўлмаган эмитентларнинг қимматли қоғозлари ҳамда кам даромадли қимматли қоғозлар савдога қўйилади.

**7. Қимматли қоғозларнинг анънавий бозори** – бу маълум белгиланган жойда (биржада), ўрнатилган тартибда қимматли қоғозлар билан савдо-сотик қилишдир. Ҳар бир давлатда фонд биржаларининг анънавий сифатлари мавжуд. Масалан, Токио фонд биржасида савдо-сотик овоз ҳамда имо-ишора асосида олиб борилади. Нью-Йорк фонд биржасида брокер ва дилерлар ўзлари эгаллаган мавқега қараб турли рангдаги костюм киядилар ва хаказо.

**8. Қимматли қоғозларнинг компьютерлаштирилган бозори** бу - қимматли қоғозлар билан савдо-сотик компьютер тизими орқали олиб борилади. Бу бозорнинг қуидаги хусусиятлари мавжуд:

-қимматли қоғозларни сотувчилар ва харидорлар учрашадиган жисмоний жойнинг йўқлиги, демак, улар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот мавжуд эмас;

-қимматли қоғозлар билан савдо сотик жараёнини тўлиқ автоматлаштирилганлиги, шунинг учун ҳам унинг иштирокчилари қимматли қоғозлар билан савдо қилиш учун бу тизимга талабнома киритиш билан чекланадилар.

АҚШдаги компьютерлаштирилган бозорда 3700 та қимматли қоғозлар котировкаси бўлиб, бу тизимга 3300 та малакали агентлар бирлашган.

**9. Қимматли қоғозларни касса бозори** -бу қимматли қоғозлар билан савдо битимидағи ҳисоб-китобни бирданига ёки 2-3 кун ичида амалга оширилиши кўзда тутилган бозордир. Бу бозор хорижий давлатларда «кэш-бозор», «спот-бозор» деб номланади. «Тошкент» Республика фонд биржасида қимматли қоғозлар билан савдо битимлари бўйича ҳисоб-китоблар «касса бозор» тамойилига асосланади.

**10. Қимматли қоғозларнинг муддатли бозори**-бу қимматли қоғозлар билан савдо битимларидағи ҳисоб-китоблар турли муддатларда амалга оширилиши кўзда тутилган бозордир. Бу бозорда қимматли қоғозлар учун ҳисоб-китоблар 3 ишчи кунидан 3 ой муддатгача амалга оширилиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг муддатли бозори асосан, ҳосилавий қимматли қоғозлар (опцион, фьючерс) олди-сотдисидан даромад топиш учун кўлланилади.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларини ушбу бозорда фаолият кўрсатиш хусусиятига асосан икки тизимга ажратиш мумкин:

- -қимматли қоғозлар бозорининг умумий инфратузилмаси;

○ -қимматли қоғозлар бозорининг маҳсус инфратузилмаси.

Қимматли қоғозлар бозорининг **умумий инфратузилмаси** таркибиға қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишда қўмаклашувчи муассасалар киради. Бундай муассасалар фаолиятисиз қимматли қоғозлар бозори фаолиятини амалга ошириши ёки умуман мумкин эмас ёки жуда қийинчилик билан амалга оширилади. Бундай муассасаларга нашриётлар, информацион агентликлар, газета ва журналлар, телевизион ва радиокомпаниялар, тижорат банклари, аудитор ташкилотлари, нотариал ва адвокат конторалари ҳамда суғурта компаниялари киради. Қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатиш учун бу муассасалар маҳсус малака шаҳодатномалари ва лицензияга эга бўлиши талаб этилмайди. Бу муассасалар қимматли қоғозлар бозорида ўзининг асосий фаолиятини юритишлари учун ўзларига тегишли ваколатли давлат органидан маҳсус рухсатномага эга бўлишлари лозим. Асосий фаолият кўрсатиш учун нотариал ва адвокат конторалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан, аудитор ва суғурта компаниялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан, тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан, ҳамда нашриётлар, газета ва журналлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Нашриёт Кўмитасидан маҳсус рухсатнома олишлари лозим. Қимматли қоғозлар бозорида бу қўмаклашувчи муассасаларнинг фаолиятига ушбу бозордаги битимлар иштирокчиларининг ҳисоб- китобларини амалга ошириш, эмитентлар ҳисботларини текшириш ва уни расмий тасдиқлаш, қимматли қоғозлар бўйича ўрнатилган тартибда олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, расмийлаштириш, бўлажак сармоядорларга керакли маълумотларни етказиш, фонд бозоридаги фаолиятни ошкора этиш ва бошқалар киради.

Қимматли қоғозлар бозорининг **маҳсус инфратузилмасига** қимматли қоғозлар бозорида ўз фаолиятини асосий фаолият сифатида амалга оширувчи маҳсус малакали инвестиция институтлари киради. Бундай маҳсус инвестиция институтларига қуйидагилар киради:

1. Инвестиция маслаҳатчиси;
2. Инвестиция воситачилари(брокер, дилер);
3. Инвестиция фондлари;
4. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи ;
5. Депозитарийлар;
6. Трансфер-агент;
7. Ҳисоб-клиринг палатаси;
8. Қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси.

Биз юқорида санаб ўтган инвестиция институтлари қимматли қоғозлар бозорида амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ва бу фаолиятни амалга ошириш учун маҳсус лицензия олгандан сўнг иш юритиши мумкин. Ўз фаолиятида ваколатига кирмаган операцияларни амалга ошириш қонунан таъкиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан инвестиция институтлари қимматли қоғозлар бозорида фаолият олиб

боришилари учун ваколатли давлат органларидан маҳсус лицензияга ҳамда контингентида маҳсус малака шаҳодатномаларига эга бўлган мутахассисларга эга бўлиши шарт ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, қимматли қоғозлар бозори мамлакатда бир йўла икки вазифани амалга оширмоқда. Биринчидан, у иқтисодиётнинг амал қилиш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда, иккинчидан қимматли қоғозлар бозори ёрдамида ижтимоий хусусиятга эга бўлган қатор муҳим муаммолар ҳал этилмоқда. Бу омиллар эса қимматли қоғозлар бозорини, унинг моҳиятини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

#### **4-савол баёни: Листинг ва делистинг жараёнлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар**

2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига баҳо берар экан, кўпгина ҳалқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирознинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дуч келишмоқда. Ушбу инқирознинг келиб чиқишида фонд биржаларининг катта нуқсонлар сабаб бўлди. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг келиб чиқиш сабабларига Президентимиз И.Каримов кўйидагича баҳо бериб: “Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади”<sup>9</sup>.

«Тошкент» фонд биржасида амалдаги қонунчиликка асосан биржа талабларига жавоб берадиган ва биржа расмий рўйхатига киритилган қимматли қоғозлар савдога қўйилади.

Эмитентнинг хўжалик-молиявий холатининг барқарорлиги, бозорда фаоллиги ва уни қимматли қоғозининг ликвидлигига асосан қоғозни маълум тоифага киритиш жараёни **листинг жараёни** дейилади.

Биржада қимматли қоғозлар листинги учун маҳсус листинг комиссияси тузилган. Унинг таркиби раис ва камида 4 та аъзодан иборат бўлиб листинг комиссиясининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

-эмитентнинг молиявий холатини экспертиза қилиш;

-қимматли қоғозларни биржа расмий рўйхатига киритиш имконияти тўғрисида хулоса чиқариш;

-қимматли қоғозларни листинг тоифасига ажратиш ва бошқалар.

<sup>9</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.:“Ўзбекистон”. 2009. 5 б.

Эмитент ўзининг қимматли қоғозини листингга киритиш учун листинг комиссиясига қуидаги хужжатларни тақдим этади:

1. Листинг жараёнига киритиш тўғрисида расмий ариза.
2. Таъсис хужжатлари (унга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар билан бирга).
3. Корхонани давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Кўмитасининг буйруғи (агарда акциядорлик жамияти давлат корхонаси асосида ташкил этилган бўлса).
5. Қилинадиган ишлар ва қўрсатиладиган хизматлар, лицензия талаб этиладиган бўлса бу тўғрисидаги лизенциялар.
  1. Қўшимча қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қабул қилинган қарордан кўчирма.
  2. Олдинги эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги эмиссия рисоласи.
  3. Қимматли қоғозлар бўйича депозитар хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг нусхаси
  4. Акциядорлик жамиятининг олдинги қимматли қоғозлар эмиссияси тўғрисидаги маълумотнома
  5. Якунланган олдинги уч молия йили учун Бухгалтерия баланси (1-шакл) ва унга тушунтириш хати.
  6. Якунланган олдинги уч молия йили учун Молиявий натижадаги ҳисобот (2 - шакл).
  7. Охирги якунланган молия йили учун Асосий воситаларнинг харакати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл)
  8. Охирги якунланган молия йили учун Пул оқимлари бўйича ҳисобот (4-шакл).
  9. Охирги якунланган молия йили учун Ўзлик капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл).
  - 10.Охирги якунланган молия йили ва ариза берилаётган муддат бўйича балансга дебиторлик – кредиторлик қарздорлик тўғрисидаги илова(2-шакл).
  - 11.Биржа расмий рўйхатига киритиш тўғрисидаги ариза берилган муддатда охирги квартал учун Бухгалтерия баланси (1-шакл).
  - 12.Якунланган охирги молия йили ва жорий йилнинг ҳисобот муддати учун расмий аудиторнинг хулосаси.
  - 13.Биржа расмий рўйхатига киритиш тўғрисидаги ариза берилган муддатда охирги квартал учун Молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот (2 шакл).
  - 14.Қимматли қоғозлар эмиссияси натижасида жалб этилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги бизнес режа ёки техник- иқтисодий асоснинг лойихаси (агарда қўшимча эмиссия бўлса).
  - 15.Қимматли қоғозларни реестр сакловчиси тўғрисида маълумот.
  - 16.Акциядорлик реестри бўйича умумий маълумот.

17.Акциядорлик жамияти бошқарув органига кирган шахсларнинг рўйхати ва уларни устав капиталидаги улуши тўғрисида маълумот.

18.Йирик акциядорларнинг рўйхати (устав капиталидаги улуши 5 фоиздан ортиқ бўлса).

19.Давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобот.

20.Якунланган охирги молия йили учун ваколатли давлат органи тасдиқлаган қимматли қоғозлар тўғрисидаги йиллик ҳисобот.

21.Тақдим этилган хужжатларни экспертизадан ўтказиш харажатларини тўлаш бўйича тўлов топшириқномасининг нусхаси.

22.Эмитентнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги бошқа хужжатлар Листинг комиссияси томонидан эмитентнинг қимматли қоғозини экспертизадан ўтказиб, уни биржанинг расмий рўйхати ва листинг гуруҳига киритиш тўғрисидаги хулосасидан сўнг комиссия ҳамда эмитент ўртасида маҳсус шартнома имзоланади.

Фонд биржасида қимматли қоғозларни делистинг жараёнининг тартиби ҳам мавжуд. **Делистинг бу** –эмитентнинг қимматли қоғозини биржа расмий рўйхатига киритилган тоифадан вақтинча ёки бутунлай чиқаришдир. Биржанинг маҳсус комиссияси қуидаги ҳолатларда эмитентга нисбатан делистингни қўллади.:

- ❖ давлатнинг ваколатли органини эмитентнинг қимматли қоғозлари эмиссиясини тўхтатиш тўғрисидаги қарори асосида
- ❖ листинг шартларида С гурухи учун кўзда тутилган биронта кўрсаткичларнинг пасайиши ҳолати асосида
- ❖ эмитентнинг қимматли қоғозлар реестрини юритишдаги ўрнатилган тартибни бузиши асосида, шу жумладан қимматли қоғозлар эмиссиясини такорий рўйхатдан ўтказиш тартибини ҳам бузиши асосида
- ❖ фонд биржаси ва эмитент билан листинг шартномасидаги қоидаларни бузганлиги асосида
- ❖ фонд биржаси ва эмитентнинг листинг олди шартномасидаги қоидаларни бузганлиги асосида
- ❖ листингдан ташқари эмитентларни фонд биржасида қимматли қоғозлар билан савдо қилишда ўрнатилган барча қоидаларни бузганлиги асосида
- ❖ биржа расмий рўйхатидан корхоналарнинг қимматли қоғозлар реестрини юритиш тартиб- қоидаларни бузганлиги асосида

«Тошкент» Республика фонд биржасида эмитентга нисбатан делистинг жараёни уч хил шаклда қўлланилиши мумкин:

**Вақтинчалик делистинг** жараёнида эмитентнинг қимматли қоғози вақтинчалик листингдан листинголди тоифага ўтказиб қўйилади.

**Доимий делистинг** жараёнида эмитентнинг қимматли қоғози листингдан ташқари тоифага ўтказилади.

**Мутлоқ делистинг** жараёнида эса эмитентнинг қимматли қоғози биржанинг расмий рўйхатидан чиқариб ташланади.

Листинг комиссияси эмитентга нисбатан делистинг жараёнини қўллашдан олдин унга расмий огоҳлантириш беради.

**Тавсия этиладиган адабиётлар:**

- 1- Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
- 2- Ковалёва А. и др. Финансы и кредит. – М.: Финансы и статистика, 2006.
- 3- Мамедов О.Ю. и др. Современная экономика. – Ростов на Дону. 1998.
- 4- Сенчагов В.К. и др. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.
- 5- Соколова О.В. и др. Финансы, деньги, кредит. Учебник.- М.:Юристъ.2004
- 6- Поляк Г.Б. и др. Финансы. Денежное обращение. Кредит. – М.: ЮНИТИ, 2004.
- 7- “WWW. Finstat. Ru” – «Финансы и статистика» нашриёти сайти.

### **13- МАВЗУ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА ВАЛЮТА ТИЗИМИ**

**Ажратилган соат – 4 соат**

**Асосий саволлар:**

- 1. Халқаро валюта муносабатлари ва валюта тизими**
- 2. Жаҳон тизимининг ривожланиш босқичлари**
- 3. Европа валюта тизими**
- 4. Халқаро валюта мунсаабатларида олтиннинг аҳамияти**

#### **1-савол баёни: Халқаро валюта муносабатлари ва валюта тизими**

**Валюта муносабатлари** – ташқи савдо, иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик, хорижга кредит ҳамда қарзларни бериш ва олиш, валюта ва влюта активларини сотиб олиш билан боғлиқ битимларни амалга оширишда иштирок этадиган валюта билан боғлиқ муносабатлардир.

Валюта муносабатининг айрим элементлари-антик даврда – Қадимги Греция ва Қадимга Римда-қарзга пул тўлашга берилган тилхат ва пул алмаштириш шаклида пайдо бўлган. Кейинги босқич бўлиб, Япон, Анверпен ва Ғарбий Европани бошқа савдо марказларида «вексель ярмаркалари» ривожланиши билан юзага чиққан. Бу даврда ҳисоб-китоблар валюта ёрдамида амалга оширилган. Феодализм даврида ва капиталистик ишлаб чиқариш ривожланишида халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими банклар орқали ривожланди. Ўтган асрга келиб эса халқаро муносабатлар ўзининг мутлақо янги кўринишини бошдан кечирди.

Шундай қилиб, халқаро валюта муносабатларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши, жаҳон бозори ташкил этилиши,

халқаро мәннат тақсимотининг чуқурлашуви, жағон хўжалигининг таркибий тузилиши ҳамда хўжалик мунсоабатлари байналлмилашувининг натижасидир.

### **Валюта мунсоабатлари иштирокчиларига қуидагилар киради:**

- давлат (ҳукумат, марказий ва давлат банклари)
- халқаро ташкилотлар
- юридик шахслар (тижорат банклари, корхоналар: импорт ва экспорт қилувчилар, биржалар)
- жисмоний шахслар (брокерлар, чайқовчилар ва сайёхлар).

Замонавий ташқи иқтисодий алоқаларда, шу билан бирга валюта мунсоабатларида сиёсат ва иқтисодиёт, дипломатия ва тиҷорат, саноат ва савдо уйғуланишиб бораётганлигини қузатиш мумкин.

Халқаро валюта мунсоабатларининг давлат томонидан шакллантириладиган ҳуқуқий-ташкилий шакли **валюта тизими** дейилади. Миллий, ҳудудий ва жағон валюта тизимларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Миллий валюта тизими** деганда маълум давлатни, бошқа давлатлар билан пулли ҳисоб-китоблариниамалга оширишда қўллайдиган усуллари, инструментлари ва миллий органларининг умумий йиғиндиси тушунилади. Миллий валюта тизими нисбатан мустақил ва фаолият доираси миллий чегаралардан чиқсада, у мамлакат пул-кредит тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Миллий ва жағон валюталар тизимлари алоқаси ва ривожланиши уларнинг элементларида намоён бўлади.

**Ҳудудий валюта тизими** – миллий ва жағон валюта тизимларининг оралиқ элементи ҳисобланиб, у мамлакатлар ҳудуий гурӯҳи интеграциясига хизмат қиласиди. Бунга мисол қилиб, Европа валюта-иқтисодий иттифоқини келтириш мумкин.

**Жағон валюта тизими** – бу алоҳида олинган миллий иқтисодиётни жағон хўжалиги билан боғловчи механизmdir.

Халқаро келишувлар, иккиёқалама ва кўпёқлама шартнома ва актлар, жағон валюта тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

**Жағон валюта тизимининг асосий мақсади** – экспорт ва импорт учун тўловларни товар, капитал, хизматлар ва бошқа фаолият турларини амалга оширишда халқаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш орқали самарали воситачилик қилиш, шунингдек халқаро мәннат тақсимотини ривожлантириш учун мамлакатлар ўртасидаги мунсоабатларда қулай муҳитни яратишдан иборат.

Жағон валюта тизими ёрдамида иқтисодий ресурсларнинг бир мамлакатдан бошқасига кўчиши ёки аксинча, ушбу жараён чегараланиши, миллий иқтисодиёт мустақиллиги чекланиши ёки кенгайиши, иқтисодиёт мустақиллиги чекланиши ёки кенгайиши, иқтисодий муаммоларни (масалан, ишсизлик, инфляция) бир мамлакатдан бошқасига «кўчиб ўтиши» мумкин.

Жағон валюта тизими фаолият юритиш ва тартибга солишнинг алоҳида механизмларига эга ва жағон хўжалигининг глобал мақсадларини кўзласада, у миллий пул ва ҳудуий валюта тизимлари билан чамбарчас боғланган.

Жаҳон валюта тизими халқаро пул муносабатлари ташкил топишининг тарихий шакли бўлиб, у давлатларо шартномалар орқали мустаҳкамланган.

Жаҳон ҳудудий ва миллий валюта тизимлари доирасида қуидаги молиявий операциялар амалга оширилади:

- 1) *Валюта конвертланиши* – миллий валютани хорижий валютага алмаштириш;
- 2) Тижорат банклари ва биржаларда валюта олди-сотди операциялари. Бу валюта *дилинги* дейилади.
- 3) Тижорат банкларининг **депозит-кредит** деб номланувчи, валюта маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш билан боғлиқ операциялари.
- 4) Ташқи савдо операцияларида халқаро амалиётда қабул қилинган турли шаклдаги ҳисоб-китобларда банк хизмати кўрсатиш;
- 5) Олтин ва фонд инструментлари (мулкчилик титуллари, облигациялар, иккиласми молиявий инструментлар ва ҳ.к) сотиш ёки сотиб олиш мақсадида молия бозорида амалга ошириладиган операциялар. Бу операцияларнинг барчаси инвестиция мақсадларида, шунингдек, чайқовчилик ёки хежерлаш (сугурта) мақсадларида амалга оширилади. Банклар ушбу операцияларни ўз номидан ёки мижоз топшириғига кўра амалга оширадилар.
- 6) Кредит (дебет) карточкаларининг эгаларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ операциялар;
- 7) Банк халқаро **трансферлари** (дивиденд, фоиз пенсия тўлови, алимент, ҳадиялар, сайёхларга хизмат кўрсатиш ва ҳ.к) амалга ошириш.

Замонавий валюта тизими, унинг ҳам ҳудудий (географик жиҳатдан), ҳам вақт жиҳатдан (кечаю-кундуз ишловчи валюта бозори) технологик (ахборот технологиялари ва тармоқларининг яхлитлиги) глобаллашганлиги билан тавсифланади.

Замонавий валюта тизимининг глобаллашувининг ўзига хос жиҳатлари қуидагилардан иборат:

-валюта курслари ва фоиз ставкаларининг кутилмагандан ва кескин ўзгариши билан тавсифланадиган бозор механизми;

-бир томондан, олдиндан кутилмаган воқеаларга (нефть фалажлари ёки Германиянинг бирлашуви каби) тезда мослашишга зарурат, бошқа томондан мамлакатлар ҳукуматларининг инфляцион сиёsat юритиши ва давлат қарздорлиги ўсиши сиёsatидан кафолатловчи маълум халқаро тартибга солиш инструментларини яратиш.

Жаҳон валюта тизимининг энг асосий хусусияти шундаки, у ҳар доим ўзгариб, ривожланиб туради. Бу ўзгаришларнинг энг умумий сабаблари –

жаҳон хўжалигини ривожлантиришдаги халқаро ҳамкорликнинг кучайиши, товар ишлаб чиқариш ва бозорларнинг байналмиллашувири. Бугунги кунда уни тартибга солиш механизмларининг доимий ўзгариши ва валюта тизимининг барқарорлиги, валюта тизимининг эволюцияси билан қанчалик мос тушушига боғлиқ.

Халқаро валюта тизимларининг маълум шакллари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, халқаро алоқалар, миллий пул тизимлари, жаҳон майдонидаги кучлар нисбатига, етакчи мамлакатларнинг манфаатларига қараб белгиланмоқда.

## **2-савло баёни: Жаҳон тизимининг ривожланиш босқичлари**

**Париж жаҳон валюта тизими (1867-1914 й)** Пулнинг халқаро алмашуви худди пулнинг ўзи сингари қадимий бўлсада, ҳозирги шаклда валюта битимларининг пайдо бўлиши XIX аср охирига бориб тақалади. Биринчи жаҳон валюта тизими – 1865 йилда тўртта Гарбий Европа мамлакатлари томонидан ташкил этилган ва «Олтин андозаси» асосида фаолият юритган-Олтин тнга иттифоқи ҳисобланади. Мазкур валюта тизими расмий равишда 1867 йилда Париж конференциясида тан олинди ва дунёning 30 дан ортиқ мамлакати томонидан маҳсус халқаро шартномага имзо чекилди. Бу валюта тизими «Олтин андозаси»га, яъни олтинни этalon (мезон) металл сифатида қабул қилишга асосланган миллий пул тизимларини бирлаштириди. Шунинг учун ҳам Парижда валюта тизими «Олтин танга андозаси» деб юритла бошланди. Бунга мувофиқ, жаҳон пули олтин тангалар ва олtinga конвертиранадиган пуллардан ташкил топган эди.

«Олтин танга андозаси» тартиби босқичма-босқич уч шаклни бошдан кечирди. 1914 йилгача олтин танга босқичи, 1922 йилдан 1929 йилгача олтин қуйилма андозасини, 1944 йилдан 1971 йилгача олтин девиз андозаси. «Олтин танга андозаси» даврида забрхоналар олтин қуйилмалардан олтин тангалар ишлаб чиқариш ҳукуқига эга эдилар. Бу эркин тарзда ва деярли текин амалга оширилган, шунинг учун ҳам бу тангалар пул массасинин асосини ташкил қилган. Қоғоз пуллар худди олтин тангалар қатори муомалада бўлган ва улар олtinga тўла конвертиранганликни доимо таъминланиши учун қоғоз пуллар эмиссияси чегараланган. Янги тизимнинг дунё бўйлаб кенг тарқалиши билан унга бўлган ишонч ортди. Бу амалда халқаро ҳисоб-китобларда тўлов воситасида олтин ва бошқа шу каби қимматбаҳо металларни олиш ёки бериш ўрнига хорижий счетни дебитлаш ёки кредитлаш орқали тўловни амалга оширишга олиб келди. Валюта диллерлари қўлида телеграф, телефон, телетайп каби воситаларнинг пайдо бўлиши, халқаро валюта савдосини профессионал даражада юритишига имконият берди.

Париж валюта тизими биринчи жаҳон урушигача амалда бўлди. Унинг асосий хусусияти, паритетлари олtinga нисбатан ўрнатиладиган, белгиланган валюта ставкаларида эди. бу давлат томонидан кафолатланган бўлиб, «валютанинг олтин паритети» ёки «валютанинг олтин таркиби» деб ном

олди. «Олтин танга андозаси» даврида олтин ҳисобига иккиёклама функция амалга оширилган. Мазкур функциялар: халқаро ҳисоб-китобларда тан олинган тўлов воситаси сифатида ҳамда бир вақтнинг ўзида ички бозорда ягона қабул қилинган алмашув ва тўлов воситаси эди.

Олтин ушбу функцияларни таъминлаши учун қуйидаги шартлар бажарилиши шарт бўлган:

- 1) марказий банк олтинни белгиланган курс бўйича, чегераланган миқдорда сотишни ва сотиб олишни кафолатлаши.
- 2) Олтин эгаси давлат зарбхонасида тайёрланган олтинни танга ва қўйма шаклида ҳар қандй миқдорда сақлаши. Олтин захираларни сақлаш жараёни эса тезаврация деган ном олган.
- 3) Олтиннинг импорт ва экспорти чегараланмаганлиги. Ушбу шартларнинг бажарилиши тангани металл қиймати ва номинал ҳар доим бир хилда бўлиши таъминланган. Ўз-ўзидан, «олтин танга андозаси» шароитида ликвидлилик – саноат мақсадлари учун зарур бўлган олтинни ишлаб чиқариш тезлиги ва олтиннинг миқдори билан аниқланган.

Барча валюталар ва олтин ўртасидаги яқин боғлиқлик, халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда, маълум таъсирини ўtkазdi.

Олтин андозасининг автоматик фаолияти деб аталағиган жараён қуйидагича амалга ошиди: тўлов балансидаги тақчиллик мавжуд мамлакатни маълум миқдорда олтинни чет элга олиб чиқиши шарт бўлган. Бу муомаладага пул массасини камайтириб, дефляциясига олиб келган (дефляция- муомаладаги пул массаси ўсишини чегаралаш жараёни, инфляциянинг тескариси).

Ва аксинча, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга олтиннинг олиб келиниши, иккинчисида инфляцияни келтириб чиқарган. Шу йўл билан ҳосил қилинган нархлар ўртасидаги фарқ, олтин олиб чиқилган мамлакат учун фойдали ҳисобланган. Экспортни кенгайтириш, импортни қисқартириш орқали бундай мамлакат тўлов балансини яхшиланган.

Шунингдек тартибга солиш жараёнида пул (олтин) тақчил бўлган мамлакатда ҳисоб ставкаларини ошириш ва аксинча, пул (олтин) ортиқча бўлган мамлакатда ҳисоб ставкасини тушириш қўлланилган. Юқоридагилар натижасида юзага келадиган капитал кўчиши, икки мамлакат ўртасидаги тўлов ҳолати балансанишига ёрдам берган.

«Олтин андозаси» шароитида биржа алмашинув курслари жуда тор чегарада 1% га тебраниши мумкин эди. Бу ҳолат юқори ва қути «олтин нуқталари», деб ном олди. Расмий паритетдан бундай оғишишни, олтин олди-сотдиси пайтида фрахт ва сугурта билан боғлиқ харажатларнинг келиб чиқиши, ташиладиган олтин қийматининг 1% ини ташкил этганлиги билан тушунтириш мумкин. Агар маълум валютанинг алмашув курси ўз паритетидан юқори бўлса, хорижий валютани сотиб олишдан, олтинни ташиб келтириш арzon ҳисобланган. Дебитор ўз пулини олтинга алмаштириб, қарз тўлаган. Бу тизимда валюта мунсаобатлари давлатнинг

аралашувидан холис тарзда амалга оширилганлигидан ҳамда алмашув курсининг тебраниши сезиларлisisиз бўлганлигидан холис тарзда амалга оширилганлигидан ҳамда алмашув курсининг тебраниши сезиларсиз бўлганлигидан валюта риски паст эди. мазкур тизим 1914 йилгача амалда бўлди. Биринчи жаҳон уруши йилларида юзага чиқсан иқтисодиёт учун йирик ҳажмдаги зарурий маблағлар, фақатгина қўшимча пул чиқариш йўли билан қондирилиши мумкин эди. ички бозорга салбий таъсирини инобатга олиб, кўпгина мамлакатлар «олтин андозаси»га асосланган қоидаларни бекор қилувчи чора-тадбирларни қўлладилар. Бу эса Париж Жаҳон валюта тизимини амалда парокандаликка олиб келди.

**Генуя жаҳон валюта тизими (1922-1929 й).** Иккинчи жаҳон валюта тизими 1922 йилда ўtkазилган халқаро Генуя конференцияси қарорининг натижаси эди. бу тизим – «олтин андозаси» га таалуқли бўлиб, унинг янги кўриниши «олтин қуйилма андозаси» ҳисобланади. «Олтин қуйилма андозаси» амалга шароитда муомаладаги пуллар қисман, ёки тўлиқ қоғоз пуллар эди. ҳуқукий жиҳатдан мазкур қоғоз пуллар ҳохлаган пайтда эмиссион банкдан олтинга алмаштириш мумкин бўлган. Амалда эса ушбу пулларнинг маълум қисмини шу йўл билан алмаштирилган. Эмиссион банк, албатта, пулни тўлиқ таъминлаш учун зарур бўлган олтинни сақлаши шарт эмас эди. белгиланган таъминот (олтин) қанчалик оз бўлса, давлатнинг қўшимча қоғоз пулларни чиқариш имконияти шунчалик кўп бўлган. Шу сабабли муомальадаги қоғоз пул миқдори сақланадиган металл пул миқдоридан юқори бўлган. Олтинга алмашинадиган валюталар сифатида доллар, француз франки ва фунтстерлинг танланди.

Генуя валюта тизими атиги 1929 йилгача амалда бўлди. Ушбу тизимнинг парокандаликка учрашига асосий сабаб, урушдан кейинги инфляция таъсирида валюта паритети ноеаллигининг ўсиб бориши бўлди. Аксарият мамлакатларда инфляция суръатларининг турли даражада бўлиши, халқаро нархларга боғлиқликда номутаносибликтининг кучайишига олиб келди. Масалан, 1925 йилда фунт-стерлинг долларга нисбатан 44 фоиздан паст бўлмаган баҳоланишга эга бўлган. Кўпгина мамлакатларда, иқтисодиётнинг ички ва ташки соҳаларида доллар орқали мувофиқлаштириш сезиларли даражадаги инфляцияни келтириб чиқарди. Битта валюта алмашинув курсининг пасайиши, бошқаларининг ҳам қайта баҳоланишига олиб келди. Олдинги паритетни тиклаш мақсадида алмашув курси кўтарилиган мамлакатларда ҳам инфляция юз берди. Натижада юзага келган девальвация барча асосий валюталарга таъсир этди.

Икки жаҳон уруши оралиғида халқаро пул тизими барқарорлигини бузилишига сабаб бўлган омиллар, фақатгина инфляция в девальвация эмас эди. 1931 йилдан бошлаб, бутун жаҳон иқтисодиётини фалаж аҳволига солиб қўйган инқизор туфайли валюта назорати жорий қилинди. Асосий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ, жорий тўловларни амалга оширишга етарли хорижий валюта захирасини таъминлаш, назорат қилишнинг асосий вазифаси эди.

Бунинг учун ҳукуматлар хорижий валютанинг импорти ва экспорти устидан назоратни амалга оширишларига тўғри келди. Ҳақиқатда тизим учта валюта блокига: доллар, фунт-стерлинг ва франк худудларига ажралади. Булар иккинчи жаҳон урушигача амал қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, франк худуди Африканинг француз тилида сўзлашувчи мамлакатларида евро муомалага чиққунга қадар фаолият юритди.

**Бреттонвуд жаҳон валюта тизими (1944-1972 йй.).** 1943 йилга келиб, АҚШ ҳамда Буюк Британия эркин ва барқарор валюта тизимини барпо қилиш учун дастлабки қадамларни қўйди. 1944 йилнинг июль ойида Бреттон-Вудс шахрида бўлиб ўтган конференцияда АҚШ «олтин андозаси»га асосланган концепцияга ўтиш ташаббуси билан чиқди. Шу вақтнинг ўзида янги халқаро валютани тартибга солиш тизими фаолиятини назорат қилиш учун Халқаро валюта фонди (ХВФ)ни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Янги тартибнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат эди: барқарор алмашув курсларига эга бўлган халқаро валюта тизимини ташкил этиш; қаттиқ валюта назорати бекор қилиниши ва барча валюталарнинг конвертируланишига эришиш.

Бреттонвуд тизимининг асосий томонлари қуйидаги тамойилларни ўз ичига олади:

- мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб-китобларда олтин ўзининг охирги пул функциясини сақлаб қолди;

- америка доллари захира валюта сифатида қабул қилинди. У олтинга тенглаштирилиб, бошқа мамлакатларнинг валюта қийматини ўлчаш ҳамда халқаро кредит тўлови воситаси сифатида қабул қилинди;

- бошқа мамлакатларнинг марказий банклари ва ҳукуматлари долларни АҚШ хазиначилигидан 1 тр. Унцияси (31.1 г) учун 35 доллар курси бўйича алмашиши мумкин эди. бундан ташқари ҳукумат органлари ва хусусий шахслар олтинни хусусий бозорлардан харид қилишлари мумкин эди. олтиннинг валюта баҳоси расмий курс асосида белгиланиб, у 1968 йилгача сезиларли даражада тебранмаган;

- валюталарнинг бир-бирига тенглаштирилиши ва уларни ўзаро алмаштириш, олтин ва долларда ифодаланадиган расмий валюта паритетларида амалга оширилган;

- барча мамлакатлар ҳар қандай олинган бошқа мамлакат валютасига нисбатан ўз валюта курси барқарорлигини сақлаши шарт эди. валютанинг бозор курси олтин ёки долларда белгиланган паритетдан 1 фоиздан ортиқ у ёки бу томонга оғиши мумкин эмас эди. паритетларнинг ўзгариши, тўлов балансидаги бузилишлари барқарор тус олсагина мумкин ҳисобланарди. Доллардан фойдаланиш кўламининг тангар тус олиши билан олтиндан фойдаланиш хажми кескин пасайди;

- валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш, асосан ХВФ томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб Бреттонвуд тизими ўсиб келаётган жаҳон хўжалигининг байналмиллашуви, ТМКларнинг валюта соҳасидаги чайқовчилигининг бошланишига қаршилик қиласарди.

Олтин тартибдаги доллар андозаси тизими амалда аста-секин доллар андозаси тизимиға айланиб борди. Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб, АҚШ иқтисодиётидаги орқага силжиш асосан Ғарбий Европа ва Япония иқтисодий қудратининг ўсиши натижасида долларнинг қадри сезиларли даражада тушди. АҚШдан ташқарида бўлган доллар захиралари йирик евродоллар бозорини ташкил қиласарди. Тўлов балансидаги йирик тақчиллик 1 унция учун доллар нархини 35 долларга ошишига олиб келди.

Валюта тизимининг ларзага келиши турли мамлакатларда турлича иқтисодий ўсиш юз берганлиги ҳам сезиларли даражадаги ижобий тўлов баланси натижасида немис маркаси ва голлан гульденининг ревальвацияси юз берди.

Бир пайтнинг ўзида 1963 йилдан бошлаб, фунтстерлинг қаттиқ босим остида қолди.

Кўрсатилган барча ёрдамларга қарамасдан, уч йиллик инқироз даврида 1967 йилга келиб, фунт-стерлинг паритети 2,80 дан 2,40 долларгача девальвация қилинди. Бунинг натижасида олтинга бўлган талаб ортди. Буларнинг барчаси олтиннинг камайишига олиб келди. Марказий банкларни 1968 йилда олтин пули (инг. «Pol») дан воз кечишга ва олтин бозорининг америка секторига жмланишига олиб келди.

1960 йилларга келиб, АҚШ тўлов балансидаги тақчиллик олтин захирасини 18 млр. Долларга, 1970 йилларда эса 11 млр. Долларга камайтириди. Бир вактнинг ўзида АҚШга нисбатан хорижий кредиторларнинг талаби анча ўсиб, 1970 йилда а АҚШ ихтиёридаги олтин захираларидан икки маротаба кўп эди. 1971 йилнинг июнига келиб АҚШ долларни олтинга расмий баҳода алмаштиришдан бир томонлама бош тортди. Бу Бреттонвуд тизимининг амалда бекор бўлишини билдиради.

**Ямайка жаҳон валюта тизими** (1976й. Ҳозирги пайтгача). 1976 йили Кингистонда (Ямайка) бўлиб ўтган ХВФнинг навбатдаги йиғилишида янги валюта тизимиға асос солинди. Ямайка битимининг йўриқлари асосида ҳалқаро валюта механизмини ташкил этиш тамойилларини қўйидагича келтириш мумкин:

-олтиннинг қийматини ўлчаш сифатида ва валюта курсларини ҳисоблаш воситаси сифатидаги тангар функцияси бекор қилинди.

Олтин эркин нарх белгиланадиган оддий товарга айланди. Бир вақтнинг ўзида у юқори, ликвидли актив сифатида маҳсус товар бўлиб қолаверади. Керак бўлиб қолганда олтин сотилади ва ундан олинган валюта тушумидан тўлов учун фойдаланилади.

Муомалага СДР андозаси –«маҳсус қарздорлик ҳуқуқи» киритилди. Бундан кўзланган мақсад, ушбу валюталарни асосий захира авуари қилиб бошқа захира валюталарни, биринчи навбатда АҚШ доллари ролини пасайтириш эди.

Мамлакатларга валюта курси тартибини танлаш ҳуқуқи берилди. Мамлакатлар ўртасида амалдаги валюта муносабатлари, улар миллий пул бирликларининг сузиги юрувчи курсига асослана бошлади. Курсларнинг тебранишига асосан иккита омил таъсир кўрсатар эди:

А)валютанинг мамлакт ички бозордаги харид қуввати, реал қиймат нисбатлари;

Б) халқаро бозорларда миллий пулга бўлган талаб ва таклиф.

Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, сузиги юрувчи курс омилларини татбиқ этиш натижасида халқаро валюта тизимини ташкил этишининг қуидаги элементларига асосланган мураккаб чизмаси пайдо бўлди;

1)муносабатларни сақлаш керак бўлган алоҳида миллий валюталар асосий таянч бирликлар сифатида танланади, аниқроғи, ўз валюта курсини бошқа валютага боғлаш;

2)валюта курсларининг тебраниш даражаси бир хил эмас, шунингдек тебраниш оралиғи кенг. Бунда валюта курси айрим валюталарга нисбатан маълум оралиқда ушлуб алмашилади. Бошқача сўз билан айтганда, миллий валюта паритети асосан СДР нисбатан ушлаб турилади. Амалда мамлакатларнинг валюта тартибини эълон қилишлари турличадир.

1988 йилда 58 мамлакат ўз валюта курсини битта асосий ҳамкор мамлакат валютасига нисбатан ўрнатиши ҳақида қарор қабул қилди: америка долларига (39 мамлакат), француз франкига (14 франк худуди мамлакатлари) ва бошқа валюталарга (5 та мамлакат).

Шундай қилиб, жаҳон валюта тизимининг учта кўриниши амал қилган ва олдинма кейин бир-бирини ўрнини алмаштирган. Улардан биринчиси – **«олтин танга андозаси»** тизими -қонуний жиҳатдан асосий пул шакли ролини бажарувчи олтинга қаттиқ боғланган бўлиб, бирликларнинг курси олтинга асосланган. Миллий бирликларнинг курси олтин билан таъминланганлиги орқали қаттиқ курс бўйича таққосоланган. Валюта курсларининг эълон қилинган нисбатлардан оғиши 1% дан ортмаган ва «олтин нуқталар» чегарасида бўлган.

Иккинчи тизим – бу **«олтин девиз андозаси»** (бреттонвуд валюта тизими)бўлиб, у АҚШ долларига нисбатан валютанинг қаттиқ курсини ўрнатиши (офишишлар чегараси 1% оралиқда) орқали амал қилган. АҚШ долларининг курси олтинга нисбатан қаттиқ ўрнатилиб, доллар шу курс бўйича олтинга конвертиланган. Тизимнинг ўзи эса «олтин девиз андозаси» деган ном олди. Генуя тизимини олтин танга ва олтин девиз андозалари ўртасидаги оралиқ тизим дейиш мумкин.

Учинчи жаҳон валюта тизими –Ямайка валюта тизими сузиги юрувчи, алмашув курсларига асосланган бўлиб, **«кўп валютали андоза»** ёки бошқача –СДР андозаси деб номланади. Мамлакат белгиланган сузиги юрувчи ёки аралаш валюта курсларини танлаши мумкин. Бу шунингдек валюта инқирозларини келтириб чиқариш хусусиятига ҳам эга.

### 3- савол баёни: Европа валюта тизими

**Европа валюта тизими** – бу жаҳон (худудий) валюта тизими бўлиб, у иқтисодий интеграция доирасида амал қиласиган иқтисодий муносабатларнинг умумий йиғиндиси; «умумий бозор» мамлакатлари интеграция жараёнларини рағбатлантириш ва валюта курсларини барқарорлаштириш мақсадида валюта муносабатларини ташкил этишининг давлат-ҳуқуқий шаклидир.

Европа валюта тизими – жаҳон валюта тизимининг (Ямайка) қуи шаклидир. ғарбий Европа интеграция мажмумининг ўзига хос жиҳатлари, унинг Ямайка валюта тизимидан фарқланувчи қуидаги таркибий тамойиллари билан тавсифланган эди:

- Европа валюта тизими валюта бирлиги – ЭКЮга асосланади;
- Олтиннинг амалдаги захира активлар сифатида ишлатилиши;
- Валюта курсларининг тартиби белгиланган ўзаро тебранишлар доирасидаги валюталарнинг «европа валюта илони» шаклидаги сузишига асосланиси;
- Европа валюта тизимида валютанинг давлатлараро худудий тартибга солиниши марказий банкларга валюта интервенцияси билан боғлиқ бўлган тўлов балансларининг вақтингачалик тақчиллигини қоплашга кредитлар ажратиш йўли билан амалга оширилади.

ЭКЮ билан СДРнинг таққослама тавсифи уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини очиб беради. Умумийлик уларнинг халқаро ҳисоб-китобларда жаҳон кредит пуллар сифатидаги кўринишида; банкнотларда эмас, балки нақд пулсиз шаклда амал қилишида; улар шартли қийматини аниқлашда валюта савати усулидан фойдаланишда; счетларда чегерадан ортиқ сақлагани учун эмитентни мамлакатларга фоиз тўлаши зарурлиги кабиларда намоён бўлади. ЭКЮ ва СДРнинг фарқли жиҳати сифатида қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1.ЭКЮнинг эмиссияси СДРнидан фарқли равишда Европа валюта иттифоқига аъзо мамлакатлар олтин ва доллардаги расмий захираларининг 20 фоизини бирлаштириш орқали таъминланган эди;

2.ЭКЮни эмиссияси СДРнига қараганда эгилувчан эди. ЭКЮни чиқариш суммаси олдиндан расмий белгиланмаган ва у Европа валюта иттифоқига аъзо мамлакатлар олтин-доллар захираларининг ўзгаришига қараб тартибга солинган, ЭКЮнинг эмиссия ҳажми СДРнидан анча юқори эди;

3.Валюта савати нафақат ЭКЮнинг курсини аниқлашга хизмат қилган, балки у бирорта ҳам халқаро валюта бирлиги бажармаган ҳисоб-китобларда валютанинг паритет сеткаси вазифасини бажарган;

4.ЭКЮнинг курси тартиби ўзаро тебранишлар доирасида («европа валюта илони») биргаликда сузишига асосланган эди. бу ЭКЮ ва бошқа европа валюталарнинг барқарорлигини таъминларди;

5. СДРдан фарқли равища ЭКЮ нафақат расмий, балки хусусий секторда ҳам қўлланилган. ЭКЮ фаолият доирасининг кенгайишига қуидаги сабаблар бор эди:

- ЭКЮ валюта савати ва «европа валюта илони валюта» рискини пасайтиради;
- Ҳар қандай банк ЭКЮни валюта саватига мос равища «назорат қила оларди». Банк ўз мижози билан келишилган ҳолда валюта саватига валюта қўшиши ёки ундан олиши мумкин эди;
- ЭКЮ барқарор валюта сифатида муқобил жаҳон валютаси ҳисобланган нобарқарор доллардан кўра кўпроқ жаҳон хўжалигининг эҳтиёжларини қондира оларди.

Бир неча йил давом этган қизғин тортишувлардан сўнг 1987 йилда валюта интеграциясининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган, Ягона европа акти имзоланди. 1991 йил «Делор режаси» асосида валюта-иктисодий иттифоқни босқичма-босқич шакллантиришни кўзда тутувчи Европа иттифоқи тўғрисидаги Маастрихт шартномаси ишлаб чиқилди. 1992 йилнинг февралида Маастрихтда (Нидерландия) 12 та мамлакат томонидан Европа иттифоқи шартномаси рўйхатдан ўтказилди ва 1993 йилнинг 1 ноябридан ишга тушди. Кейинчалик Еиига Австрия, Финландия, Швеция қўшилди.

Маастрихт шартномасига асосан иктисодий ва валюта иттифоқи учта босқичда амалга оширилади.

**Биринчи босқич (1990 йил 1 июл –1993 йил 31 декабр) –ЕИ (Европа иттифоқи)** иктисодий ва валюта иттифоқининг ташкил топиши. ЕИ ни ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари ишлаб чиқилди. Шунингдек бу даврда Еи ичida ва ЕИ билан бошқа учинчи мамлакатлар ўртасида капиталнинг ҳаракатланиши бўйича барча тўсиқлар олиб ташланди. ЕИ га аъзо мамлакатлар иктисодий ривожланиши кўрсаткичларини яқинлаштириш бўйича, шунингдек, инфляцияга қарши ва давлат бюджети сиёсатини мувофиқлаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

**Иккинчи босқич (1994 йил 1 январь –1998 йил 31 декабр)** аъзо – мамлакатларни еврони қабул қилиш бўйича ҳаракатлари янада аниклаштирилди. Ушбу босқичда Европа Марказий банкининг (ЕМБ) ҳукуқий, ташкилий, моддий-техник ҳолатини белгилаш учун Европа валюта институти ташкил этилди.

Шунингдек мазкур босқичда:

- Аъзо мамлакатларнинг марказий банклари томонидан давлат сектори корхоналарига ёрдам кўрсатиш ҳамда давлат қарзларини сотиб олишни тақиқловчи қонунлар қабул қилинди. Худди шу тақиқлар ЕВИ ташкил этилишининг учинчи босқичга келиб, ЕМБга тегишли бўлди;
- Давлат сектори корхоналарининг молия институтларини маблағларидан фойдаланишдаги имтиёзлари бекор қилинди;
- Аъзо мамлакат давлат секторининг мажбуриятларини бошқа мамлакат ёки ЕИ томонидан олиниши тақиқланди; Бу тадбир

«кафолатлашдан бош тортиш тўғрисидаги келишув» деган ном олди;

- Иштирокчи-мамлакат давлат бюджетидаги тақчиликнинг меъёридан (давлат бюджети тақчиллиги ЯИМга нисбатан 3 фоиз, давлат қарзлари ЯИМ га нисбатан 60 фоиздан) оширмаслиги талаб қўйилди;
- Зарур бўлганда марказий банкларга худди ЕМБ каби мақом ва мустақиллик бериш қабул қилинди.

1998 йил 2 майда Европа Иттифоқи ЕИВининг учинчи босқичида қайси мамлакатларга еврога ўтишга рухсат бериш хақидаги қарорни қабул қилди.

**Учинчи босқичда (1999-2002 йй.)** 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб, евро худудига кирувчи иштирокчи мамлакатларнинг миллий валюталари евро курсига нисбатан белгиланди, евро уларнинг умумий валютаси бўлди. У ЭКЮни ҳам 1:1 нисбатда алмаштириди. Иштирокчи-мамлакатлар учун ягона пул-кредит сиёсатини юритувчи ЕМБ ўз фаолиятини бошлади.

Ягона пул-кредит сиёсатининг инструментлари орқали тижорат банклари ва йирик компанияларни еврода операцияларни амалга ошириш рағбатлантирилди.

1999-2002 йилларда ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китобларда европа ва унга боғланган миллий ҳисоб-китобларда евро ва унга боғланган миллий валюталардан фойдаланилди, худуднинг барча давлат ҳамда хусусий сектор актив ва пассивлари еврода номинация қилина бошлади. Евро иттифоқида ягона пул-кредит ва валюта сиёсати юритилиб, Еининг умумиллий банк институтларининг фаолияти бошланди.

**2002 йилнинг 1 январида** муомалага евро банкноти ва тангалари чиқарилди, у миллий пул бирликлари билан параллел равишда фаолият юритди ва миллий пулларни еврога алмаштириш жараёни амалга оширила бошланди.

2002 йилнинг 1 июлидан миллий валюталар муомаладан чиқарилиб, иштирокчи мамлакатларнинг хўжалик айланмаси, бутунлай еврога ўтди. Лекин евро худудига Буюк Британия, Швецария ва Дания мамлакатлари киришни хоҳламадилар.

Еининг ягона валюта ва кредит бозорида қатор молия операцияларининг давлат томонидан тартибга солинишини бир хиллаштириш ва эркинлаштириш кутилмоқда, хусусан:

- Суғурта ва пенсия фондлари эндиликда евро худудида инвестиция фаолияти билан шуғулланишда бир хил хуқуққа эга бўладилар. Бу уларни мажбурий тарзда давлат қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишга бўлган амалдаги тартибдан қутилиб, ўз портфелларини диверсификация қилиш имкониятини беради;
- Давлат қимматбаҳо қоғозларини жойлаштириш бўйича бирламчи дилерлар чегаралнган миллий устунлигини йўқотадилар;

- Айрим мамлакатларларда маҳсус рухсат талаб этиладиган ва кўчмас мулк гарови эвазига бериладиган кредитлар, евро ҳудудида ва тез кўчиб ўтувчи тус олади;
- Ҳозирги кунда миллий пул-кредит сиёсатининг манфаатларини кўзлаб, ўз ҳудудида ҳамкор-мамлакат банклари фаолиятини назорат қилиш амалиёти бекор бўлади;
- Еида солик тизимларининг интеграцияси жадаллашади.

Умуман, мутахассисларнинг фикрича, евронинг муомалага киритилиши билан ҳалқаро иқтисодий, жумладан молия муносабатларида сезиларли ўзгаришлар амалга ошиши башорат қилинмоқда. Евро ҳудудида пул ва капитал бозорида таклифнинг кенгайиши кутилмоқда, чунки евро ҳудуди мамлакатлари валюта захираларини олдинги ҳажмда сақлашга эҳтиёж бўлмаганларини олдинги ҳажмда сақлашга эҳтиёж бўлмаганлигидан валюта захиралари ҳажмини қисқартириш амалга оширилмоқда. Бу ҳолат мазкур бозорларни янада эркин ва динамик бўлишига олиб келади, унда асосий ҳал қилувчилик роли давлатдан, хусусий қарз берувчиларга ўтади. Инвестицияларнинг асосий оқими эса, давлат мажбуриятларига эмас, балки корхоналар қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишга йўналтирилади. Бу вонд бозори билан ишлаб чиқаришни боғлаб, капитал айланмасини тезлаштиради.

Еврони киритилиши банклар учун ЕИда ягона банк хизмати бозорини, шунингдек ягона давлат ва корпоратив қимматбаҳо қоғозлар бозорини вужудга келишини билдиради.

Саноат корхоналари учун евронинг киритилиши, ундан баҳо ва тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, шунингдек ҳисоб-китоблар ҳамда валюта рискини суғурталаш билан боғлиқ харажатлар пасайишини билдиради. Бу айниқса молия корхоналарини соғломлаштиришда мухим рол ўйнайди. Улар акцияларининг даромадлиги ошади ва нисбатан яхши ривожланмаган Жанубий Европа давлатлари иқтисодиётини шимолий давлатлар даражасига тенглашишини тезлаштиради.

Жаҳон молия марказлари масаласида эса агар Буюк Британия евро ҳудудига қўшилмаса, унда етакчилик мавқеи лондондан Франкфурт-Майн ва Парижга ўтиши кутилмоқда. Еининг валюта ва иқтисодий бирлашуви келгусида жаҳон хўжалигида кучлар нисбатини «янги Европа» фойдасига қараб ўзгаришига ҳамда АҚШ ва Япониянинг жаҳондаги мавқeinинг кучсизланишига олиб келиши мумкин.

#### **4. Ҳалқаро валюта мунсоабатларида олтиннинг аҳамияти**

Тарихан жаҳон пули функциясини олтин ва кумуш бажариб келган бўлсада, париж валюта тизими доирасида фақатгина олтин жаҳон пули сифатида қабул қилинган. Бироқ, демонетизация натижасида олтиннинг аҳамияти бир мунча камайди. **Олтин демонетизацияси** – бу олтиннинг пул функцияларини бажаришдан аста-секин маҳрум этиш жараёнидир. Демонетизация жараёни XIX аср охиригача бир неча юз йил давом этган кумуш демонетизацияси каби узоқ муддатли жараёндир.

Олтин демонетизацияси объектив ва субъектив сабаблар билан изоҳланади:

- Олтин пуллар замонавий товар ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермайди;
- Кредит муносабатлари ривожланиши билан кредит пуллар – банкнота, вексель, чеклар аста-секин олтинни аввал ички пул муомаласидан кейин эса халқаро валюта мунсоабатларидан сиқиб чиқарди;
- Олтин муомаласининг давлат томонидан тартибга солиниши – унинг демонетизациясини тезлаштиради;
- Субъектив омиллар сифатида АҚШнинг валюта сиёсатини кўрсатиш мумин.

АҚШ валюта сиёсатининг стратегияси долларнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида олтинни ҳажон валюта тизимининг асоси сифатида дискредитация қилишга йўналтирилган эди. биринчи жаҳон урушидан сўнг молия маркази Европадан американга кўчиб, АҚШ долларининг етакчилигини кучайтиради. Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ ўзининг йирик валюта-иқтисодий потенциалига таяниб, «доллар олтиндан яхшироқ» шиори остида доллар ҳукмронлиги учун курашни бошлаб юборди. Олтин демонетизациясини тезлаштириш йўли билан доллар етакчилигини мустаҳкамлашга йўналтирилган АҚШ тактикаси, аниқ вазиятга боғлиқ равишда ўзгарар эди. урушдан кейинги вайронгарчилик шароитида Ғарбий Европа ва Японияда олтиннинг аҳамияти ошди ва АҚШ ўзининг йирик олтин захираларидан таянч сифатида фойдаланди. Чет эл марказий банкларида долларнинг олтинга алмаштирилиши йўлга қўйилди, бу эса унинг курсини барқарорлашишига имкон берди. АҚШ таъсири остида долларнинг етакчи мавқеини сақлаб қолиш мақсадида 35 йил давомида расмий баҳолар масштабида ҳамда валюта паритети учун база сифатида хизмат қилган олтиннинг пасайтирилган расмий баҳоси ушлаб турилди. Давлат аралашуви таъсирида олтиннинг расмий ва ҳақиқий баҳоси ўртасида сезиларли фарқ ҳосил бўлди. ХВФ Низомида долларнинг олтин таркибини ва унинг захира валютаси сифатидаги мавқеини сақлаб қолиш мақсадида аъзо давлатларни олтин билан ҳукumat операцияларини фақат расмий баҳода амалга оширишга мажбур қилинди. Шу мақсадда, тарихда биринчи марта 1961-1968 йилларда олтин пули орқали олтиннинг бозор бавхосини давлатлараро тартибга солиш амалга оширилди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан АҚШ долларининг қадрсизланиши, олтиннинг реал захира активи сифатидаги мавқеи ўсишига имкон берди. Шундай бир шароитда ХВФ АҚШ таъсири остида АҚШ долларининг рақиби – олтин демонетизациясини тезлаштириш сиёсатини кучайтирди.

Олтин демонетизациясининг икки жиҳати фарқланади: юридик ва ҳақиқий. Ямайка валюта ислоҳати натижасида демонетизацияга юридик якун ясалди. ХВФнинг ўзгартирилган низомида валюта курси ва паритетини аниқлашда олтинга ихтиёрий таяниш истисно қилинган олтин паритети ва олтиннинг расмий баҳоси бекор қилинди. Олтиннинг расмий баҳоси бекор

қилиниши мунсабати билан марказий банкларга олтин захираларининг 31 август 1975 йил ҳолатига бўлган даражасини икки йил давомида ошириш тақиқлаб қўйилди. Бироқ, ХВФ низомида олтин халқаро захира активи сифатида тўғридан тўғри рад қилинмаган. Ҳақиқатда олтин демонетизацияси якунланмаган. Олтиннинг аҳамияти тўғрисидаги масала қонуний актлар ва қатъий қарорлар билан эмас, балки товар ишлаб чиқариш, жаҳон хўжалиги ва валюта мунсоабатларининг реал шароитлари билан ечилади.

Олтин демонетизацияси жараёнининг давомийлиги ва қарама-қаршилиги, унинг баҳолар даражасида хилма-хилликни вужудга келтиради. Айрим иқтисодчилар «демонетизация юз бераётгани йўқ ва олтин пулнинг классик функцияларини бажаришда давом этмоқда», деб ҳисоблашмоқда. Бошқалар эса «олтин бутунлай демонетизацияланган ва фақатгина қимматбаҳо хом ашё кўринишидаги товар бўлиб келмоқда» деб ҳисоблашади. Яна бошқалар «олтин демонетизацияси шиддатли давом этаяти, аммо тугалланмаган» деб ҳисоблашмоқда.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, валюта муҳитидаги олтиннинг аҳамиятидаги ўзгаришларни кўриб чиқамиз.

Биринчидан, кредит пуллар олтинни ички ва халқаро муомаладан сиқиб чиқарди. Олтиннинг тўғридан-тўғри товарларга айирбошланиши тўхтатилди, баҳоларни олтинда белгилаш бекуор қилинди. У товар ишлаб чиқарувчилар иқтисодий алоқаларида тўлов ва муомала воситаси сифатида тўғридан-тўғри хизмат қила олмади. Аммо олтин иқтисодий айланмасидаги ўзининг муҳим аҳамиятини: фавқулодда жаҳон пуллари, халқаро кредитлар таъминотини бойлик манбай сифатида сақлаб қолмқда. олтиннинг халқаро валюта мунсоабатларидаги иштироки кредит пуллар алмашган ҳолда, унинг ҳақиқий айирбошланиши амалга ошириладиган маҳсус бозорлар –олтин бозорларида йиғилган.

Иккинчидан, олтиннинг муомаладан чиқиши билан пулнинг хазина функцияси янги ҳолатлар билан тавсифланади. Хазиналар вақтинчалик пул муомаласини тартибга соловчи сифатида ишлатилмай қўйди. Чунки олтин кредит пуллар автоматик тарзда хазинадан муомалага ва аксинча ҳаракатлана олмайди. Лекин бу ўзгаришларга қарамасдан, олтиннинг бу функцияси сўниб қолмади: муҳим ўзгаришларга қарамасдан, олтиннинг ички ва жаҳон бозори билан алоқаси сақланиб қолди. Хазина давлат (1998 йил июл ҳолатига 33,8 минг т.) ва алоҳида шахслар марказий банклар давлатнинг молиявий органларида ва халқаро валюта кредит ташкилотларида жамланган расмий олтин захиралари халқаро активлар сифатида миллатлараро аҳамиятга эга.

Олтин демонетизациясини тезлаштириш сиёсатига қарамай, АҚШнинг олтин захиралари энг кўп миқдорда бўлиб расмий захиралар бўйича кейинги уч ўринда турувчи мамлакатлар захираларига teng. Олтин захираларининг ҳажми мамлакатнинг валюта-молиявий мавқеини кўрсатади ва унинг кредитга лаёқатлилигини аниқловчи асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб хизмат қиласади.

Етакчи давлатлар «ўнлиги» олтинни (жаҳон олтин захираларининг 85 фоизини) асосий сақлаб турувчилри бўлиб ҳисобланади. Олтин захиралари

нотекис тақсимланмаган. АҚШнинг расмий олтин захираларидаги ҳиссаси 1950 йилда 75 фоиз тушди, Ғарбий Европа мамлакатлари айниқса Ниининг ҳиссаси эса 16 фоиздан (4,8 минг т.) 52 фоизга (15 минг т.) ўсди. Япония жуда кам олтин захираларига эга бўлсада, 1948-1992 йиллар давомида 3 т.дан 754 т.га кўпайди ва шу даражада сақланиб келмоқда. Японияда 1974 йилда олтин импорти, 1978 йилда унинг экспорти қонунийлаштирилган, 1982 йилда эса олтин бозори ташкил этилган.

Ғарбий мамлакатларида давлатлар ва шахсий хазиналар ҳажми (60 минг т. дан ортиқ) ярим асрдан кўпроқ вақт давомида қазиб чиқарилган олtingа тенг. Бундай катта ҳажмда йиғилган бирорта ҳам товар йўқ, шунинг учун олтин захираларини низоларсиз айирбошлиш қийин. Шунинг билан бирга замонавий товар ишлаб чиқариш олтин ўрнига хазина функциясини бажарувчи ўринbosар топа олмади. Олтиннинг табиий хоссалари – бир хиллик, бўлинувчанлик, чидамлилик, узоқ сақланувчанлик – жаҳон пулларига қўйиладиган талабларга кўпроқ мос келади.

Ва ниҳоят, олтиннинг жаҳон пули сифатидаги функциясида ҳам ўзгаришлар юз берди:

- Олтин билан бўладиган халқаро ҳисоб-китобларни чеклаш жараёни унинг бу соҳада тўғридан-тўғри ишлатилиш зарурати йўқолишига олиб келди. Шуниси қизиқки, олтин андозаси шароитида халқаро ҳисоб-китобларда кредит воситалари кенг қўлланилган. Олтин фақатгина тўлов балансининг пассив қолдигини қоплаш учун хизмат қилган;
- Олтин жаҳон пули сифатида юзага чиқмоқда, шу билан бирга унинг уч белгисини сақлаб келмоқда – умумий сотиб олувчи бўлиб хизмат қилиш, тўлов воситаси бўлиб хизмат қилиш ва умумхалқ бойлигининг моддийлашуви. Олтин ҳозир ҳам жаҳон бозорларида умумий товар бўлиб ҳисобланади. Олтинга эга бўлиб, олтин бозорларида зарур валютани сотиб олса бўлади, унга эса исталган товарни сотиб олиш ёки уни тўлаш орқали қарзни узиш мумкин. Тангли кҳолатида фавқулодда жаҳон пули сифатида олтиннинг аҳамияти ошади. Валюта танглигининг юзага келиши «олтин жаззваси» шаклида барқарор бўлмаган валютадан олтинга «қочиш»га олиб келади. Ривожланаётган мамлакатлар бадалларини қайтариб олиш тартибида ХВФдан 46,5 тонна олтин олиб, ташки қарзларни қоплаш учун 20 т. олтинни сотиб юборишиди.

Олтиннинг юридик демонетизациясига қарамай, у халқаро валюта-кредит мунсаобатларида муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, олтин захираларининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда давлатлар иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қийинчиликлар учун олтин захираларини маълум бир даражада ушлаб туришга интилмоқдалар. 1970 – йиллар ўртасида кўпчилик мамлакатлар бозор даражасига мослаб даврий равища унинг баҳосини ошириб юборди. Фақатгина АҚШ энг кўп олтин захираларига эга бўла туриб, уни баҳолашда бекор қилинган баҳо қўллади.

Мараказий банклар 1973 йилдан олтин захираларини деярли ўзгармас ҳолда сақлаб келмоқда, уларнинг айримлари (Франция, Швейцария) давлат захираларини тўлдириш мақсадида кимошди савдоларида олтин харид қилдилар. Ўтган асрнинг 80-йилларида айрим ОПЕК мамлакатлари (Эрон, Ироқ, Ливия, Индонезия) ҳам жаҳон бозорларидан олтинни харид қилдилар.

Жаҳон олтин бозорларига олтинни энг қўп етказиб берувчи давлатлар қаторида Жанубий Африка Республикасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Расмий маълумотларга кўра, Жанубий Африка Республикаси ҳозирги кундаги ҳажмда яна 25 йил мобайнида олтин етказиб бериб туриши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси дунёдаги энг қўп олтин қазиб чиқарувчи 10 мамлакатлардан бири ҳисобланади. Республиkaning йиллик олтин қазиб чиқариш қуввати 75080 тоннани ташкил этади. Ҳолбуки, бу кўрсаткич Қозогистон Республикасида 35-40 тоннани, Арманистон Республикасида эса атиги 2,5-3,0 тоннани ташкил этади.

Япония, австрия, Италия каби мамлакатлар олтинни жаҳон бозорларидан сотиб олувлар бўлиб иштирок этадилар. Чунки олтин инфляцияга қарши самарали жамғариш воситаси ҳисобланади.

Иккинчидан, ўзларининг олтин захираларидан «своп» битимлари учун тўлов баланси тақчиллигини қоплаш мақсадида халқаро кредитлар таъминлаш ва ташқи қарзларни тўлаш учун ишлатадилар. Баъзи ҳолларда олтининг бир қисмини валюта захираларини тўлдириш учун сотилмоқда.

ЕВИига аъзо мамлакатларнинг 20 фоиз олтин захиралари ЭКЮ эмиссиясига қисман таъминот бўлиб хизмат қилган. Олтин евро эмиссиясини 1999 йилдан амалга ошираётган ЕМБининг активларида сақланиб қолган.

Учинчидан, демонетизация сиёсатига қарши олтиннинг марказий банклар, 1994 йилдан Европа валюта институти, 1998 йилдан ЕМБ ўртасида қисман ишлатилиши учун Европа валюта иттифоқи ташкил қилинган. Шу тарзда олтин замонавий шароитларда ҳам металл валютанинг маълум сифатларини, яъни фавқулодда жаҳон пуллари вазифасини сақлаб келмоқда.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар:**

- 1- Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
- 2- Ковалёва А. и др. Финансы и кредит. – М.: Финансы и статистика, 2006.
- 3- Мамедов О.Ю. и др. Современная экономика. – Ростов на Дону. 1998.
- 4- Сенчагов В.К. и др. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.
- 5- Соколова О.В. и др. Финансы, деньги, кредит. Учебник.- М.:Юристъ.2004
- 6- Поляк Г.Б. и др. Финансы. Денежное обращение. Кредит. – М.: ЮНИТИ, 2004.

- 7- “WWW. Finstat. Ru” – «Финансы и статистика» нашриёти сайти.
- 8- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.:1995
- 9- Абдуллаева Ш.З. Пул ва пул тизими.-Т.: 1997
- 10- Абшина Л.И.Кредиты и займы.-М.: Филин, 1997
- 11- Вахобов А. Халкаро молия муносабатлари: Дарслик –Т.:”Шарқ” 2005

## **14-МАВЗУ. СУҒУРТАЛАШ ВА СУҒУРТА ИШИ**

**Ажратилган соат – 2 соат**

**Асосий саволлар:**

- 1. Суғуртанинг вужудга келиши**
- 2. Суғуртанинг иқтисодий табиати**
- 3. Суғурта шакллари тушунчаси**

### **1- савол баёни: Суғуртанинг вужудга келиши**

Суғуртанинг келиб чиқиш тарихи узоқ даврни ўз ичига олади. Унинг дастлабки куртаклари қадимги Рим салтанатининг хукмронлик даврига тўғри келади. Дастребро роҳиблар томонидан ҳамкорлик жамиятларининг тузилганлиги ва бу жамият аъзолари диний маросимларни ўтказиш учун "Дафн кассаси"га ўзаро бадаллар (пай) тўлаш асосида пул тўплаганлар. Агар жамиятнинг бирорта аъзоси вафот этса, тўпланган пул унинг маросимига берилар эди. Вақт ўтиши билан бу тўпланган пул бокувчисиз қолган оила аъзоларига ҳам бериладиган бўлди. Шу даврларда ёк шахсий суғурта турлари шаклдан бошлаган эди.

Римда вужудга келган суғурта жамиятлари давр ўтиши билан Немис халқининг орасида шу ҳудуднинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда, бир хил бўлса ҳам шаклан ўзгарган ҳолда қабул қилинган. Германияда ташкил бўлган савдогарлар гилдияси (уюшма), кейинчалик суғурта ҳамдўстлик жамияти кўринишида шаклланди ва ривож топди. Суғурта муассасаларининг ўрта асрларда пайдо бўлганлиги ўз навбатида, шу даврларда юкларни денгиз орқали етказиб бериш кафолати билан боғлиқ эди. Савдо-сотиқнинг ривожланиб бориши, суғурта тизимининг турли мамлакатларда ривож топишига, жамиятнинг турли соҳаларида суғурта муносабатлари шаклланиши алоҳида аҳамият касб эта бошлаган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик берилича, дастлабки суғурта уюшмалари ХИИ - асрда Исландияда ташкил етилган. Бу уюшмалар орқали шу мамлакатда яшовчи халқлар ўз мол-мулкларини ёнфиндан, дехқонлар еса чорва молларини нобуд бўлишдан саклаш учун суғурталаш мақсадида бирлашганлар. ХИИИ асрда Европада денгизда ташиладиган юкларни суғурталаш ривожланиб, XV асрга келиб денгиз йўллари суғуртаси хусусий

аксиядорлик жамиятлари кўринишида ташкил етилган. Суѓурталаш ишида юкташувчи юкларни турқумлаш ва суѓурталанишини назорат қилишга Англия ва Германия мамлакатларида ҳам алоҳида еътибор берила бошланган. Суѓурта тўғрисидаги дастлабки қонунлар ўша даврларда Европа мамлакатларида қабул қилинган эди. 1446 йили Голштейин суѓурта жамиятлари Лондон ҳамда Парижда ташкил етилди. Бу жамият актив фаолиятлар юритгани боис жаҳонга машхур бўлди. Европа мамлакатлари бўлган Германия ва Швецарияда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида чорва молларини ва қишлоқ хўжалик екинларини суѓурталаш бўйича суѓурта жамиятлари ташкил етилди.

Айниқса ХВИИ асрга келиб суѓурта аксиядорлик компаниялари сони кўпайиб фаол иш юрита бошладилар. Жумладан Голландия-Ост-Индия компаниясига 1602-йили асос солинди, 1613 йилда Англия - Ост-Индия компанияси ташкил етилди. 1726-йили Копенгаген, 1734 йилда Стокголм, 1745-йили Берлин, 1720-йили Лондон хиссадорлик суѓурта жамиятлари барпо етилди. ХВИИИ асрга келиб Европа мамлакатларида суѓурта турларидан денгиз суѓуртаси, чорва молларини нобуд бўлишидан суѓурталаш, ёнғиндан суѓурталаш жамиятлари иш юрита бошлади. Европа мамлакатларида суѓурта жамиятларининг фаолиятидан унинг азолари фойда олаётганлигини кўрган бошқа фуқаролар ҳам миллий суѓурта жамиятларига аъзо бўла бошладилар. Кейинчалик Англия, Германия, Шотландия, Франсия каби мамлакатларда ҳам суѓурталаш ишлари яхши йўлга қўйилди. XX асрга келиб иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат томонидан аҳолини суѓурталаш тизими вужудга келтирилди. XX асрнинг бошларида Европада ишсизлик ўсиб бораётганлигини хисобга олиб, Англия ва бошқа мамлакатларда ишсизликдан суѓурталаш давлат йўли билан мажбуран ташкил етилди. Ривожланган мамлакатларда суѓурта тизими аста секин жамият ҳаётининг барча жабхаларига кириб борди, ендиликда ҳамма нарсани суѓурталаш мумкин бўлиб қолди.

Аҳоли ўртасида суѓурта ҳақидаги билимлар кенг миқёсда тарғибот қилинганлиги туфайли, ҳар бир фуқаро суѓурта компаниялари фаолиятидан хабардор бўлиб, суѓурта компанияларининг фойдалилик фаолиятидан баҳраманд бўлганликлари натижасида суѓурталанувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Суѓурта фаолияти байналминаллашиб бориб, халқлар орасидаги муносабатларнинг ривожланишига катта хисса қўшмоқда.

**Суѓурта атамаларининг мазмуни.** Суѓуртада мужассамлашадиган кўп қиррали муносабатлар мазмуни сўз ва атамалар (терминлар) орқали ифода қилинади. Атамалар ёрдами билан суѓурта муносабатларини уюштирувчиларнинг хуқуқ ва вазифалари белгиланади, кўп қиррали суѓурта фаолияти ташкил қилинади. Суѓурта фаолиятида иштирок этадиган атамалар ўрта хисобда 400 дан ортиқ бўлиб, уларнинг сони аста-секин ортиб бормоқда. Суѓурта атамаларини 4 гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Суѓуртанинг энг умумий- ташкилий қирралари ва шартларини ифодаловчи атамалар.
2. Суѓурта фондини шакллантириш билан боғлиқ бўлган атамалар.

3. Суғурта фондининг сарфланиши билан боғлиқ атамалар.
4. Халқаро суғурта атамалари.

1960-йилда Люксембург шаҳрида ўтказилган «хуқуқ конгрисида» суғурта атамасининг маъноси кенг муҳокама қилинган. Унда суғурта атамасининг илдизини «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» тамоилидан ажтариб, жамоа бўлиб суғурта фонди ташкил қилиш, заарлар ўрнини қоплаш алоҳида муҳтожларга ёрдам кўрсатишни кўзлаб кўрилган зарар ҳамма суғурталанувчилар ўртасида тақсимланиши зикр етилган. Суғурта фаолиятини ташкил етиш билан боғлиқ атамалар суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта обьекти, суғурта субъектлари, суғурта ҳимояси, суғурта манфаатдорлиги, суғурта жавобгарлиги, қайта суғурталаш, суғурта воситачилари, суғурта гувоҳномаси, суғурта қопламасини олувчи ва ҳ.к.

*Суғурта фондини шаклланиши жараёни билан боғлиқ атамаларга:* суғуртавий баҳолаш, суғурта таъминоти, суғурта суммаси, суғурта тарифи, суғурта муддати, суғурта ёши, суғурта боқимандаси, суғурта тўлови кабилар киради.

*Ўз навбатида суғурта фондини сарфлаш билан боғлиқ атамаларга* қуйидагиларни киритиш мумкин: суғурта хавф-хатари, суғурта ҳодисаси, суғурта далолатномаси, суғурта зарари, суғурта рентаси, суғурта қопламаси киради.

*Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, халқаро суғурта атамаларига* қуйидагиларни киритиш мумкин: суғурта бозори, суғурта портфели, суғурта бонуси, суғурта франшизаси, суғурта аудитори, суғурта брокери, карго суғуртаси, каско суғуртаси ва шамож киради. Суғурта атамаларини айримларини мазмунини ёритадиган бўлсак, масалан

**Суғурта жавобгарлиги** бу, суғуртачи ва суғурталанувчининг қонун ва шартномада кўзда тутилаган ва ўз зиммасига олган мажбуриятлари ва вазифалари бўйича жавобгарлиги ҳисобланади.

**Суғурта гувоҳномаси** (полис) ҳаёт ёки умумий суғуртанинг бирор тури бўйича суғурта амалга оширилганлигидан гувоҳлик берувчи ҳужжатдир. Суғурта полисида суғурталовчи ва суғурталанувчининг номи суғурта шартномасининг номери, суғурта ҳодисаларининг турлари, суғурта суммаси, суғурта мукофоти ва суғурта полисининг амал қилиш муддати кўрсатилади. Суғурта ёши эса, бунда ҳар бир шахсий суғурта обьекти бўйича суғурталанувчи шахсни суғурталаш чегараси белгилаб қўйилади. Масалан: суғурта чегараси 75 ёш.

**Суғурта ҳодисаси** суғурта хавф-хатарида кўзда тутилган фавқулотда тасодифлардан бирортасининг содир бўлиши суғурта ҳодисасидир.

**Суғурта рентаси,** қўшимча нафақани суғурталаш асосида суғурталанувчига ой ёки йил давомида тўланадиган мунтазам даромаддир.

**Суғурта қопламаси,** бу суғурта ҳодисаси юз берганлиги туфайли ўтказилган зарар миқдорини қоплаш учун ажратилган маблағ суғурта қопламаси ҳисобланади.

**Суғурта бозори** бир неча суғурта компаниялари ташабbusи билан ва уларни иштироки билан барпо етилади. Суғурта бозори шаҳар, мамлакат ва

бир неча давлатлар миқёсида ҳамда халқаро сұғурта бозори сифатида шаклланиши мүмкін.

**Сұғурта портфели**, бу вилоят, шаҳар, туман бўйича сұғурталанган обьектлар ва амалдаги шартномалар сұғурта портфелини ташкил этади.

**Сұғурта франшизаси**, бу турли-туман сабаблар билан йетказилиши мүмкін бўлган сұғуртанинг умумий миқдорини сұғурта ташкилоти ҳисобидан қопланмайдиган қисми сұғурта франшизаси дейилади.

**Карго сұғуртаси**, бу транспорт воситаларида ташиладиган барча юкларни транспорт воситаларисиз сұғурта қилиниши тушинилади.

**Каско сұғуртаси** фақат транспорт воситалари сұғурта қилингандигини билдиради. Транспортга жойлаштирилган юк ушбу сұғуртага кирмайди.

**Сұғурта бонуси**, бу орқали узоқ йиллар давомида фалокациз ишлаган сұғурталанувчиларга сұғурта бадали ҳисобидан бериладиган йтнгиликкадир.

**Сұғурта брокери**, бу халқаро термин бўлиб, сұғурта компанияси ва сұғурталанувчиларнинг ўзаро шартномани бажаришдаги муносабатларини ўрнатувчи воситачи брокер деб аталади.

**Сұғурта аудитори**, бу сұғурта акционерлик жамиятларининг молиявий хўжалик фаолияти устидан мустақил текширишга вакил қилинган маҳсус ташкилот ёки шахсни сұғурта аудитори дейиш мүмкін.

Сұғуртада айрим ҳолларда **шамож** атамаси ишлатилади. Бу ишлаб чиқариш турли ҳодисалар оқибатида тўхтаб қолиши, бунинг натижасида олиниши кутилган фойда миқдори камайиб кетади. **Шамож** қурилиши мүмкін бўлган бундай заарларни кўзда тутиб таҳминан сұғурталаш усулидир.

Сұғурта атамалари ҳозирги кунда сұғурта шартномаларини тузишда ва сұғурта ҳодисалари юз берганда уларни расмийлаштириш норматив ҳужжатлар ўрганиш жараёнида ва халқаро савдо-сотик муносабатларида жуда тез-тез тилга олинмоқда. Сұғурта атамаларини йиғиб, оммабоп шаклда луғатлар чоп етиш ва уни мактабларда лицей, коллежлар, академиялар, институтлар, университетларда талabalарни ўқитиши жараёнида уларни таништириш ва уларга ўргатиш, келажакда мустақил фаолият олиб бораётган ҳар бир маданиятли, зиёли мутахассисларга, тадбиркорларга ва жамият аъзоларига ҳар томонлама фойда келтириши мүмкін.

## **2- савол баёни: Сұғуртанинг иқтисодий табиати**

**Сұғурта** - бу юридик ёки жисмоний шахснинг табиий ёки ижтимоий ҳодисалар оқибатидаги кўрган заарини қоплаш демакдир. Кўрилган заарлар сұғуртанинг ихтиёрида бўлган сұғурта фонди ҳисобидан қопланади. Сұғуртанинг зарурлигини шунда кўриш мүмкінки, ҳосил бўладиган заарлар шундай сабаблар оқибатида юз берадики, бу сабабларга қарши курашишда инсон ожизлик қиласи, бундай ҳодисалар учун хеч кимдан заарни қоплашни талаб қилиб бўлмайди ёки инсоннинг йўл кўйган хатоси туфайли кўрилган заарни у тўлаб бериш имкониятига ега бўлмайди.

Бундай ҳолатларда фақатгина суғуртанинг ёрдамига таяъниш мумкин.

Суғурта ўз тарихи давомида мулкий суғуртанинг жуда кўплаб кўринишларини амалга ошириб келди. Кейинчалик мулкий суғурта билан биргалиқда шахсий суғурта деб номланувчи инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ суғурта турлари кириб келди. Суғурта билан тадбиркорлик фаолияти узвий боғланган. Чунки тадбиркорнинг фаолияти жуда кўплаб таваккалчиликлардан иборатдир. Бу таваккалчиликларга йўл қўйишида эса тадбиркор факат суғуртага таяъниши мумкин.

Суғурта иқтисодий категорияси қўйидаги белгиларга ега:

- - қайта тақсимлаш муносабатларининг мавжудлиги;
- - суғурта таваккалчилигининг мавжудлиги;
- -суғурта ижтимоий жамиятининг суғуртачилар ва суғурталанувчилардан ташкил топганлиги;
- - грух манфаатлари ва алоҳида манфаатларни кўзда тутилиши;
- - зарарнинг қайта тақсимланиши ва вақти;
- - суғурта тўловларининг қайтарилиши;
- - суғурта фаолияти ўз - ўзини қоплаш шаклида иш юритиши.

Бозор иқтисодиёти шароитида суғуртанинг роли янада ортди. Суғурта турли хил ҳодисалар туфайли кўрилган зараларнинг ўрнини қоплабгина қолмасдан, ишлаб чиқаришдаги узилишлар оқибатидаги йўқотишларни ҳам ўрнини қоплаб беради.

Олдинги адабиётларда суғуртани молиянинг иқтисодий категориясига қўшиб юборилар эди. Бу суғуртанинг фаолият майдонини йетарли даражада баҳоламасликка олиб келар эди.

Олдинги даврида бошқа тармоқлар сингари суғурта ҳам тўлиқ давлат монополиясида эди. Суғурта давлат бюджетини тўлдиришнинг бир воситаси сифатида кўпроқ фаолият юритар эди.

Ўзининг келиб чиқиши ва фаолияти билан суғурта молия ва кредитдан кўпгина жиҳатлари билан фарқ қиласди. Суғурта иқтисодий категориясининг моҳияти пул маблағларини тўплаш ва сарфлаш бўлса, молия иқтисодий категориясининг ҳам моҳияти шундан иборат.Faқатгина суғуртанинг маблағлари ўз аъзоларинингина тўловларидан ҳосил бўлади ва унинг аъзоларигагина сарфланади.

Шундай қилиб суғуртанинг молия ва кредит категорияларига ўхшаш томонлари кўп бўлиб, лекин шу билан бирга иқтисодий категория сифатида факат ўзига хос бўлган функцияларни ҳам бажаради.

Суғурта иқтисодий категориясининг функциялари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ❖ Махсус суғурта фондини ташкил қилиш.
- ❖ Заарларни қоплаш ва фуқароларнинг моддий таъминоти.
- ❖ Суғурта ҳодисаларининг олдини олиш ва зарарни минималлаштириш.

**Биринчи функция** - бу таваккалчиликлар учун тўлов мақсадидаги махсус суғурта фондини ташкил қилиш бўлиб бу фондни ташкил қилиш

жавобгарлигини сұғурта компаниялари олади. Бу фонд мажбурий ва ихтиёрий сұғурта турлары ҳисобидан ташкил етилади. Иқтисодий ва социал ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда давлат мамлакатдаги сұғурта ишининг ривожини тартибга солади. Бу фонд захира ва резерв қисмларидан иборат бўлади. Бу фонд ҳисобидан инвестиция мақсадларида ҳам фойдаланилади.

**Иккинчи функсия** - бу сұғурта заарларини қоплаш ва фуқароларнинг моддий таъминотини амалга ошириш. Заарларни қоплаш ҳуқуқига сұғурта фондини ташкил қилишда қатнашган жисмоний ва юридик шахслар ега бўлади. Кўрилган заарни қоплаш олдиндан тузилган сұғурта шартномаси асосида амалга оширилади.

**Учинчи функсия** - сұғурта ҳодисаси тўғрисида огоҳлантириш, сұғурта ҳодисаси юз беришини олдини олиш ва зарарни минималлаштириш. Бунда бир қанча тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади, баҳиз ҳодисалар, табиат ҳодисалари юз беришининг олдини олиш мақсадидаги молиявий тадбирлар амалга оширилади. Бу мақсадларни амалга ошириш учун сұғурта ташкилоти алоҳида пул фонdlарини ташкил қиласди. Сұғурта ташкилоти томонидан ушбу мақсадларда қилинган харажатлар сұғурта ҳодисалари сонини камайтиради ва натижада сұғурта қопламалари учун кетадиган пул маблағлари камаяди.

**Мулкий сұғуртанинг** иқтисодий тузилмаси шундайки, бунда ушбу сұғурта аъзоларининг мулкига йетган заарни қоплаш мақсадида алоҳида сұғурта фонди ташкил етилади. Бунда сұғурта обьекти сұғурталанувчининг мулки бўлиши ёки бу мулкка ундан фойдаланувчи егалик қилаётган бўлиши мумкин.

Мулкий сұғуртанинг ўзига хос томони шундаки, таваккалчиллик функсиясигина унга хос бўлади. Мулкий сұғурта шахсий сұғуртадан бутунлай фарқ қиласди. Мулк сұғуртасида дастлаб мулклар хўжалик субъектлари бўйича туркумланади. Бу туркумлаш мулкнинг иқтисодиётнинг қайси тармоғига даҳлдорлигига қараб амалга оширилади. Мол - мулк сұғурта қилинаётганда шартнома суммаси мулкнинг шартнома тузилаётган пайтдаги ҳақиқий қийматидан ошмаслиги лозим. Корхона мулки сұғурта қилинаётганда корхонанинг бинолари, қурилиш обьектлари, транспорт воситалари, инвентарлар, товар заҳиралари, ишлаб чиқариш воситалари сұғурта қилиниши мумкин. Ташкилотлар томонидан вақтинчалик олинган мулклар, сақланаётган, қайта ишланаётган, ташилаётган мулклар ҳам сұғурта қилиниши мумкин. Қишлоқ хўжалигига чорва моллари, паррандалар, йетиштирилаётган ҳосил ва бошқалар сұғурталаниши мумкин.

Фуқароларнинг мулкини сұғурталаш қуйидаги гурӯхларга кўра амалга оширилади:

- - қурулиш участкаси қурулиш материаллари билан бирга;
- - уй-рўзғор буюмлари;
- - чорва моллари;
- - транспорт воситалари;

**Қурилиш билан боғлиқ** бўлган мулклар уй-жойлар, дала ҳовлилар хўжалик қурилишлари, гаражлар ва бошқалар бир қанча ҳодисалар ёнғин,

турлича портлашлар, сув тошқини ва ҳоказолардан суғурта қилинади. Қурилиш ва бошқа мулкларни суғурта қилиш жараёни қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Мулкнинг зарар кўриши ҳодисаларнинг далилини белгилаш.
2. Кўрилган зарар сабабларини аниқлаш.
3. Зарар кўрган мулкларни объектларини аниқлаш.
4. Зарар суммаси ва суғурта коплаш суммасини ҳисоблаб чиқиши.

Мулкий суғуртанинг ҳозирги бозор шароитида янада ривожланиб бораётганлиги аҳолининг мулкка егалик қилаётганлигини ҳар бир фуқаронинг ўз мулкини турли ҳодисалардан кафолатлашга бўлган интилиши кучайиб бораётганлигидан далолат беради. Бозор иқтисодиёти мамлакат миқёсида ҳамма тармоқларда мулкдорлар доирасининг кенгайишига имкониятлар очиб беради ва мулкдорлар синфи шаклланиб мамлакатда суғуртага бўлган еҳтиёж ошиб боришига олиб келади.

**Шахсий суғуртанинг вужудга** келиши жуда қадимги даврга бориб тақалади. Айниқса қадимги Римликлар, жумладан легионерлар жамиятлар тузиб, ўзларини кассасига ега бўлганлар ва кўп ҳолларда легионерларни давлат суғурталаган ва суғурта жамиятларига легионерлар қисман суғурта бадалини тўлаб турганлар. Умуман Италияда суғурта жамиятлари аҳолининг камбағал табақаларига моддий ёрдам кўрсатган. Ундан ташқари шахсий суғуртанинг асосчиларидан бири италиялик шифокор Тотти бўлган. Тотти фуқароларнинг ёшига қараб суғурталаш усулини ишлаб чиқсан ва уни ҳаётга жорий етган шахсdir.

Шахсий суғурта жамият миқёсида ривожланиб боришига аҳолининг бу туридан манфаатдорлиги ошиб бориши туфайли юз бера бошлади. Шахсий суғурта таркибини такомиллаштириб боришни унинг буғинида кўриш мумкин, яъни риск (таваккал) лар ҳажмига кўра ҳаётни суғурталаш, меҳнатга лаёқацизлик, тиббий харажатлар суғурталасига бўлиш жоиздир.

Мавжуд манбаларга асосланиб шахсий суғуртанинг турларини қуидагича туркумлаш мумкин:

- А) Ҳаёт суғуртаси;
- Б) Бахциз ҳодисалардан суғурталаш.

*Агар шартномаларда кўрсатилган шахсларнинг сонига қараб суғурталасак:*

- А) Индивидуал суғурталаш;
- Б) Коллектив суғурталаш.

*Суғурта таъминоти даврига қараб суғурталайдиган бўлсак:*

- А) Қисқа муддатли;
- Б) Ўрта муддатли;
- В) Узоқ муддатли.

*Агар суғурта қоплаши суммасини шаклига қараб туркумласак:*

- А) Бирданига тўланадиган суғурта суммаси;
- Б) Рента шаклидаги суғурта суммасини тўлашга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

*Кўп ҳолларда сугурта мукофотларини тўлаш шаклига қараб кўрадиган бўлсак:*

- А) Бирданига мукофотнинг тўланиши билан сугурталаш;
- Б) Йиллик мукофот тўловини тўлаш.

Шахсий сугуртада ва мулкий сугуртада сугурталанувчини манфаатлари шартнома асосида ҳимоя қилинади ва уларни сугурта компанияси кўрадиган заарини қоплашни ўзининг вазифаси деб билади.

### **3- савол баёни: Суғурта шакллари тушунчаси**

Маълумки суғурта бу бахтсиз ҳодисалар, табиий оғатлар ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳолатлар натижасида етказилган заарни қоплаш, суғурта жамгармасини тузиш, ундан фойдаланиш вақтида келиб чиқадиган ташкилий, мулкий ва шахсий, номулкий муносабатларни тартибга солувчи ҳукуқий меъёрлар тизимидан иборат бўлган фуқаролик ҳукуқий институтдир. Суғурта кўп тармоқли ҳисобланган ташкилий жиҳатдан бир неча ўнлаб корхоналарнинг иштироки ва милионлаб суғурталанувчи юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, фақат давлат ҳиссадорлик суғуртаси йўли билан суғуртанинг 35 хили мавжуд бўлиб, уларнинг тарифлари мавжуддир.

Ўз навбатида суғурта ишини бошқариш бир-бирига ўхшаш хилларини гурухлаш, бирлаштириш тармоқларга ҳамда бўлимларга ажратишини ҳаётнинг ўзи тақозо қиласи. Демак суғурта тури ўзининг хусусиятига кўра қуйидаги йўналишларда гурухлаштирилиши мумкин:

- ❖ - Ҳудудлар бўйича (мамлакатнинг ички худуди ва ташқи суғурта муносабатлари ётиборга олинади);
- ❖ - Давлат суғурта ташкилотлари, қўшма ва хусусий суғурта ташкилотлари бўйича;
- ❖ - Тармоқлар бўйича;
- ❖ - Хавф-хатар хиллари бўйича;
- ❖ - Мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича.

#### *Агар суғурта ташкилотларини гурухлаштирилган бўлсак:*

- ❖ - фақат хорижий мамлакатлар инвесторлари ва ташқи иқтисодий муносабатларга хизмат қилувчи суғурта ташкилотлари (Узбекинвест, Интертранс);
- ❖ - қўшма суғурта ташкилотлари, бўларга Узбексуғурта-ХауденЛиху қўшма корхонасини келтириш мумкин;
- ❖ - Мамлакат доирасида юридик ва жисмоний шахсларга хизмат қилувчи хусусий ташкилотлар;
- ❖ - давлат аксиядорлик суғурта компаниялари бўйича.

#### *Агар тармоқлар бўйича суғурталашни амалга оширадиган бўлсак, у қуйидаги йўналишларда амалга оширилади;*

- ❖ - мулк суғуртаси;
- ❖ - шахсий суғурта;
- ❖ - жавобгарлик суғуртаси;

❖ - тадбиркорлик ва таваккалчилик хавф-хатари суғуртаси.

Суғурта амалиётида мулк суғуртасига жуда катта эътибор берилади. Агар қишлоқ хўжалиги мисолида кўрадиган бўлсак, қишлоқ хўжалик корхоналарининг мол-мулки суғурта қилинади, фермер хўжаликлари суғурта қилинади. Бозор иқтисодиёти шароитида қўшма корхоналар, тадбиркорлар мол-мулки ҳам кенг миқёсда суғурта қилинмоқда. Суғурта тизимида шахсий суғуртанинг ҳам ўз ўрни бўлиб, у икки тармоқдан:

1. Ҳаёт суғуртаси;
2. Бахсиз ҳодисалардан суғурталаш.

Агар ҳаёт суғуртасининг таркибини кўрадиган бўлсак, унинг таркибиға ҳаётни аралаш суғурталаш, болалар суғуртаси ва ҳ.к.

Ўз навбатида баҳтсиз ҳодисалар бўйича суғурталаш йўловчиларни, мактаб ўқувчиларини, ишчи ва хизматчиларни корхоналар ҳисобидан суғурта қилиш тушунилади.

Энди жавобгарлик суғуртасини кўрадиган бўлсак, бу суғурта турида транспорт воситаларидан фойдаланишда З-шахсга етказилган зарар қопланади. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ривожланиб боради.

Суғурта тизимида тадбиркорлик хавф-хатарларидан суғурталаш ривожланиб боради. Жамиятда тадбиркорларга ва уларнинг фаолиятига бевосита ва билвосита заарлар етказилиши мумкин. Масалан корхонага, савдо ташкилотига, янги техникадан фойдаланиш жараёнида замонавий технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ хавф-хатарлар туфайли юз берган камомадлар еътиборга олинниши зарурият бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида кўрсатилганки, мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун хужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузилиши шарт.

Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш ҳоллари (давлат мажбурий суғуртаси) назарда тутилиши мумкин.

**Мажбурий суғуртада** тўловлар муддати ўтиб кетган ҳолларда улар мажбурий равишда ундириб олинади ва бунда суғурта муносабати узилмайди.

Мажбурий суғурта қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етиши еҳтимоли назарда тутиб:

- ❖ - бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфи;
- ❖ - суғурта қилдирувчи бўлиш мажбурияти қонун билан унда кўрсатилган шахслар зиммасига юкланди;
- ❖ - қонунда мажбурий суғуртанинг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин;
- ❖ - қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки унда белгилангандар тартибда, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида

давлатга қарашли мол-мулкка ега бўлган юридик шахсларга бу мулкни суғурталаш мажбурияти юкланиши мумкин.

**Ихтиёрий суғуртада** эса суғурта ҳақи томонлар келишувига асосан белгиланади. Ихтиёрий суғуртада суғурта бадаллари тўлов муддати утиб кетиши суғурта муносабатларининг тўхташига сабаб бўлади (аниқ имтиёзлар туфайли суғурта муносабатлари белгиланган муддатгача давом етадиган ҳоллар бундан мустасно).

Ўз навбатида ихтиёрий суғурта шакли қуйидаги тамойиллар асосида кўрилади. Шуниси муҳимки ихтиёрий суғурта қонун асосида томонларнинг ўзаро келишувлари билан конкрет шартлар суғурталовчи томонидан ишлаб чиқиладиган қоидалар орқали тартибга солиб турилади. Ихтиёрий суғуртада суғурталанувчининг хоҳиши суғурта қоидаларига зид келмаса суғурталанувчини илтимоси билан суғурта шартномаси тузилади. Ихтиёрий суғуртада ҳамма фуқаролар ҳам иштирок етавермайди, чунки у суғурта муддати билан чегараланади. Бу ерда суғурта қопламаси суғурта ҳодисаси юз берган вақтдагина тўланади. Ихтиёрий суғуртада томонларнинг келишувига биноан суғурта тўловларининг микдори белгилаб олинади.

Ўз навбатида ихтиёрий суғурта мажбурий суғуртадан фарқ қиласди. Ихтиёрий суғуртада танлаб олиш мавжуд бўлади. Шартномада кўрсатилган муддат билан суғурта даври чегараланади. Суғурта таъминоти, мулк баҳоси суғурталанувчининг хоҳишига қараб олдиндан белгиланади.

Мажбурий суғурта Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан амалга оширилади. Ўзбекистонда мажбурий суғуртанинг «Ўзбекинвест» давлат аксиядорлик суғурта компанияси амалга ошириб келмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг суғурта тизимида суғурта компаниялари турли мулк шаклларида ташкил топган бўлиб, уларда давлат суғурта компаниялари, хусусий суғурта компаниялари ва ҳамкорликдаги суғурта компаниялари мавжуддир.

АҚШда суғурта компанияларининг жуда кўп қисми хусусий суғурта компанияси шаклида ташкил етилган бўлиб, бу мамлакатда суғурта бизнеси нихоятда ривожланган. Англияда суғурта компаниялари орасида енг йирик хусусий мулк асосида ташкил топган «Ллойд» суғурта корпорасияси дунёга машхурдир. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида давлатнинг ташабbusи билан мамлакатимизда қатор давлат аксиядорлик суғурта компаниялари ташкил етилди.

Булардан бири «Ўзагросуғурта» давлат аксиядорлик суғурта компанияси ташкил етилди ва у қишлоқ хўжалиги соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулк ва маҳсулотларини суғурталаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йетиштириш учун берилган аванс маблағларини қайтаришни суғурталаш ва бошқа суғурта турларини амалга ошироқда.

Давлатимизнинг ташабbusи билан Ўзбекистонлик тадбиркорларни экспорт ва импорт операсиялари бўйича фаолиятларини кафолатлаш учун «Ўзбекинвест» давлат аксиядорлик суғурта компанияси ташкил етилди ва бу компания Ўзбекистонлик экспорт қилувчиларни суғурталаш йўли билан ҳимоялаш, хорижий мамлакатлар инвесторлари билан алоқа қилувчи ўзбек

инвесторларининг фаолиятини қўллаб-кувватлаш, чет ел инвестицияларини суғурталаш билан шуғулланмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда суғурта компанияларини ташкил етиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27-ноябр 2002 йил 413-сонли «суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорида кўрсатиб утилганки:

- хаётни суғурта қилиш тармогида ихтисослашаётган суғурталовчилар учун - 250 минг АҚШ долларига teng миқдордаги суммада;
- умумий суғурта тармогига ихтисослашаётган суғурталовчилар учун - 150 минг АҚШ долларига teng миқдордаги суммада;
- қайта суғурта қилиш фаолиятига ихтисослашаётган суғурталовчилар учун (агар фаолият мавзуси фақат қайта суғурта қилиш бўлса)- 2 млн. АҚШ долларига teng суммада белгиланади;
- мажбурий суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғурталовчилар учун устав фондининг енг кам миқдори 500 минг АҚШ долларига teng миқдордаги суммада белгиланиб қўйилди.

Ҳозирги кунда республикамизда «Кафолат» суғурта компанияси фаолият кўрсатиб, у давлат аксиядорлик суғурта компанияси бўлиб, шаҳар худудида жойлашган юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматини кўрсатиб келмоқда.

Бундан ташқари республикамизда «Мадад» суғурта агентлиги ҳам ташкил етилган бўлиб, асосий вазифаси хусусий ва кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш, тадбиркорларга имтиёзли кредит бериш билан алоқадор операсияларни суғурталаб келмоқда.

Республикамизда Ўзбекистон ҳукумати билан АҚШ ҳукуматининг ўзаро келишувига биноан «УзАИГ» ҳамкорликдаги суғурта компанияси ташкил етилиб, ҳозирги кунда фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда миллий суғурта бозори ташкил етилган бўлиб, бу бозорда турли мулк шаклидаги суғурта компаниялари ўзаро рақобат асосида фаолият олиб бормоқдалар.

Миллий суғурта бозорида давлат суғурта монополизмига қарши ҳамма чора-тадбирларни қўллаш билан суғурта компанияларини моддий техника базасини ривожлантиришга алоҳида еътибор бериб келаётганлиги ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларда ўз аксини топганлиги билан дикқатга моликдир.

Айни пайтда миллий суғурта бозорида 2005 йилни 6 ойлик натижалари бўйича жами суғурта мукофотлари 21,8 млрд. сўмни ташкил етди. Жами низом капитали бўйича шу даврда 12,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, жами суғурта мажбуриятлари бўйича 18 трлн. сўмни, шу давр ичida жами суғурта қопламалари 1,19 млрд. сўмни ташкил қилди.

Суғурта компаниялари ичida «Узбекинвест» суғурта мукофотлари бўйича 3,023 млрд. сўмни, «Узагросуғурта» 4,552 млрд. сўмни, «УВТ ИНСУРАНС» суғурта компанияси 8,586 млрд сўмлик суғурта мукофотларига ега бўлди.

«УВТ ИНСУРАНС» суғурта компанияси Ўзбекистон миллий суғурта бозорида йетакчи компания бўлиб ушбу компания ҳисобига республикада йигиладиган жами суғурта мукофотларининг 39,4 фоизи тўғри келмоқда.

**Тавсия этиладиган адабиётлар:**

- 1- Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
- 2- Ковалёва А. и др. Финансы и кредит. – М.: Финансы и статистика, 2006.
- 3- Мамедов О.Ю. и др. Современная экономика. – Ростов на Дону. 1998.
- 4- Сенчагов В.К. и др. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.
- 5- Соколова О.В. и др. Финансы, деньги, кредит. Учебник.- М.:Юристъ.2004
- 6- Поляк Г.Б. и др. Финансы. Денежное обращение. Кредит. – М.: ЮНИТИ, 2004.
- 7- “WWW. Finstat. Ru” – «Финансы и статистика» нашриёти сайти.
- 8- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.:1995
- 9- Абдуллаев Ш.З. Пул ва пул тизими.-Т.: 1997
- 10- Абшина Л.И.Кредиты и займы.-М.: Филин,. 1997
- 11- Вахобов А Халкаро молия муносабатлари: Дарслик – Т.:”Шарқ” 2005

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Халқ сузи, 09.01.2002.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуни. 27.06. 2008.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш түғрисида”ги қонуни, 11.12. 2003.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 04.04. 2002.
8. «Микро фирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рафбатлантириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 20.06.2005
9. «Бозор ислощатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 14.06.2005.
10. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган щисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тошкент. 15.06.2005.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори. «Халқ сўзи» 16.04.2005.

12. «Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Машқамасининг қарори. 05.08.2002.

13. «Пул-кредит кўрсаткичларни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Машқамасининг қарори. 04.02.2003.

14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.

15. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи. 11.02.2006.

16. Каримов.И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т., Ўзбекистон. 2005 й.

17. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиатни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., Ўзбекистон., 2005.й.

18. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир. Тошкент оқшоми. 13.02.2007.

19. Алимов И.И. Молия. –Т.: ТДИУ. 2007

20. Деньги, кредит, банки / Под ред. Белоглазовой Г. Н. Пособие для сдачи экзамена. – М.: Юрайт-Издат, 2006. – 160 с.

21. Деньги, кредит, банки / Под ред. Г.Н. Белоглазовой: Учебник. – М.: Юрайт-Издат, 2006. – 620 с.

22. Галанов В.А. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 416 с. 2 экз.

23. Годин А. М., Максимова Н.С., Подпорина И.В. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 568 с.

24. Клинович В.П. Финансы, денежное обращение, кредит: Учебник. – 2-е изд., доп. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 256 с.

25. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник / Романовский В. М. и др.; под ред. Врублевский О.В. - М.: Юрайт-издат, 2006. - 543с.

26. Финансы, денежное обращение и кредит: учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. / В.К. Сенчагов, А.И. Архипов и др.; под ред. В.К. Сенчагова, А.И. Архипова. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 720 с. 2 экз.

27. Шуляк П.Н. Финансы предприятия: Учебник. – 6-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 712с.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Рашидов О.Ю., Тоймуҳамедов И.Р., Тожиев Р.Р., Карлибаева Р.Х. Пул муомаласи, кредит ва молия. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2005.

2. Нешитой А.С. Финансы и кредит: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. –

М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. - 572 с.

3. Финансы и кредит: учебник / М.Л. Дьяконова, Т.М. Ковалева, Т.Н. Кузьменко (и др.); под ред. проф. Т.М. Ковалевой. - 2-е издательство, перераб. и доп. - М.: КНОРУС, 2006. – 376 с.

4. Финансы и кредит: Учебное пособие. / под ред. проф. Ковалевой. А. М – М.: Финансы и статистика, 2006. - 512с.

5. Колпакова Г.М. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Учебник.пос. - 2-е издательство, перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2005. - 496 с.

#### **Интернет сайтлари**

1. [www.travel-library.com](http://www.travel-library.com) [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
2. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>
3. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm>
4. <http://www.bankofengland.co.uk/coreuproses.htm>
5. <http://www.boj.or.jp/en/siryo.htm>

